Юқоридаги ҳолатларни баҳолаш орқали минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш имкониятлари ва келажаги (стратегияси) аниқланади. Стратегия, ўз навбатида, концепцияга асосланади, унда ҳудуд ривожланиши бўйича умумий тасавурлар, ғоялар ўз аксини топади. Стратегия эса аниқ мақсадга йўналтирилган бўлиб, у турли сценарийларда ҳам белгиланиши мумкин. Танлаб олинган стратегик йўналишлар орқали минтақавий прогнозлаш ва дастурлаш амалга оширилади. Айнан шу тарзда умумий ҳолатлардан аниқликка томон ҳаракат қилинади. Дастурлашда тармоқлар ривожланиши билан ҳудудлар имкониятларининг ўзаро мувофиқлашуви, стратегик мақсаддан келиб чиқсан ҳолда, унга эришишнинг ички шарт – шароитлари баҳоланади. Бу эса минтақавий прогнозлаш ва дастурлашга асос бўлади. Демак, дастлабки босқичда илмий асосда тайёрланган стратегия лойиҳаси тегишли вилоят ҳокимиюти, қишлоқ туманлари раҳбарлари, мутахассислар ва кенг жамоатчилик иштироқида муҳокама қилинади. Бунда ҳудуднинг белгиланган ривожланиш йўналишлари икки тамонлама, яъни ҳам юқоридан (давлат манфаати нуқтаи назаридан), ҳам пастан (қишлоқ туманлари, маҳаллий шароит ва имкониятлар, эҳтиёжларни хисобга олиб) йўналишида “муқобил интеграциялашган” тарзида кўриб чиқилади ва таҳлил қилинади. Натижада, минтақа ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг мақбул йўналиши, параметр ва кўрсаткичлари объектив равишда аниқланади. Бундай мажмуали ва тизимли тамоили анъанавий мақсадга дастурли ёндашувга мос келади. Айни вақтда, уни ҳозирги бозор иқтисодиётiga хос кластер (ҳудудий кластер) мазмунида ҳам талқин қилиш мумкин, чунки кластерда барча ташкилот, корхона ва фирмалар минтақа рақобатбардошлигини ошириш учун ўзаро бирлашиб (жипслашиб) ҳаракат қилинади.

Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, ривожланаётган мамлакатларга тегишли бўлган Ф.Перрунинг иқтисодиётни қутбийлаштириш ғояси яхши натижалар бермоқда. Давлатнинг минтақавий сиёсати доирасида устувор ривожланишга эга бўлган ҳудудни (вилоятни) ҳам мамлакатнинг иқтисодий ландшафти доирасида ўзига хос ўсиш ёки ривожланиш қутби сифатида кўрса бўлади. Ўз навбатида, алоҳида минтақалар ёки минтақаларро ҳудудда қутбий ривожланиш механизмини қуидагича тавсифлаш мумкин (1-расм).



Расм 1. Минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳудудий ўзаклари

Расм муаллифлар томонидан тайёрланган.

Расмда акс эттирилганидек, минтақалар доирасида дастлаб ўсиш нуқтаси танлаб олинади. Бу таниқли немис олими А.Лёшнинг фикрига тўғри келади. Унингча, ишлаб чиқаришни жойлашуви билан шуғулланувчи ҳар қандай фаннинг асосий мақсади

жойлаштириладиган нұктани белгилашдан иборат бўлмоғи лозим. Ўсиш нұктаси эволюцион тарзда ўсиш марказига ўтади, марказ эса худудий мужассамлашувнинг юқорироқ даражаси бўлиб, унда бир эмас бир нечта корхона ва ташкилотлар жойлашади, худудий мажмуалар ҳосил бўлади. Ўсиш марказлари аста секин ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш жараёнида, худуд инфратузилма, инновация ва инвестиция ресурсларидан самарали фойдаланиб, ўсиш қутбига айланади ва иқтисодий ландшафтда яққол кўзга ташланади. Минтақада битта ёки ундан кўпроқ ўсиш қутби бўлиши ва, айни вақтда, бу даражадаги ўсиш қутби мамлакат геоиқтисодий маконида пастроқ даражада ўсиш маркази ёки нұктасига эга бўлиши мумкин.

Шу билан бирга, икки йирик ўсиш маркази орасида ўзига хос ривожланиш йўлаги (коридори) шаклланади. Ўсиш коридори минтақанинг лентасимон иқтисодий ривожланаётган “ўқи” саналади. Параллел ҳолатда амал қилаётган турли транспорт инфратузилмаси (темир йўл, автомобиль йўли, электр узатиш тармоқлари, қувур ва б.) ҳамда трассадаги турли йириклиқдаги шаҳарлар ҳар қандай минтақа иқтисодиётининг “қовурғаси”, таянч нұкта ва линиялари ҳисобланади.

Коридорлар, бизнингча, қўйидаги мезонларга жавоб беришлари керак:

- йўлнинг (коридорнинг) икки чеккасида - боши ва охирида йирик шаҳар, кўп функцияли марказнинг мавжудлиги;
- улар орасидаги йўл қисқа ва мумкин қадар тўғри чизиқ кўринишида бўлиши;
- бу оралиқда битта йўл эмас, бир неча турдаги йўллар, узатгичлар ўзаро туташиб, полимагистраллар ҳосил қилиши;
- йўлнинг икки томонида интенсив даражада ривожланган ягона хўжалик худудий мажмуасининг шаклланганлиги;
- бевосита йўлларда ва унинг таъсир зonasида турли йириклиқдаги аҳоли пунктларининг жойлашуви;
- йўлнинг ҳар икки томонидаги таъсир масофаси тахминан 25 км атрофида эканлиги;
- йўлга бевосита туташ қишлоқ туманлари аҳолисининг ўртacha зичлиги вилоят ўртачасидан паст бўлмаслиги;
- иккита асосий марказ ўртасида ўзига хос оралиқ, боғловчи шаҳарнинг бўлиши;
- йўлакдаги қатновлар интенсив кўринишда эканлиги ва ҳ.к.

Бундай, коридорлар вилоят даражасида ва минтақалараро кўринишида ҳам шаклланиши мумкин. Масалан, Фарғона – Кўқон, Урганч – Хива, Ангрен – Олмалиқ, Наманган – Чуст кабилар вилоят ёки минтақа даражасидаги коридорлар бўлса, Самарқанд – Бухоро минтақалараро кўринишдаги йўлак ҳисобланади.

Республика аҳамиятидаги коридорлар мамлакат иқтисодий ландшафтида турли йириклиқдаги шаҳарлар билан бирга аҳоли ва хўжалик жойлашувининг ўзига хос таянч тизими вазифасини бажаради. Бу эса Н.Н.Баранский, И.М. Маергойз, Г.М.Лаппо ва бошқа рус олимлари томонидан яратилган ва ривожлантирилган “шаҳарлар ва йўллар бирлиги” (“опорный каркас расселения”) ғоясининг амалдаги тадбиқидир.

Юқоридагилардан келиб чиқсан ҳолда, Ўзбекистоннинг айрим минтақалари, яъни вилоятлари мисол тариқасида таҳлил қилинади.

Қорақолпогистон Республикаси. Жаҳон мамлакатларида минтақалар ижтимоий-иктисодий ривожланиш даражасини баҳолаш тажрибаси нұктаи назаридан Қорақалпогистон Республикаси суст ривожланган ҳудуд ҳисобланади. Шу билан бирга, уни депрессив ва муаммоли районлар қаторига қўшиш ҳам мумкин. Минтақанинг ҳозирги депрессив вазияти уни қачонлардир ривожланганлиги ва бугунги шароитда шундай вазиятга тушиб қолганлигини англатса, муаммоли район эканлиги ўз муаммоларини ўзи ҳал қилаолмаслиги ва бу борада давлат томонидан унинг минтақавий сиёсати доирасида кўллаб-қувватланиши ва “хомий” (донор) минтақаларнинг кўмагини назарда тутади.

Қорақалпогистон ижтимоий иқтисодий кўрсаткичлари бўйича деярли барча

соҳаларда (фақат майдонини ҳисобга олмаганда) республикамиз минтақалари орасида энг охирги ўринларда туради. Унга республика ялпи ички маҳсулотининг 2,5 % тўғри келган ҳолда (бу борада фақат Сирдарё ва Жиззах вилоятларидан олдинда), мазкур кўрсаткич, аҳоли жон бошига ҳисобланганда, 0,441 ни ташкил этади ёки “географийлик коэффициенти” 4 марта га тенг. Худди шундай вазият саноат (11 марта), қишлоқ хўжалиги (3,2 марта), ҳалқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш (4,9 марта), пуллик хизмат (4,3 марта) кўрсатишда ҳам кузатилади. Расм маълумотларидан кўриш мумкинки, Қорақалпоғистон Республикаси таҳдил қилинаётган жами 12 кўрсаткичнинг фақат 2 тасида ижобий хусусиятга эга, холос. Унга қўшни Хоразм вилоятида эса вазият бирмунча яхшироқ. Айниқса, аҳоли жон бошига тўғри келувчи ялпи ички маҳсулот, экспорт, саноат, чакана савдо айланмаси ҳамда 1000 минг кишига мос келувчи кичик бизнес субъектлари бўйича қўшнисиги нисбатан олдинги ўринларни эгаллаган.

Асосий капитал ва янги қурилишга тўғри келган инвестицияни аҳоли жон бошига ҳисоблаганда Қорақалпоғистон биринчи ва иккинчи ўринларни эгаллади. Ялпи ички маҳсулот, чакана савдо айланмаси, минтақанинг бюджет даромадлари, бюджет даромади ва ҳаражатлари орасидаги фарқ бўйича эса минтақа энг охирги 14 ўринда туради.

Қорақалпоғистон Республикасининг имкониятлари ёки рақобатбардошлиқ афзалларни асосан қуидагилар:

+ табиий ресурс салоҳиятининг юқори эканлиги. Бунда дастлаб ер ресурсларининг катталиги, ундан самарали фойдаланиш, унинг “фойдалилик коэффициентини” ошириш, шунингдек, тоғ-кон кимё саноатининг йирик заҳиралари (асосан Кўнғирот ва Чимбой атрофидаги туз конлари), Султон Увайс тоғларининг турли хил қазилма бойликлари (рангли ва қора металлар, мармар, оҳактош, гипс, мергель, фосфорит, олтин, темир рудаси, мис ва ҳ.к.), Устюрт платоси ва Оролбўйининг нефть-газ заҳиралари; улкан Сургил газ-кимё мажмуасининг барпо этилиши;


+ иқтисодий географик ўрни, геосиёсий мавқеи, яъни республикамизни қўшни мамлакатлар, Европа давлатларига чиқиш жойида эканлиги, “улаб берувчи” вазифани бажариши қулай имкониятлар яратади.

Минтақа хўжалиги ривожланишига салбий таъсир кўрсатувчи, имкониятларини чекловчи омиллар қаторига қуидагиларни киритиш мумкин.

- Орол денгизи муаммоси, денгизнинг қуриб бориши туфайли у билан боғлиқ муаммолар, жумладан, ерларнинг мелиоратив ҳолатини бузилиши оқибатида уларнинг қишлоқ хўжалик оборотидан чиқиши;

- нозогеографик вазият кескинлиги;
- социал муаммолар, аҳоли бандлик кўрсаткичларининг пастлиги;
- ташқи миграциянинг юқорилиги;
- транспорт ва бошқа инфратузилма тармоқларининг суст ривожланганлиги;
- геологик жиҳатдан минтақанинг яхши ўрганилмаганлиги;
- чўл яйловларидан самарали фойдаланилаётганлиги;
- суформа дехқончиликни ривожлантиришда сув ресурсларининг чекланганлиги;
- марказий минтақалардан анча узоқда жойлашганлиги;
- кучли, яққол ажралиб турувчи иқтисодий марказнинг мавжуд эмаслиги ва ҳ.к.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан келиб чиқсан ҳолда, Қорақалпоғистон Республикаси маркази – Нукус шаҳри ва унинг агломерациясини уч томондан боғлаб турувчи Кўнғирот, Чимбой, Тўрткўл ёки Берунийни ўсиш марказлари сифатида ривожлантириш, Мискин-Нукус, Нукус-Чимбой темир йўли ва уларнинг таъсир зонасида ўзига хос “иқтисодий йўлакларни” барпо этиш талаб этилади. Айнан шу стратегик мақсадларни амалга оширишда энергия ишлаб чиқариш цикллари, кластер усулларидан



Расм 2. Қуий Амударё иқтисодий райони ҳудудларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари бўйича республикадаги ўрни (2014 й.)

Расм муаллифлар томонидан тайёрланган.

фойдаланиш, янги саноат тугун ва марказларини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади.

Сурхондарё вилояти. Минтақа қатор ўзининг бетакрор хусусиятларига эга. Жумладан, у республикамизнинг энг жанубида, энг тоғли, энг иссиқ худудида жойлашган; вилоят урбанизация ва саноатлашув даражаси энг паст, демографик ривожланиш, яъни аҳоли табиий кўпайиши энг юқори худудлардан биридир. Сурхондарё Ўзбекистоннинг энг жанубида, Амударёнинг ўнг қирғозида, Ҳисор тоғининг жанубий этакларида жойлашган. Ўзбекистон Республикаси доирасида у шимолда Қашқадарё вилояти билан, геосиёсий миқёсда эса ғарбда Туркманистон, шарқда Тоҷикистон ва жанубда Афғонистон давлатлари билан чегарадош. Мамлакатимизда фақат Тошкент ва Сурхондарё вилоятлари З тадан давлатлар билан туташ, бироқ бундай сиёсий географик ўрин, геосиёсий вазият Сурхондарё вилояти учун ўзгача хусусият касб этади. Ҳарорат республика бўйича энг юқори, вегетация даври узоқ, агроиклими шароитлар сўформа дехқончиликни тақозо этади. Бу ерда, мамлакатимизнинг бошқа худудларидан фарқ қилиб, субтропик хўжалик яхши ривожланган. Сурхондарё майдонининг ҳажми ва ер усти тузилиши бўйича республикамизда Жиззах вилоятига бироз ўхшаб кетади. Вилоят минерал - ресурс салоҳиятига ҳам эга - тошкўмир (Шарғун, Тўда, Бойсун), нефть (Хавотоғ, Кўкайди, Учқизил, Палмикор), полиметал рудалар (Хонжизза), турли хил тузлар (Хўжаикон) кабилар саноат аҳамиятига эга. Сурхондарё фармацевтика ресурсларига бой, бу ерда республика доривор ўсимликларининг 35-40 фоизи жойлашган. Шу ўринда минтақанинг рекреация ва туристик салоҳиятини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз (Омонхона, Учқизил, Хўжаикон ва б.). Вилоятнинг археологик топилмалари, тарихий ёдгорликлари, илк урбанизация қолдиқлари, карст ғорлари, булоқ ва чашмалари, ўзига хос табиий ландшафти, қадамжо ва зиёратгоҳлари халқаро ва маҳаллий, диний ва экотуризмнинг ривожланишига асос бўлиб хизмат қиласи. Бироқ, Сурхондарё вилоятининг ҳозирги иқтисодий ва сиёсий географик ўрни унинг ижтимоий иқтисодий ривожланиши учун унча кулай эмас. Шунингдек, Сурхондарё вилоятида нозогеографик ва нозозэкологик вазиятида ҳам муаммолар мавжуд. Трансчегараий ҳаво ва сув манбаларининг таъсири, маҳаллий “Афғон” шамоли, тоза ичимлик сувининг баъзи жойларда танқислиги турли хил касалликлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Тошкент вилояти республикамизда ўзининг иқтисодий, интелектуал ва демографик салоҳиятига кўра алоҳида ажralиб туради. Тошкент вилояти ўзига хос табиий, иқтисодий ва сиёсий географик ўринга эга. У З та хорижий мамлакат билан чегарадош: шимолда Қозоғистон, шарқда Қирғизистон, жануби-шарқда Тоҷикистон республикалари билан туташган. Республика доирасида эса минтақа Наманган ва Сирдарё вилоятлари билан кўшничилик қиласи. Пойтаҳт вилоятининг сиёсий географик ўрни қайси бир маънода Сурхондарёга ўхшаб кетади.

Вилоятнинг бундай мураккаб ер усти тузилиши, орографик хусусияти, ўз навбатида, унинг минерал-хом ашё ва агроиклими шароитларини ҳам белгилаб беради. Бу ерда турли хил фойдали қазилма бойликлар бор. Улар жумласига, энг аввало кўммир, рангли ва нодир металллар (мис, олтин, кўрғошин ва б.), курилиш материаллари хом ашёлари киради. Ангрен қўнғир кўммир ҳавзаси республикамизнинг асосий ёқилғи базаси хисобланади. Шунингдек, Қалмоққир мис кони, Кўчбулоқ, Оқтурпок, Қизилолма олтин конлари, Саричек, Дальная полиметал конларнинг саноат аҳамияти ҳам катта. Мавжуд минерал ресурс салоҳияти минтақа иқтисодий ривожланишининг энг муҳим омиллари сифатида хизмат қиласи. Бу борада Тошкент вилояти Навоий, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари қаторида туради.

Вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига транспорт ва умуман иқтисодий географик ўрни ҳам анча яхши шароит яратади. Хусусан, унинг транспорт ва ижтимоий инфратузилмаси билан таъминланганлиги, юқори малакали меҳнат ресурсларининг мавжудлиги, минтақа худудида республика бош шаҳри – Тошкентнинг ўрнашганлиги ҳам унинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Минтақада саноатнинг келажакда ривожланиши, энг аввало, ишлаб чиқаришни

модернизация қилиш, тармоқлар ва худудий таркибини диверсификациялаш, мавжуд минерал хом ашё ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш ҳамда экологик муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ.

Тошкент вилоятининг ижтимоий-иктисодий муаммолари, шунингдек, мавжуд минерал хом ашё, агро ва меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш, йирик саноат марказларида янги технологияларни жорий қилиш, илмталаб корхоналарни кўпайтириш, модернизация ва диверсификация жараёнларини амалга ошириш, ишлаб чиқаришнинг худудий ташкил этилишини такомиллаш-тириш каби масалалар долзарб ҳисобланади. Шу билан бирга агросаноат мажмуасини, рекреация ва туризмнинг ривожланиши, геоэкологик ва нозогеографик вазиятни яхшилаш, транспорт ва ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш ҳам катта амалий аҳамият касб этади.

Пойтахт вилоятида (иктисодий районида) Тошкент – Янгийўл, Тошкент – Чирчик, Тошкент – Олмалиқ, Тошкент – Тўйтепа каби йўлаклар ривожланиб боради ва унинг геоиктисодий тизимининг ўзагини шакллантиради.

Худди шу тарзда Ўзбекистон минтақалари – вилоятларининг имкониятлари, рақобатдошлиқ афзалликлари ва муаммоларини аниқлаш мумкин. Уларни ўзаро баҳолаш қайси омиллар ёки ҳолатлар устуворлигини белгилаб беради. Бу эса минтақалар ижтимоий-иктисодий ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқишида муҳим асос бўлиб хизмат қиласи.

ТАБИИЙ ГЕОГРАФИЯ, ГЕОЭКОЛОГИЯ ВА ТАБИАТДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Назаров И.Қ., Обидов У., Ҳалимова Г.С.*
ГЕОГРАФИЯ ФАНИНИНГ МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ**

Аннотация: Мақолада муаллифларнинг география фанининг методологик асослари ҳақидағи фикрлари қайд қилинган. Географик тадқиқотлардаги бирёзламалик (комплекссизлик) танқид қилинади ва умумгеографик синтезга эришишга даъват қилинади.

Калим сўзлар: глобаллашув, гносеология, методология, диалектика, усул, коэволюция, умумгеографик синтез.

Методологические основы географической науки

Аннотация: В статье излагается мысли авторов о методологической основе географической науки. Критикуется односторонность (некомплексность) географических исследований и призываются к достижению общегеографического синтеза.

Ключевые слова: глобализация, гносеология, методология, диалектический метод, коэволюция, общегеографический синтез.

Methodological principles of geographical science

Summary: It is expounded the different thoughts of authors about methodological principles of geographical science. It is criticized unilateralist of geographical researches and appealed to achieve geographical synthesis.

Keywords: globalization, gnosiology, methodology, dialectical method, coevolution, geographical synthesis.

Шиддат билан давом этаётган глобаллашув даврида мустақиллик туфайли ватанимиз янгича тарихий ривожланиш босқичини бошидан кечирмоқда. Тараққиётнинг ўзбек модели амалда ўзини оқлаб, мамлакатимиз тез ривожланаётган давлатлар қаторидан мустаҳкам ўрин эгаллаб бормоқда.

Албатта мазкур ютуқларни фан ва техниканинг ривожисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Зеро, фан – тараққиёт пойдеворидир. Шу боисдан ҳам ижтимоий ҳаёт фан ва унинг харакатлантирувчи кучи бўлган изланувчилар, олимлар олдида янги вазифаларни кўндаланг қилиб қўймоқда. Фан ва техника эса узлуксиз ривожланиб қудратли ишлаб чиқариш кучларига айланиб бормоқда. Хўш! Шундай масъулиятли даврда кучли маърифий, фалсафа фанидек синтез қудратига эга бўлган география фанининг бошқа фанлар ва жамият олдидаги ижтимоий нуфузининг тобора пасайиб бораётганлиги кечириб бўлмайдиган воқелиқдир.

Бундай инқирознинг сабаблари кўп. Лекин асосий сабаблардан бири айниқса география фанининг ўзаги ҳисобланган табиий ва иқтисодий география соҳасида олиб борилаётган илмий изланишлар самарадорлигини кундалик амалиёт талаблари даражасида эмаслигидир (Саушкин, 1980; Солиев, 2006; Назаров, 2006; Нигматов, 2010 ва бошқ.).

Республикамиздаги қатор географ олимлар ушбу муаммони ҳал қилишнинг стратегик йўлларидан бири, фанининг назарий асосларини мустаҳкамлаш зарур деб ҳисоблайдилар (Солиев, 2006; Солиев, Назаров, 2007; Нигматов, 2010; Назаров, Ҳалимова, 2014 ва бошқ.). Тўғри ҳаётда ўз исботини топган назария, тамойиллар амалиёт билан боғланиш қалитидир. Лекин қатъий ишонч билан қайд қилиш жоизки, фалсафий тафаккур билан мушоҳада қиласиган бўлсак, география ва унга “ёндош” фанларда шундай қонун, назария ва тамойиллар кашф қилинган ва яратилганки, уларга тўлиқ амал қилинганда хоҳлаган мавзудаги географик тадқиқотлар натижасини кундалик амалиёт талаблари

* Назаров И.Қ. – Бухоро давлат университети доценти;
Обидов У. – Фарғона давлат университети доценти;
Ҳалимова Г.С. – Бухоро давлат университети ўқитувчisi.

даражасида бажариш имкониятлари мавжуд. Очиини айтганда география фанининг мажмуали (комплекс) фан эканлиги, интеграцион, яъни синтез құдратининг күчлилиги ҳақида күп гапирамиз, ёзамиз, лекин унинг мазкур нодир фалсафий моҳиятига амал қилмаймиз (Бундай танбәхнинг ҳақлигини мақоланинг охирида тушуниб олиш қийин эмас).

Ушбу мақолада география фанининг методологик асослари, яъни географик тадқиқотлар назарияси ҳақида фикр юритилади. Маълумки, фанларнинг “отаси” бўлган фалсафа фани борлиқни (табиий, инсоний, ижтимоий, маънавий) ўзининг таркибий қисми бўлган гносеология, яъни билиш назарияси орқали ўрганади. Гносеология (юонча gnosis – билиш, илм; logos – таълимот, назария) билиш босқичлари, имкониятлари, усуллари, қонуниятларини ўрганади. Узок давом этган фалсафий тадқиқотлар боис ҳамма фанлар учун методологик аҳамиятга эга бўлган диалектик қонун, категория ва тамойиллар яратилган. Шундай ютуқлар бошқа фанларда ҳам қўлга киритилган. Методология эса, гносеологик изланишларнинг узвий давоми натижаси бўлиб, алоҳида фанларда олиб бориладиган илмий изланишларнинг назарий асосларини ташкил қиласидан қонун, таълимот, категория, тамойиллар мажмуасидан иборатdir.

Методология атамаси юонча methods – йўл, усул; logos – таълимот, назария маъносини билдиради. Лекин бу атаманинг ҳозирги талқини ҳатто нуфузли фалсафий адабиётларда ҳам қониқарли, аниқ, равshan ифода этилмаган (Фалсафа. Қомусий луғат, 2004).

Методология бу ҳар бир фаннинг назарий асослари бўлиб, изланувчига тўғри йўл кўрсатадиган ва қайси тадқиқот усулларидан фойдаланиш зарурлигини белгилаб берадиган илмий назарий пойдевордир. Бу эса ўз навбатида турли фанлар томонидан кашф қилинган, асосланган ҳамда ижтимоий талаблар асосида яратилган қонун, назария, категория, тамойил ва дастурий ҳужжатлар мажмуидан иборат. Бу ўринда қайд қилиш жоизки, ҳар бир фаннинг ўрганиш обьекти, тадқиқот усуллари, кашф қилган қонун, яратилган назария ва тамойиллари мавжуд. Методология бу изланувчи олдида турган мақсад, ғояни илмий ечишнинг фанлараро моҳиятга эга бўлган назарий асосларидир.

Юқорида қайд қилинган ғояларга таянган ҳолда география фанининг бир-бири билан узвий боғланган бешта методологик асослари борлигини қайд қиласиз (чизма).

1) **Табиат, шу жумладан табиий географик қонунлар, таълимот ва тамойиллар географик тадқиқотлар учун методологик асосdir.** Мазкур қонунлар харакат ва таъсир кўламига кўра энг умумий, умумий ва маҳаллий мақомларга эга бўлиб, географик билиш жараёнида муҳим ўрин тутади. Масалан, литосфера, И.В.Вернадскийнинг биосфера, ноосфера, Ч.Дарвиннинг эволюцион, А.Эйнштейннинг нисбийлик, айниқса австриялик биолог олим Л.Берталанфининг **тизимларнинг умумий назарияси** кабилар билан географик тадқиқотлар бевосита боғлиқdir. Табиий географик қонунларга таянмасдан туриб географик изланишларни самарали якунлаб бўлмайди. Географик қобиқнинг бирбутунлиги, даврийлик, ҳудудий табақаланиш (И.В.Шубаев, 1983 бўйича тектоник), зоналлик, азоналлик (бўйлама), секторлик, тўсиқлилик (бизнингча рўпаралилик, рўпарасизлик) кабилар шулар жумласидандир. Бу қонунлар табиий куч, хукмга эга бўлиб, муайян натижаларни туғдиради ва жараёнлар шиддати ҳамда ривожланиш йўналишларини белгилаб туради. Ҳатто ишлаб чиқарилган ва чиқинди маҳсулотларининг кейинги тақдирни айни жойнинг табиий шароити билан боғлиқ бўлади. Бундан ташқари географик тадқиқотлар учун ландшафт, геосистема, геоэкология каби назарияларнинг методологик аҳамияти эътиборга лойикdir (Назаров ва бошқ., 2015).

2) **Жамиятнинг ривожланиши ва уни самарали ташкил қилиш учун тегишли қонун ва назарияларнинг методологик аҳамияти эътиборга лойик.** Улар одатда табиат қонунларига нисбатан тезкорлиги ва тақрорланмаслиги билан фарқланади. Бундан ташқари жамият қонунлари амалга оширилгандагина құдратли кучга айланади. Улар табиат қонунларидек ўз-ўзидан намоён бўлмайди. Жамият ниҳоятда мураккаб ижтимоий организм. Унинг қонунлари сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, экологик, маънавий моҳиятга

эга. Жамиятни оқилона ташкил қилиш бўйича сон-саноқсиз назариялар яратилган бўлиб, улар такомиллаштирилиб амалиётга қўлланиб келинмоқда. Тезкор глобаллашув даврида дунёнинг сиёсий-ижтимоий манзараси ўзгариб, янги-янги муаммолар пайдо бўлмоқда. Уларнинг шиддати ва йўналиши қай даражада бўлмасин, жамиятни ҳудудларда оқилона ташкил қилиш масаласи ўз долзарблигини йўқотмайди. Бу борада қатор иқтисодий географик мазмундаги методологик аҳамиятга эга бўлган назария ва тамойиллар яратилган. Ҳудудий меҳнат тақсимоти, ҳудудий ижтимоий-иқтисодий мажмуалар, иқтисодий географик ўрин каби бир-бири билан узвий боғлиқ бўлган тамойил ва назариялар географик тадқиқотлар самарадорлигини оширишнинг назарий пойдеворидир.



Расм 1. География фанининг методологик асослари

3) Ўзбекистон ҳукумати томонидан қабул қилинган Халқаро дастурӣ хужжатлар географик тадқиқотлар учун методологик асослардан биридир. Маълумки табиат ва жамият ўртасидаги муносабатлар, файласуфлар тили билан айтганда, коэволюцияси, яъни уларнинг ўзаро ҳамкорликда, зиддиятларсиз ривожланиши бузилиб қатор глобал экологик, ижтимоий-иқтисодий муаммолар юзага келди (Реймерс, 1990; Иб. Каримов, 2007). Натижада ушбу муаммолар кескинлигини пасайтириш ва бартараф қилиш мақсадида БМТ томонидан қатор Халқаро дастурлар қабул қилинган. Ушбу дастурлар дунё мамлакатлари, жумладан Ўзбекистон ҳукумати томонидан тан олинган ва шунга мувофиқ миллий дастурлар ишлаб чиқилган. Чўлланишга қарши кураш, Глобал иқлим ўзгариши, Биохилма-хилликни сақлаш, Рамсар конвенцияси, БМТнинг Минг йиллик ривожланиш дастури кабилар шулар жумласидандир. Мазкур Халқаро хужжатлар

методологик дастур сифатида географик тадқиқотларда ўз ифодасини топмоғи зарур (Назаров, Ҳалимова, 2015).

4) Давлат томонидан қабул қилинган ижтимоий қонун, қарор ва дастурий хужжатлар географик тадқиқотлар учун методологик асослардан биридир. Ўзбекистон Республикасининг бош қомуси ҳисобланган Конституция ва шу асосда қабул қилинган қонунларда мамлакатимиз табиий ресурсларини асраб-авайлаш ва улардан оқилона фойдаланиш устивор вазифа сифатида белгилаб қўйилган. Ҳар йилнинг бошида ҳукуматимиз томонидан белгилаб бериладиган иқтисодиётни ривожлантаришнинг устивор йўналишлари географик тадқиқотлар учун методологик асос ва дастурий вазифалардир (Солиев, 2003, 22 бет; Назаров ва бошқ. 2015,).

Юқорида қайд қилинганидек география фанининг методологик ёки назарий асослари йиллар ўтган сари такомиллашиб, янгича мазмун-моҳиятга эга бўлиб бораверади. Шундан кўриниб турибдики, таниқли географлар таъкидлаганидек, географ мутахассиснинг тафаккур кўлами қанчалик кенг ва мукаммал бўлиши зарур. Географ тадқиқотчи юқорида қайд қилинган методологик асосларнинг барчасидан баббаробар тарзда фойдаланиши шарт эмас. У ўзининг илмий ихтисоси, ғояси, мақсадини ҳисобга олган ҳолда қайси методологик асослар ва қайси методлардан фойдаланиш зарур эканлигини англаб олган ҳолда иш тутиши зарур. Бу эса тадқиқотчининг иқтидори, географик тафаккурининг теранлиги ва маҳоратига боғликдир. Қайд қилиш жоизки барча географ тадқиқотчилар учун стратегик йўл, ихтисослигидан қатъий назар **умумгеографик синтез** тамойили асосида иш тутишдири. Умумгеографик синтезиз география фани йўқ. Анализсиз эса синтез ҳам йўқ. География фанининг фалсафий моҳияти умумгеографик синтезни тақозо қиласди. Акс ҳолда географик тадқиқотлар ҳозирги даврдагидек чорак, ярим синтез асосида бажарилади ва ўзининг географик моҳиятидан узоқлашади, қиёмига етмайди ва ниҳоят кундалик амалиёт талабларига жавоб беролмайди. Умумтаълим, ўрта маҳсус ва олий географик таълим тизимларини ҳам умумгеографик синтез асосида такомиллаштириш давр талабидир (Назаров, Ҳалимова, 2014; Ниғматов, 2014; Солиев, 2015).

Устозларимиздан А.С.Солиев 2006 йил Бухорода “География фанининг назарий-амалий муаммолари”га бағишлиланган республика миқёсида ўтказилган конференцияда “Табиий географияга таяниб, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий тараққиётни қўзлаш лозим. Ана шундай ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликдагина географиянинг қудрати, салоҳияти ва нуфузи юксалади. Зоро, куч алоҳидаликда эмас, бирликдадир!”, деган шиорни ўртага ташлаган эдилар (Солиев, 2006). Бу чақириққа ўн йил бўлди. Афсуски ҳанузгача ҳеч қандай ҳамкорликдан дарак йўқ. Аксинча, Ўзбекистон республикаси президенти И.Каримовнинг “Олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги фармонларидан (2012, 24 июль) кейин ҳам докторлик диссертациялари ҳимояси бўйича табиий география, иқтисодий ва ижтимоий география, атроф мухитни мухофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш каби эскича ихтисосликларга ажратилиб қўйилиши, география фанининг фалсафий моҳиятини, яъни комплекслилик, синтезлилик хусусиятига амал қиласликтан бошқа нарса эмас.

Албатта, география фанининг бўлғуси тақдири, аниқроғи назариясига бағишлиланган ушбу мақола камчилик ва назарий номукамалликлардан холи эмас. Муаллифлар ушбу мавзудаги изланишларни келгусида ҳам давом эттириш ниятидалар.

Адабиётлар:

1. Каримов И. Ноосфера: геосиёсат ва мағкура. – Тошкент: “Фан” нашриёти, 2007. - 208 бет.
2. Назаров И.Қ. География фанининг синтез қудрати ва ҳозирги ижтимоий нуфузи // “География фанининг назарий-амалий муаммолари”. Республика илмий-назарий-амалий конференцияси материаллари. - Бухоро, 2006. - 27-30 бетлар.

3. Назаров И.Қ., Обидов У., Ҳалимова Г.С. Ландшафт, геосистема, геоэкология назариялари ва амалиёт // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. - 46-жилд. - Тошкент, 2015. - 14-16 бетлар.
4. Назаров И.Қ., Ҳалимова Г.С. Глобаллашув даврида география фани // Ўзбекистон География жамияти IX съезди материаллари. - Тошкент, 12-13 декабрь 2014. - 330-333 бетлар.
5. Назаров И.Қ., Ҳалимова Г.С. Табий худудий хилма-хиллик-биологик ва ижтимоий-маданий хилма-хилликнинг асосидир // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. - 45-жилд. - Тошкент, 2015. - 34-37 бетлар.
6. Нифматов А.Н. Мактабда географик таълимни ислоҳ қилиш зарурати // Ўзбекистон География жамияти IX съезди материаллари. - Тошкент, 12-13 декабрь 2014. - 20-33 бетлар.
7. Нифматов А.Н. Табий географик фанларнинг назарий муаммолари. - Тошкент: "Fan va texnologiya", 2010. - 202 б.
8. Прокав И.В. Физико-географические районирование. - Москва: "Просвещение", 1983. - 176 стр.
9. Реймерс Н.Ф. Природопользование. - Москва: Изд-во «Мысль», 1990. - 637 стр.
10. Саушкин Ю.Г. Географическая наука в прошлом, настоящем, будущем. - Москва: "Просвещение", 1980. - 269 стр.
11. Солиев А. География менинг тақдиримда (ёхуд мен билиб билолмаган география) // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. - 41-жилд. - Тошкент, 2013. - 9-13 бетлар.
12. Солиев А. Назаров М. Фаннинг назариясига оид баъзи бир мулоҳазалар // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. - 29-жилд. - Тошкент, 2007. - 3-6 бетлар.
13. Солиев А.С. География билганга ҳамма нарса... // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. - 46-жилд. - Тошкент, 2015. - 3-7 бетлар.
14. Солиев А.С. Иқтисодий географик тадқиқотларда табий географик омиллар ёхуд географик синтез ҳақида // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. - 45-жилд. - Тошкент, 2015. - 3-7 бетлар.
15. Солиев А.С. Илмий тадқиқот асослари. - Тошкент, 2003. - 52 бет.
16. Солиев А.С. Умумгеографик қонуниятлар ҳақида // География фанининг назарий-амалий муаммолари. Республика илмий-назарий-амалий конференцияси материаллари. 23-24 май 2006 йил. - Бухоро, 2006. - 6-11 бетлар.
17. Фалсафа асослари. - Тошкент: "Ўзбекистон" НМИ, 2005. - 384 бет.
18. Фалсафа қомусий луғат. - Тошкент: "Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти". 2004. - 496 бет.

Абдулқосимов А.А., Аббосов С.Б., Давронов К.Қ.*
ҚИЗИЛҚУМНИНГ ПАСТ ТОҒ АРИД ЛАНДШАФТЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШИ

Аннотация: Қизилқумнинг арид иқлими ва арид ландшафтларининг моҳияти ва мазмунига изоҳ берилади. Арид ландшафтларнинг шаклланиши ва барқарор ривожланишида арид иқлимининг роли эътироф этилади. Паст тоғларда арид ландшафтларнинг вертикал зоналлиги тўғрисида маълумотлар берилади.

Калим сўзлар: арид иқлим, арид ландшафт, вертикал зоналлик, арид тоғлар, барқарор ривожланиш, намланиш коэффициенти, иқлим ўзгариши.

* Абдулқосимов Али – Самарқанд давлат университети, Гидрометеорология кафедраси профессори;
 Аббосов Субхон Бурхонович – Самарқанд давлат университети, Гидрометеорология кафедраси профессори;
 Давронов Камолиддин Қулпиддинович – Самарқанд давлат университети, География кафедраси катта ўқитувчisi.

Низкогорные аридные ландшафты Кызылкума и их устойчивое развитие

Аннотация: Излагается сущность и содержание аридного климата и аридных ландшафтов Кызылкума. Обосновывается роль аридного климата в формировании и устойчивом развитии аридных ландшафтов. Даётся сведения о вертикальной зональности аридных ландшафтов низкогорья.

Ключевые слова: аридный климат, аридный ландшафт, вертикальная зональность, аридные горы, устойчивое развитие, коэффициент увлажнения, изменение климата.

Lowland arid landscapes Kyzylkum and sustainable development

Annotation: It describes the essence and content of arid climate and arid landscapes of Kyzyl-Kum. Arid substantiates the role of climate in the formation and sustainability arid landscapes. We give information on vertical zoning arid landscapes low mountains.

Key words: arid climate, arid landscape, vertical zoning, arid mountains, sustainable development, moisturizing factor, climate change.

Арид иқлим ландшафтларни яратувчи индикатор. Биз маълум муддат давомида олиб борган илмий тадқиқот ишимизнинг мақсад ва вазифаларини ёритишдан олдин арид атамасига изоҳ бериб ўтишни лозим топдик. Чунки мақоланинг асосий мақсади Ўрта Осиё ва Ўзбекистоннинг катта майдонини эгаллаб ётган арид ландшафтлар тўғрисида ва уларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва барқарор ривожланишида табиий ва антропоген омилларнинг ролини асослаб беришдан иборат. Арид атамаси lotincha aridus сўзидан олинган бўлиб, у қурғоқчил деган маънени англатади. Арид атамаси дастлаб иқлиmlарни геоморфологик таснифлаш схемасини ишлаб чиқишида А.Пенк томонидан таклиф этилган. Демак, арид атамаси илк бор иқлимшуносликда қўлланилган бўлса, кейинчалик географик адабиётларда, айниқса ландшафтшуносликда кенг кўламда қўлланиладиган бўлди. Бунга сабаб ландшафт сферасининг арид иқлим шароитида флорогенез ва фитоценогенез жараёнлари гумид иқлим шароитига қараганда бир мунча бошқача кўринишда содир бўлишидадир. Бинобарин, қурғоқчил континентал арид иқлим шароитида арид ландшафтлар системаси, сернам мўътадил гумид иқлим шароитида намгарчиликни севувчи гумид ландшафтлар системаси вужудга келади, шаклланади ва барқарор ривожланади. Бу ерда ҳар иккала жараёнда ҳам иқлим шароити етакчи роль ўйнайди. Аммо арид ва гумид иқлим шароитида содир бўлаётган жараёнлар бир-бирига қарама-қарши бўлган жараёнлардир.

Табиатда иқлиминг аридланиш жараёни йиллик ёғин миқдорининг 150-200 мм дан кам бўлиши ва мумкин бўлган буғланиш миқдорининг ёғин миқдоридан 10-15 марта ортиқ бўлиши оқибатида содир бўлади. Қуёшдан келадиган иссиқлик радиациясининг жуда кам миқдори ерга тушган барча намликни буғлантиришга сарф қилинса, унинг катта миқдордаги қисми тупроқни ва атмосфера ҳавосини қиздиришга сарф бўлади. Бу жараён ландшафт зоналари доирасида кенглик бўйлаб ўзгариб боради. Н.Н.Ивановнинг (1958) берган маълумоти бўйича намланиш коэффициенти дашт зonasida 0,3-0,6 ни, чалачўл зonasida 0,1-0,3 ни, чўл зonasida эса 0,1 ва ундан ҳам каттароқни ташкил этади. Арид иқлим ва шаклланиши бевосита у билан боғлиқ бўлган арид ландшафтлар системаси сайёрамизнинг тропик ва субтропик минтақаларида кенг тарқалган. Бунга мисол қилиб Саҳрои Кабир, Арабистон, Жанубий Эрон ва Австралия саҳроларини кўрсатиш мумкин. Мўътадил минтақанинг арид иқлим шароитида вужудга келган ва ривожланган арид чўл ландшафтларига Ўрта Осиёнинг Қизилкум ва Қорақум чўллари, Марказий Осиёнинг катта майдонини эгаллаб ётган Гоби ва Такла-Макон чўллари мисол бўла олади. Ф.Н.Мильков (1970) арид ландшафтларга изоҳ берар экан, ўзининг нуқтаи назарига, яъни фикр ва мулоҳазасига асосланиб қуруқ, одатда иссиқ, ҳатто жазирама континентал иқлим шароитида вужудга келган ва шаклланган географик комплексларни арид ландшафтлар деб атаган. Бунга чўл ва чалачўл ландшафтларини мисол қилиб кўрсатган. И.П.Герасимов эса арид худудларга (ландшафтларга) факат чўл ва чалачўлларни эмас, балки дашт ва ўрмон даштларни ҳам киритган.

Бинобарин, арид иқлимли худудларда, транзит дарёларни ҳисобга олмаганда, доимий оқадиган дарёлар учрамайди, ўсимлик қоплами жуда сийрақ, биологик ранг-баранглик кўзга ёрқин ташланмайди, нураш жараёнлар кучли ривожланган, барханлар, грядали қумлар, тақирлар ва шўрхок ерлар кенг тарқалган. Ўрта Осиё ва Ўзбекистонда арид иқлимининг шаклланиши ва арид ландшафтларнинг вужудга келиши, ривожланиши бевосита намланиш коэффициенти билан боғлиқ. Ўрта ва Марказий Осиё худудларида арид ландшафтлар системаси ана шундай мураккаб геоэкологик вазиятлар натижасида вужудга келган ва барқарор ривожланган.

Арид ландшафтларнинг шаклланиши ва барқарор ривожланишини тадқиқ этишда сифатий географик моделлаштириш методидан фойдаланиш катта илмий ва амалий аҳамиятга эга. Сифатий географик моделлаштириш методи ишончли илмий натижалар бериши учун моделга зарур бўлган ранг-баранг, сифат жихатидан фарқ қиласидан географик ва биологик информацияларни киритиш керак. Олинадиган илмий натижаларнинг мукаммаллиги ва такомиллиги моделга киритилган фактик материалларнинг ва информацияларнинг тўлалиги билан чамбарчас боғлиқ. Бу борада шуни эътироф этиш мақсадга мувофиқки, Ўрта Осиёнинг арид тоғлари О.Е.Агаханянц (1981) томонидан батафсил ўрганилган. Унинг таъкидлашича арид тоғлар ҳам арид иқлимининг ҳосиласи бўлиб ҳисобланади. Чунки тоғларнинг аридланишида ва тоғ арид ландшафтларини вужудга келиши ҳамда ривожланишида арид иқлимининг ниҳоят даражада роли катта. Демак, текислик ва тоғлик табиий географик ўлкаларда арид ландшафтларнинг вужудга келиши, шаклланиши ва барқарор ривожланишида, макон ва замонда уларнинг географик тарқалишида арид иқлим индикаторлик вазифасини бажариши исбот талаб қилмайдиган аксиомадир.

Қизилқумнинг паст тоғ арид ландшафтлари ва уларнинг морфологик структураси. Ўзбекистоннинг катта майдонини эгаллаб олган Қизилқум табиий географик регионининг структураси арид иқлим шароитида вужудга келган ва шаклланган грядали қум массивлари, барханлар, паст тоғ тизмалари, қуруқ берк ботиқлар, тақирлар, шўрхоклар, тоғолди пролювиал текисликлар ва бошқа арид ландшафтлар системасидан таркиб топган. Мазкур регионнинг арид иқлим шароитида шаклланган ва ривожланган арид ландшафтларнинг ҳар қайси тури ўзининг геологик ва геоморфологик тузилиши, ривожланиш тарихи, рельеф типлари ва шакллари, биологик хилма-хиллик ва биомассалар микдори, морфологик бирликлари ва структурасининг бир-биридан фарқи ҳамда индивидуал хусусиятлари билан ажralиб туради.

Қизилқум иқлимининг аридлик хусусиятлари шу билан фарқ қиласиди, бу ерда июль ойининг ўртача ҳарорати $30\text{--}31^{\circ}\text{C}$ ни, январнинг ўртача ҳарорати $-4,1\text{--}-4,8^{\circ}\text{C}$ ни, максимал ҳарорат $44\text{--}46^{\circ}\text{C}$ ни ва минимал ҳарорат $-31^{\circ}\text{--}-34^{\circ}\text{C}$ ни ташкил этади. Ёғин микдори $70\text{--}108$ мм атрофида бўлиб, шундан атиги 3% и ёз ойларига тўғри келади. Мумкин бўлган буғланиш микдори эса $1200\text{--}1500$ мм дан ҳам ошади. Гармсеп шамоллари июнь, июль ва август ойлари давомида 32 кундан 38 кунгacha тақрорланади. Қизилқумнинг арид ландшафтлари термик ресурсларга жуда бой. $+10^{\circ}\text{C}$ дан юқори бўлган мусбат ҳароратнинг йиғиндиси 4550° дан 4850° гача боради.

Қизилқумнинг арид ландшафтлари орасида генетик жихатдан энг қадими бўлган паст тоғлар палеозой эрасида юз берган герцин бурмаланиши натижасида Тетис денгизи акваториясидан ороллар тарзида кўтарилиб турган ва биринчи бор қуруқликка айланган участкалардан бири ҳисобланади. Неоген даврига келиб геосинклинал режим континентал режим билан алмашинади. Марказий Қизилқумдаги платоларда герцин бурмаланиши натижасида ҳосил бўлган паст тоғлар анд бурмаланиши ва янги тектоник харакатлар таъсирида қайтадан кўтарилиб хозирги қиёфасига эга бўлади. Шундай қилиб поёнсиз Қизилқум ҳудудида Томдитоғ (Октоғ чўққиси 922 м), Кулжуктоғ (Ирмир чўққиси 784 м), Овминзатоғ (635 м), Еттитоғ (568 м), Мурунтоғ, Бўқантотоғ, Аристонтоғ, Султон Увайс тоғи (Аччитоғ чўққиси 473 м) каби паст тоғ арид ландшафтлар системаси таркиб топди.

Қизилқумнинг нисбатан баланд ва йирик арид тоғларидан бири Томдитоғ

массивидир. Унинг мутлақ баландлиги 922 м га тенг. Геологик структураси палеозойнинг кум тошларидан, сланецларидан ва оҳактошларидан тузилган. Айрим жойларда интрузив гранитлар ва гранодиоритлар ҳам учрайди. Томдитоғ массиви орографик жихатдан мураккаб структурага эга. Оқтоғ Томдитоғнинг энг баланд массиви бўлиб, силур даврининг доломитлашган оҳактошларидан таркиб топган. Унинг шимолий ва шарқий ёнбағрлари тик, тупроқ ва ўсимлик қоплами деярли ривожланмаган. Қояларнинг айрим жойларида буталар, Турон шувоғи ва оқ шувоқлар учрайди. Оқтоғ массивидан жанубда баландлиги 700 м атрофида бўлган кенг, денудацион юзали Боздон тоғлиги жойлашган. Унинг юза тузилиши текис рельеф шаклига эга бўлиб, морфологик структурасида баланд текислик ва сертепа чалачўл арид ландшафт комплекслари етакчи роль ўйнайди. Ландшафт хосил қилувчи ўсимликлар шувоқ-эфемер, каррак-шувоқ, каррак-формациялардан ва сийрак буталардан ташкил топган. Боздон тоғлиги унумдор яйлов сифатида катта аҳамитга эга.

Боздон тоғлигидан шарқий, жануби-шарқий ва жануби-ғарбий томонларда бир-бири билан туташган Томдитоғ, Мурунтоғ ва Қоратлоғ массивлари жойлашган. Уларнинг рельефи арид иқлим шароити таъсирида кучли парчаланган, геологик структураси метаморфлашган оҳактошлар ва сланецлардан таркиб топган. Чиринди микдори кам бўлган сур-қўнғир тупроқлар кучли ювилган. Ўсимлик қопламида шувоқ, боялиш, Қизилкум астрагали, эфемерлар кўпроқ учрайди. Номлари зикр этилган массивларда арид тоғ чўл ландшафт комплекслари кенг тарқалган. Томдитоғ массивининг шимолий ва жанубий тоғ этакларида, пролювиал текисликларида ва тошлоқ конуссимон ёйилмаларида арид чўл ландшафтлари кўпчиликни ташкил этади. Қизилкумнинг паст тоғлари доирасида арид ландшафтларнинг вертикал зонал дифференциацияланиш қонунияти фақат Томдитоғ массиви учун характерли бўлиб, улар арид тоғ чўл ва арид тоғ чалачўл ландшафт зоналаридан иборат (Абдулқосимов, Аббосов, 2000).

Овминзатоғ массиви Марказий Қизилкумнинг арид тоғларидан бири бўлиб, у Қулжиқтоғ билан Томдитоғ оралигига жойлашган. Мазкур паст тоғ Қизилкум чўлининг бошқа тоғлари сингари кенглик бўйлаб 40 км масофага чўзилган, мутлақ баландлиги Овминза чўққисида 695 м ни ташкил этади. Овминзатоғнинг геологик тузилишида палеозой эрасининг метаморфик сланец, алевролит, кварцит, мармарлашган оҳактош, қумтош-сланец, конгломерат, гравелит, кучли метаморфлашган габбро-пироксенит, андезит, базальт каби жинслар фаол иштирок этади. Тоғ ёнбағирларининг этаклари бўр даврининг гил, алевролит, қумтошларидан, тўртламчи даврнинг шагал, қум ва қумоқ жинсларидан таркиб топган. Сувайиргич қисмлари кучли емирилган ва текисланган рельеф шаклига эга. Овминзатоғ массивининг шимолий ёнбағри жанубий ёнбағрига нисбатан анча тик бўлиб, сувсиз сой водийлари ва чуқур жарликлар билан кучли парчаланган. Тоғ этаклари пролювиал ва делювиал ётқизиқлар билан қопланган қия текислик рельеф шаклидан иборат.

Овминзатоғ ҳудудида типик арид чўл иқлими хукмронлик қиласди. Унинг баландлиги 700 м атрофида бўлишига қарамасдан йиллик ёғин микдори 100 м дан ошмайди. Ёз ойлари жазирама иссиқ бўлади. Июлнинг ўртacha ҳарорати 30°C га тенг. Қиши ойлари анча совуқ, январнинг ўртacha ҳарорати -3°, -4°C атрофида. Ёғингарчилик микдори жуда кам бўлганлиги сабабли сойларда сув оқими фақат қиши ва баҳор ойларидагина кузатилиши мумкин. Арид тоғ массивининг ёнбағирларида ва пролювиал текисликларида кучли ювилган, чириндига камбағал шўртоб қумлоқ, қумоқ ва тошлоқ қўнғир бўз тупроқлар тарқалган. Типик арид чўл ландшафтларини хосил қилувчи ўсимликлардан қора ва оқ шувоқ, қўнғирбош, илоқ, оқбоялиш, жузғун, кейровуқ, оқ саксовул ва бошқалар ўсади. Тоғ ва тоғолди пролювиал текисликлардаги хилма-хил арид чўл ландшафтлар системаси йил давомида чорвачиликда яйлов сифатида фойдалинилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқки, ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб, иқлимининг ўзгариши глобал ва регионал масштабларда содир бўлиб, хозирга қадар давом этиб келмоқда. Бу жараённинг вужудга келиши бевосита антропоген

омил билан чамбарчас боғлиқ. Шу давр ичида ҳаво ҳарорати $1,5 - 2^{\circ}$ га кўтарилиб, табиатда чўлланиш ва аридланиш жараёнларини вужудга келтирди ҳамда фаоллаштириди. Шундан бошлаб иқлимнинг ўзгариши ва аридланиши натижасида арид ландшафтлар майдони кенгая борди, Орол денгизи сувининг қуриган жойларида Янгиорол шўрхок арид чўл ландшафтлари пайдо бўлди. Сахрои Кабирнинг жанубий чегараси 500 км масофага кириб борди ва бошқалар. Демак, чўл, чалачўл ва дашт зоналарининг иқлимини аридланиши натижасида арид ландшафтлар майдонининг кенгайиб бориши, ультраарид ва экстраарид ландшафтларнинг пайдо бўлиши ҳақиқатга яқинdir.

Адабиётлар:

1. Абдулкасимов А.А., Аббосов С.Б. О высотной зональности ландшафтов низкогорий Кызылкума // Проблемы пастбищного животноводства и экологии пустынь. - Самарканд, 2000. - С.151-154.
2. Агаханянц О.Е. Аридные горы СССР. – М.: Мысль, 1981. – 270 с.
3. Иванов Н.Н. Атмосферное увлажнение тропических и сопредельных стран земного шара // Зап. Геогр. о-ва СССР, т.19. – М-Л., 1958.
4. Мильков Ф.Н. Словарь-справочник по физической географии. – М.: Мысль, 1970. - 344 с.

Холиқулов Ш.Т.*

МАДАНИЙ ЛАНДШАФТЛАРНИНГ ТЕХНОГЕН ИФЛОСЛАНИШИ (Самарқанд кимё комбинати мисолида)

Аннотация: Мақолада Самарқанд кимё комбинатининг турли хил газ, оғир металлар ва фосфогипс шаклидаги чиқиндиларнинг таркиби, микдорлари, уларнинг атроф-муҳит ҳамда маданий ландшафтларни ифлослантиришдаги салбий таъсири ҳақида фикр юритилади. Маданий ландшафтларнинг олдини олиш бўйича тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: суперфосфат, фосфорит, оғир металлар, ландшафт, экологик ҳолат, газ.

Техногенное загрязнение культурных ландшафтов (на примере Самаркандского химического комбината)

Аннотация: В статье приводится состав и содержание вредных газов, фосфогипса и тяжелых металлов как отходы Самарканского химического комбината и их влияние на окружающую среду и культурных ландшафтов. Даны рекомендации по уменьшению вредного влияние отходов.

Ключевые слова: суперфосфат, фосфорит, тяжелые металлы, ландшафт, окружающая среда, газы, фтор.

Technogenic pollution of cultural landscapes (for example Samarkand chemical combine)

Abstract: In the article resulted composition and maintenance of harmful gases, phosphogypsum and heavy metals and Samarkand chemical combine and their influence on environments, cultural landscapes. Recommendations are given on a decline harmful influence of wastes.

Key words: superphosphate, phosphoresce, heavy metals, landscape, environment, gases, fluorine.

Фан ва техниканинг тез суръатлар билан ривожланиши, ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг турлари ва микдорларини кўпайиш билан бир қаторда, инсон фаолияти натижасида табиий жараёнларнинг тезлашиши ва сусайишига, табиий ва антропоген ландшафтларнинг ўзгаришига таъсир кўрсатмоқда.

* **Холиқулов Шоди Турдиқулович** – Самарқанд давлат университети, Гидрометеорология кафедраси профессори, e-mail: khalikulov48@mail.ru

Собиқ Иттифоқ даврида Ўзбекистоннинг Чирчик, Оҳангарон, Олмалиқ, Ангрен, Марғилон, Фарғона, Самарқанд, Навоий шаҳарлари худудларида кўплаб кимёвий заводлар қурилди. Бу заводларнинг тур хил чиқиндилари табиий ва антропоген геосистемаларга техноген ва механик жиҳатдан салбий таъсир кўрсатиб, атроф-мухитни ёмонлашувига олиб келди.

Самарқанд кимё комбинати 1954 йилда “Самарқанд суперфосфат заводи” номи билан ишга туширилган ва ҳар йили 320 минг т дан Қоратов фосфорит кони хомашёси асосида суперфосфат минерал ўғити, 120 минг т сульфат кислотаси ишлаб чиқариши билан бирга, 1250-1800 т натрий-кремний фторид ва селен концентратини ҳам ишлаб чиқарган. Бу маҳсулотларни ишлаб чиқариш учун асосан Қоратов фосфорити ва минглаб тонна апатет концентрати ҳамда 120 минг т темир колчедони заводда қайта ишланган. Қаттиқ чиқинди сифатида 250 минг т дан ортиқ пирет кукуни ва тозаловчи қурилмалардаги чанг заррачалари ажралиб чиққан. Пиретнинг бир қисми цемент заводларига жўнатилган бўлса-да, катта қисми завод атрофида чиқинди сифатида тўпланиб қолиб, табиий ва антропоген ландшафтларни оғир металлар ҳамда металлоген чиқиндилар билан ифлослантирувчи асосий манбалардан бирига айланган.

Самарқанд суперфосфат заводи 1975 йилда қайта реконструкция қилиниб, “Аммофос” минерал ўғити ишлаб чиқарадиган заводга айлантирилган ва “Самарқанд кимё комбинати” деб номланган. Комбинатнинг ишлаб чиқариш қуввати оширилгандан сўнг, йилига 600 минг т аммофос, 5 минг т олтингугурт IV-оксиди ва 85 минг т фторли бирикмаларнинг қолдиқлари чиқиндиҳонага чиқарилган. Бундан кўриниб турибдики, Зарафшон воҳасида кимё комбинатининг иш фаолияти даврида унинг хомашё ва чиқиндилари асосан маданий ландшафтлар муҳитини пирет кукуни, фосфогипс, фтор ва оғир металлар билан ифлослантирувчи асосий манбалардан бирига айланган.

Маълумки, ҳарорат, намлик, қуёш радиацияси ва кимёвий технологик жараёнлар таъсирида оксидланиш-қайтарилиш реакциялари содир бўлади ва натижада, оғир металларнинг заарлилик даражаси ўзгаради. Маданий ландшафтларда энг кўп тарқалган оғир металлар мис (Cu), кўргошин (Pb), симоб (Hg), хром (Cr) хисобланади [2, 184; 1, 141]. Айrim кимёвий элементларнинг республикамиз ва Самарқанд вилояти тупроқларидағи миқдори бўйича олиб борилган тадқиқотларнинг [3, 84-94] натижаларига кўра, бу оғир металлар асосан маданий ландшафтларнинг ифлосланишига сабабчи бўлган.

Самарқанд кимё комбинатининг ишлаб чиқариш фаолияти давомида антропоген ландшафтларнинг ифлосланишини суперфосфат ва сульфат кислотаси ишлаб чиқариш мисолида кўриб чиқадиган бўлсак, суперфосфат ишлаб чиқариш цехи маҳсулотлари таркибидаги мис (Cu), рух (Zn), кўргошин (Pb), никель (Ni), кобальт (Co) каби оғир металлар миқдори аниқланганда, фосфорит уни таркибида (ялпи миқдори % хисобида) Cu -0,002, Zn -0,007, Pb -0,005, Ni -0,001, Co -0,008 га тенг бўлган бўлса, суперфосфатда бу миқдорлар мос равишда Cu -0,006, Zn -0,015, Pb -0,007, Ni -0,001, Co -0,0008 га тенг бўлган. Шарбат ҳолидаги сульфат кислота таркибида эса бу оғир металлар миқдори куйидагича бўлган: Cu -0,008 г/л, Zn -0,18 г/л, Pb -0,02 г/л, Ni -0,0008 г/л, Co -0,0003 г/л.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, Қоратов фосфорити хомашёси билан шу хомашё асосида, ишлаб чиқарилган комбинатнинг тайёр маҳсулоти таркибидаги оғир металлар миқдори ўртасида фарқ бор. Cu , Zn , Pb каби оғир металлар суперфосфат таркибида дастлабки хомашёдагига нисбатан кўпроқ бўлиб, Cu -3,0, Zn -2,0, Pb -1,5 баробарга ошган, Ni ва Co элементлари фосфорит хомашёси ва суперфосфат ўғити таркибида бир хил сақланиб қолган.

Суперфосфат ўғити таркибида бир қатор кимёвий элементлар концентрациясининг ошиши, ўғит тайёрлаш кимёвий технологик жараёнида иштирок этадиган сульфат кислотанинг майда дисперсли темир колчедони кукунлари (заррачалари) билан ифлосланиши туфайли юзага келади.

Комбинатнинг сульфат кислота ишлаб чиқариш цехида олинган маҳсулот билан шу цехдан ажралиб чиққан чиқиндилар таркиби анализ қилинганда, темир колчедонида оғир

металларнинг ялпи миқдори (% ҳисобида) куйидагича бўлган: Cu-0,029, Pb-0,06, Ni-0,0005, Co-0,05; пирет кукунида Cu-0,37, Zn-0,38, Pb-0,085, Ni-0,0008, Co-0,0006. Куруқ электрофильтр чанги таркибидаги Cu-0,35, Zn-0,76, Pb-0,065, Ni-0,0015, Co-0,006 га тенг. Газ чиқарувчи қурилмалар чангидаги оғир металларнинг фоиз ҳисобидаги ялпи миқдори аниқланди. Кўпчилик оғир металлар миқдори ўзгармаган, фақат кўрғошиннинг миқдори қуруқ электрофильтр чангидагига нисбатан уч баробарга ошган. Барча хомашё ва чиқиндилар ичida темир колчедони таркибидаги Zn бошқа аниқланган оғир металларга нисбатан кўп (0,59), иккинчи ўринда Cu туради (0,29), Ni эса энг кам фоизни ташкил қиласи (0,0005). Қуруқ электрофильтр чангидаги эса оғир металлар миқдори темир колчедонидагига нисбатан ортган, айниқса, Pb – 3,0, Ni – 2,8 марта кўпайган.

Самарқанд кимё комбинати реконструкция қилингандан сўнг аммофос ўғити ишлаб чиқариш жараёнида ҳам атроф-мухитга газ ва қаттиқ чиқинди сифатида оғир металлар билан бирга бир неча юз минглаб тонна фосфорит уни ва фосфогипс чиқариб ташланган. Натижада, комбинат атрофидаги махсус майдонда қаттиқ чиқиндилар тўпланиб қолган. Бугунги кунда бу чиқиндиларнинг миқдори 20 млн. т атрофида бўлиб, 120 га сугориладиган майдонни эгаллаб ётибди. Комбинатнинг қаттиқ чиқиндилари маданий ландшафтларнинг экологик ҳолатини бузилишига, сифатли ер майдонларининг қишлоқ ҳўжалигига фойдаланимай қолишига сабабчи бўлган.

Фосфогипс таркиби ўрганилганда, оғир металларнинг миқдори жуда паст эканлиги аниқланди. Лекин стронций (Cr) миқдори жуда юқори – ўртacha 1,91% эканлиги кузатилди. Шу билан бирга барийнинг миқдори ўртacha 1,71% ни, кремний IV оксида (SiO_2) нинг ўртacha миқдори 2,38% ни ташкил қиласи. Темир (Fe_2O_3) ва алюминий (Al_2O_3) оксидлари ҳамда магний (Mg) нинг миқдори бошқа моддаларга нисбатан кам. Фторнинг миқдори анча юқори бўлиб, ўртacha 0,31% ни ташкил этади, яъни Кларкка (табиий ҳолатда ерда учрайдиган миқдорга нисбатан олинган) нисбатан 15 баравар ортиқ. Лекин, шуни таъкидлаш керакки, фосфогипсдаги фтор, кальций-фторид кўринишида бўлиб, сувда эримайди ва тупроқ эритмасига ўтмайди. Шунинг учун унинг атроф-мухит ва маданий ландшафтларга етказадиган зарари минимал даражада бўлади. Комбинат фаолияти натижасида атмосферага чиқадиган газ ва чанг таркибидаги оғир металлар атмосфера-тупроқ тизимини ифлослаган бўлса, қаттиқ чиқиндилар (фосфогипс) тупроқ экологик ҳолатининг бузилишига сабабчи бўлган.

Хулоса қилиб айтганда, Самарқанд кимё комбинатининг иш фаолияти давомида қаттиқ чиқиндиларнинг атрофдаги майдонларга чиқариб ташланиши ва ҳозиргача очиқ усулда сақланиб келинаётганлиги, чиқарувчи қурилмалар орқали атмосферага тарқалётган заарли ва заҳарли газ, чанг, кукун ва бошқа бирикмаларнинг шамол орқали узоқ масофаларга олиб кетилиши натижасида табиий ва маданий ландшафтларнинг оғир металлар билан ифлосланиши содир бўлмоқда. Бунинг олдини олиш учун газ ва чанг чиқарувчи қурилмаларни ҳозирги замон талаблари даражасида қайта қуриш зарур. Фосфогипс захираларидан ҳам иқтисодиётнинг тегишли тармоқларида самарали фойдаланиш (ўғит, қурилиш материаллари ва ҳ.к.) чораларини топиш лозим. Юқорида айтиб ўтилган чоралар амалга оширилган тақдирда чиқиндилар миқдори камайиб атроф-мухит ва маданий ландшафтларнинг экологик ҳолати яхшиланади.

Адабиётлар:

1. Алексеев Ю.В. Тяжелые металлы в почвах и растениях. - Л.: Агропромиздат, 1987. -141 с.
2. Зокиров Т.С. Пахта даласи экологияси. – Т.: Мехнат, 1991. – 184 б.
3. Рискиева Х.Т. Токсикологические состояние и экологические функции почв орошаемых ландшафтов // Ўзбекистон тупроқшунослар ва агрокимёгарлари жамиятининг IV қурултойи материаллари. – Т., 2005. - 84-94 б.

Уразбаев А.К.*

ТАБИЙ ГЕОГРАФИЯДАГИ ТАБИАТ ЗОНАЛАРИ ҲАҚИДАГИ ТАЪЛИМОТ ВА УНИНГ ФАНДА ТУТГАН ЎРНИ

Аннотация: В.В.Докучаев томонидан яратилган табиат зоналари ҳақидаги таълимот ва унинг фанда тутган ўрни кўриб чиқилган. Асосий эътибор табиат зоналарининг пайдо бўлишига ва ривожланишига таъсир этувчи табиий географик омилларга қаратилган.

Калим сўзлар: табиий география, табиий географик омиллар, компонент, мажмуа, ландшафт, горизонтал ва вертикал зоналлик.

Учение о природных зонах в физической географии и его место в науке

Аннотация: Статья посвящена анализу учения о природных зонах, разработанного В.В.Докучаевым, а также оценке места данной концепции в науке. Особое внимание уделяется физико-географическим факторам формирования и развития природных зон.

Ключевые слова: физическая география, физико-географические факторы, компонент, комплекс, ландшафт, горизонтальные и вертикальные зональности.

The doctrine of natural zones in the physical geography and its place in science

Abstract: This article analyzes the natural areas by V. V. Dokuchaev and places these areas in science. Many attentions are paid to physical and geographical factors in the formation and development of the natural areas.

Keywords: physical geography, physical geography factories, component, complex landscape, the horizontal and vertical zonation.

Мени бу мақолани ёзишга ундан омил География жамиятининг президенти, профессор А.С.Солиевнинг Ўзбекистон География жамияти ахборотининг 45-жилдиаги (2015) “Иқтисодий географик тадқиқотларда табиий географик омиллар ёхуд географик синтез ҳақида” номли мақоласи сабаб бўлди. Мақолада шундай жумла бор: “Ўқувчилар мактабда И.Ньютон, Пифагор ёки Ч.Дарвин, К.Линней, Фарадей каби олимлар яратган қонуниятлар, ихтиrolарни билишади-ю, географияда факат “энг-энг” кўрсаткичларни куруқ ёдлаб олишга мажбур қилинади”. Муаллифнинг ёзишича бунга асосий сабаб географиянинг ўқитилишидаги ва дарсликлардаги камчиликлардир. Муаллифнинг фикрига тўғридан-тўғри қўшилган ҳолда мен юқоридаги камчиликларга яна бир омилни, яъни географ мутахассисларимиз машҳур олимларимизнинг классик асарларига кам эътибор беришлигининг оқибати деб тушунаман. Аммо бизга маълумки машҳур табиий географ олимларнинг, яъни В.В.Докучаев, Л.С.Берг, А.А.Григорьев, И.П.Герасимов ва бошқаларнинг классик асарлари мавжуд бўлиб, улар ҳозирги вақтга қадар ўзларининг илмийлигини йўқотган эмас.

Бизга маълумки ҳар бир тадқиқотда билимнинг уч босқичи: назария, эксперимент, амалиёт бўлади. Ҳар бир тадқиқотда назария алоҳида ўрин тутади. Назарияни билиш эса, ўз навбатида, анна шу машҳур олимларимизнинг классик асарларига мурожаат этишини тақозо этади. Мен ўзим табиий географ бўлганлигим учун табиий географиядаги В.В.Докучаевнинг “Табиат зоналари” ҳақидаги таълимотига атрофлича тўхталиб ўтмоқчиман. Табиий географияда А.А.Григорьевнинг, И.П.Герасимовнинг, И.М.Забелиннинг, Д.Л.Арманднинг, В.Б.Сочаванинг таълимотлари алоҳида роль ўйнайди. Аммо бу таълимотлар ичida В.В.Докучаевнинг “Табиат зоналари” ҳақидаги таълимоти табиий географиядаги энг асосий қонуният бўлиб, бу қонун бутун дунё табиатшунос олимлари томонидан тан олинган. Бошқача сўз билан айтганда, табиат компонентлари ёки ландшафт табиат зоналари бўйича қонунли ўзгаради. Табиат компонентларининг ёки ландшафтнинг табиат зоналари бўйича ўзгариш қонуниятларини ўқувчиларга ёки студентларга табиий география бўйича бериладиган билимнинг асосини ташкил этиши керак. В.В.Докучаевнинг “Табиат зоналари” ҳақидаги таълимотида табиат компонентларига ёки ландшафтга тўғридан-тўғри таъсир этадиган географик омиллар,

* Уразбаев А.К. – география фанлари доктори, профессор.

яъни иқлим ва рельеф хақидаги билимлар ҳам алоҳида ўрин тутади.

Нима учун биз табиий география фанидаги “Табиат зоналари” хақидаги таълимотга катта эътибор беришимиз керак. Бизга маълумки, Ер шар шаклида бўлганлиги ва унинг турли ҳудудларига йил давомида Қуёш энергияси бир хилда тушмаганлиги учун “Табиат зонлари” ҳосил бўлади. В.В.Докучаевнинг фикрига кўра, табиатнинг ёки ландшафтнинг катта майдонларда ўзгаришида иқлим асосий омилдир. Табиатнинг ёки ландшафтнинг ўзгаришига таъсир этадиган иккинчи географик омил, яъни рельефнинг таъсирида эса табиат асосан кичик майдонларда ўзгаради. Табиатнинг ёки ландшафтнинг ўзгаришига таъсир этадиган бу икки географик омилларнинг назарияси В.В.Докучаев томонидан ҳар томонлама илмий ишлаб чиқилган.

Агар биз В.В.Докучаевнинг “Табиат зоналари” хақидаги таълимотига назар ташлайдиган бўлсак, иқлимининг таъсири натижасида табиат ёки ландшафт кенг майдонларда ўзгарса, рельефнинг таъсири натижасида ўзгарадиган майдон ўзининг ўлчами бўйича иқлимининг таъсири натижасида ўзгарадиган майдонга кўра кичик бўлади. Бошқача сўз билан айтганда, маълум бир типдаги рельеф ўзининг майдони бўйича кўп ҳолларда иқлим минтақаларининг майдонига нисбатан кичик бўлади. Машхур гидролог олими С.Д.Муравейский 1948 йилда босилиб чиқкан: “Географик мажмуаларнинг ҳосил бўлишида географик омилларнинг роли” номли назарий мақоласида ландшафтнинг ҳосил бўлишидаги учинчи географик омилни, яъни ер усти сув оқимининг ролини назарий исботлаб беради. Муаллифнинг ёзишича: “Транспортсиз, моддаларнинг кўчиб юришиз ҳаракатнинг, алоқадорликнинг, ўзаро боғланишнинг ўзи бўлиши мумкин эмас.” Бу алоқадорликда ва ўзаро боғланишда ер усти сув оқими алоҳида ўрин тутади. Бошқача сўз билан айтганда, ер усти сув оқими натижасида табиатнинг ёки ландшафтнинг ўзгариш майдони иқлим ва рельефнинг таъсири натижасида ўзгарган майдонларга нисбатан кичик бўлади. С.Д.Муравейский ландшафтнинг ҳосил бўлишига ва тараққиётига таъсир этадиган В.В.Докучаевнинг географик омиллар ҳақидаги таълимотини давом эттириб, юқоридаги уч географик омилларни бир-биридан ажратмаган ҳолда табиатнинг ўзгаришини тадқиқ қилишимиз зарур, яъни муаллифнинг фикрига кўра бу уч географик омил табиатда бир хил роль ўйнайди.

Л.С.Берг (1930) “Табиат зоналарини” “Ландшафт зоналари” деб атайди. Демак, “Ландшафт зоналари” ўз навбатида ландшафт типларидан тортиб фацияягача бўлган морфологик бирликлардан ташкил топган. Ландшафт типларининг ўзгаришида иқлим ва рельеф асосий роль ўйнаса, ландшафт морфологик бирликларининг ўзгаришида С.Д.Муравейскийнинг фикрига кўра ер усти сув оқими асосий роль ўйнайди. Ана шунинг учун ҳам биз (Уразбаев, Қурбаниязов, 2015) ландшафтнинг ҳосил бўлишида ва тараққиётида ер усти сув оқимининг ролини ҳар томонлама ўрганиш учун рельеф пластикаси усулини қўллаб келмоқдамиз.

В.В.Докучаевнинг “Табиат зоналари” хақидаги таълимотидаги “Горизонтал зоналлик” деган тушунча ишлатилади, яъни бу тушунча биринчи бўлиб олим томонидан 1898 йили фанда қўлланилган. Г.Д.Рихтер (1965) В.В.Докучаевнинг “Горизонтал зоналлик” тушунчасини қўллаб, “Кенглик зоналлик” тушунчасига қарши чиқади.

Иқлим ва ботаника-география горизонтал зоналлиги А.Гумбольдт томонидан кашф қилинди. В.В.Докучаев энг аввал тупроқ ва тупроқ ҳосил қилувчи омилларнинг “Горизонтал зоналлик” қонунини кашф этди, яъни табиат зоналлигини бир бутун деб қаради. Бошқача сўз билан айтганда, табиатнинг компонентлари бир-бири билан боғланган бўлиб, зоналар бўйича ўзгаради. В.В.Докучаевнинг шогирдлари бўлмиш П.В.Отоцкий, В.С.Ильин, О.К.Лангалар грунт сувларининг горизонтал зоналлиги, грунт сувларининг чукурлиги ва химиявий таркибининг зоналлиги ҳақида ёзадилар. Шундай қилиб, фақатгина иқлим, ўсимлик ва тупроқ зоналлик хусусиятига эга бўлмасдан, балки шу билан бир қаторда табиий шароит мажмуаси ҳам зоналлик хусусиятига эгадир.

В.В.Докучаевнинг “Табиат зоналари” хақидаги таълимотини табиий географияда Л.С.Берг ҳар томонлама давом эттириди ва “Табиат зоналари” сўзининг ўрнига “Ландшафт

– географик зона ” деган тушунчани қўллади. Л.С.Берг “Ландшафт зоналари” ҳақидаги таълимотни илмий маълумотлар билан тўлдириди ва илк бор Собиқ Иттифоқ давлатининг “Ланшафт зоналари” ҳақида икки томлик классик асар ёзди. Л.С.Берг ўзининг бу классик асарида “Ландшафт зоналарини” билиш орқали ландшафт типларининг ёки унинг морфологик бирликларининг тарқалиш қонуниятларини билиш мумкинлигини назарий исботлаб берди. Бошқача сўз билан айтганда, ҳар бир ландшафт зонасига хос фақатгина табиат компонентлари ўзгариб қолмасдан, балки шу билан бир қаторда ландшафт типлари ҳам ўзгаради. Л.С.Бергнинг “Ландшафт зоналари” ҳақидаги таълимотини Н.А.Солнцев (1949) давом эттириб, шундай хуносага келади: “Ландшафтнинг морфологик бирликлари” ландшафт типлари билан чамбарчас боғланган бўлиб, ҳар бир ландшафт зонасига хос ландшафтнинг морфологик бирликлари ҳосил бўлади. Масалан, дельтада учрайдиган “фация” морфологик бирлиги ҳеч қачон тоғда учрайдиган “фация” бирлигига ўхшамайди, яъни ҳар бир худудда учрайдиган “фация” морфологик бирлиги ландшафт типи билан чамбарчас боғлиқдир.

В.В.Докучаевнинг фикрига кўра, зоналликнинг асосида энг аввал иссиқлик ва намликтининг миқдори ётади. Г.Д.Рихтер (1964) В.В.Докучаевнинг илмий ғоясини давом эттириб, географик зоналликнинг асосида фақат иссиқлик ва намликтининг тарқалиши эмас, балки шу билан бир қаторда намлик ва иссиқликнинг фарқи ўртасидаги муносабатлар ётади. А.А.Григорьев (1966) ҳам бу илмий ғояни қўллаб қувватлайди ва унинг фикрича иссиқлик ва намликтининг муносаби географик зоналликнинг асосий омилидир. Бу фикрни С.В.Калесник ва Ф.Н.Мильковлар ҳам тасдиқлайди.

В.В.Докучаевнинг “Табиат зоналари” ҳақидаги таълимотида шундай фикр бор: “Табиат математика эмас ва ана шунинг учун ҳам Ернинг юза қисмida “Горизонтал” зоналлик қонуни турли сабабларга кўра идеал шаклда бўлмайди”. Материклар океан ва денгизлар билан ҳар хил тилимланган бўлади ва бунинг натижасида ҳар бир материкнинг ўзига хос “Табиат зоналари” ҳосил бўлади.

В.В.Докучаев фанга “Горизонтал” зоналлик тушунчаси билан бир қаторда “Вертикал” зоналлик тушунчасини ҳам киритди. Ҳозирги вақтда кўп географ мутахассисларимизнинг фикрига кўра “Баландлик зоналлик” ва “Вертикал зоналлик” тушунчалари синоним деган ғоя бор. Аммо Н.А.Гвоздецкий (1979) ёзишича бу тушунчалар синоним эмас, яъни унинг фикрича “Вертикал зоналлик” тушунчаси “Баландлик зоналлик” тушунчасига кўра кенгроқ маънога эга. Бошқача сўз билан айтганда, “Вертикал зоналлик” деганда қуруқликдаги “Баландлик зоналари”дан бошқа яна океан табиатининг зоналлиги ҳам киради.

В.В.Докучаевдан аввал А.Гумбольдт Жанубий Американинг Анд тоғларида иқлим ва ўсимликларнинг баландлик бўйича ўзгаришини илмий асослаб беради. П.П.Семенов Тянь-Шаньский Тянь-Шань тоғ тизимидағи Иле Алаторининг баландлик минтақаларига таъриф беради. Н.А.Северцов эса Зарафшон тоғларидаги баландлик минтақалари ҳақида илк маълумотлар келтиради. Аммо бу уч олимнинг баландлик зоналлиги бўйича олиб борган тадқиқотлари мажмуали эмас эди, яъни табиатнинг асосий компоненти бўлган тупроқ ҳисобга олинмаган эди. Шу билан бир қаторда бу олимларнинг ҳамма тадқиқотлари тоғларда олиб борилган бўлиб, текисликлардаги “Горизонтал зоналлик” ҳақида умуман ўзларининг илмий фикрларини айтмаган. В.В.Докучаев булардан фарқ қилган ҳолда “Табиат зоналари” ҳақидаги илмий фикрларини Россиянинг Европа қисмини тадқиқот қилиш натижасида айтиб ўтган. Бундан ташқари В.В.Докучаев Кавказ тоғларида олиб борган тадқиқотларида тоғлардаги баландлик минтақаларини ўрганишда табиатни бир яхлит деб қараб, табиат компонентлари ўртасидаги ўзаро боғлиқликка катта этибор берди. Бошқача сўз билан айтганда, В.В.Докучаев ўзининг “Табиат зоналари” ҳақидаги таълимотини ишлаб чиқишида барча табиат компонентларини ҳисобга олди ва табиатни бир яхлит деб қаради. Ана шунинг учун ҳам А.Гумбольт, П.П.Семенов Тянь-Шаньский, Н.А.Северцов улуғ олимлар бўлишига қарамасдан “Табиат зоналари” ҳақидаги таълимотни яратадилар. “Табиат зоналари” ҳақидаги таълимот тўғридан-тўғри

В.В.Докучаев номи билан боғлиқдир, яъни В.В.Докучаев ўзининг “Табиат зоналари” ҳақидаги таълимотини ишлаб чиқишида табиатни бир яхлит деб олди ва табиат компонентлари орасидаги ўзаро алоқадорликка, боғланишларга катта этибор берди. Бу ерда шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, В.В.Докучаев табиатни тадқиқот қилишда мажмуали усулни энг биринчи бўлиб қўллади.

“Табиат зоналари” ҳақидаги таълимот ёки қонуният “Табиий география” даги энг асосий қонунлардан биридир. Нима учун биз “Табиат зоналари” ҳақидаги таълимотга катта эътибор беришимиз керак деган савол туғилади. Бу саволга жавоб бериш учун “Табиат зоналари” ҳақидаги таълимотнинг энг асосий томонларига тўхталиб ўтамиз. 1. В.В.Докучаев табиатни бир бутун яхлит деб қаради, яъни ҳозирги фалсафа сўзи билан айтганда табиатни бир бутун “Тизим” деб қаради; 2. В.В.Докучаев табиатни бир бутун яхлит деб тадқиқот қилишда географиянинг асосий усули бўлган “Мажмуали” ёндашишни қўллади ва унга асос солди. 3. В.В.Докучаев ўзининг тадқиқотларида биринчи бўлиб Россиянинг Европа қисмида “Табиат зоналари” ни ажратди ва мажмуали усул ёрдамида бу табиат зоналарига замон талабига мувофиқ табиий-географик баҳо берди. 4. В.В.Докучаев табиат зоналарини ажратишда иқлим ва намлик кўрсаткичларини асос қилиб олди. Ҳозирги вактда ҳам бу икки кўрсаткич асос қилиб олинади ва баъзи бир математик ёндашувлар орқали тўлдирилади. 5. В.В.Докучаев Кавказ тоғларида ўзининг олиб борган тадқиқотлари асосида тоғларда бўладиган “Баландлик зоналлик” қонуниятига ҳам асос солди. 6. А.Гумбольдт, П.П.Семенов Тянь-Шаньский, Н.А.Северцов ўзларининг тоғларда олиб борган тадқиқотларида табиатнинг тупроқ компонентини ҳисобга олмаганлар. В.В.Докучаев улардан фарқ қиласан ҳолда табиатни бир бутун деб қаради ва тупроқни ҳам ҳисобга олди. Шу билан биргаликда В.В.Докучаев тупроқни ўрганиш орқали ландшафтнинг динамикасини ўрганишга ҳам асос солди. 7. В.В.Докучаевнинг “Табиат зоналари” ҳақидаги таълимоти ҳар томонлама илмий ва тўғри бўлганлиги учун унинг таълимоти машҳур географ олимларимиз Л.С.Берг, А.А.Григорьев, Ф.Н.Мильков ва бошқалар томонидан ривожлантирилди. 8. В.В.Докучаев ўзининг барча тадқиқотларини дала шароитида олиб борди, яъни табиат компонентлари орасидаги боғлиқликни энг аввал геолог, сўнг тупроқшунос ва энг охирида эса табиий географ сифатида олиб борди. Олиб борган барча тадқиқотлари асосида тупроқ ва тупроқ ҳосил қилувчи омиллар ётади. Тупроқни ландшафтнинг бир компоненти сифатида қаради ва унга таъсир этувчи компонентларни, омилларни текширишга алоҳида эътибор берди. Унинг тупроқни текширишга бўлган қизиқиши вакт ўтиши билан табиатни ёки ландшафтни бир бутун яхлит деб тадқиқот қилишга асос яратди. 9. В.В.Докучаевнинг “Табиат зоналари” бўйича олиб борган барча тадқиқотлари Н.А.Солнцев сўзи билан айтганда ҳозирги ландшафтшуносликнинг асосчиси деб аташга асос бор. Бошқача сўз билан айтганда, табиатдаги барча табиат компонентларининг ёки ландшафтнинг ҳудудлар бўйича ўзгаришида “Табиат зоналари” алоҳида ўрин тутади, яъни ҳар бир “Табиат зонасига” хос ўзининг типик ландшафлари ёки табиат компонентлари бўлади.

Шундай қилиб, биз ўқувчиларга ёки студентларга “Табиий география” фани бўйича билим беришда В.В.Докучаев яратган “Табиат зоналари” ҳақидаги таълимотни ҳар томонлама етказа олсак, уларда биз Она ватангә, Она табиатга бўлган муносабатини тубдан ўзгартирган бўламиз, яъни юртимизда жойлашган чўл зонаси ва тоғларимиздаги “Баландлик зоналлиги” бўйича берган билимларимизнинг асосида В.В.Докучаевнинг “Табиат зоналари” таълимоти ётади. Табиатдаги барча табиий географик жараёнлар “Горизонтал” ёки “Вертикаль” зоналлик қонунларига бўйсунади. Бу ўринда сўзсиз В.В.Докучаевнинг “Табиат зоналари” ҳақидаги таълимоти биринчи ўринда туради.

Адабиётлар:

1. Берг Л.С. Ландшафтно-географические зоны СССР. - Л., 1930. - ч. 1.
2. Гвоздецкий Н.А. Основные проблемы физической географии. - М., 1979.
3. Григорьев А.А. Режим тепла и влаги и географическая зональность // Григорьев

- А.А. Закономерности строения и развития географической среды. - М., 1996.
4. Докучаев В.В. Учение о зонах природы. - М., 1948.
 5. Муравейский С.Д. Роль географических факторов в формировании географических комплексов. // Вопросы географии, сб.9. - М., 1948.
 6. Рихтер Г.Д. О широтной зональности природных явлений // Развитие и преобразование географической среды. - М., 1964.
 7. Рихтер Г.Д. Зональность и система таксономических единиц физико-географического районирования // Изв. АН СССР, Сер.географ., 1965, №5.
 8. Солиев А.С. Иқтисодий географик тадқиқотларда табиий географик омиллар ёхуд географик синтез ҳақида // Ўзбекистон География жамияти ахбороти, 45-жилд. – Т., 2015.
 9. Солнцев Н.А. О морфологии природного географического ландшафта // Вопросы географии, сб.16. - М., 1949.
 10. Уразбаев А.К, Қурбаниязов А.К.Ландшафтшунослик асослари. - Туркистан, 2015.

Рахматуллаев А.*

**САМАРҚАНД ШАҲРИНИНГ ТУРЛИ БАЛАНДЛИКЛАРИДА ШАМОЛ
ТЕЗЛИГИДАГИ ФАРҚЛАР**

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси ва Самарқанд вилояти бўйича электр энергия берадиган шамол ресурслари тўғрисида маълумотлар берилган. Самарқанд шаҳрида 10 метр ва 40 метр баландликларда бир вақтда ўлчанган шамол тезлигининг бир ойлик маълумотлари таққосланган. 40 метр баландликда шамол тезлиги 10 метр баландликка нисбатан 2,5-3,0 баравар ортиклиги аниqlанган.

Калим сўзлар: шамол энергияси, шамолнинг лаҳзали ва максимал тезлиги, анеморумбометр, шамол қурилмаси, шамол гули.

Различия в скорости ветра на различных высотах города Самарканда

Аннотация: в статье даётся информация о ветро-энергетических ресурсах Республики Узбекистан и Самаркандского вилоята. Сравниваются среднемесячные значения скорости ветра, одновременно измеренные на высотах 10 метров и 40 метров в городе Самарканде. Показывается, что на высоте 40 метров скорость ветра 2,5-3,0 раза выше по сравнению с 10-метровой высотой.

Ключевые слова: энергия ветра, мгновенная и максимальная скорость ветра, анеморумбометр, ветрогенератор, роза ветров.

Wind speed differentencies obtained from several heights of Samarkand city

Resume: It is discussed an information on wind resources, as a source of power for Uzbekistan and Samarkand province. It is compared monthly data on wind speed, simultaneously measured at different heights such as 10 and 40 m in Samarkand city. It is shown, that wind speed in 40 m was 2,5-3,0 times higher than from 10 m, height.

Key words: wind generating energy, apparent and maximal wind speed, anemorumbometer, wind generators, wind roses.

Кириш. Мутахассислар ҳисоблари бўйича углеводород ёқилғилари (нефт, газ, тошкўмир, ёнувчи сланец) захиралари XXI асрнинг ўрталарида жуда камаяди ва дунёнинг кўпгина худудларида умуман тугайди. Шу сабабали ҳам ривожланган давлатларнинг йирик илмий марказлари альтернатив энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича катта илмий тадқиқот ишларни олиб боришимоқда.

Президентимиз И.А.Каримовнинг 2013 йил 1 марта “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Фармони мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия ресурсларидан фойдаланиш ва ривожлантиришга катта туртки бўлди. Ўзбекистон Республикаси эгаллаган географик ўрни ва табиий шароитига кўра қуёш ва шамол ресурсларга бой худудлардан

* Рахматуллаев А. – Самарқанд давлат университети доценти.

хисобланади. Мамалакатимизнинг ҳар бир сантиметр квадрат майдонига бир йилда келадиган қуёш энергиясининг миқдори шимолий ҳудудларда $143 \text{ ккал}/\text{см}^2$, жанубий ҳудудларда $159 \text{ ккал}/\text{см}^2$ ни ташкил қилади. Бу бир квадрат метр майдонга ўртача 1 кВт/соатдан ортиқ миқдорга teng. Бу жуда катта миқдордаги энергия бўлиб, уни нефть эквивалентига айлантирасак 50 миллиард 973 миллион тоннани ташкил қилади. Таққослаш учун шуни айтиш мумкинки, ҳозирги пайтда Республикаизда бир йилда 5 миллион тоннадан ортиқроқ нефть қазиб олинади.

Республикаизда энергия олишда шамол энергияси қуёш энергиясидан кейин иккинчи ўринда туради. Ўзбекистонда ер юзасига яқин, яъни 10 метр баландликда шамол энергиясининг техник потенциали бир йилда 9,9 млрд кВт/соатга teng. Бу ҳозир республикаизда ишлатилаётган электр энергиясининг 20 фоизини ташкил қилади. Дунё бўйича ва республикаизда метеорологик станцияларда шамол тезлиги ва йўналиши 10 метр баландликда флюгер ва анеморумбометр асбоблари ёрдамида ўлчанади. 10 метрдан юқорига кўтарилиган сари шамол тезлиги янада ошади.

Ҳозир дунё бўйича 100 дан ортиқ давлатларда шамол энергетикаси ривожланмоқда. Европа давлатларида йил давомида ишлаб чиқилаётган электр энергиясининг 10-15 фоизи шамол энергиясига тўғри келади ва якин йилларда Германия, Голландия, Дания, Белгия, Франция давлатларида бу кўрсаткични 20 фоизига етказиш режаси тузилган.

Шамолдан электр энергия олиш асосан икки омилга боғлиқ: шамол тезлигига ва парраклар узунлигига. Шамол тезлиги 2 м/сек дан бошлаб парраклар жадал айлана бошлайди ва кам миқдорда электр энергия беради. Бу тезликда 3,0 метр узунликдаги парраклар 0,01 кВт, 4,0 метр узунликдаги парраклар 0,02 кВт энергия беради, бу кувватдаги энергия аккумуляторни зарядлашга етарли эмас. Шамол тезлиги 3 м/сек да 3,0 метр узунликдаги паррак 0,04 кВт, 4,0 метр узунликдаги паррак 0,08 кВт, 5,0 метр узунликдаги паррак 0,120 кВт энергия беради. Бу кувват аккумуляторни зарядлашга етади. Парраклар диаметри 7,0 метр бўлса 3 м/сек ва 4 м/сек тезликдаги шамоллар шу тезликларга мос 0,23 кВт ва 0,56 кВт электр энергия беради [3].

Асосий қисм. Самарқанд давлат университети Табиий факультети География бўлими ходимлари “Гидрометеорология кафедраси” доценти А.Рахматуллаев раҳбарлигига “Янги стационар постлар ёрдамида Самарқанд вилоятининг электр энергия олинадиган шамол ресурсларини аниқлаш ва картасини тузиш” мавзуси бўйича грант соҳиби бўлишди ва илмий-тадқиқот ишлар олиб боришимоқда. Ушбу мавзуу режаси бўйича шамол тезлиги ва йўналишини аниқлайдиган янги стационар пост Булунғур туманининг Эшмонтўп қишлоғида 2014 йил 18 майда ташкил қилинди ва 2015 йил июнь ойига қадар бир йиллик маълумотлар олинди. Дастребларни ҳисоб-китоблар бўйича ушбу постда йиллик ўртача шамол тезлиги 4,4 м/сек ни ташкил қилади [2]. Бу яхши кўрсаткич ва ушбу қишлоқдаги бир йиллик маълумотларнинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, Булунғур тумани Эшмонтўп қишлоғи жойлашган ҳудуд ва атроф жойларга шамол қурилмалари ўрнатилса, улардан олинадиган энергия аҳолини электр энергия билан таъминлашга тўлиқ етади.

Одатда, шаҳар ва қишлоқларда уйлар, дараҳтлар, бошқа турли хил қурилиш обьектларининг баландлиги 10 метрдан ошади ва улар шамол тезлигига тўсқинлик қилади. Шу туфайли ҳам ривожланган чет мамлакатларда шамол генераторлари баланд қилиб ўрнатилади ва уларнинг баландлиги 30 метрдан 100 метрга етади.

Шамол тезлигига тўсқинлик қиладиган обьектларни ҳисобга олиб Самарқанд шаҳрида 40 метр баландликда шамол тезлиги ва йўналишини аниқлаш режага киритилган. Ана шу мақсадда Самарқанд давлат университетининг 9 қаватли биносининг энг юқори жойи, яъни томи устига 2015 йил 31 август куни шамол кучи ва йўналишини аниқлайдиган анеморумбометр асбобини ўрнатдик. 40 метр баландликдан олинадиган маълумотлар Самарқанд шаҳар метеорологик станциясида 10 метр баландликдан олинган маълумотлар билан таққосланилади.

Метеорологик станцияларда шамол тезлиги ва йўналиши суткада ҳар уч соатда саккиз марта ўлчанади. Ўлчаш ишлари анеморумбометр асбоби ёрдамида амалга

оширилади. Бу асбоб электр энергия ёрдамида ишлайди. Электр энергия бўлмаган пайтларда шамол бўйича кўрсаткичлар флюгер ёрдамида аниқланилди. Флюгернинг кўрсатгич аниқлиги анеморумбометрга нисбатан анча кам. Анеморумбометрда шамол йўналиши градусда, шамол тезлиги иккита кўрсатгичда берилади: лаҳзали тезлик ва максимал тезлик.

СамДУнинг 9 қаватли биносининг томига 40 метр баландликка ўрнатилган анеморумбометр шамол ўлчагич асбобидан маълумотларни Гринвич вақти билан суткасида тўрт марта олинади: соат 5^{00} , 11^{00} , 17^{00} , 23^{00} да. Ҳар тўрт соатда олинадиган бу кўрсаткичлар асосий кўрсаткичлар хисобланади. Атмосферанинг юкори қисмларида шамол тезлиги ва йўналишини зондлар ва бошқа усувлар ёрдамида ўлчаганда ҳам ушбу тўрт марталик ўлчаш ишлари орқали амалга оширилади.

Ушбу тўрт муддатдаги олинган натижалар Самарқанд шаҳар метеорологик станциясидаги шу муддатлардаги ўлчаш ишлари натижалари билан таққосланилди. Олинган натижалар куйидаги иккита чизмада кўрсатилган.

1-расм



2-расм



Биринчи расмда узлуксиз кулранг чизик орқали 10 метр баландликдаги Самарқанд шаҳар метеорологик станциясининг лаҳзали ўлчаш натижалари, қора чизик орқали 40 метр баландликдаги СамДУ биносидаги янги постнинг лаҳзали ўлчаш натижалари берилган. Сутка давомида тўртта ўлчаш натижаларининг ўртача қиймати олинган ва шу асосда чизма тайёрланган. Чизмада сентябр ойининг 13 куни шамолнинг суткалик ўртача тезлиги 3,0 м/сек ва 14-куни 3,7 м/сек бўлганлиги кўриниб турибди. Ойнинг бошқа кунларида шамол тезлиги 0,5 м/сек дан 2,5 м/сек га қадар ўзгариб туради. Шамол тезлиги 2,0 м/сек ва ундан ошик кунлар ойнинг 6 кунини ташкил қиласди. Умуман сентябрь ойида шамолнинг ўртача лаҳзали тезлиги 1,65 м/сек га teng. Е.Н.Балашева и др (1963) маълумотлари бўйича 1960 йилларга қадар Самарқанд шаҳрида сентябрь ойида шамолнинг ўртача ойлик тезлиги 1,9 м/сек ни ташкил қиласди. Шамол тезлигидаги сентябрь оидаги бу фарқ нимага боғлиқ? Самарқанд вилояти гидрометеорология бошқармасида кўп йиллар ишлаган А.И.Мирзоевнинг фикрича ўтган асрнинг 60-йилларига қадар метеорологик майдонча атрофлари очиқ бўлган, ҳаво оқими нисбатан эркин келиб турган. Кейинги йилларда икки қаватли уйларнинг кўпайиши, баланд дараҳтлар шамол ҳаракатига таъсир кўрсатмоқда. Шу тўсиқлар туфайли шамол йўналиши ва тезлиги анча ўзгарди. Демак, шамол тезлигининг камайиши метеорологик майдонча атрофига яқин курилган уйлар ва ўстирилган дараҳтлар билан боғлиқ.

СамДУ биноси томига ўрнатилган анеморумбометрнинг лаҳзали ўлчаш кўрсаткичлари анча фарқ қиласди. 40 метр баландликда шамолнинг ўртача лаҳзалик тезлиги 4,1 м/сек, бу 10 метр баландликдаги тезликка нисбатан 2,5 баравардан ортиқроқдир. 5,0 м/сек дан ортиқ лаҳзалик тезлик ой давомида 7 кунда кузатилган, шулардан иккитаси 6 м/сек дан ҳам каттароқ. 3,0 м/сек дан кичик тезлик ой давомида икки кунда қайд қилинган, холос.

Максимал тезликлар икки ўлчаш оралиғидаги шамол тезлигининг энг катта кўрсаткичлари бўлиб, анеморумбометр хотирасида сақланади, лаҳзалик тезлик кўрсаткичига ёзиб олинганда максимал тезлик ҳам ёзиб олинади.

Иккинчи расмда ҳар иккала кузатиш пунктидаги шамолнинг энг катта тезлиги берилган. Самарқанд метеорологик станциясида сентябрь ойида максимал тезликнинг ўртача кўрсаттичи 4,3 м/сек ни ташкил қиласди. Шамол тезлиги 6,0 м/сек дан ортиқ кунлар 3 марта, 5,0 м/сек дан 6,0 м/сек гача 6 марта, 4 м/сек дан 5,0 м/сек гача 13 марта тақрорланади. Сентябрь ойида бир марта шамол тезлиги жуда камайиб 1,5 м/сек гача тушган, холос. Умуман олганда, шамолнинг максимал тезлик кўрсаткичлари Самарқанд шаҳрида 10 метр баландликда унча катта бўлмаган қувватдаги электр энергия олиш мумкинлигини кўрсатади.

СамДУ биносидаги 40 метр баландликда шамолнинг ой давомида ўртача максимал кўрсаттичи 8,17 м/сек ни ташкил қиласди. Ой давомида энг паст максимал шамол тезлиги 5,3 м/сек, максимал тезликнинг энг катта ўртача кўрсаттичи 10,8 м/сек га етади. Шамол тезлиги 9 м/сек дан 11,0 м/сек гача ой давомида 6 марта, 8 м/сек дан 9 м/сек га қадар 12 марта қолган кунларда шамол тезлиги 6-7 м/сек ни ташкил қиласди. Максимал тезлик 40 метр баландликда 10 метр баландликка нисбатан қарийб 2 баравар ортиклиги аниқланди.

Юқоридаги бир ойлик ўлчаш натижалари шуни кўрсатди, Самарқанд шаҳри ва атрофларида 40 метр баландликда парраклар диаметри 5-7 метр бўлган шамол курилмалари ўрнатилса битта курилмадан соатига 1 кВт дан 9 кВт гача электр энергия, парраклар диаметри 10 метр бўлса 2 кВт/соат дан 30 кВт/соатгача электр энергия олиш мумкин. Парраклар диаметри 2,5-4,0 метрли кичик шамол курилмалари вилоятимизнинг турли туманларида ишлаб турибди. Улардан олинадиган электр энергия 2-4 кВт соатдан ошмайди ва битта ёки бир нечта оилани энг зарурий электр энергия билан таъминлади.

Хуроса. Самарқанд шаҳрида 10 метр ва 40 метр баландликларда 2015 йил сентябрь ойида шамол тезлигини ўлчаш натижалари бўйича 40 метр баландликда шамолнинг тезлиги 10 метр баландликка нисбатан 2,0-2,5 баравар катта эканлиги аниқланди.

Бу тадқиқотлар 2015-2016 йилларда давом эттирилади ва йиллик натижалар ойлар

бўйича таҳлил қилинади, шулар асосида 10 метр ва 40 метр баландликдаги шамолнинг бир йилда электр энергия бериш имкониятлари ҳисоблаб чиқилади.

Шамол тезликнинг юқорига кўтарилиган сари ошиб боришини инобатга олган ҳолда 40 метрдан баландроқ сатҳларда ҳам шамол тезлигини ўлчаш ишлари бажарилиши лозим, чунки ривожланган чет давлатларнинг шамол энергияси билан шуғулланувчи компаниялари 40 метрдан 85 метргача баландликларда шамол ресурсларини ўрганиш билан шуғулланишмоқда.

СамДУ нинг 9-қаватли биноси томига тажриба сифатда электр энергия ишлаб чиқарадиган кичик шамол қурилмаси ўрнатилиши лозим деб ҳисоблаймиз. Бу 40 метр баландликда шамолдан қанча электр энергия олиш мумкинлигини кўрсатиб берувчи далил бўлиб хизмат қиласди.

Адабиётлар:

- 1.Балашева Е.Н и др. Климатическое описание Зарафшанского района. - Л., 1963. -119 с.
- 2.Рахматуллаев А., Мамажонов Р. Шамол энергетикаси, уни ўрганиш ва карталаштириш муаммолари // Ўзбекистон География жамияти ахбороти. - 46-жилд. - Тошкент, 2015. -10-13 б.
- 3.Шефтер Я.И. Использование энергии ветра. - М., 1983. - 200 с.

Абдуназоров У.К., Крахмаль К.А., Эгамбердиев А.Э.*

ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ ПРИРОДЫ В ЧЕТВЕРТИЧНОМ ПЕРИОДЕ НА ТЕРРИТОРИИ УЗБЕКИСТАНА

Аннотация: В статье представлен анализ сложных физико-географических процессов и явлений их генетического и вещественного разнообразия в пределах зоны сочленения структур Тянь-Шаня, Памиро-Алая и Туранской платформы на протяжении кайнозоя в исторической последовательности,

Ключевые слова: физико-географические условия, географическая зональность, географические пояса, биогеография, кайнозой, неоген-четвертичный период, памятники каменного века, антропоген.

Ўзбекистон худуди табиатининг тўртламчи даврдаги шаклланиш босқичлари

Аннотация: Мақолада Тянь-Шань, Помир-Олой платформалари геоструктураларини кайназой эрасида шаклланиш тарихига таъсир кўрсатган мурракаб табиий-географик жараёнлар таҳлили тарихий кетма- кетликда келтирилган.

Таянч сўзлар: табиий-географик шароит, географик зоналлик, географик минтака, биогеография, кайназой, неоген-тўртламчи давр, тош даври ёдгорликлари, антропоген.

Stages of physiographic development of nature in the quaternary period in Uzbekistan

Annotation: The article presents the analysis of complex physical-geographical processes and phenomena of their genetic material and diversity within the area of joint structures of the Tien-Shan and Pamir-Alai and Turan platforms throughout the Cenozoic in historical sequence,

Keywords: physical and geographical conditions, geographical zoning, geographic zone, biogeography, Cenozoic, Neogene-Quaternary period, the monuments of the Stone Age, anthropogenic.

Физико-географические процессы в периоды позднего кайнозоя в различных регионах Земли имели различные и своеобразные особенности развития. В то время как природа в тропической зоне изменялась незначительно, в северных внетропических пространствах развивалась достаточно интенсивно, а в горных районах, временами

*Абдуназоров У.К. – доцент кафедры «География» НУУз;
Крахмаль К.А. –доцент кафедры «Социально-гуманитарных наук», к.и.н.. Навоийский государственный горный институт;
Эгамбердиев А.Э. - доцент кафедры «Геодезия, картография и кадастр» НУУз.

катастрофически. Особенности динамики развития природных процессов и явлений отражены в увеличение числа физико-географических и биогеографических поясов на поверхности Земли. В начале кайнозойской эры отмечены характерный широкий экваториально-тропический лесной пояс, слабо выраженные засушливые тропические и субтропические пояса и широкие внетропические лесные пояса. В процессе динамики геотектонического развития происходило увеличение физико-географического и биогеографического разнообразия природной среды, в результате в течение новейшей геологической истории произошло формирование тринацати современных различных географических поясов.

Природные районы, размещенные в пространстве различным образом, сохраняли в себе свои физико-географические особенности изменений во времени. Принцип пространства и времени особенно подчеркнут потому, что природа земной поверхности именно в четвертичном периоде, когда возникли ледниковые покровы, нарушившие температурный баланс земной поверхности достигла особенно большого пространственного разнообразия. В результате дифференциации физико-географических условий на Земле в четвертичном периоде не осталось района, природные изменения которого можно рассматривать в качестве эталона развития всей земной поверхности.

В связи с этим определены основные цели и задачи по изучению и картографированию временных особенностей физико-географических преобразований природной среды в позднем кайнозое на территории Узбекистана в региональном плане. Выделение стратиграфических этапа проводится на основании тектонических критериив структурных, морфоструктурных, формационных преобразованиях высотной зональности и их особенностей. Метод исследования позволяет рассмотреть всю сложность физико-географических процессов и явлений в исторической последовательности, генетического и вещественного разнообразия в пределах зоны сочленения орогенных структур Тянь-Шаня, Памиро-Алая и Туранской платформы [Далимов, Троицкий. 2005].

Здесь также необходимо отметить, что изучение этапов индивидуального физико-географического развития природы в конкретно выделенном регионе не исключает общих закономерностей развития всей земной поверхности. Главное из них явилось направленное тектоническое развитие, образование горных массивов, климатические изменения планетарного масштаба, достигших в виде ледниковых покровов кульминационной точки в четвертичном периоде.

Однако индивидуальность развития отдельных районов поверхности Земли определяет необходимость изучать данные по отдельным географическим районам. Следовательно, необходимо предварительное определение поверхности Земли на такие физико-географические районы, которые ярче всего отличаются особенностями геолого-исторического развития физико-географических и биогеографических процессов, отразившихся в стратиграфии отложений. Таким образом, исследования региона, включающего зону сочленения Тянь-Шаньского орогена и Туранской платформы должны базироваться на соответствующих индивидуальных хроностратиграфических схемах [Тойчиев. 1996]. Выделенный физико-географический регион является одновременно составной частью поверхности Земли.

В процессе комплексного, междисциплинарного изучения особенностей истории развития ландшафтной зональности на территории Узбекистана были получены результаты, позволяющие определить основные этапы формирования природы в четвертичном периоде. Основные изменения характерные для определенного региона исследований были обусловлены развитием природных процессов в предшествующие геологические периоды. Четвертичный период, как новейший геологический этап развития Земли – непосредственно связан с физико-географическим формированием природы на протяжении всей кайнозойской эры.

Для детализации хронологических этапов и определения качественных изменений физико-географических условий, происходивших в четвертичном периоде необходимо

охарактеризовать общее направление изменений природы на протяжении ранних геологических периодов кайнозойской эры. В течение второй половины кайнозоя происходило увеличение высоты материков и глубины океанов. Последняя большая трансгрессия океана Тетис отмечена в олигоцене. В последующие геологические периоды кайнозоя сопряжено, но неравномерно происходило расширение континентальной поверхности и увеличение ее высоты. Уменьшение высоты поверхности суши в зонах депрессий имели, как правило, региональный и направленный характер.

Современная, средняя высота поверхности материков над уровнем океана составляет 875 м. По данным ряда исследователей, в течение миоцена, плиоцена и плейстоцена она увеличилась на 500 м [Николаев. 1962]. Высоты горных районов на территории Узбекистана, включающих Тянь-Шань и Памиро-Алай, за те же периоды геологического развития увеличились на тысячи метров, что было обусловлено – новейшим этапом тектонического развития Земли. Изучение унаследованного исторического развития орогенеза Тянь-Шаня позволило разработать геофизические и палеомагнитные методы изучения стратиграфии четвертичных отложений в регионе исследований [Тойчиев. 1996]. Увеличение средней высоты суши на 500 м вызвало охлаждение земной поверхности 3°C [Брукс. 1952]. В отдельных горных районах, поднявшихся на тысячи метров, температура понизилась гораздо ниже и повлекло за собой общее направленное охлаждение климата поверхности Земли.

Филогенетическое развитие растений и животных привела к доминированию в течение кайнозоя в животном мире класса млекопитающих, а в растительном – класса покрытосеменных. Появление новых видов растительных и животных формаций происходило на протяжении всего кайнозоя, включая четвертичный период. Для четвертичного периода хорошо изучен процесс филогенеза семейства слоновых [Тойчиев, Крахмаль, Абдуназоров. 2013]. Слоновые принадлежат к отряду хоботных, первые ископаемы представители известны начиная с эоцена.

В растительном мире происходит появление альпийских и арктических растений. Важной особенностью развития растительного и животного мира в кайнозое состояло также в увеличении разнообразия и численности форм, приспособленных к условиям обитания в засушливых, пустынно-степных климатических условиях, характерных для территории Узбекистана. В эволюции растительного мира характерно увеличение роли трав, большая часть которых принадлежит к подклассу однодольных растений.

Параллельно с филогенетическим развитием происходило направленное изменение группировок видов растений и животных, что позволяет определить характеристики исторических этапов изменения структуры физико-географической и биогеографической зональности. Направленное изменение представляло основную закономерность изменения всей природы в течение кайнозойской эры, подчеркнув зависимость природы четвертичного периода от развития природных процессов и явлений более раннего периода.

Рельеф, климат, почвенный покров, растительный и животный мир плиоцена и четвертичного периода имели некоторые черты сходства и различий Поэтому, в процессе определения хроностратиграфических рубежей, особое внимание уделяется образование качественных различий и регионального своеобразия в развитии природы. Особенности физико-географической обстановки заключались в континентальности и формировании горных массивов, резкой дифференциации климата. В развитии эволюции животного и растительного мира, широком распространении форм растений и животных, приспособленных к условиям сухого и холодного климата.

Общие черты природы, характерные для ранних эпох кайнозоя, к началу четвертичного периода стали более контрастными. В высоких широтах земного шара формируются ледниковые покровы - новое явление в истории природы кайнозоя, которые характерны для четвертичного периода. Оледенения коренным образом изменяли тепловой баланс поверхности Земли. Поэтому каждая новая ледниковая эпоха вызывала

значительные изменения природы и на других пространствах. Повторяемость ледниковых эпох обусловила изменения всех компонентов природной среды: литогенеза и рельефа, образования речных террас, климата растительности и почвенного покрова, животного мира [Степанов, Абдуназоров. 1977]. Эти сравнительно резкие изменения запечатлены в стратиграфии четвертичных отложений. История ледниковых эпох имеет исключительно важное значение для изучения истории развития природы в четвертичном периоде для всей земной поверхности.

В четвертичном периоде происходит становление человека и формирование его физического типа, и последовательные этапы развития человеческого общества. Появление человека самое замечательное событие в процессе длительного геологического развития Земли и органического мира. Изучение следов обитания человека на территории Узбекистана имеет большое значение для решения вопросов истории развития физико-географических условий, непосредственно касающихся проблем четвертичной геологии – стратиграфического расчленения отложений, определения геологического возраста, палеогеографических условий. Многочисленность остатков обитания ископаемого человека, глубокая их древность, залегание в разнообразных физико-географических и геолого-геоморфологических условиях делает памятники каменного века важным хроностратиграфическими и палеогеографическими источниками, важнейшими маркирующими горизонтами.

Таким образом, общие черты природы в периоды позднего кайнозоя становятся более контрастными, происходит возникновение новых географических поясов. За короткие временные интервалы четвертичного периода, существенно изменилась высотная зональность Тянь-Шаня, Туранской платформы и ряд других физико-географических факторов, которые обуславливают необходимость их изучения в региональном плане.

Литература:

1. Брукс Ч. Климаты прошлого. - М., 1952.
2. Далимов Т.Н., Троицкий В.И. Эволюционная геология. – Т.: «Университет», 2005.
3. Николаев Н.И. Неотектоника и ее выражение в структуре и рельфе. - М., 1964.
4. Степанов И.Н., Абдуназоров У.К. Погребенные почвы в лессах Средней Азии и их палеогеографическое значение. - М.: «Недра», 1977.
5. Тойчиев Х.А. Палеомагнитная стратиграфия континентальных четвертичных отложений Узбекистана. Автореф. дисс. докт. геол.-минер. наук. – Т., 1996.
6. Тойчиев Х.А., Крахмаль К.А., Абдуназоров У.К. Открытие захоронения южного мамонта на территории Узбекистана // Основные проблемы магматической геологии Западного Тянь-Шаня. - Т., 2013.

Шарипов Ш.М., Шамуратова Н.Т., Абдуллаев И.Х.* ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ ЛАНДШАФТ ТУЗИЛМАСИ

Аннотация: Маколада Тошкент вилояти ландшафт тузилмаси, ландшафт хилларининг майдони ва уларда рўй берадётган табиий жараёнлар, фойдаланиш тури ёритилган.

Таянч сўз ва иборалар: ландшафт, ландшафтлар таснифи, тасниф бирликлари, баландлик минтақалари, ландшафт хили.

Ландшафтная структура Ташкентской области

Аннотация: В статье рассматриваются ландшафтная структура Ташкентской области, площади видов ландшафтов, физико-географические процессы, происходящие в

*Шарипов Ш.М. – география фанлари номзоди, ЎзМУ География кафедраси доценти в.б.

Шамуратова Н.Т. - география фанлари номзоди, ЎзМУ География кафедраси доценти в.б.

Абдуллаев И.Х.- география фанлари номзоди, ТДПУ География ўқитиши методикаси кафедраси доценти.

пределах ландшафтов, виды ландшафтовс точки зрения их использования.

Ключевые слова: ландшафт, классификация ландшафтов, классификационные единицы, высотная поясность, вид ландшафтов.

Landscape structure of Tashkent region

Resume: The article deals with landscape structure of Tashkent region, the area of landscape types, physical and geographical processes taking place within the landscape, types of landscape use.

Keywords: landscape, landscape classification, classification units, high-altitude zone, type of landscape.

Тошкент вилояти табиий географик жиҳатдан Чирчик-Оҳангарон округида жойлашган бўлиб, рельефга боғлиқ холда тоғ ва текислик ландшафтларининг ўзаро ўйғунлиги хосдир.

Вилоятнинг ландшафт тузилмасини тавсифлашда В.А.Николаевнинг структурали-генетик тасниф схемасидан фойдаландик. Ушбу схема кўп поғонали бўлиб, куйидагича кўринишга эга: *Бўлим* → *қисм* → *кичик қисм* → *оила* → *синф* → *кичик синф* → *гуруҳ* → *тур* → *кичик тур* → *тоифа* → *кичик тоифа* → *хил* → *кичик хил*.

Вилоят ландшафтлари бўлимтаснифий поғонасидан *оила* поғонасигача бўлинишга учрамайди. Шу боис, ландшафтларни тавсифлашни синф таснифий поғонасидан бошладик.

Синф таснифий поғонасида олий даражадаги морфоструктуралар, табиий зоналликнинг вертикал тури асос қилиб олиниб, тоғ (1-17) ва текислик (18-31) ландшафтларига ажратилди. Тоғ ландшафтларининг майдони 9007.445 км² бўлиб, вилоятнинг 57.74 % ини, текислик ландшафтларининг майдони 6299.787 км² бўлиб, 40.38 % ини ташкил этади.

Тоғ ландшафтлари ер пўстининг кўтарилаётган, неотектоник харакатлар жадал рўй берадиган ҳамда у билан боғлиқ эрозия ва денудация жараёнлари шароитида шаклланмоқда. Текислик ландшафтлари деярли ер пўстининг тектоник букилмаси – Тошкент-Мирзачўл чўкмасида шаклланмоқда ва тоголди текислигига жойлашганлиги учун Турон провинциясининг чўл зонасидан тоғли районига ўткинчи қуи поғонани ташкил этади. Шу боис, бу ерда баландлик минтақаланишининг намоён бўлишини кўриш мумкин.

Кичик синф поғонасида рельефнинг баландлик яруслари тоғ ландшафтларини баланд (1-4), ўртча баланд (5-9) ва паст (10-17) тоғлар ландшафтларига ажратишимиизга асос бўлди. Текислик ландшафтлари эса ягона тоголди (баланд) текислиги (18-31) кичик синфига бирлаштирилди.

Гуруҳ поғонасида ландшафтлар сув ва геокимёвий тартиби, намланиш нисбатига кўра автоморф, яримгидроморф ва гидроморф ландшафтларга гуруҳлаштирилди. Тоғ ландшафтлари автоморф (2-17) ва яримгидроморф (1) гуруҳларига, текислик ландшафтлари эса автоморф (18-20, 22, 23), яримгидроморф (21, 24-28) ва гидроморф (29-31) гуруҳларига ажратилди.

Тур таснифий поғонасини ажратишда ландшафтларнинг зонал белгиларига асосландик. Тоғ ландшафтларини ўтлоқ-дашт (ялов) – 1-4, ўрмон-ўтлоқ-дашт (тоғ) – 5-9, қуруқ дашт (адир) – 10-17 ландшафтларига, текисликда эса чўл-дашт (адир) – 18-31 ландшафтларини ажратилди.

Кичик турларни ажратишда тупроқ-биоиқлиний белгилар асос қилиб олинди ва еттита ландшафт кичик турлари ажратилди. Тоғ ландшафтлари қуйидаги кичик турларга ажратилди: паст ўтли гляциал-нивал саҳролар(1), баланд бўйли ўтлоқ-дашtlар(2-4), баланд бўйли дашт ўсимликли-бутали-арча ўрмонлари (5-9), эфемероид даштлари (10-12), турон турли ўтли қуруқ даштлари(13-17). Текислик ландшафтлари эса иккита кичик турга ажратилди: эфемер-эфемероидли даштлар(18-28), тўқайлар (29-31).

Тоифа поғонаси геологик-геоморфологик хусусиятлари бўйича фарқла- нади.

Уларни ажратишда рельефнинг морфологияси ва генезиси (рельефнинг генетик турлари) асос қилиб олинди ва ўн учта (I-XIII) ландшафт тоифаси ажратилди. Бунда тупроқ ва ўсимликларига ҳам эътибор берилди.

Ландшафт **хилларини** ажратишда тупроқ, ўсимлик, рельеф ва ётқизикларининг ўхшашлиги, айниқса биринчи учтаси эътиборга олинди. Тадқиқотлар натижасида 31 та ландшафт хилини ажратдик. Ушбу ландшафт хилларининг тартиб рақами ва номи ландшафт картасида матн ва жадвал шаклида берилди.

Қўйида вилоятнинг ландшафт тузилмасини тавсифлашда, яъни ландшафтларнинг майдони ва вилоят умумий майдонидан неча фоизни банд этишини ландшафт хили кесимида, ландшафтларнинг тарқалиш жойи, уларда рўй бераётган табиий географик жараёнлар ва хўжаликда фойдаланиш тури кабиларни ёритишда эса, мақолада жойни тежаш мақсадида, ландшафт кичик тури доирасида кўриб чиқиши маъқул топдик.

Тошкент вилоятининг ландшафт тузилмасида энг баланд гипсометрик поғонада ялов баландлик минтақасининг паст ўтли гляциал-нивал саҳролар ландшафтлари жойлашган. Ушбу ландшафтлар Угам, Пском, Чотқол тоф тизмаларининг 3200-3400 м.дан баланд сувайирғич қисмларини эгаллаб, умумий майдони 836.663 km^2 ёки вилоят худудининг 5.4 % ини ташкил этади. Бу ландшафтларга музликлар, қорликлар ва улар ҳосил қилган рельеф шаклларининг мавжудлиги хосдир. Пском дарёси ҳавзасида умумий майдони 121.2 km^2 бўлган 251 та музлик (Шетинников, 1976) борлиги аниқланган. Дарёning ҳар икки томон ирмоқлари ҳавзасидаги музликлар 3000-3200 м. дан 3600-3800 м. баландликларда тарқалган. Музликларнинг кўпчилиги унчалик катта эмас.


Ландшафт тузилмасида кейинги гипсометрик поғонани ялов баландлик минтақасининг баланд тоф ўтлок-дашт ландшафтлари эгаллайди. Бу ландшафтлар вилоятдаги тоф тизмаларининг 2700-2800 м. дан 3200-3400 м. гача бўлган сувайирғич ва унга туташ бўлган қисмларини қамраб олиб, 781.071 km^2 майдонни, вилоят худудининг 5.01 % қисмини эгаллайди. Майдон жиҳатидан энг кўп тарқалгани 2-ландшафт хили бўлиб, 705.246 km^2 , ёки вилоят худудининг 4.36 % ини эгаллайди. Колган ландшафт хиллари эса мос ҳолда қуйидагича: 3-ландшафт хили – 46.907 km^2 , 0.3 %; 4-ландшафт хили – 28.918 km^2 , 0.2 %.

Ялов минтақасидаги ландшафтлар (1-4) учун нисбий баландликларнинг катталиги, палеозой интрузив ва эфузив жинсларининг кенг тарқалганлиги, рельефнинг чукур ва кескин парчаланганилиги, қояли, тик ёнбағирли (35° - 45° ва ундан катта) чукур (500-700 м) дараларнинг мавжудлиги хосдир. Ландшафтларнинг баландда жойлашганлиги, тоф тизмалари ёнбағирлари рельефининг кучли парчаланганилиги, нисбатан совуқ иқлимий шароит, совуқдан нураш ва солифлюқциянинг жадал рўй бериши, кўчкilarнинг тез-тез содир бўлиб туриши кабилар табиий муҳитнинг ўсимлик ва ҳайвонот олами камбағал бўлишини белгилайди. Табиийки, баланд бўйли дараҳт-бута ўсимликлари мавжуд эмас. Ушбу сабаблар мазкур ландшафтларнинг инсон таъсирига жуда кам учраши ва деярли табиий ҳолда сакланиб қолишини таъминлаган.

Вилоятнинг ландшафт тузилмасида тоф баландлик минтақасининг ўрмон-ўтлок-дашт ландшафтлари салмоқли ўринга эга. Ушбу минтақа ялов минтақасидан пастда жойлашган бўлиб, Ғарбий Тяншан тоф тизмаларининг мутлақ баландлиги 1200-1400 м. дан 2700-2800 м. гача бўлган ёнбағирлари ва сувайирғичларда тарқалган ҳамда аниқ намоён бўлади. Майдони 5376.551 km^2 бўлиб, вилоят худудининг 34.46 % ини эгаллайди. Ушбу минтақада жами 5 та (5-9) ландшафт хили ажратилган бўлиб, уларнинг умумий майдони ва вилоят худудидаги улуши қуйидагича: 5-ландшафт хили – 1655.640 km^2 , 10.6 %; 6-ландшафт хили – 2111.673 km^2 , 13.5 %; 7-ландшафт хили – 1100.101 km^2 , 7.1 %; 8-ландшафт хили – 94.861 km^2 , 0.6 %; 9-ландшафт хили – 414.276 km^2 , 2.6 %.

Табиий географик жараёнлардан нураш, карст, эрозия, сурилма, кўчки, сел, қурумларнинг вужудга келиши кабилар рўй беради. Уларнинг тарқалиши ва фаоллиги ёнбағирларнинг экспозицияси ва қиялигига боғлиқ ҳолда намоён бўлади. Рельефнинг тикилиги ва бошқа маҳаллий омиллар туфайли ушбу ландшафтлар нисбатан табиий ҳолда

сақланиб қолган, яйлов чорвачилиги ва ўрмон хўжалигига фойдаланилади.



Паст тоғ-тоғолди ҳудудларида неоген-тўртламчи ва палеозой эрасининг тоғ жинсларида адир (юқори) баландлик минтақасининг куруқ дашт зonasи таркиб топган бўлиб, Коржантог, Пском, Чотқол ва Қурама тизмаларининг 600-700 м. дан 1200-1400 м.гача бўлган мутлақ баландликларида тарқалган. Майдони 2003.842 км² бўлиб, вилоят

худудининг 12.84 % ини эгаллайди. Ушбу минтақада иккита кичик тур – тоғ-водий эфемероид даштлари ва турон турли ўтли қуруқ даштлари ажратилган.

Тоғ-водий эфемероид даштлари Чирчиқ ва Оҳангарон дарёлари ҳавзасида водий бўйлаб юқорига чуқур кириб борар экан, доимо тоғ минтақаси ландшафтларининг таъсирида бўлади. Бу кичик тур доирасида учта ландшафт хили (10-12) ажратилган бўлиб, улар сирдарё, миরзачўл, тошкент ва нанай эрозион-аккумулятив циклига оид террасаларда ҳамда сойларнинг ёйилма конусларида шаклланган. Бу ландшафтларнинг умумий майдони ва вилоят худудидаги улуши қуйидагича: 10-ландшафт хили – 123.332 км², 0.8 %; 11-ландшафт хили – 1.554 км², 0.3 %; 12-ландшафт хили – 62.937 км², 0.4 %. Ушбу ландшафтлар адир минтақаси сингари тоғ минтақасига ҳос хусусиятларни ҳам намоён этади. Террасалар турли ёшда бўлиб, аҳоли томонидан ўзлаштирилган. Шағалтошли, кумоқли ва лёссимон ётқизикларда жигарранг ва тўқ бўз тупроқлар шаклланган. Мевали дараҳт-бута, сабзавот ва бошоқли экинлар билан бирга эфемероидлар кенг тарқалган.

Турон турли ўтли қуруқ даштлари адир минтақасининг асосий ландшафтлари бўлиб, бешта хили (13-17) ажратилди. Уларнинг умумий майдони ва вилоят худудидаги эгаллаган улуши қуйидагича: 13-ландшафт хили – 1109.904 км², 7.1 %; 14-ландшафт хили – 120.281 км², 0.8 %; 15-ландшафт хили – 261.774 км², 1.7 %; 16-ландшафт хили – 23,681 км², 0.2 %; 17-ландшафт хили – 250,379 км², 1,6 %. Кўпроқ тўқ бўз тупроқлар тарқалган бўлиб, бошоқли, яъни дашт ўсимликлари, маданий ўсимликлардан эса узум, мевали ва донли экинлар кенг тарқалган. Ушбу ландшафтлардан асосан яйлов чорвачилигига (13,16,17) ва деҳқончиликда (14,15) фойдаланилади.

Тоғолди текислигига адир (пастки) баландлик минтақасининг чўл-дашт зонаси ландшафтлари Сирдарё, Чирчиқ, Оҳангарон дарёларининг ўзанидан бошланиб юқори адир минтақасигача кўтарилади ва 260-270 м.дан 600-700 м.гача бўлган мутлақ баландликларни эгаллайди. Майдони 6309.050 км² бўлиб, вилоят худудининг 40.44 % ини эгаллайди. Ушбу минтақада иккита кичик тур – эфемер-эфемероидли даштлар ва тўқайлар ажратилган.

Эфемер-эфемероидли даштлар асосан Сирдарё, Чирчиқ ва Оҳангарон дарёларининг тошкент, миризачўл, сирдарё эрозион-аккумулятив циклига оид террасалари ва уларга куйилувчи сойларнинг пролювиал ёйилмаларини эгаллайди. Ушбу террасаларда ўн битта ландшафт хили (18-29) ажратилди.

Тошкент эрозион-аккумулятив циклига оид террасаларнинг сони (260-270м.дан 700м.гача) учтагача кўпайиб боради (Зайнутдинов,1990). Террасаларнинг юзи тўлқинсимон бўлиб, лёссли жинслардан тузилган, тупроқлари асосан оддий бўз тупроқ, нисбатан кичик худудларда, пастқамликларда кўп асрлик суғорма деҳқончилик натижасида бўз-ўтлоқи тупроқлар пайдо бўлган. Табиий ўсимлиги эфемер ва эфемероидлардан иборат. Суғориш мумкин бўлмаган жойларини ҳисобга олмагандан деярли тўлиқ ўзлаштирилиб суғорма ва баҳорикор деҳқончиликда фойдаланилади ва табиий-антропоген ландшафтлар (18-21) таркиб топган. Уларнинг умумий майдони ва вилоят худудидаги улуши қуйидагича: 18-ландшафт хили – 1364.168 км², 8.7 %; 19-ландшафт хили – 802.100 км², 5.1 %; 20-ландшафт хили – 192,235 км², 1.2 %; 21-ландшафт хили – 279.545 км², 1.8 %. Табиий географик жараёнлардан сурилма, жарланиш, суффозион-карст, ўприлиш кабилар содир бўлади. Мутлақ баландлик ортган сари, яъни тоғларга томон ушбу жараёнларнинг сони ҳам, фаоллиги ҳам ортиб боради.

Миризачўл эрозион-аккумулятив циклига оид террасаларнинг (2 та) юзи текис бўлиб, лёс ва лёссимон жинслардан тузилган, асосан оддий бўз ва бўз-ўтлоқи тупроқлар тарқалган. Терраса юзи текис бўлганлигидан тўлиқ ўзлаштирилиб, суғориладиган табиий-антропоген ландшафтлар (22-26) таркиб топган. Уларнинг умумий майдони ва вилоят худудидаги улуши қуйидагича: 22-ландшафт хили – 647,284 км², 4.2 %; 23-ландшафт хили – 36.266 км², 0.2 %; 24-ландшафт хили – 300.374 км², 1.9 %; 25-ландшафт хили – 16.361 км², 0.7 %; 26-ландшафт хили – 67.762 км², 0.4 %. Табиий географик жараёнлардан кўпроқ жарланиш рўй бериб, табиий (ўзанли эрозия) ва антропоген (ирригация эрозияси) омиллар

таъсирида содир бўлади.

Сирдарё эрозион-аккумулятив циклига оид иккита терраса бўлиб, қайир усти террасаси жуда энсиз ва фрагмент ҳолатда учрайди, айрим жойларда ўзлаштирилганлигини ҳисобга олмаганда тўқай ландшафтлари ҳукмрон. Қайир усти II террасаси, айниқса Чирчиқ водийсида кенг бўлиб юзаси текис. Ўзлаштириш қулай бўлганлиги учун тўлиқ ўзлаштирилиб, суғориладиган табиий-антропоген ландшафтлар (27-28) таркиб топган. Уларнинг умумий майдони ва вилоят худудидаги улуши қуидагича: 27-ландшафт хили – 411.764 км², 2.7 %; 28-ландшафт хили – 1716.870 км², 11.0 %.

Тўқайлар дарёларнинг ўзан ва қайирларига ҳамда I қайир усти терраса-ларига тўғри келади ва учта ландшафт хили (29-31) ажратилди. Уларнинг умумий майдони ва вилоят худудидаги улуши қуидагича: 29-ландшафт хили – 116.182 км², 0.7 %; 30-ландшафт хили – 103.171 км², 0.7 %; 31-ландшафт хили – 154.968 км², 1.0 %. Табиий географик жараёнлардан ботқоқланиш ва шўрланиш рўй беради. Асосан ялов сифатида ва балиқчилик, овчилик ҳўжаликларида ҳамда рекреация мақсадларида фойдаланилади.

Адабиётлар:

1. Зайнутдинов А. Роль новейших тектонических движений в формировании природных условий // Авт. дисс. на соис. уч. ст. к.г.н. – Т., 1990. - 24 с.
2. Закиров Ш.С. Природные условия бассейна р. Ахангаран и опыт их оценки для целей сельскохозяйственного производства // Авт. дисс. ... к.г.н. – Т., 1972. - 24 с.
3. Шарипов Ш.М. Табаитни муҳофаза қилишда геоэкологик ёндашув (Тошкент вилояти мисолида) // Г.ф.н. илм. дар. олиш учун тақдим эт. дисс. – Т., 2012. - 202 б.
4. Щетинников А.С. Ледники бассейна реки Пскем. – Л.: Гидрометеоиздат, 1976. - 120 с.

Ибрагимова Р.А.*

РЕГИОНАЛ ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Мақолада регионал табиий географик тадқиқотларни амалга ошириш масалалари ҳақида сўз юритилади. Асосий эътибор табиий географик районлаштиришини амалга оширишда асос бўлувчи ландшафт ҳариталарнинг аҳамиятини ёритишга қаратилган.

Калим сўзлар: регионал табиий географик тадқиқот, табиий географик районлаштириш, таксономик бирликлар, ландшафт ҳаритаси.

Вопросы проведения региональных физико-географических исследований

Аннотация: В статье речь идет о вопросах проведения региональных физико-географических исследований. Основное внимание удалено раскрытию значения ландшафтных карт, являющихся основой физико-географического районирования.

Ключевые слова: региональное физико-географическое исследование, физико-географическое районирование, таксономические единицы, ландшафтная карта.

The implementation of the regional physiographic research

Abstract: This article deals with the issues of the regional physical-geographical research. The focus is on the coverage of the value of landscape maps, which are the basis in the implementation of physical-geographical zoning.

Keywords: regional physical and geographical study of physical-geographical zoning, taxonomic units, landscape map.

*Ибрагимова Раъно Алимбаевна – М.Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети География кафедраси катта ўқитувчisi, г.ф.н.

Регионал табиий географик тадқиқотларни амалга оширишда тадқиқотчи, албатта табиий географик районлаштириш муаммосига дуч келади. Табиий географиянинг асосий муаммоларидан бири ҳисобланган табиий географик районлаштириш илмий муаммо сифатида анча олдин илгари сурилган. Дастреб, бир қатор ишларда табиий хўжалик ва географик районлаштириш деб номланган. Антик давр географлари асарларида ҳам районлаштириш муаммосининг амалий аҳамияти таърифланган. Қадимги грек географи Страбон бундан 2000 йил олдин ҳудудни бўлганда ҳоҳлаган жойдан эмас, балки тоғ тизмалари, дарё ва денгизлар каби табиий чегаралардан ўтказишни тавсия этган.

Комплекс табиий географик районлаштириш методикаси ва методологияси билан Д.Л.Арманд, Н.А.Гвоздецкий, И.П.Герасимов, А.А.Григорьев, А.Г.Исаченко, С.В.Калесник, Ф.Н.Мильков, Н.И.Михайлов, Э.М.Мурзаев, В.С.Преображенский, В.И.Прокаев, Г.Д.Рихтер, В.Н., Н.А.Солнцев, В.Б.Сочава, В.М.Четиркин, И.С.Щукин ва бошқалар шуғулланган. Илмий адабиётларда табиий географик районлаштириш нима? – деган саволга ҳар хил жавоб берилганлигини ва турлича талқин қилинганлигини учратиш мумкин. Масалан, табиий географик районлаштириш бир вақтнинг ўзида ҳам тадқиқот жараёни (Н.А.Гвоздецкий), ҳам регионал табиий географик тадқиқот методи (В.М.Четиркин, А.Г.Исаченко), ҳам табиий географик муаммолар гурухи (Ф.Н.Мильков) ҳамда регионал табиий география назариясини ишлаб чиқишида муҳим илмий асос (Ш.С.Зокиров, Р.А.Ибрагимова) бўлиши мумкин. В.Б.Сочава табиий географик районлаштиришнинг ягона мақсад ва вазифаси ер юзини қисмларга ажратишдан иборат деб ёзди. Н.И.Михайлов районлаштиришни регионал табиий географик тадқиқотларнинг зарурий элементи эканлигини таъкидлаб, регионал табиий географияга тегишли муаммоларнинг барчасини табиий географик районлаштиришга киритган ва ҳ. Демак, тадқиқотнинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиқиб, танланган обьект табиий географик комплекс ёки биронта маъмурий чегара асосида, тоғ тизмаси ҳамда дарё ҳавзалари доирасида олиб борилишидан қатъий назар унинг ўрганиш предмети регионал кўламдаги табиий географик комплекслар ҳисобланади. Бу табиий географик комплексларнинг ички тузилишини аниқлаш, уларнинг шаклланиш ва ривожланиш омилларини ҳамда қонуниятларини ўрганиш, билиш, ёритиб бериш орқали табиий географик районлаштириш регионал тадқиқотларнинг илмий асоси вазифасини бажаради.

Табиий географик районлаштириш жараёнида ер юзасида ҳар хил катталикдаги, ҳар хил қийматга эга бўлган генетик жиҳатдан бир бутун бўлган табиий географик комплекслар ажратилади ва уларнинг табиий шароитидаги фарқлари аниқланади. Ажратилган комплексларнинг ҳар бири ўзига хос табиий шароитга эга бўлиб, ҳудудни хўжаликда ўзлаштиришда алоҳида усулларни ва турлича ёндашишни талаб қиласди. Ҳудуддан хўжаликда оқилона фойдаланиш ундаги ҳар хил қийматга эга бўлган табиий географик комплексларнинг мавжудлигига боғлиқ ҳолда табиий шароитдаги фарқларни ҳисобга олиш лозим. Шундай қилиб, табиий географик районлаштириш ер юзасининг табиий хусусиятларини инобатга олиб табиий бўлакларга бўлишдан иборат. Бунда албатта комплексларнинг маконда табақаланиш ҳодисасига дуч келинади. Уларни маълум қисмларга ажратишда, тартибга солишда эса таксономик бирликлар системасига асосланилади. Шу сабабли районлаштириш билан шуғулланган олимлар ҳар бири ўзига хос ва ўзига маъқул бўлган таксономик бирликлар системасидан фойдаланишган. Ўрта Осиё ўзига хос регионал табиий географик бирлик сифатида қаралиб, кўпгина олимлар томонидан табиий географик районлаштириш ишлари амалга оширилган. Жумладан, Л.С.Берг, Р.И.Аболин, В.М.Четиркин, Э.М.Мурзаев, П.С.Макеев, Б.А.Федорович, Л.Н.Бабушкин ва Н.А.Когай, П.Баратов каби олимлар Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ҳудудини табиий географик районлаштириш ишларини олиб боргандар ва ўз таксономик бирликларини тавсия этганлар (жадвал).

Тадқиқотчи регионал табиий географик тадқиқотларни амалга оширишнинг дастребки босқичида ҳудуднинг келиб чиқиши ва ўрганилиш тарихи, муаммонинг юзага келиши ва ривожланиши, табиий географик шароитидаги ўзгаришлар, уларнинг хозирги

ҳолати каби масалаларга тўхталиб ўтиши мақсадга мувофиқ. Чунки, бу босқичда нима учун шу худуд тадқиқот обьекти сифатида танланганлигини аниқлаштиришга ҳамда кейинги босқичларнинг вазифаларини белгилаб олишга ёрдам беради.

Жадвал

Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ҳудудини табиий географик районлаштириши

Муаллифлар номи	Йили	Таксономик бирликлар
Л.С.Берг	1913	зона-ландшафт
Р.И.Аболин	1929	ўлка-провинция-кичик провинция-провинция-округ-район -ландшафт
В.Н.Четиркин	1943, 1960	геотип-геофация-провинция-регионал комплекс-район
Э.М.Мурзаев	1953, 1958	зона-кичик зона-провинция-округ област-район
П.С.Макеев	1956	зона-кичик зона-область-район
Б.А.Федорович	1963	табиат зонаси-кичик зона-провинция-кичик провинция-округ-область
Л.Н.Бабушкин ва Н.А.Когай	1964, 1965	ўлка-провинция-кичик провинция-округ-район-ландшафт
П.Баратов	1996	провинция-кичик провинция-округ-район-ландшафт

Табиий географик шароитидаги ўзгаришлар, уларнинг ҳозирги ҳолати таҳлили шу ҳудудда ландшафт тадқиқотларини олиб боришни ва хариталаштиришни ҳамда улар асосида табиий географик районлаштиришни тақозо этади. Демак, табиий географик районлаштириш каби мураккаб масалалар ҳам ландшафт хариталари ёрдамида ҳал этилади. Чунки, ландшафт харитаси кўплаб назарий ва амалий масалаларни ечишда бирламчи хужжат вазифасини бажаради. Хусусан, ландшафт хариталари ҳудудлар табиий шароити ва табиий бойликларидан оқилона фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқишида табиий илмий асос бўлиши билан бир вақтда, улар ёрдамида ҳудудларнинг табиий шароитини комплекс ҳолда тўлиқ ва ҳар томонлама хисобга олишни ташкил этиш мумкин бўлади. Бинобарин, бундай хариталарда жойларнинг табиий шароити айрим компонентлари бўйича эмас, балки ўзаро алоқадор ва ўзаро таъсирда, яъни синтез ҳолида акс эттирилган бўлади.

Ҳудудларда тадқиқотларни олиб бориш хўжаликдаги аҳамияти билан боғлиқ бўлиб, табиатидан фойдаланиш заруратини юзага келтиради. Ҳар қандай ҳудудда тадқиқотлар олиб боришида албатта шу ҳудуднинг табиатидан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш кўзда тутилади. Бунда тадқиқотнинг мақсад ва вазифасидан келиб чиқкан ҳолда баҳолаш ёки прогноз масалалари кўрилади. Буни амалга оширишда ландшафт тадқиқотлари бирламчи асос бўлиб хизмат қиласди. Ландшафт тадқиқотлари – табиий географик комплексларнинг ҳудудда у ёки бу фарқларини очиб беришдаги ягона комплекс табиий географик дала тадқиқотлари туридир. Ҳудудларда ландшафтларнинг муайян ва аниқ тарқалиш манзарасини акс эттирган ландшафт хариталари маҳсус баҳолаш ва амалий хариталарни тузишида муҳим илмий ва амалий асос вазифасини бажаради. Йирик масштабли ландшафт хариталардан қишлоқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган маҳсус хариталарни тузишида ишлатилса (Видина, 1962; К.В.Пашканг ва б., 1968; Ахтырцева, 1970 ва б.), барча турдаги ландшафт хариталаридан эса саноат, ўрмон хўжалиги, ҳудудларни рекреацион баҳолаш мақсадларда фойдаланилади (К.И.Геренчук, 1965; В.С.Преображенский, 1966). Амалий ландшафт тадқиқотлари тажрибаларининг кўрсатишича, ландшафт хариталари бошқа маҳсус, амалий мақсадларни кўзлаб тузилган, жумладан ерлардан оқилона фойдаланиш хариталарини тузишида илмий асос вазифасини бажаради. Шу маънода, кўпгина тадқиқотчилар томонидан маълум ерларни ўзлаштиришни асослашда ландшафт хариталари муҳим аҳамиятга эга эканлиги аниқланган ва исботланган. Табиатдан тўғри фойдаланиш учун нафакат табиий географик районлаштириш хариталари, балки ландшафт типологик бирликлари акс этган ландшафт хариталари ҳам зарурдир. Айнан табиати нисбатан яқин бўлган ландшафт типологик бирликлар доирасида табиатдан фойдаланиш ва муҳофаза қилишида бир хил чора-тадбирларни қўллашни тақозо этади.

**Баратов П., Хидиров М.Ш., Аллаёров Р.Х.*
**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИК ЕРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ
 ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ****

Аннотация: Ушбу мақолада Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалигида ер ресурсларидан самарали фойдаланишга доир маълумотлар ва тавсиялар берилган.

Калим сўзлар: қишлоқхўжалиги, мелиорация, жойлашув, боғдорчилик, унумдор, самарали, серхосил, шўрҳок.

Некоторые вопросы использования сельскохозяйственных земель Кашкадаринской области и повышения егоэффективности

Аннотация: В этой статье даны материалы и рекомендации по рациональному использованию земельных ресурсов Кашкадарьинской области в сельском хозяйстве.

Ключевые слова: сельское хозяйство, мелиорация, местоположение, садоводство, плодородие, эффективность, высокоурожайный, солончак.

Some aspects of the use of agricultural land and improving the efficiency of Kashkadaryaregion

Resume: This article describes how to use rationally land resources in Kashkadarya region.

Key words: agriculture, land redamation, disposal, garden-tillage, fecund, fruitly, fertile, saline.

Кириш. Бугунги кунда мамлакатимизда барча соҳалар сингари, аграр соҳада ҳам эътиборга лойиқ ишлар олиб борилмоқда. Қишлоқ хўжалик ерларининг сифатини яхшилаш ва самарадорлигини оширишга қаратилган турли хил чора–тадбирлар режаси тузилиб, амалиётга тадбиқ этилмоқда. Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов ўз маъруzasида яқин йилларда қишлоқ хўжалигида бўладиган ўзгаришларни қуидагича изоҳлайди: “Экин майдонларининг оптималлаштирилиши ва замонавий агротехнологияларнинг жорий этилиши натижасида 2020 йилда бошоқли дон етиширишни 16,4 фоизга ошириб, унинг ҳажмини 8 миллион 500 минг тоннага етказиш, картошка етиширишни 35 фоизга, сабзавотни 30 фоизга, мева ва узумни 21,5 фоиз, гўшт етиширишни 26,2 фоизга, сутни 47,3 фоиз, тухумни – 74,5 фоизга кўпайтириш, балиқ етиширишни 2,5 марта ошириш кўзда тутилмоқда”². Қишлоқ хўжалигидаги бундай ислоҳотларнинг амалга оширилиши иқтисодиётда муҳим пойдевор қўйиш билан бир қаторда, ҳалқимизни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминланиш даражасини янада яхшилади. Албатта, қишлоқ хўжалигининг фаолияти бевосита ер билан боғлиқ.

Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаси. Қашқадарё вилояти мамлакатимизнинг йирик қишлоқ хўжалик минтақаси ҳисобланиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етишириш, уни истеъмолчига етказиш ва экспорт қилишда алоҳида ўринга эга. Ўзбекистоннинг асосий қишлоқ хўжалик экинлари ҳисобланмиш пахта ва ғалла етишириш бўйича Қашқадарё республикамида олдинги ўринда туриши билан биргаликда, сугориладиган ва экин ерлари майдонига кўра ҳам етакчилик қиласи. Тадқиқотнинг мақсади Қашқадарё вилоятининг қишлоқ хўжалик ерлари ҳолатини ўрганиш ва самарадолигини ошириш учун тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

- вилоят қишлоқ хўжалик ерларининг мелеоратив ҳолатини ўрганиш;
- қишлоқ хўжалик ерлари ва сув ресурслари орасидаги мутоносибликни таҳлил

* **Баратов П.** - Низомий номидаги ТДПУ География ўқитиши методикаси кафедраси профессори, г.ф.н.;
Хидиров М.Ш. - Низомий номидаги ТДПУ География ўқитиши методикаси кафедраси магистранти;

Аллаёров Р.Х. - Қашқадарё вилояти Ғузор тумани 68-сонли Давлат ихтисослашган мактаб интернати ўқитувчиси.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маъруzasи // Халқ сўзи, 2016 йил 16 январ, №11.

қилиш;


-қишлоқ хўжалик ерларида табиий географик жараёнларни ўрганиш ва хавфини камайтиришга қаратилган тавсиялар бериш;

-қишлоқ хўжалик ерлари ҳолатини яхшилаш учун кўрсатмалар бериш;

Тадқиқот обьекти ва предмети. Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган ерлари. Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиш ва самарадорлигини ошириш.

Бирламчи маълумотлар ва унинг тавсифи. Вилоятнинг умумий ер майдони 2856,8 минг гектарни ташкил этиб, шундан жами қишлоқ хўжалик корхона ва ташкилотлари эгалик қилган ҳамда вактинча фойдаланадиган ер майдони 2461,7 минг гектарга тенгdir.

Қадими воҳада ҳайдаладиган ерлар майдони 679,7 минг гектар (вилоят умумий ер майдонининг 23,8 фоизи)ни ташкил этгани ҳолда, шунинг 532,8 минг гектари ёки 78,4 фоизи (вилоят умумий ер майдонининг 18,6 фоизи) суғориладиган ерлардир (расм). Бугунги кунда вилоят жами суғориладиган ерларнинг 30,5 фоизига (162,6 минг гектар) пахта, 31,5 фоизига (167,8 минг гектар) ғалла экилмоқда. Вилоят худудида кўп йиллик дараҳтзорларнинг майдони 37,1 минг гектарни ташкил этади. Шунинг 18 минг гектари (48 %) боғларга, 10 минг гектари (27 %) токзорларга тўғри келади (2014).



Расм. Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалигига фойдаланиладиган ерлар таркиби

Изоҳ: ЎзР Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тузилган.

Қашқадарё ҳавзасининг юқори қисмида интенсив дехқончиликни ривожлантириш, боғдорчилик ва узумчиликни ташкил қилиш учун имкониятлар мавжуд бўлса, қуий – чўл минтақасида табиий шароит қадимдан ғалла ва чорвачилик учун қулай бўлган. Кейинчалик Карши чўлининг ўзлаштирилиши билан, бу ерда ҳам суръума дехқончилик, пахтачилик ривожланиб борган. Ғаллачилик қисман тоб этакларида лалмикор дехқончилик асосида ҳам ташкил этилган.

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Мамлакатимизнинг бошқа худудларида бўлгани каби, Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалик ерларининг мелиоратив аҳволи яхши ҳолда эмас. Жумладан, вилоят суғориладиган ерларнинг 213931 гектари кучсиз, 63347 гектари ўртacha, 31504 гектари кучли шўрланишга учраган (А. Эргашев, Т. Эргашев, 2006). Айниқса, сизот сувлари сатҳининг кўтарилиши туфайли қайта шўрланган ерларнинг майдони йилдан–йилга кенгайиб бормоқда. Бу эса ерларнинг самарадорлигига ва тупроқ бонитетига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалик майдонларида эрозия жараёнининг кучайиши ҳам вилоятнинг асосий муаммоларидан биридир. Қашқадарёнинг табиий географик шароитига мос равишда ғарбий текислик қисмида шамол эрозияси, шарқий тоб ва тоғолди худудларида сув эрозияси кўпроқ кечади. Вилоят суғориладиган майдонлар тупроқларининг 14,6 фоизи сув, 74 фоизи шамол эрозиясига учраган (А. Н. Хожиматов, 2004). Вилоятнинг суръума дехқончилик қилинадиган худудларида ирригация (суғориш) эрозияси тупроқ ҳосилдорлигининг камайишишга олиб келмоқда. Чунки ирригация эрозияси тупроқларнинг устки унумдор

қатламини ювилиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бугунги кунда вилоятининг 159,7 мингектар сугориладиган ерлари сугориш эрозиясига учраган (А. Н. Хожиматов ва бошк., 2015).

Арид иқлимли ўлкаларга мос ҳолда Қашқадарё вилоятида ҳам қишлоқ хўжалик ерлари ва мавжуд сув ресурслари орасида жуда катта номутаносиблик мавжуд. Қашқадарё ҳавzasида 3122 та дарё ва сойлар бўлиб, улардан 149 та дарёнинг узунлиги 10 км дан, 33 тасининг узунлиги 20 км дан зиёд. Вилоят ҳудудида 14 та сув омбори бўлиб, улардаги умумий сув ҳажми 2533,7 млрд. м³. Сугоришга сарфланадиган сувлар миқдори 5,4-5,5 км³ (С.И.Абдуллаев ва бошк., 2015). Маълумотларга қараганда, вилоят ҳудудида сугориш учун олинадиган сувларнинг 37-38 фоизи турли сабабларга кўра (арик ва каналлардаги сувнинг буғланиши, шимилиши, кўллатиб сугориш ва х.к.) исроф бўлмоқда. Шу сабабли бу ерда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш биринчи навбатда мавжуд сув ресурсларидан ўта тежамкорлик билан фойдаланишга боғлиқ.

Қашқадарё вилоятида яйловлар катта майдонларни эгаллайди. Чўл яйловлар вилоятнинг ғарбий, тоғ яйловлар шимолий ва шарқий қисмларини эгаллаган. Яйловлардаги чорва туёқ сонининг ортиши, чўлларда шамол эрозиясини, тоғ ва тоғолди ҳудудларда сув эрозияси ва сурилма каби жараёнларни кўпайтиради. Бу эса ерларнинг сифат кўрсаткичини пасайтиради.

Хулоса. Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалик ерларидан самарали фойдаланиш, ерларнинг мелиоратив ва геоэкологик ҳолатини яхшилаш, мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун қўйидаги чора–тадбирларни амалга ошириш лозим.

- Тоғ ва тоғолди ҳудудларда жарланиш жараёнини камайтириш учун тоғ ёнбағирларидаги мавжуд ўсимлик қопламини сақлаб қолиш, қўшимча равища даражатлар экиш ва кўпайтириш;

- Табиий иқлим шароити қулай бўлган адирлар ва тоғ олди ерларида боғдорчилик (жумладан, интенсив боғдорчилик)ни йўлга қўйиш;

- Текисликларда шамол эрозиясини олдини олиш (шамол эрозияси кучли ҳудудларда ихота дараҳтзорларини экиш ва кўпайтириш);

- Шўрланиш ва иккиламчи шўрланиш, шунингдек, сугориш эрозиясига қарши курашиш учун аниқ чора – тадбирлар режасини ишлаб чиқиши;

- Сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун доимий равища кузатув олиб бориш;

- Яйловларда чорва туёқ сонини бир меъёрда ушлаш;

- Қишлоқ хўжалик ерлари ва сув ресурслари орасидаги номутаносибликини камайтириш учун, имкон борича мавжуд сув ресурсларидан самарали фойдаланиш;

- Ер ресурсларининг экологик ҳолатини яхшилаш учун, ундан фойдаланишда янги технологияларни жалб этиш, маҳаллий аҳолида, жумладан, ёш авлод онгидага экологик таълим – тарбияни шакллантириш;

Юқоридаги каби амалий тадбирларни ташкил этиш қишлоқ хўжалик ерларининг геоэкологик ҳолатини яхшилади, табиий географик жараёнларнинг хавфини пасайтиради ҳамда ерларнинг самарадорлигини янада оширади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакатимизни 2015 йилда ижтимоий – иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2016 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишлиланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаси // “Халқ сўзи” газетаси, 2016 йил 16 январ № 11 сони.

2. Абдуллаев С.И., Жанкобилов И.Х., Назаров М.Г. Қашқадарё вилоятининг сув ресурслари ва улардан фойдаланишнинг геоэкологик жиҳатлари // География фани ва

таълимининг замонавий муаммолари. Конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДПУ, 2015. – 25-28 б.

3. Солиев А. Ўзбекистон географияси (Ўзбекистон иқтисодий ва ижтимоий географияси). – Т.: «Университет», 2014. – 404 б.

4. Хожиматов А.Н. Экологик мониторинг. – Т.: ТДИУ, 2004. – 96 б.

5. Хожиматов А.Н., Холмуродов Ш.А., Самиджанова Ф.А., Нормуродов Ш.З. Тупроқ – ер ресурслари ва улардан оқилона фойдаланиш // География фани ва таълимининг замонавий муаммолари. Конференция материаллари тўплами. – Тошкент: ТДПУ, 2015. – 135-137 б.

6. Эргашев А., Эргашев Т. Агроэкология. – Т.: «Янги аср авлоди», 2006. – 534 б.

Ходжиматов А.Н., Холмуродов Ш.А., Шахзадова Г.А.*

ИХТИОЛОГИЯНИ ГЕОГРАФИЯ БИЛАН БОГЛАЙ ОЛГАН БУЮК ОЛИМ

Аннотация: Мақолада Л.С.Бергнинг ҳаёт фаолияти, илмий тадқиқот ишлари, айниқса Орол денгизи ва ландшафт зоналари тўғрисидаги тадқиқотлари кенгрок ёритилган.

Калит сўзлар: ихтиология, ландшафт, чинк, верст, қуруқ ўзан, палеогеография.

Великий учёный, связавший ихтиологию с географией

Аннотация: В статье даны материалы о жизнедеятельности, научно-исследовательских работах Л.С.Берга, в том числе о ландшафтных зонах и об исследованиях Аральского моря.

Ключевые слова: ихтиология, ландшафт, чинк, версты, сухое русло, палеогеография.

Great scientist, which created the ichthyology with geography

Resume: The article presents materials of live activity, scientific works of L.S. Berg, including the landscaped areas and scientific research of the Aral Sea.

Keywords: ichthyology, landscaped, chink, versts, dry, palaeogeograph.

Кириш. Лев Семенович Берг таъкидлаганидек, “...биргина ихтиология (балиқлар тўғрисидаги фан) ёки ҳаттоқи бутун бошли биология ҳам Ер табиатининг ривожланиш қонуниятларини тўлиқ тушунмоқ учун камлик қиласи. Қайсики география берадиган мажмуали билимлар зарур экан”.

Лев Семенович Берг 1876 йилнинг 14 марта Бессарабия губернияси (Молдовия)нинг Бендери шаҳрида туғилган. Отаси олижаноб, юмшоқ характерли бўлганлиги, нотариал ходим бўлиб ишлаганлиги қайд этилади. Л.С.Берг Бендерида ўғил болалар учун гимназия бўлмаганлигидан, Кишинёвдаги гимназияда таҳсил олишга мажбур бўлган. У ўта тиришқоқ бўлиб, ўқишга иштиёқи зўр бўлганлигидан гимназияни олтин медаль билан тамомлаган. Тил ўрганишга бўлган қизиқиши ва қобилияти ҳам кучли бўлганлигидан “Балиқлар тизими” (“Система рыб”) номли монографиясининг биринчи вариантини инглиз тилида ёзган. Европа ҳалклари тилларида барча илмий адабиётлардан бевосита фойдаланган, Орол денгизига бўлган илмий экспедицияси даврида, ҳатто қозоқ тилини ҳам ўрганганлиги маълум.

Отаси гарчанд Лев Семеновични хуқуқшунос бўлишини хоҳлаган бўлсада, уни ихтиёрига қўйиб, 1894 йилда Москва университетининг табиий бўлимига ўқишига киришига қаршилик кўрсатмайди, у 18 ёшида талабаликка қабул қилинади.

Асосий қисм. Лев Семеновичнинг илм – фанга бўлган ички илоҳий истаги кучли бўлиб, бу йўлда тинимсиз меҳнат қиласи. У ориқ, деярли ёш бола сифат бўлсада кўп нарсаларни билар, ҳамма нарсага қизиқувчан бўлганлигидан талабалик даврининг

*Ходжиматов А.Н. - Низомий номидаги ТДПУ “География ўқитиш методикаси” кафедраси доценти, г.ф.н.;
Холмуродов Ш.А. – Низомий номидаги ТДПУ “География ўқитиш методикаси” кафедраси ўқитувчиси;
Шахзадова Г.А. – Низомий номидаги ТДПУ “География ўқитиш методикаси” таълим йўналиш магистранти.

салмоқли қисмини кутубхона ҳамда университетнинг Зоология музейида ўтказар эди. Ўқишнинг учинчи ва тўртинчи курсларида географиядан маъруза ўқиган йирик назариётчи географ олим, Россияда биринчи география кафедрасининг асосчиси Дмитрий Николаевич Анучин, кейинчалик ўзига содик шогирд ва бошлаган тадқиқотларининг давомчиси Лев Семенович фаолиятида муҳим ўрин тутган.

Л.С.Берг 1898 йилда университетни биринчи даражали диплом ва энг яхши диплом иши учун олтин медали билан тамомлади. Ўқиш даврининг ўзидаёқ унинг балиқларни ўрганиш (ихтиология), кўлшунослик ва ҳатто ипакчиликга бағишлиланган 8 та илмий ишлари нашрдан чиқади. Ўқишни тутатибоқ Л.С.Берг ва П.Г.Игнатов бошчилигидаги экспедиция Д.Н.Анучин топшириғига биноан Омск уезди (ҳозирги Қозогизтон Республикасининг Кокчатор ва Павлодар вилоятлари маъмурий ҳудудлари) кўлларини ўрганишга тайёргарликни бошлайдилар. Улар 1898 йилнинг июнь ойида йўлга чиқиб, Омск шаҳридан кўлларгача бўлган ўрмон – дашт ва даштлардаги еттита ўсимликлар формацияларини ажратадилар, гербариyllар йигилиди ҳамда ўсимликларнинг икки юзга яқин турлари аниқланади, унчалик баланд бўлмаган тепаликлар тавсифланади, ўсимликларнинг рельеф ва тупроқ билан алоқадорлиги кўрсатилади. Ана ўшандаёқ Лев Семеновични географик ландшафтлар тўғрисидаги фикр сеҳрлагани аник.

Қизилкок, Селетитениз ва Така кўллари саёз (2-3 м чуқурликда) кўллар бўлиб, тадқиқот давомида ҳарорат тақсимланишининг нооддийлиги кашф қилинди. Маълумки куёш нури таъсирида одатда кўл сувининг юза қисми кўпроқ исиди, чуқурликда сув анча совуқ бўлади. Бу кўлларда тескариси бўлиб, ҳароратдаги тафовут $1,5^{\circ}\text{C}$ га боради. Бу ҳодиса шўр кўллардаги ҳарорат тартиби билан боғлиқлиги илмий асосланди. Шунингдек, кўлда учрайдиган деярли барча ўсимлик ва ҳайвонот олами вакиллари ўрганилди, минераллар намуналари тўпланди, қозоқ халқига оид этнографик кузатишлар олиб борилди.

1899 йилда Орол денгизига қилинган экспедиция чоғидаёқ Орол денгизи қуриётган йўқлиги, аксинча сув сатҳи кўтарилаётганлиги аниқланди. Бунга икрор бўлиш учун маҳаллий аҳолидан сўраш ҳамда денгизнинг соҳил минтақасига қарашнинг ўзи кифоя эди. Яна бошқа далиллар асосида Лев Семенович Орол ва бутун Ўрта Осиёда қурғоқчилик юз бермаётганлиги тўғрисида холосага келади. Бу холоса кейинчалик таниқли иқлиминшунос олим А.И.Воейков томонидан ҳам ёқланади.

Л.С.Берг жуда кўплаб тарихий манбалар асосида Оролнинг XVIII аср охирларидан XX аср бошларига қадар бўлган денгиз сув сатҳи тебранишини ўрганган ҳолда: уч марта кўтарилиш ва икки марта пасайиш содир бўлганлигини, 1910 йилдан 1961 йилгacha денгиз сатҳи асосан 53 метр мутлоқ баландлиқда бўлганлиги, кейинги йилларда унинг сув юзаси 53,4 метрга кўтарилаётганлигини қайд этган.

1890 йилда Л.С.Берг оддий қайиқда Орол денгизининг шимолий ва марказий қисмларини тўлиқ айланиб чиқади. Мумкин бўлган: денгиз сув сатҳи даражаси (унинг кўтарилишига оид янги далиллар олинди), чуқурлиги, ҳарорати, шўрлиги, ранги ва сувнинг тиниқлигига оид барча кузатишлар амалга оширилди. Балиқлар ва барча сув организмлари (қайсики сув туби ва юза қисмида учровчи)дан ҳамда қирғоқда учровчи тоғ жинсларидан намуналар олинди. Возрождение оролида 100 миллион йиллар бурун яшаган кўплаб организмларнинг қазилма қолдиқлари топилишига мұяссар бўлинди. Кўплаб намуналар таҳлилидан Лев Семенович ягона Орол-Каспий ҳавзаси бўлмаганлиги тўғрисида холосага келади.

Фарбий қирғоқ бўйлаб сузишда Л.С.Берг сувдан тик кўтарилаётган баланд жарликнинг ўзига хос чиройга эга эканлигини, унинг маҳаллий номи чинклигини қайд этган ҳолда Оролнинг энг кенг қисмини 180 верст (1 верст=1066,8 м) ни 52 соатда кесиб ўтади; йўл-йўлакай кузатишлар олиб бориб, денгизнинг марказий қисмида сувнинг тиниқлигини аниқлайди (20,5 м). Орқага қайтиш оғирроқ кечади, шу туфайли 200 верст масофани 12 кунда соҳил бўйлаб сузишга мажбур бўлади, шунда Л.С.Берг швецариялик олим Ф.А.Фореллнинг француз тилида ёзилган “Женева кўли” китобини батафсил ўқиб чиқади

(дунёда йирик кўллар мажмуали тавсифланган биринчи китоб).

1901-1902 йилларда ҳам унчалик катта бўлмаган “Орион” яхтасида Орол денгизида тадқиқотлар давом эттирилади. Унда Орол соҳиллари тўлиқ айланиб чиқилиб, сув сатҳи даражасининг аниқ ўлчамлари нивилерланади, оролларга таълуқли янги материаллар тўпланади. Возрождение оролидаги сайфоқларга тегишли қизиқарли ҳодисалар кузатилади.

Орол денгизига чўллар оралаб юзлаб километрлаб оқиб ўтувчи Амударё билан Сирдарё келиб қуиши, Амударё неча бор ўз ўзанини ўзгартириб оққанлиги, ундан бир тармоқ ажralиб Каспий денгизига қуилганлиги, унинг ўрнида Узбой қурук ўзани қолганлигини далиллайди. Яна шу ўзан орқали Амударёни қайта Каспийга оқизиш масаласи Пётр I ни қизиқтириши, чунки у Узбой ва Амударё орқали Хиндистонга чиқиши орзу қилганлигини ёзди.

Лев Семенович Узбой ўзанидан нима учун сув оқмай қўйганлигини иқлимдаги ўзгаришлар, Ўрта Осиёда суғорма дехқончиликнинг ривожланиши билан боғлиқлигини мантиқан тўғри изоҳлаган. Орол денгизи сувининг унчалик шўр эмаслигини (хар литерда 11 грамм эди, ўшанда) Оролдан Узбой орқали тузларнинг чиқиб кетиши билан боғлайди.

Орол денгизи, унинг қирғоқлари, иқлим шароити, сув сатҳи ва оқими, сув ости грунтлари, флора ва фаунаси, атроф ҳудудларнинг геологик тузилиши каби маълумотларни “Орол денгизи” (1908 й.) номли китобида шунчалар тўлиқ ёритганки, шунгача ҳали Россияда ҳеч бир кўл бунчалик тўлиқ-мукаммал тавсифланмаган эди. Шу боис “Орол денгизи” номли китоби учун Лев Семенович Рус География жамиятининг юксак мукофати- П.П.Семенов-Тян-Шанский номидаги олтин медалга сазовор бўлади ҳамда 1909 йил марта 33 ёшни эндиғина қаршилаган Л.С.Бергни фан доктори илмий даражасига лойиқ деб тан олинади. Унга шунчалик марта қелтирган, унинг тадқиқотларида муҳим ўрин эгаллаган Орол денгизининг Лев Семенович ўзидан кейин юз йил ҳам ўтмасдан некуйга тушишини, минг афсусларким тасаввур ҳам қилмаганлиги аниқ. Яхшиямки, бу ҳолатни у кўрмай кетди.

Орол денгизидан ташқари Балхаш ва Иссиқкўлнинг тадқиқотларида ҳам Л.С.Бергнинг ҳизматлари бекиёслигини таъкидлаб ўтмоқ лозим.

Л.С.Берг томонидан табиий хусусиятлари бўйича Туркистон (Ўрта Осиё) чўлларининг таснифланиши ҳам ҳали ҳануз ўз мавкейини йўқотмаган, у чўлларни тўртта типини ажратган: қумли, лойли, тошли ва шўрҳокли. Булар ичида қумли чўлларни батафсилоқ тавсифлаган.

Лев Семенович ўзининг “Сибирь ва Туркистоннинг ландшафт ва морфологик минтақаларга ажратиш тажрибасидан” номли ишида биринчи бўлиб собиқ иттифоқ ҳудудини ландшафт област (зона)ларига ажратган, қайсики шимолдан жанубга томон навбатма-навбат алмашиниб келувчи: тундра, тайга, кенг баргли турлар билан аралаш тайга, оч ўрмон тупроқлардаги ўрмон-дашт, қора тупроқлардаги ўрмон-дашт, қора тупроқли дашт, чала чўллар, чала чўл зонаси қумлари, тог ландшафтлари, манъчжур типли Амур бўйи ва Уссурий бўйи ўлкаси ўрмонлари ва Камчатка.

Кейинчалик Л.С.Берг ландшафт зоналари бўйича ўз тадқиқотларини сезиларли даражада ойдинлаштириди ва кенгайтириди. Бироқ, биринчи ишида ёк энг муҳим географик қонуният: табиий жараёнларнинг зоналлигига алоҳида эътибор билан қаради.

1926 йилдаги Лев Семеновичнинг “Собиқ иттифоқнинг табиати ва ахолиси” ҳамда “Собиқ иттифоқнинг ландшафт-географик минтақалари” номли монографияларидағи асосий назария моҳияти мамлакат ҳудудининг географик ландшафтларга ажратилганлигидир. Унда асосий эътибор ландшафтлар тузилишининг зоналлик хусусиятларига қаратилган. Ландшафтшуносликда Л.С.Берг В.В.Докучаевнинг классик ишлари давомчисидир. Бироқ, ландшафтга оид кўплаб хуласаларни Лев Семенович В.В.Докучаев ишлари билан танишмаган ҳолда, ўзи мустақил бажарганлигини тан олмоқ лозим.

Ландшафтларнинг вақт ўтиши билан инсон ва табиий омиллар (масалан, иқлим)

таъсирида ўзгариб туриши Лев Семенович томонидан чуқур таҳлил қилинган. Лев Семеновичнинг ушбу тадқиқотларини табиий географиядаги энг муҳим тадқиқотлар деб билиш лозим. Аммо, Лев Семеновичнинг илм-фандаги йўли ҳамиша силлиқ кечмаган, ҳатто 60 ёшида ҳам иш қобилиятини сусайтирмай, кун ва соат сайин меҳнатини давом эттирган. Ҳеч қандай омадсизлик ва тажовузлар унга тўсқинлик қила олмаган. У илм-фандаги рақибларига ўзининг янги-янги илмий ишлари - кашфиётлари билан жавоб қайтарган. Албатта, баъзан қаттиқ ҳафа бўлган, лекин бу ҳолатни ҳеч ҳам сиртига чиқармаган.

Хулоса. Умуман олганда Л.С.Бергнинг ташкилотчилик қобилияти ҳам ўзига етарлича бўлган. У бу қобилияти билан 1940 йилда География жамияти президенти бўлиб сайдангандан сўнг янада кўпчиликни эътиборини қозонди. География жамияти “Ахборотнома”сидаги мақолаларни деярли бир ўзи таҳrir қилиб борганигини унинг сафдошлари хотираномаларидан билиш мумкин.

Лев Семенович 1950 йил 24 декабрда 74 ёшида касалхонада қўлида китоб билан бу дунёни тарк этганлиги ҳам ҳақиқат. Бир сўз билан айтганда, Л.С.Бергни ихтиология, эволюция назарияси, табиий география, ландшафтшунослик, иқлимишунослик, палеонтология ва палеогеография, биогеография, этнография каби қатор фанларнинг шаклланиши ва тараққиётига улкан ҳисса кўшган энциклопедист олим сифатида эътироф этмоқ ўринлидир.

Холиков Р., Абдурахмонов Д., Хасанова М.*

**ТУПРОҚНИ ҲОСИЛ БЎЛИШИ ВА ХУДУДИЙ ТАРҚАЛИШИГА ТАЪСИР
ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР (Жанубий Фарғона мисолида)**

Аннотация: Ушбу мақолада Фарғона водийсида геологик ва геоморфологик жараёнлар таъсирида тупроқларнинг ривожланиши ва тарқалиш тенденцияси кўриб чиқилган.

Калит сўзлар: азонал компонент, элювиал жинслар, литологик таркиби, геокимёвий жараёнлар, зонал ва азонал омиллар.

**Факторы, влияющие на образование и территориальную дифференциацию почв
(на примере Южной Ферганы)**

Аннотация: В статье рассматриваются тенденции развития и размещения почвы ферганской долины под влиянием геологических и геоморфологических процессов.

Ключевые слова: азонал, компонент, элювиал, литологические состав, геохимические процессы, зональные и азональные факторы.

**Soil formation and regional factors that influence the spread
(the example of the Southern Ferghana)**

Resume: In the article it is observed the tendency of location and changes of soil in Ferghana valley as a result of geological and geomorphological processes.

Keywords: unzonal component, allyl sex, litoral structure, geochemical processes, zonal and unzonal factors.

Кириш. Маълумки географик кобиқдаги қонуниятлар ландшафтларнинг барча компонентларини алохида-алохида ва яхлит холда қамраб олади. Мазкур қонуниятлар ландшафтларнинг кўзгуси ҳисобланган тупроқларда ҳам яққол ифодаланади. Тупроқлар ландшафтнинг муҳим бўлган зонал компоненти ҳисобланади. Лекин, тупроқни ҳосил қилувчи оналик жинс эса, азонал компонент ҳисобланди. Тупроқларнинг ҳосил бўлиши ва тарқалишида жуда муҳим бўлган географик қонуниятлар амал қиласи. Шунинг учун, мазкур қонуниятларни ўрганиш тупроқ ҳосил бўлиш жараёнларини ва тупроқларни худудий тарқалиши динамикасини тушинтиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

* **Холиков Раҳимжон Йигиталиевич** - ФарДУ география кафедраси доценти, г.ф.н.;
Абдурахмонов Дилмурод Махманазарович - ФарДУ география кафедраси ўқитувчisi;
Хасанова Мунира - ФарДУ география йўналиши талабаси.

Фарғона водийси бир бутун табиий-тариҳий регион ҳисобланиб, тупроқларини ҳосил бўлиши ва тарқалишида қўплаб зонал, азонал, регионал ва маҳаллий омиллар иштирок этади. Шунингдек, маҳаллий ва миңтақавий омиллар ҳам тупроқларнинг ҳосил бўлиши ва худудий тарқалишида геологик-геоморфологик, иқлимий, гидрологик омиллар билан мутаносиб холатда иштирок этади. Шунга қўра тупроқларни ҳосил қилувчи ва худудий жойлашувига таъсир этувчи геологик-геоморфологик омилларнинг ҳар бирига алоҳида тўхтalamиз.

Асосий қисим. Фарғона водийсида тупроқларнинг ҳосил бўлиши ва худудий тарқалишида геологик ва гоеморфологик омиллар муҳим ўринни эгаллади. Айниқса геологик ётқизиқлар ва уларни таркиби тупроқ ҳосил қилувчи омил сифатида иштирок этади. Масалан, юқори гипсометрик худудларда тупроқ ҳосил қилувчи омил сифатида ер юзасига чиқиб ётган тошли, йирик таркибли палеозой ва мезазой ётқизиқлари ёки уларнинг нураш жараённида ҳосил бўлган маҳсулотлари иштирок этади. Адиrlар қисмида неоген ва тўртламчи даврнинг алевролит, шағал, гил, лёсс, қумтошли ётқизиқлари адиrlар ёнбағри ва этакларида эса алювиал-пролювиал жинслар асосан бўз тупроқли миңтақани ҳосил қилади. Бўз тупроқлар водийнинг текислик қисмидаги зонал тупроқларнинг генетик асосини ташкил қилади. Лекин, қуий қисмларида ҳосил бўлган алювиал тупроқларнинг генетик таркибини биргина оналиқ жинслар эмас балки унинг гидрогеологик холати ҳам белгилаб беради.

Фарғона водийси тупроқларнинг ҳосил бўлишида геологик геоморфологик омилларнинг азонал хусусиятлари билан биргалиқда миңтақавий омиллар ва шунингдек ёнбағирлар экспозицияси, қиялик физик ва кимёвий нураш жараёнлари бевосита иштирок этади. Фарғона водийсини ўраб турган Туркистон-Олой тоғларида геологик-геоморфологик омилларга қўра бир қанча вертикал холатдаги тупроқ типларини жойланишини кўрсатиб берган. Тоғ бўз тупроқлари қуий миңтақани, сўнгра тоғ-дашт тупроқлари, тоғ ўрмон жигарранг тупроқлари, тоғ ўтлоқ дашт субальп тупроқлари каби тупроқ типларини миңтақавий тарқалишини тоғларнинг орографик-гипсометрик хилма хиллиги билан боғлайди.

Жадвал

Фарғона водийсида тупроқларнинг геологик-геоморфологик асосда жойланиши

Гипсометрик холат	Рельеф	Тоғ жинслари	Тупроқ типлари
300-550 м	Аккумулятив текисликлар	Қумли, гилли, шағалли	Очтусли бўз тупроқлар
550-800 м	Паст адиrlар	Шағалли, лёсли, алевролитли	Очтусли бўз тупроқлар
800-1200 м	Баланд адиrlар	Шағалли, конгломератли, алевролитли, лёсли	Тўқ тусли бўз тупроқлар
1300-1700 м	Паст ва ўртача тоғлар	Лёс, лёссимон, суглинкалар	типик бўз тупроқлар
2100-2600 м	Ўртача тоғлар	Шағалли, оҳактошли дагал жинслар	Тоғ дашт тупроқлари
2600м дан баланд	Ўртача ва юқори тоғлар	Делювиал конгломерат шағал	Тоғ ўрмон дашт субальп тупроқлари

Тупроқларнинг ҳосил бўлиши ва тарқалишида геологик-геоморфологик омилларнинг аҳамиятини ўрганишда водийнинг жанубидаги тоғлар ва унга туташ худудлар таҳлил қилинди. Қуйидан юқорига томон тупроқларнинг жойланишида бўз тупроқлар биринчи миңтақани ташкил этади. Бўз тупроқлар адиrlар, адиrlараро ва адиорти чўқмаларида гиҳатдан унча катта фарқ қилмайдиган майдонларда оч тусли, тўқ тусли ва типик бўз тупроқлар қўйидан юқорига қараб жойлашади. Бундай бир хил турдаги тупроқларнинг ўзгариши геоморфологик омиллар таъсирида рўй беради. Уларнинг оналиқ жинслари механик таркибини белгилаб беради ва гилли, лойли, шағалли жинслар бўз тупроқларнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлган. Гипсометрик жиҳатдан бирмунча баланд (1300-1700 м) ўрта тоғли миңтақада типик бўз тупроқлар ҳосил бўлган. Уларнинг механик таркибини,

лёсс ва лёссимон суглинкалар ташкил этади.

Кейинги миңтақани тоғ дашт тупроқлари эгаллаб 2000-2600 м баландликларда жойлашган. Бу тупроқларнинг ҳосил бўлишида геологик асос шағалли, оҳактошли дағал жинслар хисобланиб ёнбағир жараёнлари кучли ривожланади. Тоғ ўрмон тупроқлари 2100-2300 м баландликларда жойлашиб, уларнинг геологик асоси элювиал жинслардан ташкил топган. Тоғ ўрмон-дашт субальп тупроқлари энг юқори гипсометрик худудларни эгаллайди. Уларнинг геологик асосини унча қалин бўлмаган суглинкали-шағалли делювиал жинслар ташкил этади. Умуман олганда Фарғона водийсида рельефнинг мураккаблиги, текислик ва тоғлар ўртасидаги нисбий баландликнинг катта эканлиги, тоғ жинслари ва гурунтнинг худудий тарқалишидаги генетик хилма-хиллик, иқлимий фарқлар худуднинг турли қисмларида турли хил тупроқ типларини ҳосил бўлишига сабаб бўлган (жадвал). Фарғона водийсининг марказий қисмига яқинроқ бўлган Риштон йўналишидаги меридиандан шарқий қисми чала чўл зонасига, ғарбий қисми чўл зонасига киради. Гипрометрик жихатдан караганда адирлар зонаси денгиз сатхидан 450-500 м баландликдан бошланади.

Адирларнинг рельефи, литологик таркиби мос холда бўз ва гипслашган бўз тупроқлар, бўз-сур-қўнғир ва сур-қўнғир туроқлар тарқалган. Бўз тупроқлар баландлик миңтақаларига мос келувчи тупроқ типи хисобланиб, адирлар ва тоғолди ён бағрларида, адирлараро текисликларда учрайди.

Адирларнинг геологик тузилишига мос холда гипсли тупроқлар кенг тарқалган бўлиб, гипсли қатламлар тупроқ кесмаларининг турли чуқурликларида учрайди. Адирлардаги ёнбағир ювилиш жараёнлари атмосфера ёғинлари ва суғориш таъсирида рўй бериб, гипсли жинсларнинг пастқамликларга тушиб келишига сабаб бўлади. Худудий табақаланиш ҳам тупроқларнинг ҳосил бўлиши ва жойланишида муҳим аҳамиятга эгадир. Масалан, Фарғона водийсининг ғарбий қисмидаги жойлашган Исфара, Сўх-Риштон адирлар митақасида гипсли сур қўнғир тупроқлар ҳосил бўлган. Уларнинг генетик асосини нотекис рельефли паст баландликлар ва тошли-шағалли жинслар ташкил этади. Бу миңтақада ўсимлик қоплами ҳам яхши ривожланмаган, асосан эфемер ва эфемероидларнинг сийрак формациялар ҳосил қилган. Бунга сабаб Фарғона водийсидаги бошқа адирларга нисбатан иқлимининг қуруқлигидир.

Мазкур худудларда зонал ва азонал хусусиятларга кўра бўз тупроқлар миңтақасини ҳосил қилиши керак. Лекин, об-хавонинг қуруқлиги, хароратнинг юқорилиги, ғарбий шамолларнинг йил давомида давомийлиги бўз тупроқларни ҳосил бўлиши учун шароит яратмайди. Шуннинг учун, тупроқлар аzonal холатда жойлашган. Бу тупроқларнинг механик таркибини дағал жинслар ташкил этади, чиринди тўпланиши учун шароит етарли эмас. Адирлар миңтақасида геологик тузилишига мос келувчи литологик таркибли тупроқни ҳосил қилувчи майда жинслар қатламининг сертошлиги, пастки қатламларда гипсли линзалар жойлашганлиги уларнинг муҳим хусусиятларини белгилайди. Масалан, майнин кристал гипсли қатлам кўпинча зич, цементлашган губкасimon тузилишга эга. Тупроқ қопламининг юқори қисмидаги жойлашган гипсли қатламлар ранги оч сарғиш тусда бўлиб, кўпинча майнин жинслар билан аралашган холда учрайди. Тупроқ горизонти бўйлаб чуқурлик ортиб борган сари гипснинг ранги тиниқлашиб тош шағал жинслар оралиғида узунлиги 3-4 см келадиган игнасимон кристаллар тошларга маҳкамланган “соқол”симон гипслар ҳам тез-тез учраб туради. Бундай тупроқлар кўпинча кучсиз шўрланишга эга бўлиб ювилишга ўта мойилдир.

Гипслашган сур қўнғир тупроқларнинг чириндиға ўта камбағаллиги қисман литологик таркиби мос рельефга боғлиқ бўлиб, асосан ёғин миқдорининг озлиги билан характерланади. Бундай худудларда рельеф ва тоғ жинсларининг литологик таркиби гипсли қатламларнинг ювилишига шароит яратиб беради. Шуннинг учун, адирлар юзасида ва айниқса суғоришга тортилган худудларида хар бир гектар ерга 100 дан ортик ўпқон ва карст ўралари тўғри келади. Чунки, алевролитли жинсли қатламлар ювилишига жуда мойил бўлади. Баъзи ерларда диаметри 2-3 метрли суффозион ўралар учрайди.

Хулоса. Фарғона водийсида рельефнинг хар бир поғонасида, ётқизиқларнинг муайян литологик таркибида тупроқларнинг хосил бўлиши ва худудий тарқалиши ландшафт хосил қилувчи омиллар иштирокида рўй беради. Турли гипсометрик поғаналарда тупроқларнинг хосил бўлиши ва жойланишида, уларнинг механиқ, кимёвий ва гумус таркибида геологик, биологик, геокимёвий айланма жараёнларнинг ҳам мухим эканлигини кўрсатиб ўтиш жоиздир ва бу жараёнлар зонал ва азонал омиллар таъсирида юзага келади. Шунинг учун, адирлардан фойдаланишда уларнинг геологик тузилиши, рельефи, литологик таркибини атрофлича ўрганиш зарурдир.

**Тошбоев З.М., Зикиров Б.Я., Қаюмова Ш.Н.*
ЗАРАФШОН ТОГОРАЛИГИ БОТИГИ ТАБИАТИНИНГ
ГЕОГРАФИК ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ**

Аннотация: Мақолада Зарафшон ботигининг табиий шароити ва ресурслари, уларнинг қишлоқ хўжалигида фойдаланиш масалаларининг ўрганилиши тарихи хақида маълумотлар берилган.

Калим сўзлар: Зарафшон тоғоралиги ботиги, географ-олимлар, ўрганилиш тарихи, илмий асар, ландшафт, табиий шароит, табиий ресурслар.

История географического изучения природы Зарафшанской межгорной котловины

Аннотация: В статье даются сведения об истории изучения природных условий и ресурсов Зарафшанской межгорной впадины, в частности с точки зрения сельского хозяйства.

Ключевые слова: Зарафшанская межгорная котловина, учёные-географы, история изучения, научный труд, ландшафт, природные условия, природные ресурсы.

The history of geographical studies of the nature of Zarafshan valley

Summary: This article gives information about scientists who studied geographical location of Zarafshan valley and the structure of earth's surface, geomorphologic features and evaluation of the usage of its relief in agroculture.

Key words: Zarafshan valley, geographers, history of studies, scientific work, landscape, natural condition, nature resources.

Худудни ўрганувчи фан сифатида география жуда қадимдан маълум бўлиб, бирор бир ҳудудни географик жиҳатдан ўрганишда аввало унинг ўрганилиш тарихига эътибор қаратилса, олиб борилаётган тадқиқот мақсади янада аникроқ бўлади. Зарафшон тоғоралиги ботиги табиатини ўрганишда ҳам биз бу ҳудуднинг географик жиҳатдан ўрганилишига эътибор қаратамиз. Зарафшон тоғоралиги ботиги ҳам Ўрта Осиё минтақасида, қолаверса, Ўзбекистондаги йирик дарёлардан бири бўлган Зарафшон дарёси оқиб ўтувчи, қадимги тарихий маданият ва давлат маркази, жаҳон илм-фани тараққиётига катта хисса қўшган алломаларни етиштириб берган шаҳарлар жойлашган ҳудуд хисобланади.

Зарафшон водийси табиати ҳақидаги илк манбалар антик даврдаги географияга оид адабиётларда учрайди. Ўша даврларда Зарафшон дарёси Политимет деб аталиб, у ҳақда Квинт Курций Руф, Ариан асарларида таъриф берилган. Ариан Зарафшон дарёси серсув бўлишига қарамай, қумлар орасига сингиб кетишилигини қайд этган. Птоломей ҳам ўз асарларида Зарафшон дарёси ҳақида баён этган. Ўрта Осиёга саёҳат қилган хитойлик сайёҳ Чжан Цзян ҳам милоддан аввалги II асрда ўзининг 13 йиллик саёҳатида Зарафшон водийсида бўлиб, ҳудуднинг табиати, аҳолиси ва тарихи, хўжалиги ҳақида маълумотлар тўплаган. Яна бир хитойлик сайёҳ, географ Сюан Зарафшон воҳасида жойлашган Самарқанд, Бухоро шаҳарлари ҳақида ўз асарларида баён қилган.

Араб ва эрон саёҳлари ҳам Зарафшон тоғоралиги ботиги табиати, аҳолиси ва

* Тошбоев З.М. – ЖДПИ География ўқитиши методикаси кафедраси катта ўқитувчisi;
Зикиров Б. – ЖДПИ География ўқитиши методикаси кафедраси ўқитувчisi;
Қаюмова Ш. – ЖДПИ География ўқитиши методикаси йўналиши битирувчisi.

уларнинг урф-одатлари, хўжалиги тўғрисида географик билимларнинг ривожланишида катта ҳисса қўшишган. Араб сайёхи Ибн Хурдодбех “Масофалар ва мамлакатлар китоби” асарида, шунингдек, Ибн Рустод, ал-Мақдусий, Аҳмад ибн Фазлон ўз асарларида Зарафшон водийси табиати ҳақида таърифлар келтириб ўтишган. Истаҳрийнинг “Илмлар китоби”, Ибн Ҳавқалнинг эса “Масофалар ва мамлакатлар китоби”да сайёхнинг 976 йилда Ўрта Осиё бўйлаб қилган саёҳатида Зарафшон водийси (Самарқанд, Бухоро шаҳарлари) географиясига оид маълумотлар келтирилган. Ибн Баттута ҳам Хитойга қилган саёҳатида Устюрт, Хоразм, Қизилқум орқали Бухоро ва Самарқанд келади ва ўзи кўрган ерлар табиати, аҳолиси ва хўжалиги ҳақида баён қиласди. Сайёҳ водийда жойлашган Самарқанд шаҳри бўйлаб сайдр этаркан, уни шундай таърифлайди: “Самарқанд – жуда йирик ва гоят гўзал шаҳарлардан биридир. У Водий ал-Қассирин дарёсининг қирғоғида жойлашган. Дарё қирғоғида шундай улкан саройлар ва бинолар қад қўтариб турадики, улар Самарқанд аҳолисининг юксак маҳорат соҳиби эканлигидан далолатдир”.

Зарафшон водийси табиатининг географик ўрганилишида жаҳонга машҳур қомусчи олимларимизнинг салмоқли ҳиссаси бор. Ал-Хоразмий, ал-Фарғоний, ат-Термизий, ал-Форобий, Наршахий, Беруний, Ибн Сино, Маҳмуд Кошғарийлар ўз асарларида бу ҳудуд географиясига оид ўз даврига хос бўлган маълумотларни келтириб ўтган. Зарафшон водийсидан оқувчи Зарафшон дарёси ҳақида Наршахий ўзининг “Бухоро тарихи” асарида батафсил таъриф бериб ўтган. Шунингдек, Беруний ҳам ўзининг “Иқлимларнинг тақсимланиши ҳақида”, “Картография”, “Геодезия” каби асарларида водийда жойлашган шаҳарлар координаталари ҳақида маълумот бериб ўтган.

Ўз даврида Самарқанд шаҳрини салтанатининг пойттахти сифатида танлаган буюк саркарда, давлат арбоби, соҳибқирон Амир Темур даврида ҳам Зарафшон водийси ҳудудини географик ўрганилиши ўз даврида илм-фаннынг тараққий этганлиги билан ҳам боғлиқ. Темурийлар даврида яшаган, жаҳон фанларининг тараққиётига катта ҳисса қўшиб, улкан илмий мерос қолдирган сайдёх, тарихчи, астроном ва географ олимлар – Мирзо Улуғбек, Фиёсиддин Наққош, Абдураззоқ Самарқандий, Али Қушчи, Бобур, Қозизода Румий, Фиёсиддин Жамшид каби алломалар шулар жумласидан. Ўша даврда Амир Темур давлатига Кастилия кироли Генрих III томонидан элчи сифатида юборилган Риу Гонзалес де Клавихо ҳам ўзининг “Буюк Темур тарихи” асарида Амир Темур салтанати тарихи, ҳалклари урф-одати, ҳудуд табиати ҳақида маълумотлар беради. Темурийлар сулоласи вакили, география фанининг Ўрта Осиёда ривожланишига ҳисса қўшган тарихнавис, географ, этнограф, машҳур шоир ва давлат арбоби Заҳирийдин Муҳаммад Бобур ҳам ўзининг “Бобурнома” асарида Зарафшон водийси ва тоғ тизмаси табиатига тавсиф берган ва ўзи чизган картасида тасвирлаган. Шунингдек. Самарқанд ва Қобул шаҳарлари табиатини киёслаб тавсифлайди [3].

Қадимдан ўзининг табиати, табиий бойликлари, аҳолиси ва уларнинг урф-одатлари, тарихи билан жуда кўплаб сайдёхларни қизиқтириб келган Зарафшон водийси ва у ерда жойлашган қадимиш шаҳарлар рус сайдёхлари назаридан ҳам четда қолмаган. Россиянинг Бухоро ва Хивадаги элчиси бўлган Флорио Беневени, рус айгоқчisi Филипп Ефремов, Т.С.Бурнашев, элчи А.Негри, К.Ф.Бутенов кабилар Зарафшон водийси табиати ҳақида маълумотлар тўплаган. К.Ф.Бутенов бошлиқ Бухоро илмий экспедицияси (географ Н.В.Хаников, табиатшунос А.Леман, топографлар Яковлев, Челпанов, Петров) Зарафшон водийси табиий шароитини ўрганади. Илмий экспедиция аъзолари Қизилқум орқали Қувондарё ва Жанадарёга Вобкент-Бухоро-Маликчўл-Кармана-Зиёвуддин қишлоғи-Каттақўғон - Чимбой - Сарвот қишлоғи – Самарқанд – Панжакент – Ёрқишлоқ - Урмитан-Варзаминор қалъаси-Фандарё-Сарваза истеҳкоми-Пасруд бўйлаб-Кўликалон кўли - Киштут қишлоғи – Панжакент – Самарқанд – Каттақўғон – Кармана - Бухоро-Варганси қишлоғи бўйлаб экспедиция уюширади. Натижада Зарафшон водийси ва тоғларининг геологик ва ер усти тузилишини ўргандилар ҳамда маҳаллий ҳалқларнинг урф-одатлари ҳақида қимматли маълумотлар тўпладилар. Бу географик маълумотлар Н.В.Ханиковнинг “Описание Бухарского ханства” (1843) номли энциклопедик

мазмундаги йирик географик асарида илмий жиҳатдан чуқур таҳлил қилинди ва умумлаштирилди.

Таниқли рус сайёхи А.П.Федченко 1871 йилдан Ўрта Осиёга қилган саёҳатида Қизилкум орқали Зарафшон водийсига келади. Федченко дастлаб Зарафшон ҳавзасига келганида, ҳавзанинг юқори оқими ўсимлик ва ҳайвонлари таркибида тоғ даштига хос турлар камая бориб, жанубдан, чунончи, Ҳимолай тоғларидан тарқалган ўсимлик ва ҳайвон турлари орта бориши ҳақидаги муҳим хуносага келди. А.П.Федченконинг Зарафшон экспедициясида орографик, гидрографик ва биогеографик умумлашмалардан ташқари, Бухоро воҳасида кенг тарқалган ҳавфли паразит – ришта касаллиги қўзғатувчисининг биологиясида оид бўлган муҳим фактик маълумот тўпланди. Бундан ташқари, олим асаларичилик ва пилла қурти боқишининг истиқболли соҳалар эканлигини алоҳида таъкидлаб, махсус ихтиологик тадқиқотлар олиб борди. В.А.Обручев эса 1886-1888 йиларда Зарафшон водийсининг қўйи қисми геологик тузилиши, табиий шароити ва табиий бойликларини тадқиқ этади.

Ўрта Осиё, жумладан, Ўзбекистон ҳудудини табиий географик районлаштириш билан ҳам кўпгина рус олимлари илмий тадқиқотлар олиб боришади. Л.С.Берг (1913), Р.И.Аболин (1929), В.М.Четиркин (1943), Э.М.Мурзаев (1953), П.С.Макеев (1956), Л.Н.Бабушкин ва Н.А.Когай (1964) табиий географик районлаштириш бўйича Зарафшон водийсида илмий экспедициялар уюштириб, тадқиқотлар олиб боришган.

Зарафшон водийси юқори қисми тоғларининг геологияси, гляциологияси, фойдали қазилмалари 1932 йилда ташкил этилган Тожик-Помир экспедициясида ўрганилди. 1933 йилдан Самарқанд ДУда ҳам табиий географик аҳамиятга эга бўлган тадқиқотлар бошланди. Бу ишлар орасида геоботаник М.Г.Попов ва Н.А.Меркулович тадқиқотлари айниқса диққатга сазовор. 1935 йил университет олимлари В.П.Смирнов, Я.А.Левен, Н.А.Меркулович, М.Г.Попов ва бошқалар иштироқида ташкил этилган Зарафшон комплекс геоботаникасига оид жуда кўп маълумотлар тўплади. Ёш истеъдодли олим Қ.Зокиров Зарафшон водийси ўсимликларини ўрганиш билан ўзининг кўп йиллик самарали тадқиқотларини бошлаб юборди. 1937 йил С.И.Клунников Фарбий Зарафшон тизмаси геологияси ва геоморфологияси борасида тадқиқот олиб борди. Бу тадқиқотлар натижасида “Зарафшон ва Ҳисор тизмаларининг ғарбий қисми” номли илмий асар яратилди [4].

Зарафшон водийсининг ер усти тузилиши, геоморфологик хусусиятлари, рельефини қишлоқ хўжалигида фойдаланиш нуқтаи назаридан баҳолаш каби ишлар Ю.А.Скворцов (1949), Н.Л.Корженевский (1960), Т.В.Звонкова (1965), М.У.Умаров (1967) ва бошқалар томонидан бажарилган. А.Н.Ракитников, Н.А.Гвоздецкий ва Т.В.Звонкова Марказий Ўзбекистон ҳудудида қишлоқ хўжалиг мақсадлари учун табиий географик районлаштириш ўтказиб, Самарқанд вилоятида 35 та ва Бухоро вилоятида 21 та типологик ландшафт бирликларини ажратган.

Зарафшон тоғларидағи карстларни ўрганишда Н.А.Гвоздецкийнинг ҳам хизмати катта. Олимнинг 1960 йилда Ўзбекистон геология журналида “Плато Қирктау – классическая пример карстового района” номли мақоласида чоп этилди. П.Б.Баратов 1960 йилда Н.А.Гвоздецкий илмий раҳбарлигига “Тоғли Зарафшон водийси табиий географик тавсифи” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Зарафшон тизмасининг карстларини ўрганишда айниқса СамДУ география факультети карстшунос олими М.А.Абдужабборовнинг (1963-1990) хизматлари катта. Олимнинг узоқ йиллар олиб борган барча илмий ишлари умумлаштирилиб 1990 йилд “Карст гор Южного Узбекистана” номли оригинал монографияси яратилди. Бу асарда Зарафшон тоғлари карстларини ўрганиш тарихи, уларнинг ҳосил бўлиш шарт-шароитлари, географик тарқалиши, улардан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш таҳлил қилинган.

М.Умаров Зарафшон водийсининг қўйи қисмida ландшафтларнинг қатор гуруҳларини (аллювиал текислик ландшафтлари, денудацион плато ландшафтлари) картага туширди, ҳар бир гурух доирасида ер юзаси тузилишидаги, грунтдаги, тупрок-

ўсимлик режимидаги фарқларни эътиборга олиб ландшафт типларини ажратди. 1964 йили “Куий Зарафшоннинг табиий ресурслари ва улардан оқилона фойдаланиш” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

П.Ғуломов Зарафшон дарёси водийсидаги воҳа ёни полосасида қишлоқ хўжалик аҳамиятига молик бўлган табиий географик жараёнларни ўрганиш билан биргаликда хилма-хил комплексларни ҳам аниқлади ва уларни системага солди. У ландшафтни бир хил рельеф, бир хил тоғ жинси ва ер ости суви режими бир хил бўлган шароитларда таркиб топувчи ва такрорланувчи табиий ҳудудий комплекс деб тушунади. П.Ғуломов воҳа ёни полосасида куйидаги ландшафт гурухларини аниқлаб, уларга таъриф беради: қумли чўл, гилли ва лёссли чўл, шўрхокли чўл ландшафтлари. Бу ишнинг комплекслилик хусусияти яна шундаки, унда Зарафшон водийсидаги воҳа ёни полосасининг ландшафт хусусиятлари таҳлил қилиниши билан бирга ўзидан юқори таксономик бирликларда классификация қилинади ва иккита табиий географик округга умумлаштирилади. 1966 йилда “Зарафшон водийсининг чўл-воҳа минтақасида қишлоқ хўжалиги аҳамиятига молик бўлган табиий географик жараёнлар” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Л.Алибеков (1968) Зарафшон тизмасининг ғарбий қисми ва унга ёндошган текислик ландшафтларининг структурасини ҳамда қишлоқ хўжалик ерларининг типларини бир неча йиллар давомида ўрганган. Олим Зарафшон тоғ тизмаси мисолида ландшафтларининг баландлик яруслари тоғ ён бағри рельефининг ёши, баландлиги, тузилиши, сув ва ҳарорат режими, ўсимлик-тупроқ қопламишининг характеристири билан фарқ қилинишини ёритиб берган].

А.Сайдов (1972) Ўрта Зарафшон водийсининг ўнг соҳили ландшафтлари картасини тузди. Ҳар қайси ландшафт ҳудудидаги бир-биридан фарқ қилувчи жойларнинг комплекс хусусиятларини очиб берди. Х.Ж.Жўракулов “Зарафшон тоғ ва тоғолди ландшафтларининг табақаланиши” мавзусида илмий изланиш олиб бориб, номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Ю.Ҳ.Абдураҳмонова эса 2003 йилда “Зарафшон ботиги ландшафтлари морфологияси ва уларни экологик жиҳатдан муҳофазалаш” мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди.

Таниқли ландшафтшунос олим А.А.Абдулқосимов Ўрта Осиё ҳудудида антропоген воҳа ландшафтларининг вужудга келиши ва ривожланиш тарихини археологик материаллар асосида таҳлил қилиб, уларни турли хил географик ва археологик даврларда инсон хўжалик фаолияти таъсирида вужудга келганлиги ва ривож топганлигини изоҳлаб берган. А.А.Абдулқосимов (1990) ана шу тарихий генетик ва археологик текшириш методларига асосланиб Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ҳудудларида антропоген воҳа ландшафтларининг қуийидаги йирик тарихий-географик марказларини аниқлаган. Ана шу ажратилган 9 та антропоген воҳа ландшафтларининг йирик марказларидан бири саналган Самарқанд тарихий-географик маркази Зарафшон тогоралиги ботиги ҳудудида таркиб топган [1].

Антропоген воҳа ландшафтларининг Зарафшон тогоралиги ботиги ҳудудида жойлашган Самарқанд тарихий-географик марказининг ҳам таркиб топишини антропоген ландшафтларни ўрганишда қўлланиладиган дала текшириш, картографик, аэрокосмик, аэрографик, археографик, ўхшашлик тарихий генетик қаторларни тузиш каби методлардан фойдаланган ҳолда ўрганишган. Бунда Зарафшон тогоралиги ботиги антропоген воҳа ландшафтларини геологик даврларни археологик даврлар билан боғлаган ҳолда ўрганган. Зарафшон тогоралиги ботиги ҳудудида олиб борилган илмий тадқиқотлар натижасида Самарқанд воҳасининг ландшафт типологик карта схемаси тузиб чиқилган бўлиб, бунда тоғолди текислиги воҳа жой типи, қайир усти террасали воҳа жой типи, қайир воҳа жой типи, қолдиқли паст тоғ чала чўл жой типлари ва уларнинг морфологик бирликлари ажратилган [2].

Адабиётлар:

1.Абдулқосимов А.А., Аббосов С.Б. Ўзбекистон воҳа ландшафтларининг шаклланиши ва ривожланиш тарихи // Конференция материаллари. - Т., 2015. - Б.9-16.

- 2.Абдулқосимов А.А. Антропоген ландшафтшунослик ва унинг тадқиқот предмети. Антропоген ландшафтшунослик // Илмий тўплам. – Самарқанд: СамДУ, 2014. - Б.5-25.
- 3.Баратов П., Маматқулов М., Рафиқов А. Ўрта Осиё табиий географияси. Ўқув кўлланма. - Т.: Ўқитувчи, 2002. - Б.8-24.
- 4.Марупов В.М. Ғарбий Зарафшон ландшафтларини ўрганиш масалалари // Географиянинг долзарб муаммолари. Конференция материаллари. – Самарқанд: СамДУ, 2006. - Б.52-53.
- 5.Султонов Ю. Ландшафтлар географияси. - Т.: Ўқитувчи, 1974. - Б.17-24.

Джўрабоева X.*

МОДДИЙ ЭТНОЭКОЛОГИК МАДАНИЯТНИНГ ҲУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ ВА УНИ ГЕОГРАФИК ЎРГАНИШ

Аннотация: Ушбу мақолада ўзбек халқининг моддий этноэкологик маданияти ва унинг географик жиҳатлари ёритилган. Бугунги экологик муаммоларни ҳал этишда анъанавий этноэкологик маданиятдан ижодий фойдаланиш йўналишлари кўрсатиб берилган.

Калим сўзлар: этнос, моддий маданият, маънавий маданият, этноэкология, этноэкологик маданият, ердан фойдаланиш маданияти, сувдан фойдаланиш маданияти.

Территориальные аспекты материальной этноэкологической культуры и её географическое изучение

Аннотация: В статье освещена материальная этноэкологическая культура узбекского народа и её географические аспекты. Указаны пути творческого использования этноэкологической культуры в решении современных экологических проблем.

Ключевые слова: этнос, материальная культура, духовная культура, этноэкология, этноэкологическая культура, культура землепользования, культура водопользования.

Territorial aspects of objective ethnoecological culture and studying it geographically

Abstract: In this article the actual ethnoecological culture of the Uzbek people and its geographical features are exposed. The ways of using traditional, ethnoecological culture creatively in solving today's ecological problems are shown.

Keywords: ethnoss, objective culture, moral culture, ethnoecology, ethnoecological culture, the culture of using land, the culture of using water.

Кириши. Ҳар бир этнос, халқ ўзининг мустақил ва бетакор маданиятига эга. Халқлар ҳаётининг табиий, тарихий ҳамда минтақавий ўзига хослиги моддий ва маънавий маданиятнинг ривожланиши учун шароит яратади, у ёки бу этнос ҳаётининг сақланиб қолиши ва барҳаётлигига имкон туғдиради. Маданиятдаги ўзига хослик кишиларнинг табиий мухитга мос ҳолдаги турмуш тарзи ҳамда хўжалик фаолиятида намоён бўлади. Асрлар давомида халқимизнинг она табиат, ер ва сувни эъзозлаш билан боғлиқ турфа хил урф-одат, маросим, анъанавий дехқончилик ҳамда ҳунармандчилик удумлари вужудга келган ва авлоддан-авлодга бериб келинмоқда. Бу йўналишдаги билимларни ўрганиш, ижтимоий тараққиётни инкор этмаган ҳолда улардан фойдаланиш ва ёш авлодда экологик маданиятни шакллантириш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Мазкур ишда халқимизнинг табиатдан оқилона фойдаланишни анъанавий усуллари бўйича тўпланган кўнкима ҳамда малакалари **тадқиқот обьекти** сифатида олинди, мамлакатимиз олимлари томонидан моддий ва этноэкологик маданиятнинг географик жиҳатларини тадқиқ этиш бўйича яратилган илмий ишларидан **бирламчи маълумотлар** сифатида фойдаланилди [2, 4].

Асосий натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Ер шаридаги ҳар бир этнос ўзи яшаб турган ўлканинг табиий географик хусусиятларидан келиб чиқиб ишлаб чиқариш усулларини яратади. Натижада табиатдан ўз эҳтиёжлари учун унинг мувозанатини бузмасдан, энг қулай услубларни кўллаган ҳолда фойдаланади, атроф-муҳит муҳофазаси

* Джўрабоева Хилола Шухратовна – ФарДУ география кафедраси катта ўқитувчиси

ишлаб чиқариш фаолиятининг ажралмас қисми сифатида анъана, урф-одат ва қадрият кўринишида авлоддан-авлодга бериб келинади. Узоқ тарихий давр мобайнида ўлкамизда шаклланган моддий ва маънавий маданиятда табиатни асраш муаммоси мухим ўрин эгаллайди. Халқимизнинг вақт синовига бардош бериб, миллий анъана ва қадриятлар сифатида сақлаб келинаётган табиатдан фойдаланиш маданияти фанда этноэкологик маданият деб юритилади. Тарихий тажрибалар шуни кўрсатадики, муайян худудда вужудга келган этноэкологик маданиятдан четга чиқиш табиатдаги барқарорликнинг бузилишига, пировард натижада маълум бир этник гурухнинг сақланиб қолиши ёки таназзулига сезиларли даражада таъсир этади [2, 3]. Этноэкологик маданият этносларнинг ер ва сувдан, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсидан, маҳаллий иқлим хусусиятлари ва жойнинг гидрогеологик шароитидан фойдаланиш жараёнида тўпланган тажрибаларида намоён бўлади. Этноэкологик маданият моддий ҳамда маънавий этноэкологик маданиятга ажратилади. Моддий этноэкологик маданиятни қўйидагича гурухлаштириш мумкин (расм).

Мамлакатимизнинг турли табиий-иқлим шароитлари ўзига хос ердан фойдаланиш маданиятини, хўжалик фаолиятидаги ҳудудий фарқларни вужудга келишига сабаб бўлган. Ҳудудлар табиий-иқлим, рельеф ва гидрогеологик хусусиятларидан келиб чиқиб дехқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, овчилик ва бошқа соҳаларга тақсимланади.


Дехқончиликда экин тури ва майдонларини танлаш, суғориш усуулларини кўллашда ҳам табиий-иқлим хусусиятлари инобатга олиниб, алмашлаб экиш, захирада ер ва сув сақлаш тизими жорий этилган. Чорвадорлар табиий муҳитга мос ҳайвон зотларини кўпайтирганлар. Яйловнинг ҳолати, навбатлаб яйловдан фойдаланиш, ярим кўчманчи тарзда ҳаёт кечириш ҳам табиат имкониятларидан унинг мувозанатини бузмасдан фойдаланишга қаратилган. Натижада ўлкада барқарор ижтимоий-экологик мувозанат вужудга келган.

Қишлоқ ёки шаҳарлар планировкаси, қурилиш усули, материалларни танлаш кабилар ҳам тасодифий бўлмай, жойнинг сейсмик хусусиятлари, гидрогеологик шароити, иқлими, экологик-иктисодий омиллар асосида амалга оширилган. Масалан, Фарғона водийсида уйлар асосан шарқ ва жануб томонга қаратиб қурилган. Бунда иқлим хусусиятлари, жумладан, шамол ва ёғинларнинг ғарб томондан келиши ҳисобга олинган. Уй-жойларни қуришда ёғочдан кенг фойдаланилган. Уй асоси қўшсинчдан иборат бўлиб, зилзилага нисбатан чидамлилигини таъминлаган. Ер ости сувлари ер юзига яқин жойлашган ва тузли шўр ерларда пахса пойдеворига қамиш ёки чипта тўшаб девор кўтарилилган [2, 4].

Кўп асрлик тарихий тараққиёт давомида ўлкамизда сув ресурсларидан фойдаланишнинг ўзига хос маданияти вужудга келди. Аждодларимиз обикор ва лалмикор дехқончиликни, мураккаб суғориш иншоотлари ва тизимлари қуришни, агротехник чораларни табиий шароит имкониятларидан келиб чиқкан ҳолда амалга оширишга эришдилар. Обикор дехқончиликнинг ривожланиши лалмикор дехқончилик, яйлов чорвачилиги, ҳунармандчилик ва савдогарлик фаолияти билан биргаликда олиб борилган. Суғориш иншоотларини қуришда дарё режими, оқимининг кўп йиллик миқдори, тошқин вақти каби ҳолатлар эътиборга олинган. Ҳар бир суғориладиган ҳавзанинг юқори қисмида албатта “муқаддас зиёратгоҳ”лар жойлаштирилиб, улар орқали дарё сув режими тартибга солиб турилган. Н.Абдулаҳатовнинг тадқиқотларига кўра, Фарғона вилояти ҳудудида 254 та муқаддас зиёратгоҳ бўлиб, 21 таси Сўх зонасида, 57 таси Фарғона, 71 таси Кўқон, 91 таси Марғилон шаҳарлари атрофида жойлашган [1, 4-бет]. Зиёратгоҳларда сув ҳавзаларини ифлослаш, ерларни ҳайдаш, тупроқ, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига зарар етказиш таъкидланган.

Аждодларимиз ўсимликлардан доривор, зиравор ва декоратив мақсадларда, об-ҳавони башорат қилишда, тупроқнинг механик таркиби ва шўрланишини аниқлашда, чўлларда чучук сувни қидириб топишда эса индикатор сифатида фойдаланиб келганлар. Масалан, янтоқ — ер ости чучук сувлари, оқбош, ажриқ ва шўрадошлар тупроқ

шўрланишининг индикаторлари ҳисобланади. Маълумотларга кўра, жаҳон халқлари ўсимликларнинг 400 туридан, ҳайвонларнинг 600 туридан индикатор сифатида фойдаланади [2, 5].



Расм. Моддий этноэкологик маданият таснифи

Расм муаллиф томонидан тайёрланган.

Хулоса қилиб айтганда, табиий ва ижтимоий мухит билан уйғун ривожланишга асосланган этноэкологик маданиятни ўрганиш, бу маданиятни ижтимоий тараққиётни инкор этмаган ҳолда ҳаётга татбиқ этиш, келажак авлодларга етказиш мавжуд экологик муаммоларни бартараф этишда, вужудга келиши мумкин бўлганларини эса олдини олишда мухим омил бўлиб хизмат қиласди.

Адабиётлар:

1. Абдулаҳатов Н. Фарғона водийси аҳолиси турмуш тарзида зиёратнинг ўрни. Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. - Т., 2008. - 18-б.
2. Аҳмадалиев Ю. Этноэкологиянинг долзарб масалалари (мактаб ўқувчилари ва талабалар учун тавсиялар). - Фарғона, 1997. - 33 б.
3. Баллиева Р. Каракалпакский этнос и традиционное природопользование. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. – М.: МГУ, 2003. - 49 с.
4. Жабборов И. Ўзбеклар (анъанавий хўжалиги, турмуш тарзи ва этномаданияти). - Т.: “Шарқ”, 2008. - 240 б.
5. Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси. - Т., 2002. – 3 жилд. – 704 б.

ИҚТИСОДИЙ ВА ИЖТИМОЙ ГЕОГРАФИЯ

Федорко В.Н.¹, Курбанов Ш.Б.²

ТИПОЛОГИЯ НИЗОВЫХ АДМИНИСТРАТИВНЫХ РАЙОНОВ УЗБЕКИСТАНА ПО ФОРМАМ СЕЛЬСКОГО РАССЕЛЕНИЯ

Аннотация: В статье излагается авторская типология низовых административных районов Узбекистана с точки зрения сельского расселения, выполненная с применением статистического анализа. Критериями типологии сельских районов страны послужили плотность размещения сёл и их средняя людность.

Ключевые слова: сельские районы, сельское расселение, плотность сёл, средняя людность сёл, тип районов

Ўзбекистон қуи маъмурий туманларининг қишлоқ аҳолиси жойланиши шакллари бўйича таснифи

Аннотация: Мақолада муаллифлар томонидан статистик таҳлил ёрдамида бажарилган Ўзбекистон қишлоқ маъмурий туманларининг қишлоқ аҳолиси жойланиши жиҳатидан таснифи ёритилган. Таснифлашнинг мезонлари сифатида туманлар доирасида қишлоқ жойларнинг зичлиги ва улардаги ўртacha аҳоли сони танлаб олинган.

Калим сўзлар: қишлоқ туманлари, қишлоқ аҳолисининг жойланиши, қишлоқлар зичлиги, қишлоқларнинг ўртacha аҳолиси сони, туманлар типлари

Types of basic administrative districts of Uzbekistan on forms rural settlement

Resume: The article describes the author's typology of basic administrative districts of Uzbekistan in terms of rural settlement, made with the use of statistical analysis. The criteria for the typology of the rural areas of the country served as the areal density of villages and their average population.

Keywords: rural districts, rural settlement, the density of villages, average population of villages, the type of districts

Введение. Для социально-экономической географии изучение низовых административных образований имеет большое значение. Оно способствует углублению пространственного анализа территориальной организации общества, позволяет рельефнее выявить факторы и закономерности последней. Одним из наиболее интересных аспектов общественно-географического анализа низовых административных районов выступает исследование структуры сельского расселения, так как именно на районном (низовом) уровне происходит формирование поселенческих систем на базе «центральных мест» локального значения, транспортной, ирригационной и другой инфраструктуры, местного земельного фонда. С рисунком и структурой сельского расселения теснейшим образом связаны проблемы рациональной территориальной организации агропромышленного комплекса и сферы обслуживания, что определяет практический интерес крупномасштабных расселенческих изысканий.

Цель и задачи работы. Цель исследования заключается в типологии 157 низовых административных районов Узбекистана с точки зрения структуры сельского расселения. Задачи, решение которых ведёт к достижению поставленной цели, следующие: 1) рассчитать на основе данных государственной статистики структурные параметры сельского расселения районов Узбекистана; 2) выполнить типологическую группировку сельских районов страны по количественным характеристикам сельского расселения; 3) проанализировать пространственное распространение и локализацию различных типов районных сетей сельского расселения республики; 4) оценить структурную сложность и межрайонную контрастность сельского расселения регионов Узбекистана в контексте проводимой типологии.

¹ Учитель географии в школе №233 г.Ташкента

² Преподаватель кафедры географии НУУз имени М.Улугбека, г.Ташкент

Основная часть. Структура сельского расселения Узбекистана отличается значительным разнообразием, что связано, по большей части, с неоднородностью природно-хозяйственной среды, особенностями истории освоения и заселения регионов, объективными различиями территориальной организации общества в старо - и новоосвоенных районах республики. Идентичность историко-природно-хозяйственных условий некоторых низовых административных районов выражается в типичности их расселенческого облика, позволяя провести типологическую группировку исследуемых административно-территориальных единиц по формам сельского расселения.

Основным методом настоящего исследования выступает статистический анализ и группировка районов с точки зрения структурной организации сельского расселения. Количественными критериями типологии при этом выступают такие параметры, как средняя людность сёл и их плотность в расчёте на 1000 га пашни (нетто-плотность). Определение густоты селитебных сетей по отношению к пахотным землям, а не общей величине территории районов, принято с учётом того, что именно в ареалах земледелия (как орошаемого, так и богарного) размещено подавляющее большинство сельских населённых мест республики. Не учёт этого факта в случае с сельскими районами Узбекистана, где сочетаются оазисное «ядро» и пустынно- или горно-пастбищная «периферия» с очаговым характером расселения, чреват грубыми искажениями реальной картины размещения сельских населённых пунктов в пределах преимущественных ареалов жизни и хозяйственной деятельности населения. Исключение в этом смысле сделано только для трёх административных районов Навоийской области (Учкудукского, Тамдынского и Канимехского), целиком, или почти полностью, расположенных в пустынно-пастбищной зоне. Здесь густота сёл рассчитана относительно общей площадь сельскохозяйственных угодий, львиную долю (до 99 и более %) которых составляют пастбища. В данном случае такой подход представляется вполне оправданным.

При выделении типов низовых районов с точки зрения структуры локальных сетей сельского расселения территориальные показатели сопоставлялись со среднереспубликанскими: по плотности сёл – 2,9 на 1000 га пахотных земель, а по средней людности сёл – 1,3 тыс. человек. На основе этого сравнения выделены 12 типов форм сельского расселения низовых административных районов Узбекистана (см. Табл.1). При группировке было учтено имеющееся в статистике положение о том, что коэффициент вариации количественных индикаторов (отношение среднего квадратичного отклонения показателя к его среднему арифметическому значению) в группе изучаемых единиц (в нашем случае - районов) не должно превышать 33%.

Таблица 1
Типы низовых административных районов Узбекистана по формам сельского
расселения (количественные параметры рассчитаны авторами по данным
Госкомстата РУз по состоянию на 1.01.2015 г.)

№	Тип сетей расселения сельских районов	Основные ареалы распространения типа сельского расселения	Число сельских районов	Среднее арифметическое значение		Среднее квадратичное отклонение		Коэффициент вариации (ср.кв.откл./ср.арифм* 100%) <i>Если он не превышает 33%, статистический (и, соответственно, типологический) ряд качественно однороден</i>
				Плотн. сёл на 1000 га пахотн. земель	Люд- ность сёл, тыс. чел.	Плотн. сёл на 1000 га пахотн. земель	Людность сёл, тыс. чел.	
1	Районы с наиболее густой сетью крупных сел	Ташкентская и Самаркандская агломерации	4	10,6	2,41	2,8	0,59	26,3 24,3

2	Районы с густой сетью крупных сёл	Оазисы на конусах выноса рек Ферганской долины, Ташкентская и Самаркандская агломерации, Хорезмский оазис, староорошаемые оазисы Кашкадарья и Сурхандарья	29	3,7	2,21	0,9	0,65	23,1	28,4
3	Районы с густой сетью сёл средней плотности	Оазисы на конусах выноса рек Ферганской долины, Ташкентская агломерация, староорошаемые оазисы Кашкадарья и Сурхандарья	13	4,6	1,32	1,5	0,08	32,0	5,8
4	Районы с очень густой сетью мелких сёл	Бухарский оазис	8	7,5	0,70	1,7	0,1	22,1	15,8
5	Районы с густой сетью сёл малой плотности	Долина и Каракульская дельта р.Зарафшан, долина и низовья Ахангарана, периферия Кокандского оазиса	23	4,3	0,91	0,9	0,26	22,0	29,0
6	Районы с густой сетью очень мелких сёл	Северо-Каракалпакский оазис и Нуратинский горный регион	7	4,0	0,46	0,8	0,12	19,4	26,6
7	Районы с сетью очень крупных сёл плотностью ниже среднего уровня	Адырная полоса Ферганской долины	10	1,8	3,08	0,4	0,43	24,6	14,0
8	Районы с сетью крупных сёл плотностью ниже среднего уровня	Адырная полоса Ферганской долины, новоосвоенные земли первой волны (Центральная Фергана, восточная часть Голодной степи, Дальверзинская степь, Каршинская агломерация), Сурхан-Шерабадская степь, Хорезмский оазис	35	1,8	1,83	0,6	0,48	32,8	26,3
9	Районы с очень редкой сетью крупных и очень крупных сёл	Новоосвоенные районы Голодной и Каршинской степи	10	0,4	2,40	0,14	0,76	32,0	31,5
10	Районы с сетью сёл малой плотности плотностью ниже среднего уровня	Горно-пастбищные районы, Северо-Каракалпакский оазис	13	1,9	1,00	0,4	0,20	20,9	18,2
11	Районы с очень редкой сетью сёл малой плотности	Караулбазарский и Мубарекский оазисы	2	0,3	1,02	0,01	0,02	0,9	2,6
12	Районы с дисперсной сетью очень мелких сёл*	Пустыня Кызылкум	3	0,01	0,41	0,002	0,04	20,0	10,3
Всего по Узбекистану			157	2,9	1,3	2,3	0,84	79,4	65,1

* Взята общая площадь с/х земель

Ниже даётся краткая характеристика выделенных типов сельских районов Узбекистана.

Районы с наиболее густой сетью крупных сел (1-тип) резко выделяются показателями плотности размещения и средней людности сельских поселений, превышающими среднереспубликанские значения в 2,5-3,0 раза. В этой группе значатся 4 пригородных района Ташкентской и Самаркандской агломерации – Зангиатинский, Кибрайский, Самаркандский и Тайлякский. Очевидно, что особенности ЭГП этих территорий в зоне ближайшего агломерационного тяготения крупнейших городов страны являются ведущим фактором формирования своеобразных форм сельского расселения.

Районы с густой сетью крупных сёл (2-тип) достаточно многочисленны (29 из 157) и приурочены по большей части к агломерационному окружению городов Намангана, Андижана, Коканда, Ферганы и Карши. За исключением нескольких сельских районов Хорезмской области и Каршинской степи, районы этого типа расположены в предгорной части республики, в интенсивно освоенной староорошающей зоне природопользования. Характерна привязка многих селитебных сетей к устьевым оазисам конусов выноса рек межгорных котловин – Ферганской, Китаб-Шахрисабзской, Сурхан-Шерабадской. В пригородной зоне Андижана и Намангана средняя людность сёл превышает 3000 человек, а в Асакинском районе Андижанской области – даже 4000 человек. Такая расселенческая ситуация придаёт известную остроту проблемам занятости трудовых ресурсов, упрочения агропромышленной базы села, развития производства товаров массового потребления и сферы обслуживания, жилищного строительства, усугубляет растущий дефицит ценных сельскохозяйственных угодий.

Районы с густой сетью сёл средней людности (3-тип) менее многочисленны по сравнению с предыдущим типом – 13. Характеризуясь в среднем идентичной с предыдущим типом районов плотностью сёл, они отличаются меньшей людностью сельских поселений, буквально соответствующей среднереспубликанскому значению данного параметра – 1,3 тыс. жителей. Территориально этот тип районов приурочен практически к тем же ареалам, что и первый тип, располагаясь в основном в столичном регионе и областях Ферганской долины. Проблемы и перспективы социально-экономического развития и геоэкологического благополучия близки к предыдущему типу районов, проявляясь в несколько меньших масштабах.

Районы с очень густой сетью мелких сёл (4-тип) по густоте сёл уступают только районам первого типа (7,5 поселений на 1000 га пашни), а по средней людности сельских населённых пунктов занимают одно из последних мест среди 12 выделенных типов административных районов республики (0,7 тыс.чел.). К этому типу относятся 8 районов, 7 из которых компактно расположены в Бухарском оазисе: Гиждуванский, Шафирканский, Вабкентский, Бухарский, Каганский, Пешкунский и Ромитанский, а восьмой район – Паҳтачийский – находится в Самаркандской области на границе Каттакурганского и Навои-Канимехского оазисов. Таким образом, этот тип сельских районов обладает чёткой географической локализацией в низовьях р.Зарафшан и, по-видимому, связан с исторически сложившимися особенностями землеустройства в этом природно-хозяйственном регионе.

Районы с густой сетью сёл малой людности (5-тип) характеризуются высокой плотностью размещения сельских поселений (4,3 на 1000 га пашни) при их сравнительно невысокой людности - в среднем 0,91 тыс. жителей. Общее число районов данного типа – 23, значительная часть которых расположена в долине Зарафшана в пределах Самаркандской и Навоийской областей (в общей сложности 11 из 23, т.е. почти половина). Сюда относятся также Жондорский, Каракульский и Алатский районы Бухарской области (периферия дельты Зарафшана), Ахангаранская группа районов столичной области (Ахангаранский, Пскентский, Букинский, Аккурганский районы) и некоторые районы Кокандского оазиса. Особенности сельского расселения ландшафта связаны

преимущественно с исторически сложившимся в этих регионах характером аграрного землеустройства, обусловленным, в свою очередь, региональными природно-мелиоративными условиями. Специфические черты расселения целесообразно учитывать, прежде всего, в планировании развития и размещения социальной инфраструктуры.

Районы с густой сетью очень мелких сёл (6-тип) имеют 2 географических ареала локализации – Северо-Каракалпакский оазис (современная дельта Амудары) и Нуратинский регион (Нуратинский и Фаришский административные районы). Средняя людность сёл не превышает 500 чел. (0,46 тыс.) при средней плотности поселений 4,0 на 1000 га пахотных угодий. Преобладание мелких сёл и их густое размещение способствуют обострению проблем рационального использования трудовых ресурсов, территориальной организации сети сервисных учреждений и социальной инфраструктуры в целом.

Районы с сетью очень крупных сёл плотностью ниже среднего уровня (7-тип) типичны для адырной части Ферганской долины. Это 10 районов интенсивного орошаемого земледелия, основная часть которых составляют ближайшее агломерационное окружение региональных урбанистических центров – Наманганга (Туракурганский, Чартакский), Андижана (Андижанский, Алтынкульский, Балыкчинский) и Ферганы (Ферганский). Средняя людность сельских поселений в районах этого типа превышает отметку в 3000, а в некоторых из них – даже 4000 жителей, т.е. идентична районам первого и второго типов, однако по плотности размещения сельских поселений районы данного типа уступают им в несколько раз. Средний показатель людности сёл наибольший среди выявленных нами типов сельского расселения республики.

Районы с сетью крупных сёл плотностью ниже среднего уровня (8-тип) представляют собой наиболее многочисленную типологическую группу низовых административных районов страны (35 единиц). География этого типа районов широка, она включает области Ферганской долины, восточные районы Сырдарьинской области, Хорезмский оазис, Сурхандарьинскую и Кашкадарьинскую области. Примечательно, что заметное место в этому ряду сельских территорий республики занимают новоосвоенные земли первой волны, т.е. восточная часть Голодной степи, Дальверзинская степь (Бекабадский район), Центральная Фергана. Средняя людность сёл – 1,83 тыс.чел (при среднереспубликанском уровне в 1,30 тыс.чел.), а плотности сельских поселений – 1,8 на 1000 га пашни (средний по стране индикатор – 2,9 сёл на 1000 га пахотных угодий).

Районы с очень редкой сетью крупных и очень крупных сёл (9-тип) характерны для новоосвоенной зоны Голодной и Каршинской степей. Общее число районов данного типа – 10. Средняя людность сёл зачастую превышает 4000 жителей, однако плотность их размещения в 4 раза меньше среднереспубликанского уровня и в 7-10 раз уступает средним показателям староорошаемой зоны республики. Сельское расселение в этих регионах чётко увязано с планировкой оросительной сети и отличается своеобразной геометрической правильностью. При этом особенности расселения накладывают отпечаток на использование трудовых ресурсов в аграрной экономике, развитие и размещение сферы сервиса.

Районы с сетью сёл малой людности плотностью ниже среднего уровня (10-тип) типичны для предгорно-горных районов с богарно-земледельческой и горно-пастбищной специализацией хозяйства, расположенных в Нурата-Туркестанской и Гиссаро-Зарафшанской орографических системах (8 районов – Байсунский, Шерабадский, Дехканабадский, Бахмальский, Галляральский, Нурабадский, Янгиабадский и Зааминский). Также к этому типу относятся Нукусский, Кунградский, Канлыкольский, Тахтакупырский и Муйнакский районы Каракалпакстана, находящиеся в северной части амударьинской дельты – наиболее кризисном в геоэкологическом отношении регионе Узбекистана.

Районы с очень редкой сетью сёл малой людности (11-тип) образуют узко локализованный тип административных единиц в составе Каракалпакстана и Мубарекского районов. Эти территории представляют, как известно, территориальное

сочетание обширных пустынно-пастбищных угодий и новоосвоенных земледельческих массивов машинного орошения (Караулбазарская ветвь АБМК и канал Сарик в Аму-Каршинской ирригационной системе). В данных районах плотность сёл средней людностью 1,02 тыс.чел. составляет 0,3 поселения на 1000 га пашни.

Районы с очень редкой сетью мелких сёл (12-тип) представляют собой исключительно своеобразный расселенческий комплекс, сложившийся в сельских административных районах Навоийской области с пустынно-пастбищной специализацией аграрного сектора и очаговым развитием горнодобывающей индустрии – Тамдынском, Учкудуцком и Канимехском. Показатели средней плотности сёл и, особенно, плотности их сети гораздо ниже в сравнении с районами других типов. Исключительно велика значимость проблемы рациональной организации производственной, социальной и информационной инфраструктуры.

В таблице 2 даны сведения о количестве сельских районов, принадлежащих к 1-12 типам, в разрезе 13 регионов Республики Узбекистан – Республики Каракалпакстан и 12 областей.

Таблица 2

Распределение сельских районов Узбекистана по типам сетей сельского расселения в разрезе регионов Узбекистана

№	Регионы РУз	Типы сельских районов по сетям сельского расселения												Общее число САР	Кол-во типов САР
		1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12		
1	Республика Каракалпакстан			2		1	5		1		5			14	5
	<i>Области:</i>														
2	Андижанская	4			1		6	3						14	4
3	Бухарская			7	3						1		11	3	
4	Джизакская					1		1	6	4			12	4	
5	Кашкадарьинская	2	2		1			3	2	1	1		13	7	
6	Навоийская		1		3	1						3	8	4	
7	Наманганская	3					3	5					11	3	
8	Самаркандская	2	2		1	8				1			14	5	
9	Сурхандарьинская	5	2					4		2			13	4	
10	Сырдарьинская							6	2				8	2	
11	Ташкентская	2	4	2		4			2				14	5	
12	Ферганская		5	4		2		1	3				15	5	
13	Хорезмская		3						7				10	2	
14	Республика Узбекистан	4	29	13	8	23	7	10	35	10	13	2	3	157	12

Таблица составлена авторами

Для всех 12 типов районных сетей сельского расселения Узбекистана нами рассчитано несколько количественных характеристик пространственной локализации (Табл. 3). В частности, для каждого типа районов был определён *коэффициент распространённости* – отношение числа регионов, где встречается данный тип расселения к общему числу регионов страны (13). Чем ниже этот коэффициент, тем более выражена региональная локализация типа. Самый низкий коэффициент распространённости у районов 1-, 4-, 11- и 12-типов, а самый высокий – у районов 2-, 5- и 8-типов.

По каждому расселенческому типу районов были выделены регионы, где расположено их наибольшее количество. В таблице 3 в отдельных столбцах указаны значения *максимальной региональной доли в общем числе районов* 1-12 типов и названия регионов, где зафиксированы соответствующие показатели. Например, по типу 4 максимальная региональная доля (0,88, или 7 из 8 районов) отмечена в Бухарской области,

а по типу 8 идентичный индикатор равен 0,20 (7 из 35 районов типа) и зафиксирован в Хорезмской области.

Таблица 3

Пространственная распространённость и локализация типов сельских административных районов (САР) Узбекистана по формам сельского расселения

Типы САР по формам сельского расселения	Число САР данного типа	Доля в общем кол-ве САР по РУз	Кол-во рег-в, где встреч-ся данный тип	Коэф-т распространённости данного типа САР	Макс-я регион-я доля в общем числе САР данного типа	Регион, где отмечается максимальное количество САР данного типа	Коэффициент локализации данного типа районов*	Степень локализации данного типа САР
1	4	0,03	2	0,15	0,50	Ташкентская, Самаркандская обл.	3,25	очень высокая
2	29	0,18	8	0,62	0,17	Сурхандарьинская, Ферганская обл.	0,28	очень низкая
3	13	0,08	6	0,46	0,31	Ферганская обл.	0,67	низкая
4	8	0,05	2	0,15	0,88	Бухарская обл.	5,69	очень высокая
5	23	0,15	8	0,62	0,35	Самаркандская обл.	0,57	низкая
6	7	0,04	3	0,23	0,71	Респ. Каракалпакстан	3,10	очень высокая
7	10	0,06	3	0,23	0,60	Андижанская обл.	2,60	высокая
8	35	0,22	10	0,77	0,20	Хорезмская обл.	0,26	очень низкая
9	10	0,06	3	0,23	0,60	Джизакская обл.	2,60	высокая
10	13	0,08	5	0,38	0,38	Респ. Каракалпакстан	1,00	средняя
11	2	0,01	2	0,15	0,50	Кашкадарьинская, Бухарская обл.	3,25	очень высокая
12	3	0,02	1	0,08	1,00	Навоийская обл.	13,00	очень высокая

* Отношение максимальной региональной доли в общем числе районов данного типа к коэффициенту распространённости САР данного типа (доле регионов, где встречается данный тип районов, к общему числу регионов РУз - 13)

Таблица составлена авторами

Отношение максимальной региональной доли в общем числе районов каждого типологического ряда к коэффициенту распространённости последнего составило интегральный пространственно-статистический показатель – **коэффициент локализации типа районов**. Его значение тем выше, чем в меньшем количестве регионов Республики встречается данный тип районных сетей сельского расселения, и чем выше его максимальная региональная концентрация (приведённая в таблице 3, как отмечалось выше, в относительном выражении). Если коэффициент локализации не выше 0,30, степень пространственной локализации районов данной типологической группы считается **очень низкой** (типы 2 и 8), при величине его 0,30-0,70 – **низкой** (типы 3 и 5), при значении 0,70-1,00 – **средней** (тип 10), в интервале 1,00-3,00 – **высокой** (типы 7 и 9), выше 3,00 – **очень высокой** (типы 1, 4, 6, 11 и 12).

Следовательно, можно сделать вывод, что наиболее локализованными, регионально специфическими типами районных сетей сельского расселения являются **1-, 4-, 6-, 7-, 9-, 11- и 12-типы**. Особенno обращает на себя внимание 12-тип, все 3 района которого расположены в Навоийской области. С учётом географической привязки 1-тип районов можно условно обозначить, как *пригородный*, 4-тип – *бухарский*, 6-тип – *северо-каракалпакский*, 7-тип – *адырно-ферганский*, 9-тип – *голодностепско-каришинский*, 11-тип – *сундукинский*, 12-тип – *кызылкумский*. Наиболее широкую же географию имеют районные сети сельского расселения, отнесённые к **2-, 3-, 5- и 8-типам**. Они определяют фоновый рисунок сельского расселения в Узбекистане и его крупных регионах.

В рамках настоящего исследования был также проведён статистический анализ сельского расселения 13 регионов Республики Узбекистан в разрезе выделенных 12 типов районов, что отражено в таблице 4. По каждому региону было определено число встречающихся в его пределах типов низовых административных районов. Отношение данного числа к общему количеству выявленных типов (12) составило **коэффициент разнообразия сельского расселения** региона. В каждой из административно-территориальных единиц первого порядка был выделен **наиболее распространённый тип районов**, в случаях равенства максимальных долей от общего числа сельских районов – 2 типа (Респ. Каракалпакстан, Навоийская и Ташкентская области). Отношение коэффициента разнообразия сельского расселения региона к максимальной доле типа районов по данной территории вводится нами как **коэффициент межрайонной контрастности сельского расселения**.

Таблица 4
Разнообразие и межрайонная контрастность сельского расселения регионов Узбекистана

№	Регионы РУз	Кол-во типов САР		Максим-я доля типа районов		<i>Коэффициент межрайонной контрастности сельского расселения *</i>	<i>Степень межрайонной контрастности сельского расселения</i>
		Еди- ницы	Доля от общего числа типов САР (коэффициент разнообразия)	Доля	Тип		
1	Республика Каракалпакстан	5	0,36	0,36	6 и 10	1,00	средняя
2	Области: Андижанская	4	0,29	0,43	7	0,67	средняя
3	Бухарская	3	0,21	0,64	4	0,33	низкая
4	Джизакская	4	0,29	0,50	9	0,57	средняя
5	Кашкадарьинская	7	0,50	0,23	8	2,17	очень высокая
6	Навоийская	4	0,29	0,38	5 и 12	0,76	средняя
7	Наманганская	3	0,21	0,45	8	0,47	средняя
8	Самаркандская	5	0,36	0,57	5	0,63	средняя
9	Сурхандарьинская	4	0,29	0,38	2	0,74	средняя
10	Сырдарьинская	2	0,14	0,75	8	0,19	низкая
11	Ташкентская	5	0,36	0,29	2 и 5	1,25	высокая
12	Ферганская	5	0,36	0,33	2	1,08	высокая
13	Хорезмская	2	0,14	0,70	8	0,20	низкая

* Отношение коэффициента разнообразия районных сетей расселения региона к максимальной доле типа расселения по данному региону

Таблица составлена авторами

Наименее контрастными, или наиболее монолитными регионами Узбекистана в плане пространственной организации сельского расселения оказались Сырдарьинская, Хорезмская и Бухарская области (коэффициент межрайонной контрастности сельского расселения не выше 0,33), а наиболее контрастными условиями сельского расселения характеризуется Кашкадарьинская область (коэффициент выше 2). Высокой степенью межрайонных различий в сельском расселении отличаются также Ташкентская (коэффициент межрайонной контрастности 1,25) и Ферганская (1,08) области. Межрайонная контрастность сельского расселения остальных административных регионов республики первого порядка была оценена как средняя. По-видимому, межрайонная контрастность сельского расселения связана с пространственной неоднородностью природно-хозяйственных условий регионов (или основной полосы их сельского расселения).

Выводы. Таким образом, разнообразие природно-хозяйственных условий и особенности истории освоения и заселения различных частей Узбекистана обуславливает структурно-морфологическую неоднородность сельского расселения, формирование его типологических вариаций, примерно повторяющихся в определённой совокупности низовых административных районов. Эти типологические группировки районов рельефно выявляются посредством статистического анализа таких параметров сельского расселения, как плотность сёл в расчёте на единицу площади пахотных угодий и их средняя людность.

Типологические сходства и различия в морфологии и структуре сельского расселения административно-территориальных единиц второго порядка необходимо учитывать в разработке региональной политики в сфере занятости сельского населения, комплексного развития аграрной экономики, повышения производственного потенциала сельской местности, развития и территориальной организации инфраструктуры, рационального использования земельно-водных ресурсов и оптимизации геоэкологической обстановки.

Азимов Ш.А.*

ХУДУДИЙ БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ СТРАТЕГИЯЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШНИНГ МЕТОДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон худудларининг барқарор ривожланиш масалалари, шунингдек минтақавий ривожланиш стратегияларининг макроиқтисодий, институционал, ижтимоий ва сиёсий жиҳатлари кўриб чиқилган.

Таянч сўзлар: глобаллашув, стратегия, концепция, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, барқарор ривожланиш, минтақа

Методологические аспекты разработки стратегии устойчивого регионального развития

Аннотация: Статья посвящена проблеме формирования целостной концепции устойчивого развития регионов Узбекистана. Обсуждаются макроэкономические, институциональные, социальные и политические аспекты структурных характеристик стратегии территориального планирования.

Ключевые слова: глобализация, стратегия, концепция, социально-экономическая развитие, устойчивое развитие, регион.

Methodological aspects of the development of a strategy for sustainable regional development

Annotation: This article deals with some methodological problems of strategy for socio-economic development of the regions. Author gives his/her own scientific thoughts analyzing scientists' theoretical points of view.

* Азимов Ш.А. - Тошкент молия институти “Минтақавий иқтисодиёт” кафедраси доценти, г.ф.н.

Key words: globalization, strategy , the concept of socio-economic development , sustainable development , region.

Жамиятимиз тараққиётининг глобаллашув босқичида мамлакат минтақаларини мутаносиб ижтимоий-иктисодий ривожланишига эришиш, шунингдек миллий иктисодиётнинг худудий жиҳатдан оптимал таркибий тузилмасини шакллантириш макроиктисодий барқарорликни ва иктисодий тараққиётни таъминловчи муҳим омилларидан ҳисобланади. Шу боисдан ҳам мамлакат иктисодиётини модернизациялашуви шароитида минтақалар ижтимоий-иктисодий ривожланишида кескин номутаносибликларнинг юзага келмаслиги учун ижтимоий барқарорликни таъминлаш, шунингдек минтақаларнинг табиий-иктисодий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда худудлараро мутаносибликтини сақлаб туришга йўналтирилган муайян чора-тадбирларни қўллаш алоҳида аҳамият касб этади.

Тўлақонли бозор муносабатлари инфратузилмасини шакллантириш бугунги кунда иктисодиётнинг тармоқ таркибида шаклланиб келаётган рақобат муҳитини минтақалар даражасига кўтарилишига олиб келди. Бундай шароитда амалга оширилаётган туб ижтимоий-иктисодий ислоҳотларнинг натижаси ва самарадорлиги худудий омилларга боғлиқ ҳолда минтақалар, шахарлар ҳамда туманлар даражасида ўз ифодасини топади.

Маълумки. минтақа иктисодиёти мамлакат миллий иктисодиётининг умумий ҳолатига чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланади. Зеро, миллий валюта барқарорлиги, инфляция даражаси, ҳуқуқий қонунчилик асослари, аҳоли турмуш даражасининг минимал ижтимоий стандартлари (пул-кредит сиёсати, валюта сиёсати, бюджет солиқ сиёсати, минимал иш ҳақи ва нафақа меъёрлари, шунингдек, давлатнинг бошқа трансфер тўловлари) каби аксарият иктисодий рафбартлантириш дастаклари давлат ҳокимиятининг марказий органлари ваколатига киради. Шу боис минтақаларнинг иктисодий ривожланиш истиқболлари мамлакатни иктисодий ривожлантириш мақсад ва жараёнларига бевосита боғлиқ ҳолда кечади.

Мазкур ҳолатларни инобатга олган ҳолда минтақаларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида кескин номутаносибликлар юзага келмаслиги учун ижтимоий барқарорликни таъминлаш, шунингдек, минтақаларнинг табиий-иктисодий салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда, худудлараро мутаносибликтини сақлаб туришга йўналтирилган муайян чора тадбирлар қўллаб келинди.

Ушбу фикрларнинг яққол исботи сифатида аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоя қилиш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш, қишлоқ ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш, аҳолини ичимлик суви ҳамда газ билан таъминлаш, хизмат кўрсатиш тури ва сифатини ривожлантириш каби муаммолар давлатнинг мақсадли худудий дастурларига киритилиши ва ҳал этилишини келтириш мумкин.

Айни пайтда, йирик давлат инвестициялари минтақаларнинг стратегик муҳим минерал – хом ашё ресурсларини қазиб олиш ва қайта ишлашга, мавжуд демографик салоҳиятдан оқилона фойдаланишга йўналтирилди.

Пировард натижада минтақалар ижтимоий-иктисодий тараққиётида муайян ижобий силжишлар юз берди ва барқарор иктисодий ўсиш таъминланди. Хусусан, янги саноат марказлари ва минтақаларида иктисодий ҳолатларни тубдан ўзгаришига сабаб бўлган замонавий корхоналарнинг бунёд этилиши суст ривожланган худудларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланиш суръатларининг жадаллашувига олиб келди.

Мазкур фикр доирасидан келиб чиқсан ҳолда, бугунги кунда тобора ривожланиб бораётган иктисодиётни модернизациялаш шароитида худудий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиши долзарб вазифага айланиб бораётганлигини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, стратегияларни ишлаб чиқишининг мавжуд хорижий тажрибалари федератив давлатлар маълумотларига асосланган. Шу боисдан ҳам уларда

яратилган методологиядан бизнинг шароитимизда тўла фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Лекин, уларнинг илмий-амалий аҳамиятини инкор этмаган ҳолда, уларда илгари сурилган назарий-услубий ёндашувлардан, шароитимизга мослаган ҳолда фойдаланиш мумкинлигини таъкидлаш лозим.

Бу жиҳатдан олиб қараганда, концепция мамлакатнинг стратегик мақсадлари, вазифалари ва эҳтиёжлари ҳақидаги тизим каби худудий ривожланиш стратегияларини шакллантиришда биринчи қадам ҳисобланади. У бевосита стратегиянинг тамойиллари, механизмлари ва амалиётга тадбиқ этиш, шунингдек минтақаларнинг барқарор ижтимоий-иктисодий ривожланишини таъминлаш шарт-шароитларини яратиш тизимини намоён этади.

Минтақаларни ривожлантириш концепцияларини ишлаб чиқишида Европада XX асрнинг 70-йилларида рўй берган иктисодий инқроз сабабли кенг тарқалган маҳаллий ривожланиш (ўсиш) назариясидан ҳам фойдаланиш мумкин. Бу назария бугунги кунда ўтиш иктисодиётiga эга кўплаб мамлакатларда содир бўлаётган воқеликларга деярли мос келади. Мазкур назария моҳияттан худуднинг ривожланиш самарадорлигини, унинг маҳаллий иктисодий салоҳияти ҳамда инвестицион жозибадорлигини ва маҳаллий даражадаги тадбиркорликни рағбатлантира олиш имкониятларини очиб беришга йўналтирилган.

Ўзбекистоннинг худудий ривожланиш стратегияси “минтақаларни табиий-иктисодий ҳамда демографик салоҳиятидан самарали фойдаланиш асосида мажмуали ва мутаносиб ривожлантириш” концепцияси асосида ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга, худудий ривожланиш стратегияси жаҳон амалиётида қўлланилаётган, иктисодий ислоҳотларнинг миллий модели устувор йўналишларини ҳисобга оловчи методологик ёндашувларга ва тамойилларга таяниши шарт.

Минтақа иктисодиёти худудий меҳнат тақсимотига мос равишида ривожланади. Меҳнатнинг мамлакат минтақалари бўйича худуий оқилона тақсимланиши минтақаларнинг барқарор ривожланишини таъминлаш шароитларидан ҳисобланади. Ҳар бир минтақа фақат ўзига хос бўлган бозор иктисодиёти ихтисослашувини шакллантиради ва иктисодий алоқалар орқали бошқа минтақалар билан маҳсулот айрбошли мумкин.

Худудларнинг нисбатан ўзига хослиги ва барқарорлиги ҳам минтақалар ижтимоий-иктисодий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш учун асос бўлиб хизмат қиласи.

Минтақалар ижтимоий-иктисодий ривожланиш дастурлари ва стратегияларини жорий этишнинг муҳим механизми сифатида ресурс таъминоти ва молиялаштириш манбалари намоён бўлади. Шу боисдан ҳам маҳаллий бюджет жараёнларини режалаштириш ва прогнозлаштириш ижтимоий дастурларни шакллантириш ҳамда уларнинг ресурс таъминотини режалаштириш учун муҳим асос саналади.

Минтақалар ривожланишини бошқариш дастаклари ва стратегияларини амалга ошириш механизмлари асосий ва мақсадли йўналишларни рўёбга чиқаришнинг умумий ёндашувлари орқали аниқланади. Стратегияларни амалга оширишнинг асосий механизмлари қуйидагилардан ташкил топади. Булар:

1. Минтақаларни барқарор ижтимоий-иктисодий ривожланишининг ҳуқуқий-меъёрий жиҳатдан таъминланганлиги.
2. Худудий ривожланишнинг ягона сиёсатини амалга ошишини таъминловчи ташкилий тузилмаларни шакллантириш, шунингдек, минтақаларнинг мажмуали ривожланишини мувофиқлаштириш ва тартибга солиш мақсадида марказ ёки агентликлар ташкил этиш.
3. Минтақалар табиий ресурс салоҳиятини инобатга олган ҳолда мақсадли дастурлар, йирик инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда самарали келишув механизмини шакллантириш.
4. Бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш. Суст ривожланган худудларни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришнинг молиявий механизмларини ишлаб чиқиш.

5. Иқтисодиёт тармоқларини худудий ташкил этиш ва жойлаштириш борасида илмий тадқиқот ва лойиха ишларини кенгайтириш.

6. Минтақавий менежмент, минтақавий иқтисод, минтақавий молия бўйича мутахассислар тайёрлаш ва қайта тайёрлашни йўлга қўйиш.

Минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ўзига хос стратегиялари ва мажмуавий дастурларини ишлаб чиқиш минтақавий иқтисодий сиёсатни жорий этишнингсамарали шаклларидан ҳисобланади. Чунки бозор муносабатлари шароитида улар давлатнинг минтақавий сиёсатини амалга оширишда аҳолининг барча қатламларини қамраб олган ҳолда давлат, маҳаллий, жамоавий, шунингдек, ҳусусий эҳтиёжларини ҳам ўйғуллаштиради.

Юқоридаги фикр мулоҳазалардан келиб чиқсан ҳолда, хулоса сифатида таъкидлаш мумкинки, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида худудий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқиши долзарб вазифага айланмоқда. Бу эса эришилган натижаларни объектив баҳолаш, ривожланишнинг устувор йўналишларини аниқлаш ва уларни амалга оширишнинг оқилона йўлларини танлаш имкониятини берадиган, айни пайтда, минтақаларнинг имконият ва эҳтиёжларини тўла ҳисобга олувчи илмий асосланган назарий ва методологик базани талаб этади.

Адабиётлар:

1. Азимов Ш.А. Минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишининг услубий жиҳатлари // “Молия”, 2010. № 1. - 74-77 б.
2. Азимов Ш.А. Ҳудудий ривожлантириш стратегияларини ишлаб чиқишининг хориж тажрибалари // “Молия”, 2010. № 4. - 98- 103 б.
3. Азимов Ш.А. Методологические вопросы стратегии социально-экономического развития регионов // Вестник МКТУ им.А Ясави, 2012. №1 (76). - 356-364 с.
4. Гладкий Ю.Н., Чистобаев А.И. Основы региональной экономики. - СПб., 1998. – С.659.
5. Гутман Г.В., Мироедов А.А., Федин С.В, Управление региональной экономикой. - М.: Финансы и статистика, 2002. – С.176.
6. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. - М.: ГУ ВШЭ, 2004. – С.495.
7. Садыков А.М. Основы регионального развития: теория, методология, практика. – Т.: Иқтисод – молия, 2005. – С.280.

Комилова Н.Қ.*

ХУЛҚ-АТВОР ГЕОГРАФИЯСИННИГ АЙРИМ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Мақолада хулқ-атвор географиясининг ўрганиш обьекти ва предмети, ҳусусиятлари ва бошқа айrim назарий масалалари кўрсатиб берилган. Жаҳон олимларининг мазкур соҳадаги қарашлари қисқача баёнқилинган.

Таянч сўзлар: бихевиоризм, хулқ-атвор, урф-одат географияси, интуиция, зеҳн ва феъл-атвор, ахлоқий мухит, социум, социал макон.

Некоторые вопросы поведенческой географии

Аннотация: В статье рассмотрены объект и предмет, методы исследования, особенности поведенческой географии, её связи с другими науками. Кратко проанализированы работы зарубежных учёных в этой области.

Ключевые слова: бихевиоризм, поведенческая география, интуиция, география восприятия, поведенческая среда, социум, социальное пространство.

Some issues of behavioral geography

Resume: The article deals with the object and the subject, research methods, especially behavioral geography, its relationship with other sciences. Briefly analyzed foreign scientists working in this field.

Key words: behaviorism, behavioral geography, intuition, perception of geography, behavioral environment society, social space.

*Комилова Нилуфар Қаршибоевна – ЎзМУ География кафедраси мудири, география фанлари доктори.

Инсоннинг моҳияти ва жамиятда тутган ўрни, ўзини тутиши, руҳияти фанлар доирасида кенг ўрганилади. Турли илмий ва диний таълимотларда бу масалалар турлича талқин этиб келинган. Шундай бўлиши табиий, чунки инсон ижтимоий-тарихий ва маданий мавжудот сифатида ҳар бир янги тарихий-географик шароитда ўзлигини теранроқ англашга, янгидан янги шарт-шароитларга чуқурроқ мослашишга, инсоний моҳиятини рӯёбга чиқаришга интилаверади.

Сукротнинг «Ўзлигингни бил» деган ҳикматли сўзи ҳам ҳар бир тарихий даврда янгича аҳамият касб этади. Зеро, инсонда бутун олам ва жамиятнинг моҳияти мужассамлашган. Улуғ мутасаввуф Абдулхолиқ Фиждувоний инсонни «кичик олам» деб ҳисоблаган. Юқоридаги фикрлар кенгроқ мушоҳада қилинса уларнинг туб моҳияти инсоннинг хулқ-атвори, руҳияти, юриш-туриши билан кўпроқ алоқадор эканлиги кўзга ташланади.

Инсон – ўзида биологик, ижтимоий ва руҳий хусусиятларни мужассамлаштирган онгли мавжудотдир. Унинг биологик хусусиятларига овқатланиш, ҳимояланиш, ўзидан зурриёт қолдириш, шароитга мослашиш кабилар хос бўлса, социал хусусиятларига тил, муомала, билим, онг, маҳсулот ишлаб чиқариш, тақсимлаш, истеъмол қилиш, бошқариш, ўз-ўзини идора этиш, бадиий ижод, ахлок, нутқ, тафаккур, қадриятларни киритиш мумкин.

Инсон шу хусусиятлари орқали яхлит бир тизимни ташкил этади. У мукаммал ва мураккаб мавжудот сифатида ўз эҳтиёжларини қондиради ва инсоният давомийлигини таъминлайди. Шу боис, инсонга хос бўлган биологик хусусиятларни ижтимоий хусусиятлардан устун кўйиш ёки руҳий хусусиятларни бўрттириш унинг моҳиятини бузиб талқин этишга, бир ёқламаликка олиб келади.

Инсоннинг руҳий хусусиятларига руҳий кечинмалар, хайратланиш, ғам-ташвиш, қайғу, изтироб чекиши, завқланиш, кайфият ва бошқалар киради. Айнан ана шу ҳолатларга атроф-муҳитнинг таъсири ва унинг ҳудудий жиҳатлари **хулқ-атвор географияси** томонидан ўрганилади.

Таъкидлаш жоизки, бу борадаги изланишлар анча илгари буюк мутафаккирлар асарларида батафсил ёритиб берилган. Жаҳон тиббиётида ўчмас из қолдирган машҳур юон олими Гиппократ (эр.ав. 460-377) ҳам инсон руҳиятида ташқи муҳит таъсирини алоҳида уқтириб ўтган. Гиппократ табиб ва сайёҳ эди, яъни у кўп саёҳат қилас, турли мамлакатларда бўлар экан, у ўша ерлардаги одамларнинг турмуш тарзи ва урф-одатлари, давлатларнинг иқлими, суви, ҳавоси ва бошқа табиий шароитларини инсон руҳиятига таъсирини ҳам ўрганган. Гиппократ ҳар хил географик шароитларда турлича одамлар яшашларини кўрди, уларнинг ўз тана тузилишлари, юриш-туриши билан фарқилишларини аниқлади.

Олим бу ҳақда “Ҳаволар, сувлар ва жойлар”номли асарида шундай деган эди: “Одам организмининг табиатини ташқи муҳит белгилайди. Жамият эса ўз қонун-қоидалари билан одам табиатини ўзгартириши мумкин”. Бундан шуни эътироф этиш мумкинки, Гиппократ инсон организмига ижтимоий муҳитнинг таъсирини ҳам яхши англаган. Жумладан, Беруний ўзининг “Қадимий ҳалқлардан қолган ёдгордиклар” асарида биринчи бўлиб одам ранги, қиёфаси, табиати ва ахлоқи турлича бўлишини улар яшайдиган тупроқ, сув, ҳаво ва ерга ҳам боғлиқлигини таъкидлаб, географик алоқадорлик ғоясини илгари суради. Беруний фикрича, инсонички ва ташқи қиёфаси табиат таъсирининг натижасидир. Шу билан бирга унинг ички қиёфаси чексиз саъӣ-ҳаракатлар оқибатида тубдан ўзгартириши мумкин. Ҳар бир киши ўз хулқ-атворининг соҳиби эканлиги олим фикрларида чуқур мушоҳада қилинган.

Шунингдек, ватандошимиз Абу Али ибн Сино иссиқ ўлкалар табиати ва уларнинг инсон жисмига таъсири ҳақидаги фикрларни ўз асарларида ҳам учратиш мумкин. Чунончи, у иссиқ ўлкаларда одам танасининг қорамтирилиги, соchlарининг жингалаклиги, ҳавода намликтининг кўп буғланиши натижасида кескин камайиб кетиши инсон жисмининг тез қаришига олиб келишини таъкидлаган эди. Олим пастликда жойлашган ҳудудлар аҳолисининг доимий иссиқлик ва димликда яшашлари, бундай ўлкаларда шўрҳоқ ва ботқоқликларнинг кўплиги сабабли сувлар таркиби ҳам салбий хусусиятларга эга эканлигини батафсил ёритиб берган. Бундай ҳудудлар аҳолиси руҳиятида жizzакилик,

жаҳлдорлик бирмунча юқорилигини таъкидлаб ўтади (Абу Али Ибн Сино, 1994).

В.П.Семёнов-Тяншанский Россия антропогеографиясининг энг йирик номоёндаси сифатида география фани - кўриш, тасаввур қилиш, кўриш хотираси орқали эгалланадиган фан деб таърифлайди. Кўпгина соҳалардаги каби географияда “интуиция” мухим ўрин эгаллайди. Айнан интуиция худди санъатдаги сингари география фанини аниқликка етаклайди, дея таъкидлайди. Ушбу фикрлар эса ҳулқ-атвор географиясининг асосий фояларидан биридир.

Ҳулқ-атвор географияси билан боғлиқ тадқиқотлар Россияда илк марта 1940-1950 йилларда олиб борилган ва бунда аҳоли миграцияси билан боғлиқ илмий ишларда мазкур соҳага доир маълумотларга зарурат туғилди. Чунончи,

Л.И.Мечников инсоният тарихида турли табиий географик омиллар таъсирини ўрганиб, буюк дарёлар цивилизацияси ёки дарё маданияти концепциясни яратди. Е.Ф.Зябловский ўз фикрларида кўпроқ ҳулқ-атвор географияси атамаси ўрнида урф-одат географияси атамасини кўллашни лозим деб билган. Э.Г. Милюков жиноятчилик билан боғлиқ масалалар ҳам айнан ҳулқ-атвор географияси томонидан ўрганилиши зарурлигини уқтириб ўтган. Б.Б.Родоман, В.Л.Каганский сингари олимлар “зехн ва феъл-атвор ландшафт мұхитига, айникса маданий ландшафтлар билан алоқадор” лиги борасида ўз фикр-мулоҳазаларини билдириди. К.Зауэр - табиий ва маданий ландшафт-инсоннинг ташқи мұхит билан ўзаро мувофиқлигини таъкидлаб ўтади.

Таъкидлаш жоизки, тупроқнинг турли, ҳатто сиёсий-иктисодий, ижтимоий хусусиятларига ўз даврида Фридрих фон Ратцель ва Видаль де ла Блашлар ҳам эътибор қаратишган. Жумладан, Блаш: “Инсон-тупроқнинг ишончли ўкувчисидир. Бинобарин уни ўрганиш аҳолининг характери, урф-одати каби ҳолатларини аниқлашга ёрдам беради”, деган эди.

XIX асрнинг охирларида Германияда Ф.Ратцель томонидан антропогеографияга асос солинди. Олим фоясининг негизида географик детерминизм, яъни инсон, ҳалқларнинг рухи ва жисмига табиий мұхитнинг ҳал қилувчи таъсир этиш ғояси ётган эди. Мазкур ғоя асосида кейинчалик ҳулқ-атвор географияси шаклланди. Ф.Ратцел ўз қарашларида мұхитнинг ижтимоий ҳаётимизга таъсирини түрт турға ажратади ва бунда табиий ҳамда психологик таъсирни алоҳида таъкидлаб ўтди.

1960 йилларда ҳулқ-атвор географиясиривожида Карл Зауэр, Дж.К. Райт ва У. Кирк сингари америкалик олимларнинг хизматлари катта бўлди. Дж.Райт ҳудудлар- мазкур жойда яшовчи инсонларнинг мавжуд ақлий жиҳатларига ҳам таъсир этиши борасида ўз фикрини билдирган.

У.Кирк ўз қарашларида **“ахлоқий мұхит”** тушунчасини изоҳлаб ўтади. Муайян ҳудудларда яшаётган инсонларнинг маданиятлилик даражаси уларнинг нигоҳларида номоёнбўлади. Худди шундай жиноятчилар қилмишлари ҳам уларнинг кўз қарашларида, нигоҳларида ўз аксини топиши олим томонидан эътироф этилган. Шунингдек, у ҳар бир жой аҳолиси ўз ўлкасига нисбатан ўзгача меҳр-муҳаббат ҳиссини туйиши, жумладан тоғли ҳудудлар аҳолиси кўпроқ тоғларга сифиниши, тоғларга ҳурмат-эҳтиром билан қарашса, суғорма дәхқончилик билан шуғулланувчи ҳалқлар кўпроқ дарёларни (Нил, Ганг ва х.) илоҳийлаштиришлари ҳақида ўз илмий қарашларини билдирган. Бизнинг фикримизча, чиндан ҳам жойларнинг инсон руҳиятига, ахлоқий жиҳатларига таъсири катта. Бу эса ўша жойда яшовчи кишилар орасида жиноятчилик ёки ахлоқий меъёрлар билан боғлиқ номутаносибликларни олдини олишга ёрдам беради. Бинобарин, айрим манбаларда ҳулқ-атвор географияси-жойнинг ақлий суратини англатувчи тушунча сифатида ҳам қаралади.

Ҳулқ-атвор географияси борасидаги тадқиқотларда макон билан боғлиқ рамзий жиҳатларга алоҳида эътибор қаратилади. Бунда:- жойнинг (мұхит) мұхим рамзий белгилари сифатида: қорли, ёмғирли, шамолли, туманли, шовқини ва бошқа жиҳатлари мұхим ўрин эгаллайди;- жой тавсифи моҳиятига кўра (квантэссенцияси): муқаддас жойлар, модалар марказлари, мусиқа маданияти марказлари, құмборбозлик марказлари ва х.к.

Айтиш ўринлики, ҳулқ-атвор географияси - социал ва инсон географияси борасидаги

тадқиқотларнинг ноананавий жиҳатларини ўзида жамлайди. Унда худудлар (макон, манзил) қуидагича талқин этилади:

1. Социал макон - аввало, шуни эътиборга олиш лозимки, инсоннинг ўраб турган табиий ва маданий муҳит билан муносабатларини (англаш ва ҳулқ-атвор) намойиш қилиш хусусияти муайян ҳудудда содир бўлади. Инсонлар истиқомат қиласиган ҳудуд ёки макон – социум, жамоа эҳтиёж ва заруратлари натижасида шакланади.

2. Шахсий макон - инсонлар танаси атрофидаги бошқа одамлардан ажратиб турувчи чегаравий кўринмас ҳудуд ҳисобланади.

Хулқ-атвор географиясидаги инсонлар яшаш тарзи, юриш-туриши шакланадиган маконлар, яъни ҳудудлар бир неча турларга ажратилади:

- Асосий макон - уй: инсоннинг ўз шахсий эҳтиёжларини амалга оширувчи, ҳаётий фаоллик даражаси юқори бўладиган, хавфсизлик вазифасини ўтовчи ҳудуд;

- Иккиламчимакон - социалҳудудлар (гуруҳлар). Бунда бир хил ўхшаш ҳодисалар кўзга ташланади, ҳаётий фаоллик даражаси анча паст, ҳулқ-атворида очик муносабатлар кўзга ташланади;

- Жамоавий макон – социал ҳуқуқ ва меъёрлар амал қиласиган, юриш-туришда чегарадан чиқмайдиган, исталган киши фойдаланадиган, вақтинчалик ҳудуд;

Хулқ-атвор географиясидаги муҳим тушунчалардан бири – **бихевиоризм** тушунчаси бўлиб, у инсон ҳулқ-атворининг хилма-хил жиҳатларини ўрганувчи илмий қарашлар мажмуудир. Шунингдек, у кишиларнинг табиий ва социал муҳитга мослашуви, уларнинг ақли ва қилмишларига бундай муҳитнинг таъсирини ўрганади. Муҳит билан бихевиоризм биргаликда -хулқ-атвор географияси мазмун-моҳиятини ташкил қиласиган.

Инсон ҳулқ-атвори, урф-одатлари, юриш-туриши ва руҳий кечинмалари ҳам ҳудудий тафовутларга эга. Чунки, ҳудудлар ўз иқлими, рельефи, сув ва тупроғи, иқтисодий-ижтимоий жиҳатлари билан ўзаро фарқланади. Уларнинг барчаси кишилар ҳулқ-атворининг ҳудудий томонларини ва унинг географик хусусиятларини изоҳлаб беради.

Адабиётлар:

1. Абу Али Ибн Сино. Тибқонунлари. - Т.: А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси наш., 1994.
2. ГолдДж. Основы поведенческой географии. - М.: “Прогресс”, 1999.
3. Социальная география (проблемы методологии и теории). – Л., 1984.

Янчук С.Л.*

НЕКОТОРЫЕ ВОПРОСЫ ГЕОГРАФИЧЕСКОГО ИССЛЕДОВАНИЯ СТИХИЙНЫХ БЕДСТВИЙ

Аннотация: В статье анализируются возможности географической науки в исследовании стихийных бедствий, определяется место географии в выявлении причин, прогнозировании, предотвращении и ликвидации последствий стихийных бедствий.

Ключевые слова: стихийные бедствия, пространственные закономерности, прогнозирование, поведение людей, поведенческая география, поляризованный ландшафт.

Табиий оғатларни географик ўрганишнинг баъзи бир масалалари

Аннотация: Мақолада табиий оғатларни илмий тадқиқ этишда география фанининг имкониятлари, табиий оғатларнинг оқибатларини бартараф қилиш ва прогнозлаштиришда фаннинг тутган ўрни.

Калим сўзлар: табиий оғатлар, ҳудудий қонуниятлар, прогнозлаштириш, инсонлар ҳулқ-атъори, ҳулқ-атъор географияси, кутбий ландшафт.

Some issues of geographical research of natural disasters

The summary: The achievements of the science of geographi in natural disasters study, in their origin and forecasting research, in measures to insure their prevention and liguidation have been analized.

Keywords: natural disasters, spatial laws, forecasting, behaviour of people, behavioural

* Янчук С.Л. - И.о. доц. кафедры географии НУУз имени М.Улугбека, г.Ташкент

geography, the polarized landscape

Одним из перспективных направлений географических исследований в нынешнем столетии может стать изучение стихийных бедствий. С одной стороны, стихийные бедствия являются явлениями природными. Однако, с другой стороны, лишь о части из них можно с уверенностью говорить как об обусловленных исключительно процессами, не зависящими от человека, например, об извержениях вулканов и цунами. Даже некоторые землетрясения сегодня вызваны техногенными причинами. По мере же усиления воздействия хозяйственной деятельности человека на природные геопроцессы и изменения климата частота многих видов стихийных бедствий (эрозия почв, оползни, сели, наводнения, засухи, пожары) возрастает (Осокова и др., 2005, с.25).

В связи с загрязнением окружающей среды и глобальным потеплением стихийные бедствия начали оказывать серьёзное влияние на темпы роста экономики тех территорий, которые чаще всего подвергаются ударам стихии. А это, в свою очередь, говорит нам о том, что стихийные бедствия выступают одним из факторов регионального развития, что не может оставить не только физико-географов, но и экономико-географов, в стороне от их исследования.

Кроме экономического ущерба, серьёзным негативным следствием стихийных бедствий является гибель и ещё чаще –увечья – людей. А чтобы спрогнозировать весь спектр поведенческих реакций людей на те или иные стихийные бедствия, оценить вероятность их спасения, необходимо применять поведенческий метод, а это задача психологии и поведенческой географии.

Дж. Голд (1990, с.236 – 237), ссылаясь на Бартона и др. (1968), указывает, что при использовании поведенческого метода географическая парадигма исследования стихийных бедствий будет включать следующие этапы, в ходе которых «анализируются»:

- 1) количество людей, которые проживают в районах, подверженных угрозе тех или иных стихийных бедствий;
- 2) весь возможный спектр поведенческих реакций людей в условиях того или иного стихийного бедствия;
- 3) то, как человек воспринимает и как оценивает стихийное бедствие;
- 4) процесс выбора тех или иных способов приспособления, направленных на уменьшение нанесённого стихийным бедствием ущерба, во взаимосвязях с социальной средой, в которой они происходят;
- 5) оптимальный набор мероприятий, направленных на борьбу со стихийным бедствием, с целью минимизации негативных социальных последствий».

Признавая обоснованность перечисленных в работе Дж. Голда приёмов исследования и практическую полезность указанных мер, а также отмечая значимость до сих пор недооценённого географической наукой поведенческого метода, в том числе в изучении стихийных бедствий, мы всё же полагаем, что поле исследования географии стихийных бедствий значительно шире (см. таблицу).

Таблица
**Вклад различных отраслей науки и государственных учреждений
 в исследование и решение проблемы стихийных бедствий**

Этап мероприятий по изучению стихийных бедствий и противодействию им	Отрасль географии	Другие науки, а также государственные службы
1. Определение причин	Геоморфология, гидрология, климатология, ландшафтovedение, геоэкология	Геология, физика, химия
2. Определение пространственных закономерностей	Геоморфология, гидрология, климатология, ландшафтovedение, геоэкология, география населения, экономическая, социальная география	

3.	Картографирование и пространственное моделирование выявленных связей и закономерностей	Картография, геоинформатика	
4.	Прогнозирование	Геоморфология, гидрология, климатология, ландшафтоведение, геоэкология, социальная география, экономическая география, геоинформатика	Геология, физика, химия, psychology, экономика
5.	Разработка мер предупреждения	География (разные отрасли)	Геология, физика, psychology, экономика, органы управления, спасательные службы, образовательные учреждения
6.	Ликвидация последствий		Органы управления, спасательные службы
7.	Конструирование сетевого поляризованного ландшафта с учётом фактора стихийных бедствий	География (разные отрасли)	Экономика, архитектура, органы управления, общественные организации

Таблица составлена автором

Во-первых, ряд отраслей системы географических знаний участвуют в выявлении причин стихийных бедствий экзогенного характера. Следует отметить, что природные процессы, приводящие к разным видам стихийных бедствий, изучаются разными науками, как негеографическими, так и географическими. Так, вызываемые эндогенными причинами извержения вулканов и землетрясения исследуются геологами. Причины стихийных бедствий экзогенного гидроморфологического происхождения – оползней, селей, лавин, овражной эрозии, карста, абразии, выявляются как геологами, так и географами, специалистами по связывающему эти науки направлению – геоморфологии, а также гидрологами. Такие же гидрометеорологические явления, как засухи, пыльные бури, наводнения, ураганы, снежные бури, изучаются прежде всего климатологами – представителями пограничного направления между географией и физикой, и гидрологами.

Во-вторых, география выявляет пространственные закономерности распространения стихийных бедствий и степень уязвимости к их различным видам тех или иных территорий и групп населения.

В-третьих, географы картографируют выявленные угрозы и их пространственные аспекты. В качестве примеров можно привести зонирование территории по средней скорости ветра, силе и частоте ураганов.

В-четвёртых, важным направлением выступает составление прогнозов как стихийных бедствий, так и поведенческих реакций людей. При этом прогнозирование должно включать:

а) определение пространственно-временных координат различных видов стихийных бедствий; в большинстве случаев (кроме землетрясений и других катастроф техногенного генезиса) это – задача физико-географов и представителей других естественных наук;

б) прогнозирование степени их угрозы для жизни людей и оценка возможных поведенческих реакций; в упоминавшейся выше схеме, приведённой в книге Дж.Голда, этот этап исследования землетрясений соответствует пунктам 2,3 и 4; это – задача социогеографов и психологов;

в) оценка возможного экономического ущерба; это – задача экономико-географов и экономистов.

В-пятых, географы имеют замечательную возможность – объединить усилия представителей не только разных ветвей нашей науки, но и представителей смежных отраслей знания, чиновников, служб спасения и частных фирм – в разработке

комплексной стратегии борьбы со стихийными бедствиями. А так как каждое из них, будь то землетрясения, наводнения, ураганы – имеет собственный географический рисунок, то эта стратегия, несомненно, будет более эффективной, если её связать с региональными программами развития. Актуальность подобных мер связана, с одной стороны, с ростом количества стихийных бедствий экзогенного характера вследствие изменения климата, с другой стороны, с необходимостью формирования такой структуры сетевого поляризованного ландшафта (термин Б.Б.Родомана), которая оставляла бы территории, наиболее страдающие от ударов стихии, в пределах слабозаселённых и охраняемых ареалов. В то же время узловые и линейные элементы поляризованного ландшафта при этом бы располагались преимущественно в пределах сравнительно безопасных зон. Разумеется, подобная рекомендация применима, в основном, к вновь осваиваемым территориям. Напротив, крупные уже сложившиеся центры перенести на новое место сложно, как показывает пример столицы Никарагуа города Манагуа, не раз страдавшего от крупных землетрясений: вопрос о переносе этого города поднимался неоднократно, но так и не был реализован.

Т.е географы могут предложить сформировать региональную стратегию борьбы со стихийными бедствиями, которая, с одной стороны, будет представлять собой систему взаимоувязанных региональных программ, с другой, включать меры борьбы с отдельными, наиболее угрожающими той или иной местности, стихийными бедствиями. В пределах же территорий нового освоения фактор природной стихии необходимо учитывать при конструировании ландшафта.

Литература:

1. Голд Дж. Основы поведенческой географии. – М.: Прогресс, 1990.
2. Осокова Т.А., Хикматов Ф.Х., Чуб В.Е. Изменение климата. – Т., 2005.

Жумаханов Ш.З.*

ФАРГОНА ВОДИЙСИ ЧЕГАРА ХУДУДИ МУАММОЛАРИ

Аннотация: Мазкур мақолада давлат чегараларининг делимитация ва демаркация қилиш борасидаги муаммолар Фаргона водийсида жойлашган Ўзбекистон, Киргизистон ва Тажикистан Республикалари вилоятлари мисолида ёритилган.

Калим сўзлар: чегара худудлар, ҳарбий кучлар, анклав ва эксклав худудлар, делимитация, демаркация.

Проблемы приграничных территорий Ферганской долины

Аннотация: В статье освещены проблемы делимитации и демаркации государственных границ на примере областей Узбекистана, Киргизстана и Таджикистана, расположенных в Ферганской долине.

Ключевые слова: приграничные территории, военные силы, анклавные и эксклавные территории, делимитация, демаркация

The problems of the frontier territory of Fergana valley

Summary: In the article reports the problems of the delimitation and demarcation of the state borders, for instance, the state of Uzbekistan, Kyrgyzstan and Tajikistan.

Key words: frontier territory, armed forces, enclave and exclave territory, delimitation and demarcation.

Собиқ Иттифоқ парчаланганидан кейин, Марказий Осиёнинг ёш давлатларига оғир “мерос” – чегаралар муаммоси қолди. Орадан йигирма тўрт йил ўтиби ҳамки, бу муаммо тўлалигича ўз ечими топмади ва ҳанузга қадар аниқланмаган чегара худудлари мавжуд. Минтақадаги шундай муаммоли худудлардан бири Фаргона водийсидир.

Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тажикистан ўртасида бўлинган Фаргона водийсида бир неча юзлаб километрларга чўзилган аниқланмаган чегара худудлар мавжуд. Айрим

* Жумаханов Шавкатжон Зоиржонович - Наманган давлатуниверситети География кафедраси доценти. E-mail: shavkat_72@mail.ru

маълумотларга кўра, бугунги кунда водий бўйича биргина Ўзбекистоннинг қўшни мамлакатлар билан ҳал этилмаган чегаралари умумий узунлиги 600 км.дан ортиқи ташкил этиб, шундан 350 км.дан кўпроғи Қирғизистон биландир. Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида аниқланмаган, мунозарали чегара участкалари сони 58 тани ташкил этиб, унинг 28 таси ёки 48 фоизи Наманган вилояти билан қўшни Жалолобод вилоятининг Ахси ва Ола-Бука туманлари ўртасидаги чегара худудларига тўғри келади. Шунингдек, Қирғизистон ва Тожикистон ўртасидаги мунозарали, аниқланмаган чегаралар узунлиги 900 км.ни ташкил этади.

Миллий ва хорижий оммавий ахборот воситалари тарқатган материаллар таҳлили шуни қўрсатадики, Фарғона водийси давлатлараро чегара худудларида ҳар йили ўртacha 10 дан ортиқ можроли ҳолатлар рўй бермоқда. Айниқса, кейинги 2 йил ичida бундай чегара худуди қоидалари бузилиши билан боғлиқ можролар Қирғизистон ва Тожикистон ўртасида кўп кузатилган. Шундай чегаралар билан боғлиқ муаммо 2014 йил октябр ойида Ўзбекистоннинг Наманган ва Қирғизистоннинг Жалолобод вилоятлари ўртасидаги аниқланмаган чегара худудидаги Ўнгортога ўрнатилган телеминора туфайли келиб чиқсан. Гарчи, зиддият тинч йўл билан ҳал қилинган бўлса-да, у бизга аниқланмаган чегара худудлар нақадар долзарб масала эканлиги ва улар мамлакатлар ҳамда кардош ҳалқлар ўртасидаги интеграция жараёнларига ғов бўлаётган асосий сабаб эканлигини яна бир бор эслатди.

Фарғона водийси аҳолиси сони кўплиги ва аҳолининг ўта зич жойлашганлиги, меҳнат ресурслари ва аҳоли бандлигига хос муаммоларнинг мураккаблиги билан алоҳида ажралиб туради. Маълумки, Фарғона водийси аҳоли зичлиги бўйича дунёда етакчи 10 таликка кирувчи минтақалардан биридир. Аҳоли сони ўсишининг ҳозирги суръати яқин истиқболда ҳам сақланиб қолиниши кутилаётган шароитда, 2030 йилга бориб, етакчи бешликка кириш эҳтимоли ҳам мавжуд.

Водий аҳолисининг миллий таркибини асосан ўзбеклар, қирғизлар ва тожиклар ташкил қилади. Уч мамлакат худудий қамровига эга водийда анклав ва эксклав худудлар мавжудлиги, минтақанинг геосиёсий аҳамиятини янада кучайтириб, ўзига хос чегара худудлари муаммоларини келтириб чиқарган. Бугунги кунда Фарғона водийсида 3 та мамлакатда ҳам анклав-экслав худудлар мавжуд бўлиб, мунозарали чегара участкалари ва чегара қонунчилиги бузилишларининг аксарияти айни шу худудларга тўғри келади¹.

Албатта, Фарғона водийсида бундай муаммоларнинг вужудга келиши муайян тарихий шарт-шароит билан боғлиқ. Зеро, узоқ тарих давомида ушбу худуд бир сиёсий бошқарув остида бўлиб келган. Эрамиздан олдинги III асрдан милодий V асртагача водийда эллинизм даври таснифидаги Довон мамлакати вужудга келиб, қадимги Хитой манбаларига кўра бу даврда водийда 70 дан ортиқ йирик шаҳарлар мавжуд бўлган. Водий худуди ўз даврида Сўғдиёна таркибида ҳам бўлиб, Хитой ва Ўрта Шарқ – Европани боғлаган “Ипак йўли”да катта аҳамиятга эга бўлган. Араблар босқинидан сўнг Мовароуннаҳр, XIII асрга келиб эса, мўғулларнинг Чигатой улуси таркиби хисобланган водийда ислом дини илк бор VIII асрда ёйила бошлаган бўлса-да, туб аҳоли ва хукмрон қатлам томонидан диннинг узил-кесил қабул қилиниши XIII аср иккинчи яримига тўғри келади. XVIII асрда Бухоро Амирлигидан Кўқон Хонлиги ажралиб чиқиб, мустақил, яхлит давлат сифатида шаклланди. XIX аср иккинчи яримида Россия империясининг Марказий Осиёга бостириб кириши, 1876 йилда эса Кўқон хонлиги тутатилиб, унинг ўрнида Фарғона вилоятининг ташкил этилган даврида ҳам водий ягона ижтимоий-сиёсий макон сифатида сақланиб қолинган эди².

1917 йилдан кейин Совет Иттифоқининг вужудга келиши бутун Марказий Осиёда бўлгани каби, Фарғона водийсида ҳам кескин маъмурий-худудий ўзгаришларга сабаб

¹Жумаханов Ш. З., Мирзаахмедов Ҳ. С., Солиев И. Анклав ва эксклав худудлар географияси. - Наманган. 2014. - 129 б.

² [www.http://geopolitakuz.com](http://geopolitakuz.com)

бўлди. Совет ҳукумати аҳолиси шу пайтгача этник бирлиги, яшаш жойи ва диний эътиқодидан қатъи назар бир бутун бўлган минтақани тарихда илк бор миллий бирликка кўра бўлиб ташлади. Ўша пайтгача ўзбек, қирғиз ёки тожиклар миллат сифатида эмас, балки этник бирлик сифатида қаралиб келинган ва шу сабабли аҳоли ўртасида кланчилик (уруг-аймоқчилик) ҳамда маҳаллийчилик зиддиятлари мавжуд эди. Лекин, 1924 йилдаги собиқ Иттифоқда амалга оширилган маъмурий-худудий бирликларга ажратиш сиёсатида Европа миллий чегараланиш амалиётининг тўғридан-тўғри андоза сифатида кўчирилиши келгусидаги кўплаб миллатлараро зиддиятларга ўзига хос тамал тошини қўйди. Аслида ҳам, Иккинчи Жаҳон уруши даврида Крим, Кавказорти (туб аҳолини оммавий тарзда мажбуран қўчириш), XX аср 80-йилларидаги Тоғли Қорабоғ, 1990 йилдаги Ўш-Ўзган, 2010 йилдаги Ўш-Жалолобод мажоралари туб замираидан шу мутлақо нотўғри миллий чегараланиш муаммоси ётади.

Чунки ўтказилган миллий чегараланишнинг асоси фақатгина миллий тамойилларга курилган эди, холос. Ўша даврдаёқ таникли рус олими В. Бартольд ҳукумат талабига мувофиқ тайёрлаган “Записка”сида Ўрта Осиё худудидаги миллий чегараланиш Европа мамлакатларидан кўр-кўrona нусха кўчириш бўлганлиги ҳамда тарихий таркиб топган хўжалик типларига мутлақо мос келмаслигини кўрсатиб берган эди. Шунингдек, В. Бартольд Шарқ давлатлари ижтимоий-тарихий тавсифдаги худудий тамойиллар, Европа давлатлари эса миллий тамойиллар асосида шаклланганлигига алоҳида эътибор бериш лозимлигини кўрсатади. Чунки Шарқ халқлари тарихида мамлакатларнинг юзага келишида миллий фарқларга нисбатан тарихан шаклланган хўжалик типлари ва агроклиматий омилларнинг роли жуда катта бўлган. Худди шу ҳолат В. Бартольдга Шарқдаги давлатлар кўп миллатли бўлишига қарамай давлатлар шаклланишида миллий хусусиятларнинг катта роль ўйнамаслиги тўғрисидаги хulosани чиқариш имконини берган¹.

“Миллий фарқлар, – деб ёзади В. Бартольд, – Ўрта Осиё сиёсий ҳаётида унчалик катта ўрин тутган эмас”². Асосий мақсад минтақа қардош халқларининг бирлашишига ўйл кўймаслик, уларнинг бир куч бўлиб Москвага қарши бош кўтаришидан сақланиш эди. Миллий давлатлар худудларини белгилишда на табиий географик, на этник омиллар хисобга олинди (кўпчилик ҳолларда Марказий Осиё давлатларини оддий чизгич ёрдамида бўлиб ташлангани эсланади).

Бу ўзига хос чегаралар Совет даврида айтарли аҳамиятга эга эмас эди. Барча республиклар Москванинг қаттиқ назорати остида, бутун мамлакат эса совет ҳарбий-саноат комплекси назоратида бўлган. Шу сабабли ички чегаралар деярли белгиланмаган ва бунга ҳеч қандай ҳожат ҳам йўқ эди. XX аср 80-йилларига келиб, Иттифоқ иқтисодиётининг инқирозга юз тутиши, бошқарувнинг ўта юқори даражадаги бюрократлашуви ва жиддий заифлашганлиги натижасида собиқ иттифоқ республикаларида миллатчилик авж олди, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий қийинчиликлар давлат ва халқларни бир-биридан узоклаштириб ташлади. Иттифоқнинг парчаланиши бу муаммога ижтимоий-сиёсий тус берди. Чегараларни аниқлаштиришга кучли эҳтиёж пайдо бўлди.

Аслида чегараларга бўлган эътибор ҳали Иттифоқ қуламасдан олдин бошланган эди. М. С. Горбачёвнинг “қайта қуриш” ва “ошкоралик” сиёсати туфайли минтақадаги миллатчилик 80-йилларнинг ўрталаридаёқ вужудга келди. Факат бу миллатчи ва мафкуравий гурухлар марказий ҳокимият томонидан таъқиб қилиб келинди. Собиқ Иттифоқнинг кучсизланиши ва қулаши билан Фарғона водийси ўзига хос мураккаб марказига айланиб қолгани ҳам бежиз эмас. Чунки, бу ерда турли миллий-этник бирликлар, мафкуравий-гоявий гурухлар қоришиб кетган эди³.

¹ Абдуллаев О. Фарғона водийси: ижтимоий-иқтисодий ривожланиш жараёнлари. Намангандан нашриёти, 2000 й., 9-б.

² Бартольд В.В. Сочинения. Т-II, ч.1, -М.: 1963.

³ [www.http://geopolitakuz.com](http://geopolitakuz.com)

Янги иқтисодий ўзгаришлар ва сиёсий ислохотлар шароитида муаммолар кескинлашди. Жамоа хўжаликлари мулки ҳисобланган қишлоқ хўжалиги ерлари аҳолига бўлиб берила бошлангандан сўнг аҳоли ўртасида ер ресурслари учун ҳақиқий рақобат бошланди. 1990 йил июнь ойида ер туфайли чикқан низо Фарғона водийсининг бир қисми ҳисобланган Ўш шаҳрида қирғизлар ва ўзбеклар ўртасидаги қонли тўқнашувларга сабаб бўлди. Бу зиддият халқлар ўртасидаги миллатлараро муносабатни кучайтириб юборди. Бир йил ўтиб иттифоқнинг парчаланиши худди шу миллатлар ўртасидаги низолар авж олган даврга тўғри келди. Хомашё маркази ва ҳарбий-саноат комплексига айлантирилган минтақа қисқа вақт ичида иқтисодий тушкунлик гирдобида қолди.

Фарғона водийсида чегара муаммоларининг ҳанузга қадар сақланиб қолинаётганлигига Қирғизистон ва Тожикистондаги қашшоқлик, ушбу мамлакатлар сиёсий кучлари ўртасидаги таркоқлик, миллий сиёсатда номутаносибликлар ҳам ўзига хос омил саналади. Жумладан, Тожикистон ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида авж олган, аввалига Кўлоб, Кўрғонтепа, Хўжанд (собиқ Ленинобод) аймокчилигига асосланган сиёсий кучлар муросасизлиги билан қўзғалган, кейинчалик, диний-экстремистик кучлар ва уларнинг молиявий таъминоти асосини ташкил этувчи наркотрафик марказлари исканжасидаги фуқаролик урушига тортилди.

Ўтган аср 90-йиллари охирларида Ғарб демократия сафсатабозлари томонидан “Марказий Осиё демократия ороли” деб “эътироф” этилган Қирғизистоннинг сўнгги 10 йил ичида 2 марта “рангли инқилоб”, 2010 йилда миллатлараро тўқнашув гирдобига тушганлиги, мамлакатнинг амалда икки йирик – Шимол ва Жануб кучларига бўлинib қолганлиги, хукумат таркибидаги муттасил истеъфолар ушбу мамлакатда ҳам барқарор ижтимоий-сиёсий мухит шаклланмаганлигини кўрсатади.

Водий яқин ўтмишида вужудга келган бу каби муаммолар Марказий Осиёнинг бугунги геосиёсий барқарорлиги ва минтақавий хавфсизлигига ўзига хос роль ўйнамоқда. Айниқса, глобал таъсир кучига эга дунёнинг қатор давлатлари ва сиёсий кучлари ўз манфаатларини Марказий Осиёга сингдиришда бу каби минтақавий “қайноқ нуқта”лардан самарали фойдаланишга тинимсиз интилаётганлиги ҳам сир эмас.

Худудий яқинлик даъвоси билан “ўралган” Россия ва Хитойнинг Қирғизистон ва Тожикистондаги манфаатларини ифодаловчи “Янги Буюк ипак йўли” лойиҳасининг мухим қисми Фарғона водийсидан ўтганлиги худудда АҚШнинг геосиёсий фаоллигини кучайтироқда.

Ташқи кучларнинг водийга нисбатан эътибори вазиятни янада мураккаблаштириши ва бу борада Россиянинг Тожикистон ва Қирғизистондаги ҳарбий базалари, Хитойнинг водий орқали Марказий Осиёга кириб келиши, гарчи асосий ҳарбий кучлари чиқиб кетсада, маълум қўшинларини Афғонистонда сақлаб колаётган АҚШ учун водийнинг мухимлиги манфаатлар тўқнашувига фаол таъсир кўрсатмоқда.

Бундан ташқари, 2011 йилда бошланган ва қисқа муддатда бир қатор араб мамлакатларини қамраб олган “Араб баҳори” тўлқинидан кейин жиддий таҳдид кучи билан майдонга чиққан Ислом давлати (аввалига Ироқ ва Шом ислом давлати, кейинроқ, яхлит Ислом давлати)га даҳлдор кучлар мухим геосиёсий позицияга эга Марказий Осиёга кириб келишнинг энг қулай “йўлаги” сифатида айнан Фарғона водийсини кўзлаётганлиги водийдаги мавжуд давлатлараро муаммоларни тезроқлик билан ҳал этишни тақозо этади. Бишкеқдаги “Дин, хуқуқ ва сиёсий” таҳлил маркази директори Қ. Маликовнинг журналистларга берган интервьюсида тасдиқланмаган манбаларга кўра, Ислом давлати Марказий Осиёда сиёсий тангликни юзага келтириш учун, биргина Фарғона водийсининг ўзига 70 млн. АҚШ доллари қийматида маблағ йўналтиргани, бу борада, Жанубий Қирғизистон вилоятларидан таянч пункт сифатида фойдаланаётганлиги таъкидланади¹.

Диний-экстремистик таҳдид Ўзбекистон учун ҳам долзарб тавсифга эга. Ўтган

¹ Пограничный вопрос: Почему не спадает напряжение в Ферганской долине?

http://vlast.kz/politika/pogranichnyj_vopros_pochemu_ne_spadaet_naprjazhenie_v_ferganskoj_doline-9281.html

асрнинг 90-йиллари бошларида Ўзбекистонда амалдаги конституцион тузумга қарши вужудга келган Ўзбекистон ислом харакати ҳам айнан Фарғона водийсида шаклланган, диний радикаллашув водийнинг йирик шаҳарларида етарли даражада хавотирли тус олган. Бунинг пироварди 1992 йилда Наманган, 2005 йилда Андижон шаҳарларида экстремистик кучлар томонидан амалга оширилган нотинчлик ва хунрезликлар уюштирилди.

Минтақавий ва халқаро хавфсизликнинг ўзаро боғлиқлиги, трансмиллий хавфларнинг пайдо бўлиши давлат хавфсизлик сиёсатининг минтақавий ўлчамлари ортишига олиб келади ҳамда чегара ҳудуди муаммоларига нисбатан минтақавий ёндашувларни геосиёсий ва географик тадқиқотларда устувор масала сифатида белгилаб беради. Шу жихатдан, ҳудудий-чегаравий муаммоларнинг ечимлари тўғрисидаги таклиф ва тавсиялар минтақа давлатлари манбаатларидан келиб чиқиши ва муаммога объектив ёндашилиши минтақа мамлакатлари ўртасидаги муносабатлар илиқлашувига, бу эса ўз навбатида, бутун Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги таъминланишига ҳамда интеграция жараёнлари ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Тожиева З.Н., Позилова У.К.*

ТОШКЕНТ ШАҲРИ АҲОЛИСИНИНГ ТАҚРОР БАРПО БЎЛИШИ

Аннотация: Мақолада Тошкент шаҳри демографик вазиятидаги ўзгаришлар ва унинг географик жихатларига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: демографик қараш, туғилишнинг йигинди коэффициенти, аҳоли зичлиги, аҳоли тақрор барпо бўлишининг брутто-коэффициенти.

Воспроизведение населения города Ташкента

Аннотация: В статье рассматривается изменение демографической ситуации города Ташкента и ее географические особенности.

Ключевые слова: демографическое поведение, коэффициент суммарной рождаемости, плотность, брутто-коэффициент воспроизводства населения.

Reproduction of population of Tashkent city

Resume: In article demographic situations and its geographical features of a city of Tashkent are considered change.

Key words: demographic behaviour, total fertility rate, population density, gross reproduction rate.

Республикада йирик урбанизациялашган ва сезиларли даражадаги ижтимоий-иқтисодий ҳамда демографик салоҳиятга эга бўлган ҳудудлардан бири бу, Тошкент минтақасидир. Пойтахт ва пойтахт вилояти мамлакатнинг алоҳида мустақил ривожланадиган субъектларидан бўлсада, аммо кўпгина ҳолларда бир-бирини тўлдириб, кўллаб-қувватлаб туради. Бунда айниқса, Тошкент шаҳрининг роли ва ўрни беқиёс. Тошкент шаҳри Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ўзгаришларнинг тезлиги, янгиликларнинг кириб келиши, ўзлаштирилиши бўйича етакчи ҳисобланади. Бинобарин, шунга мутаносиб равишда, соф демографик жараёнларнинг кечишига қўра ҳам анча ўзига хос хусусиятга касб этади.

Мустақиллик йилларида Тошкент шаҳри ижтимоий-иқтисодий салоҳиятининг юксалиши, дунё шаҳарлари орасида рейтингини кўтаришга қилаётган ҳатти-харакати, унинг нафақат, жозибадорлигини оширибгина қолмай, балки аҳолисининг сони, жойланиши ўзгаришида ҳам муҳим омиллардан бўлмоқда. Охирги ўтказилган аҳоли рўйхатидан бери Тошкент шаҳри аҳолиси 113,9 фоизга ўсди. Ҳолбуки, республика умумий аҳолиси мазкур даврда икки мартаға ортди, аниқроғи ўсиш 168,4 фоизга тенг

* **Тожиева Зулхумор Назаровна** – Ўзбекистон Миллий университети “География” кафедраси доценти, г.ф.н. Е-mail: z_tadjieva@mail.ru.

Позилова Умидা Каримжанова – Вазирлар Махкамаси хузуридаги Ижтимоий тадқиқотлар илмий - текшириш институти етакчи илмий ходими. E-mail: pozilova_umida@mail.ru.

бўлди. Охирги икки ўн йиллиқдан кўпроқ ўтган вақт ичидаги Тошкент шаҳри аҳолисининг бор-йўғи 1,1 баробарга ошганлиги, аввало демографик вазияти билан, қолаверса, шаҳарга доимий яшаш учун рўйхатга қўйишдаги чекловнинг мавжудлиги билан бевосита боғлик. 90- йиллардан бошлаб шаҳар аҳолиси секинлик билан кўпайиб бормоқда, ваҳоланки, ўтган аср давомида табиий ҳамда механик ҳаракат туфайли, аҳоли сони тез кўпайган худудлардан бири бўлган (1-жадвал).

I-жадвал

Тошкент шаҳри аҳоли сони динамикаси (1897-2015 йй.)

Йиллар	1897	1959	1970	1979	1989	1991	1995	2000	2005	2015
Минг киши	155,7	911,9	1384,5	1780,0	2080,2	2130,2	2097,4	2142,3	2135,7	2371,3

Манба: Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.

1989-2015 йилларда шаҳарнинг туманлари аҳолиси сони ва уларнинг жами аҳолидаги салмоғи турли даражада динамик ўзгаришларни қайд этганлигини кўриш мумкин. Жумладан, бу даврда Тошкент шаҳрининг Учтепа, Олмазор, Сирғали, Шайхонтоҳур, Юнусобод туманлари аҳолиси сонида муттасил равишда ҳам мутлоқ ҳам нисбий кўрсаткичларида ўсиш рўй берди (2-жадвалга қаранг). Аксинча, шаҳарнинг Миробод, Мирзо Улуғбек, Яшнобод, Чилонзор ва Яккасарой туманларида 1989-2005 йиллари аҳолиси сони камайган. Аммо 2005-2015 йилларда эса ушбу туманлarda аста - секинлик билан аҳоли сони кўпайиб борди ва 1989 йилдаги ҳолатига тенглашди холос. Мазкур аҳолиси сони 1989 йилдаги миқдорини энди 2015 йилда тиклаган туманлардаги бундайдинамик ўзгаришларга аввало шу худудларда истиқомат қилаётган аҳолининг миллий таркиби билан боғлик. Сабаби, ушбу туманларда яшайдиган аҳоли юқоридаги номлари келтирилган бошқа туманлар аҳолисига нисбатан ҳозирда ҳам турли миллатлардан иборатлиги ва уларда аҳоли табиий ҳаракати жуда суст эканлигини кўриш мумкин. Қолаверса, Миробод, Мирзо Улуғбек, Яшнобод, Чилонзор ва Яккасарой туманларида яшовчи русийзабон миллатига мансуб аҳолиси механик ҳаракатда ўта фаол иштирок этишади. Собиқ иттифоқнинг парчаланиши туфайли, айнан мазкур туманлардан жуда кўплаб русийзабон миллатлар бошқа давлатларга кўчиб кетишиди ва бу ҳозиргача ҳам давом этмоқда. Натижада, ушбу туманлар аҳолисининг жами пойтахт аҳолисидаги салмоғи кўрилаётган даврда фақат камайиб борди. 2005-2015 йилларнинг ўзида Яккасарой, Яшнобод, Миробод, Мирзо Улуғбек туманлари аҳолисининг улуши 0,1-0,5роиз атрофида қисқарди. Одатда, шаҳарнинг бу туманларига аҳолининг четдан кўчиб келиши ҳам нисбатан кам, чунки, мазкур туманлар шаҳар марказиий худудлари ҳисобланганлиги боис, аҳоли учун мўлжалланган турар жойлар нархи бошқа туманларники қараганда анча қиммат.

Тошкент шаҳри ўзининг атрофидаги пойтахт вилоят ҳудудига жуда катта таъсир кўрсатади ва айни вақтда пойтахтнинг ривожланиши, ўз навбатида, уни ўраб турган ҳудуд билан ҳам чамбарчас боғлик. Бу айниқса, аҳоли ва аҳоли манзилгоҳлари жойлашувида, уларнинг энига ва бўйига кенгайишида ўз аксини топади. Бугунги замонавий Тошкент дунёда йириклиги, аҳолисининг шаҳарда зич тўпланганлиги (1 кв.км жойга 7099,6 киши, 2015 й.), демографик вазиятига кўра йирик шаҳарларга хослиги билан кўзга ташланади. Республика пойтахти ҳар доим аҳолиси зичлиги юқори бўлган ҳудуд бўлганлиги боис, унинг чегараси тобора кенгайиб бормоқда. Бироқ, шаҳар чегарасининг кенгайиб бориши, унинг ички ва атрофидаги муаммолар ечимини топишига деярли ёрдам бермаяпти. Масалан, шаҳар транспорти, тиқилинчлар, шаҳарга бўлаётган босим в.х.

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг пойтахт шаҳарга кириш ва чиқищдаги сувний чеклашларига қарамасдан, 1990-йиллардан бошлаб Тошкент шаҳрига республиканинг ички вилоят ва шаҳарларидан келувчилар миқдори анча кўпайди, бу эса ўз навбатида, шаҳар аҳолиси миллий таркибида русларнинг камайишига, маҳаллий

миллатлар улушининг ортишига хизмат қилмоқда.

2-жадвал

Тошкент шаҳри аҳоли сони ва жойланишидаги ўзгаришлар

Туманлар	Аҳоли сони, минг киши			Жами аҳолидаги улуси, % да			Аҳоли зичлиги, кв.км.киши	Аҳоли сони 1989-2015 йй, ўсиш, % да
	1989 йил	2005 йил	2015 йил	1989 йил	2005 йил	2015 йил		
Учтепа	226,2	226,2	252,8	10,9	10,6	10,7	8939,7	111,8
Бектемир	-	27,9	31,0	-	1,3	1,3	1507,3	-
Миробод	136,5	122,2	129,5	6,6	5,7	5,4	7561,4	94,9
Мирзо-Улугбек	265,1	236,8	260,9	12,8	11,0	10,9	8169,3	98,4
Олмазор	251,6	284,4	337,4	12,1	13,2	14,1	9750,7	134,1
Сиргали	115,2	151,2	165,9	5,6	7,0	6,9	2957,1	144,0
Яшнаобод	219,8	204,8	219,4	10,6	9,5	9,1	6504,5	99,8
Чилонзор	234,0	214,4	232,1	11,3	9,9	9,6	7720,0	99,2
Шайҳонтохур	216,4	263,9	314,5	10,5	12,2	13,0	11507,4	145,3
Юнусобод	283,8	286,4	312,8	13,7	13,2	12,9	7603,4	110,2
Яккасарой	116,7	110,4	115,0	5,6	5,1	4,7	7856,2	98,5
Жами	2080,2	2128,6	2371,3	100	100	100	7099,6	113,9

Манбалар: Итоги Всесоюзной переписи населения 1989 года. Демографический ежегодник Узбекистана 1991 - 2003 гг, стр.108. Демографический ежегодник Узбекистана 2015. -Т., 2015.Б.89.

3-жадвал маълумотларидан шаҳар жами аҳолиси таркибида ўзбекларнинг улуси 1989-2014 йилларда 44 %дан 65 % га етганлигини, аксинча, руслар 16 %га, татарлар салмоғи 2,3 %га камайганлигини кўриш мумкин. Рус ва русийзабон миллатига мансуб аҳоли сони ва салмоғининг қисқарни бориши, шаҳарда европа моделига хос бўлган “демографик хулқ, муносабат ва қараашлар”нинг ўзгаришида акс эта бошлади.

3-жадвал

Тошкент шаҳри аҳолиси миллий таркиби, %да (1989-2014 йй.)

Миллий таркиб	1989 йил	2005 йил	2014 йил
Ўзбеклар	44,2%	63,0 %	65,0%
Руслар	34,0%	20,0 %	18,0%
Татарлар	6,8%	4,5 %	4,5%
Бошқалар	15,0%	12,5	12,5%
Жами	100	100	100

Манба: Материал из Википедии — свободной энциклопедии.

Шу боисдан бўлса керак, Тошкент шаҳрида репродуктив ёшдаги битта аёлга тўғри келадиган фарзандларнинг ўртача сони, яъни туғилишнинг йиғинди коэффициенти 2005 йилда 1,7 тадан тўғри келган ва республикада бу кўрсаткичининг камлиги бўйича биринчи ўринда турган. Айнан туғилиш йиғинди коэффициентининг кичклиги боис, 2000-2005 йиллар давомида Тошкент шаҳри республикада қисқарган аҳолитакрор барпо бўлишини тўлиқ бошидан ўтказган ягона ҳудуд хисобланади. Пойтахт аҳолисида 2015 йилга келиб туғилишнинг йиғинди коэффициенти 2,2 тага teng бўлди, аниқроғи кўтарилилди. Хатто ушбу кўрсаткич бўйича шаҳар баъзи вилоятлар даражасига етиб олди. Аммо, аҳоли такрор барпо бўлишининг хусусий кўрсаткичи бўлган, репродуктив ёшдаги битта аёл ўзидан кейин қанча киз фарзанд қолдиришини ифодаловчи аҳоли таркор барпо бўлишининг брутто коэффициенти 1,027 тани ташкил этмоқда.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бугунги кунда Тошкент шаҳри аҳолиси оддий аҳоли такрор барпо бўлишини бошидан ўтказяпти. Агарда, шаҳарга рўйхатга қўйишдаги чекловларга қарамасдан, вилоятлардан аҳолининг кўчиб келиши шу тахлитда давом этадиган бўлса, 2000-2005 йилларда рўй берган қисқарган аҳоли такрор барпо бўлишига қайтиш жараёни анча кечроқ амалга ошади. Сабаби, Тошкент шаҳрида оила қураётган

ёшларнинг демографик қарашлари, шаҳар аҳолиси табиий кўпайишини ижобий таъминлашга хизмат қиласди, бунда миграциянинг роли деярли сезилмайди.

Адабиётлар:

1. Демографический ежегодник Узбекистана 1991-2003 гг. - Т., 2004. – С.108.
2. Демографический ежегодник Узбекистана 2015. - Т., 2015. - Б.89.
3. Материал из Википедии — свободной энциклопедии.

Мирзаахмедов Х.С.*

“АНГРЕН” МАХСУС ИНДУСТРИАЛ ЗОНАСИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ОМИЛЛАРИ ВА ИМКОНИЯТЛАРИ ТҮҒРИСИДА

Аннотация: Ушбу мақолада “Ангрен” маҳсус индустрисал зонасининг ташкил этиш омиллари, унга берилган имтиёзлар ва истиқболли имкониятларига эътибор қаратилган.

Калит сўзлар: маҳсус индустрисал зона, инвестиция, инфратузилма тўғридан тўғри хорижий инвестиция, мезо ва макрогоографик ўрин, худудий меҳнат тақсимоти.

Об условиях и перспективах специальной индустриальной зоны «Ангрен»

Аннотация: В этой статье рассмотрены условия организации специальной экономической зоны «Ангрен», данные им льготы и перспективы развития.

Ключевые слова: специальная индустрисальная зона, инвестиция, прямая иностранная инвестиция, мезо и макрогоографическое положение, территориальная разделения труда.

The conditions and perspectives special industrial zone "Angren"

Summary: This article describes the conditions of the organization of a special economic "Angren" area given to them the benefits and prospects.

Key words: special industrial zone, investment, foreign direct investment, meso and macro geographical position, the territorial division of labor.

Бугунги глобал молиявий-иқтисодий инқироз мамлакатлар иқтисодиётининг рақобатбардошлигини оширишни, минтақалар табиий ресурслари ва индустрисал салоҳиятидан фойдаланиш самарасини юксалтириш ҳамда ташкил иқтисодий алоқаларни кучайтиришни тақозо этмоқда. Айни чоғда иқтисодиётни эркинлаштириш ва модернизациялаш орқали жаҳон стандартларига жавоб берадиган маҳсулот ишлаб чиқаришга эришиш хорижий сармояларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб қилиш бўйича қулаги шарт-шароитлар яратиш ҳар қандай мамлакат учун энг долзарб ва кечиктириб бўлмайдиган масаладир. Бинобарин жаҳон тажрибасида ушбу ўйналишларда кенг қўлланилган ва катта самараларга эришилган турли тажрибалар мавжуд.

Эркин иқтисодий зоналарни ташкил этиш ва улар фаолиятини амалага ошириш бўйича ҳалқаро тажриба шуни кўрсатадики, жаҳон бозори билан интеграциялашни чуқурлаштириш, ҳалқаро иқтисодий алоқаларни рағбатлантириш мақсадида тузилган худудлар билан бирга маълум бир фаолият шакли ва ишлаб чиқариш соҳасини рағбатлантириш учун ташкил қилинган алоҳида тартибли маҳсус зоналар ҳам мавжуд бўлади. Буларга, иқтисодий қолоқ туманларни ривожлантиришни, саноатлаштиришни рағбатлантирувчи маҳсус худудларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Шу боис, эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилишнинг сабаблари ва мақсадлари ҳар бир ҳолатда ўзгача бўлиб, бир-бирига ўхшамаслиги мумкин.

Мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлик даражасини янада ошириш, жаҳон стандартларига жавоб берадиган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш каби вазифани амалга оширишда эркин иқтисодий зоналар алоҳида ўрин тутади. Эркин

* Мирзаахмедов Хамидулло Сайдаматович - Наманган давлат университети География кафедраси доценти. E-mail: mirxamid@list.ru.

иқтисодий зоналарни ташкил этиш орқали истиқболда маълум ҳудуд ёки ишлаб чиқариш соҳасини иқтисодий ривожлантиришни рағбатлантириш ва иқтисодиётни модернизация қилишга эришилади. Натижада нафакат сармояларни жалб қилиш, балки минтақавий сиёсат юргизиш орқали ҳудудлараро номутаносибликни қисқартиришга эришилади.

Тошкент вилоятида ташкил этилган “Ангрен” маҳсус индустрисал зонаси (МИЗ) юқори қийматга эга бўлган рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни ташкил этиш учун хорижий ва маҳаллий инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитларни шакллантириш, Тошкент вилоятининг ишлаб чиқариш ва ресурс салоҳиятидан комплекс ҳамда самарали фойдаланиш, шу асосда янги иш жойларини яратиш ва аҳоли даромадларини ошириш мақсадида ташкил этилган. Марказий вилоятда мазкур эркин иқтисодий зонани ташкил этишининг асосий сабаблари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: **биринчидан**, Тошкент вилояти Ўзбекистонда энг саноатлашган ҳудудларидан бири бўлиб, янги маҳсус индустрисал зона ҳудуднинг ушбу салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш имкониятини беради; **иккинчидан**, Ангрен шахрининг аввалги мавқейини қайта тиклашга, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш ва бандлик муаммоларини ҳал этишда муҳим аҳамият касб этади; **учинчидан**, Фарғона водийси вилоятларини марказ ва бошқа минтақалар билан боғловчи Қамчиқ довонидан ўтган транспорт йўлаклари “Ангрен” МИЗ жойлашган ҳудуддан ўтади; **тўртинчидан**, Ангреннинг пойтахтга яқинлиги ва у ердан Тошкент шахрига кирмасдан Сирдарё, Жиззах ва бошқа вилоятларга ўтиш имконияти мавжудлиги ва х.к.

Қолаверса, Ангрен шахри географик ўрнини иқтисодиётни ривожлантириш учун қулайлиги, табиий ресурсларга бойлиги яъни қўнғир қўмир, каолин ва бошқа қурилиш материалларининг катта захираси мавжудлиги билан ажralиб туради. Бугунги кунда шаҳарда кўплаб нуфузли корхоналар фаолият юритмоқда. Улар жумласига “Ўзбеккўмир” ва унинг таркибида кирувчи унитар корхоналар, Ангрен ва Янги Ангрен иссиқлик электр станциялари, "Sangren tex" қўшма корхонаси, "Энергоқозонтозалаш", "Ангрен каолин" масъулияти чекланган жамиятлари, “Ангрен” логистика маркази кабиларни киритиш мумкин.

“Ангрен” маҳсус индустрисал зонасининг умумий майдони 387 гектарни эгаллаган бўлиб, унинг 209 гектари Ангрен шахри ҳудудига, 178 гектари Охангарон шахри ҳудудига тўғри келади. Мазкур МИЗ ҳудудида фаолият юритувчи қатнашчилар бир қанча солиқ ва божхона имтиёзларига эга бўладилар. Улар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, уларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғини тўлашдан, кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови, шунингдек республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар тўлашдан, республикада ишлаб чиқарилмайдиган лойиҳаларни амалга ошириш доирасида шу ҳудудга Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича олиб кириладиган ускуналар, бутловчи буюмлар ва материаллар бож тўловлари тўлашдан озод қилинган. Ушбу кўрсатиб ўтилган имтиёзлар киритилган инвестицияларнинг хажми 300 минг АҚШ долларидан 3 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 3 йил муддатга, 3 миллион АҚШ долларидан ортиб 10 миллион АҚШ долларигача бўлганда — 5 йил муддатга, 10 миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлганда — 7 йил муддатга берилади. Шунингдек, МИЗ иштирокчилари мухандислик-коммуникация инфратузилмалари инвесторларнинг ишлаб чиқариш майдончаларига кафолатли уланишлари таъминланади.

“Ангрен” маҳсус индустрисал зонаси фаолиятининг асосий вазифалари ва ўйналишлари этиб қуйидагиларни кўрсатиш мумкин:

- ички ва жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича замонавий, юксак технологияли ишлаб чиқаришларни барпо этиш ва уларнинг самарали фаолият юритиши учун инвестициялар, энг аввало тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш борасида қулай шарт-шароитларни шакллантириш;
- маҳсус индустрисал зонага кирувчи минтақанинг ишлаб чиқариш ва ресурс

салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш;

- минерал-хом ашё ресурсларини янада чуқурроқ қайта ишлаш бўйича янги ишлаб чиқариш тизимларини барпо этиш;

- маҳсус индустрисал зона ва умуман республика корхоналари ўртасида мустаҳкам кооперацисон алоқалар ўрнатиш ҳамда саноат кооперациясини ривожлантириш асосида маҳаллий хом ашё ва материаллар негизида юксак технологияли маҳсулот ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш;

- транспорт, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш ҳамда самарали фойдаланиш;

- “Ангрен” логистика маркази салоҳиятини, юкларни автомобиль ва контейнерларда ташиш борасида яратилган тизимни янада ривожлантириш ҳамда улардан кенг кўламда фойдаланишни таъминлаш.

Мазкур ҳудуднинг исикболли ишлаб чиқариш соҳалари сифатида эса кимё ва нефт саноати, қурилиш материаллари саноати, тиббий воситалар ишлаб чиқариш ва фармацевтика саноати, терини қайта ишлаш ва чарм саноати, озиқ-овқат саноати кабиларни кўрсатиш жоиз.

Истиқболда “Ангрен” МИЗни тараққий этиши Тошкент иқтисодий райони ҳудудий меҳнат тақсимотини чуқурлашувини, Ангрен шахрининг мезо ва макрогоеографик мавқеини ортишини таъминлайди. Шу билан бирган ички бозорни импорт ўрнини босувчи юкори сифатли товарлар билан тўлдиради. Бундан ташқари, республиканинг бошқа минтақалари учун ишлаб чиқаришни миллий, хорижий илмий-техник янгиликларидан хабардор бўлиш ҳамда амалиётда қўллаш имконини яратади.

Адабиётлар:

- 1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ангрен” маҳсус индустрисал зonasи ташкил этиш тўғрисида №ПФ-4436-сонли Фармони. 13.04.12 й.

- 2.Холиков А.Р. Эркин иқтисодий зоналар: назарий асослари ва жаҳон тажрибаси.
- Т.: ЖИДУ. 2002.

- 3.www.toshvil.uz

- 4.www.lex.uz

Абдалова З.Т., Рафиев А.А.*

МИЛЛИЙ ИҚТИСОДИЁТНИНГ ҲУДУДИЙ МУВОЗАНАТЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЎСИШ НУҚТАЛАРИНИ ШАКЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация: Мақолада мамлакат миллий иқтисодиёти ривожланишида ўсиш нуқталарининг роли очиб берилган. Минтақаларда ўсиш нуқталарини шакллантириш масалалари ёритилган.

Таянч сўз ва иборалар: минтака, миллий иқтисодиёт, ўсиш нуқталари, кластерлар, ихтисослашув.

Теоретические и практические вопросы формирования точек роста в обеспечении территориальной сбалансированности национальной экономики

Аннотация: В статье раскрыта роль точки роста в развитии национальной экономики страны. Освещены вопросы формирование точки роста в регионах страны.

Ключевые слова: регион, национальная экономика, точки роста, кластер, специализация.

Theoretical and practical issues of the formation of a point of growth in the provision of territorial balance of the national economy

Resume: The article deals with the role of a point of growth in the development of the

* Абдалова З.Т. – Тошкент молия институти доценти, г.ф.н.

Рафиев А.А. – Тошкент молия институти доценти, и.ф.н.

national economy. The questions of the formation of a point of growth in the country.

Key words: region, national economy, growth points, cluster specialization.

Ҳар бир мамлакатда минтақавий ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда иқтисодиётнинг ягона ҳудудий таркибини шакллантириш ва унинг ривожланишини ҳудудий мувозанатлилигини таъминлаш, аҳолининг турмуш даражасини ошириш каби масалалар ҳудудий ривожланишнинг асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароитида минтақавий сиёсат, аввало, минтақаларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишида инвестиция ресурсларини ҳудудлар миқёсида самарали тақсимланишини назарда тутади. Бу ўринда барча минтақаларда аҳолининг турмуш даражасини ошириш ва яшаш шароитларини яхшилаш, минтақа иқтисодиётини таркибий ўзгартириш ва ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини ошириш, мавжуд ресурслар салоҳиятидан самарали фойдаланиш каби масалаларга эътибор бериш муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон тажрибасидан маълумки, инвестициялардан самарали фойдаланишда нисбатан қулай шарт-шароит ва имкониятларга эга бўлган маҳсус ўсиш нуқталари аниқланиб, бу ерда йирик корхоналарни барпо этиб, устувор тармоқларни ривожлантириш орқали мамлакат иқтисодиётининг ўсишига эришилган. Охирги 40 йилликда барқарор юқори иқтисодий ўсиш суръатларига эга бўлган мамлакатлар ҳам ўзларининг мақсадларига бир қатор базовий минтақалар ҳисобига эришишган. Бу модел асосида 80 йилнинг охири 90 йилнинг 1-ярим йилигига Чили, 60-80 йилларда Жанубий Корея, 70-йиллардан бошлаб ва ҳозиргача Хитой ривожланиб келмоқда. Ривожланган мамлакатларда ҳам ўзига хос ўсиш нуқталари мавжуд. Мисол учун, Париж райони(Франция), Италияда- Ломбардия(Милан), Испанияда Мадрид ва Барселона агломерациялари, Японияда Канто райони (Токио ш.), Кинки (Осака, Киото) ва Токай (Нагоя).

Ҳозирда жаҳон мамлакатларида ўсиш нуқталари билан боғлиқ бўлган назарий масалалар минтақалар иқтисодиётини ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқишида кенг қўлланилади. Айниқса, қутбий ривожланиш концепциясидан Ғарбий Европа мамлакатлари, Бразилия, Аргентина, Мексика, Ҳиндистон, Хитой, Россия ва бир қатор бошқа ривожланаётган мамлакатларда ҳудудий дастурларни ишлаб чиқишида кенг фойдаланилади. Ривожланган мамлакатларда эса кўпроқ тарақкий этган район ёки шаҳарларга нисбатан муаммоли минтақаларда янги корхоналарни барпо этишини рағбатлантириш ва ҳудудий тафовутларни қисқартириш минтақавий сиёсатнинг асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Қолаверса, мамлакатда ўсиш нуқталарини, эркин иқтисодий зоналарни, саноат паркларини яратиш минтақалар ривожланишини тартибга солишида асосий воситалардан ҳисобланади.

Ўсиш нуқталарини замонавий кўриниши сифатида илмий ёки саноат парклари, технополислар, тадбиркорлик зоналари ва эркин иқтисодий зоналарни санаб ўтиш мумкин. Булар ҳозирда ривожланган мамлакатларнинг минтақавий ривожланиш сиёсатининг асосий воситаларидан бири бўлибгина қолмай, жамиятнинг илмий-техник, ижтимоий-иктисодий ва маданий ривожланишини таъминлашга хизмат қилади. Чунончи, ривожланган мамлакатларда илмий-техникавий тараққиётнинг мегаполислари ва саноат зоналарида мужассамлашуви 80-йилларнинг бошларида бошланган. Бунда минтақаларнинг илмий-техникавий ривожланишини тенглаштиришга йўналтирилган давлат сиёсати юритилган.

Ҳозирги кунда ривожланган мамлакатларда минтақавий ривожланиш истиқболларини ҳисобга олган ҳолда, ўсиш зоналарини шакллантириш, минтақаларнинг мувозанатли барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш минтақавий сиёсатнинг асосий вазифаларидан бири сифатида намоён бўлмоқда. Шу нуқтаи назардан ўсиш нуқталарни рағбатлантириш, инфратузилмани шакллантириш, минтақалараро интеграцияни таъминлаш ва ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиши ўртасидаги тавофтларни қисқартиш ҳудудий ривожланишнинг долзарб масалалардан бири бўлиб

қолмоқда.

Таъкидлаш жоизки, минтақаларнинг ижтимоий-иктисодий ривожланишидаги тафовутларни қисқартириш ва иктисодий ўсишга эришиш учун ўсиш нукталарини шакллантиришда ўзига хос бир қатор омилларга асосланиш мумкин. Жумладан, ўсиш қутбларини шакллантиришда асосан унинг иктисодий географик ўрни, ресурслар салоҳияти (хом ашё, энергия, меҳнат ресурслари ва капитал) ва технологик омиллар, хусусан янги технологияларни жорий этиш асосида инновацион ривожланишга туртки бериш каби масалалар ҳисобга олиниади (Салиев А., Янчук С.Л., 2005, б.85). Ёки: Ф.Перру ўсиш нукталари устувор тармоқларда жойлашган корхоналар билан аниқланишини таъкидлаб ўтса, Х.Р.Ласуэн эса ушбу корхоналарнинг экспорт салоҳиятини назарда тутади. Бу борада П.Потье транспорт омилини илгари суради, яъни транспорт алоқалари қанчалик яхши йўлга қўйилган бўлса, инновацион ривожланиш юз беради. Шундагина танланган ўсиш нукталари бошқа ҳудудларнинг ривожланишига туртки бера олади, натижада мамлакат миқёсида иктисодий ўсиш юз беради.

А.Г.Гранберг фикрича, ўсиш нукталарини шаклланниши саноат ва қишлоқ минтақаларини модернизация ва таркибий ўзгартириш, уларда замонавий ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма негизида инновацион ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш натижасида юз беради. Иккинчидан, саноат тугунлари ва ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуалари ўсиш қутбларига айланиши мумкинлигини айтиб ўтади. Бунда иктисодий самарадорлик мужассамлашув ва агломерация ҳисобидан юз беради (Гранберг А.Г., 2001, б.87-88).

Фикримизча, мамлакат иктисодиётининг ҳудудий мувозанатлилигини таъминлашда инвестиция ресурслари ва ишлаб чиқариш омилларидан самарали фойдаланиш долзарб аҳамият касб этади. Бу ўринда минтақаларда мавжуд ресурслар салоҳиятини тўғри баҳолаш ва улардан фойдаланишни мувофиқлаштириш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир минтақанинг ресурслар салоҳиятидан самарали фойдаланишда унинг табиий шартшароитлари, йиллар давомида шаклланиб келаётган ўзига хос инвестиция салоҳияти ва меҳнат тақсимоти асосида вужудга келган ихтисослашувни ҳисобга олиш даркор. Таъкидлаш лозимки, мамлакат иктисодий салоҳиятининг ҳудудий таркибида улардан фойдаланишни мувофиқлаштириш, яъни минтақаларнинг ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш имкониятларини яратиб бериш учун ихтисослашув тармоқлари катта рол ўйнайди. Чунки, ресурслар салоҳияти (хом ашё, ишчи кучи) минтақалар бўйича нотекис тақсимланган бўлиб, бу ўринда ҳар бир минтақа ўзига хос салоҳиятга эгадир. Айрим бир минтақа доирасида ресурслар қайсиdir нуктада мужассамлашган ва бу ерда ихтисослашган тармоқларнинг ривожланишига сабаб бўлган. Нисбатан ривожланиш имкониятлари мавжуд бўлган маҳсус ўсиш нукталарини айнан шу жойларда, яъни ихтисослашган тармоқларнинг ривожланиши учун ресурслар салоҳияти юқори бўлган жойда танлаб олиниши жуда катта аҳамиятга эга. Ўсиш нукталарини белгилаб олингандан сўнг, у ўзининг ихтисослашувига эга. Айнан шу ихтисослашув орқали у мамлакат (ёки жаҳон) меҳнат тақсимотида иштирок этади. Бу эса, минтақани бошқа ҳудудлар билан интеграциялашувига ва ривожланишига туртки беради. Натижада мамлакатда ягона иктисодий макон шаклланади. Демақ, иктисодиётнинг ҳудудий мувозанатлилигини таъминлашда ихтисослашув муҳим аҳамият касб этади.

Жадвал
Ўзбекистон минтақаларининг асосий ихтисослашган саноат тармоқлари (2014 й.)

Ҳудудлар	Республика миқёсида ихтисослашган саноат тармоқлари (ихтисослашув коэффициенти)	Ихтисослашган тармоқларнинг умумий саноат ишлаб чиқаришдаги улуши, фоизда
Корақалпоғистон Республикаси	Электроэнергетика (1,62), ёнгил саноат (1,02)	52,1

Андижон	Машинасозлик (3,01), автомобилсозлик (11,60), енгил саноат (1,10), микробиология (5,41)	88,8
Бухоро	Ёқилғи (1,36) ва енгил саноат (1,44)	71,1
Жиззах	Енгил (1,28), озиқ-овқат саноати (1,17)	64,4
Қашқадарё	Ёқилғи (5,71) ва енгил саноат (1,01)	88,3
Навоий	Электроэнергетика (1,91), металлургия (8,61), кимё (3,79), курилиш материаллари саноати (4,17)	94,5
Наманган	Енгил (1,41) ва озиқ-овқат саноати(1,26)	80,5
Самарқанд	Енгил (1,00) ва озиқ-овқат саноати (2,20), машинасозлик (0,63)	76,5
Сурхондарё	Енгил саноат (1,54)	48,6
Сирдарё	Электроэнергетика (9,23), енгил (2,19) ва озиқ-овқат саноати (1,41)	93,3
Тошкент	Электроэнергетика (1,93), металлургия (3,23), кимё (2,77), курилиш материаллари (2,41), ёгочни қайта ишлаш ва целлюлоза (2,28), микробиология (2,70), енгил саноат (1,00)	86,1
Фарғона	Ёқилғи (2,58), кимё (1,90), курилиш материаллари (1,79), фарфор-фаянс ва ойнасозлик (10,04), микробиология (2,69), енгил саноат (1,56)	83,4
Хоразм	Енгил саноат (1,48)	44
Тошкент ш.	Электротехника ва машинасозлик (2,76), ёгочни қайта ишлаш ва целлюлоза (2,32), кимё-фармацевтика (4,59), озиқ-овқат (1,66), полиграфия (4,17)	68,3

Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўймитасининг маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланди.

Ҳар бир минтақанинг ўсиш нуқталарида республика аҳамиятидаги ихтисослашув тармоқлари ривожланади. У, ўз навбатида, ҳудудий ишлаб чиқариш кластерларини шакллантириш асоси ҳисобланади. Ўзбекистонда ихтисослашган саноат тармоқларининг ҳудудий таркибини таҳлил қиласидан бўлсақ, мустақилликнинг дастлабки йилларига нисбатан кўпчилик минтақаларнинг иқтисодиётida таркибий қайта қуриш амалга оширилганлигини кўриш мумкин. Хусусан, Андижон, Бухоро, Самарқанд, Тошкент, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида саноат тармоқларини қайта ихтисослашуви юз берган ва натижада янги ихтисослашган тармоқлар вужудга келган.

Жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, Тошкент ва Фарғона вилоятлари, шунингдек, Тошкент шаҳрида республика аҳамиятидаги ихтисослашган кўп тармоқли саноат ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Республиkaning анъанавий саноат тармоқлари, яъни енгил ва озиқ-овқат саноат тармоқлари, асосан, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё ва Хоразм вилоятларида, шунингдек, иқтисодиётнинг асосий устувор тармоқлардан бири ҳисобланган ёқилғи саноати Қашқадарё, Бухоро ва Фарғона вилоятларида, кимё ва нефть кимёси саноати эса Навоий, Тошкент, Фарғона вилоятларида республика миқёсида ихтисослашган тармоқлардан бири ҳисобланади.

Инфратузилма обьектларини қуришга хизмат қилувчи инвестицион тармоқлардан бири ҳисобланган қурилиш материаллари саноати Навоий, Тошкент ва Фарғона вилоятларда, машинасозлик тармоғи эса Андижон вилояти ва Тошкент шаҳрида республика миқёсида ихтисослашган. Республикада ривожланиб келаётган замонавий тармоқлар, яъни автомобилсозлик Андижон ва Самарқанд вилоятларида, электротехника, кимё-фармацевтика, полиграфия саноати Тошкент шаҳрида ихтисослашган. Минтақаларнинг асосий ихтисослашган тармоқлари умумий саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришдаги улуши бўйича 2014 йилда Навоий (94.5%), Сирдарё (93.3%), Андижон (88.8%), Қашқадарё (88.3%), Тошкент(86.1%), Фарғона (83.4%), Наманган (80.5%), Самарқанд(76.5%) ва Бухоро (71.1%) вилоятларида юқори кўрсаткични ташкил этди. Кўриниб турибдики, кўпчилик минтақаларда республика аҳамиятидаги ихтисослашган тармоқларнинг иқтисодиётдаги саломги юқоридир. Бу, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг устувор тармоқларини ривожланишида минтақалардаги ихтисослашган тармоқлар асос

бўлиб хизмат килаётганлигидан далолат беради. Шу боисдан айнан шу ихтисослашган тармоқлардаги йирик корхоналар ёки қўшма корхоналар фаолият қўрсатаётган шаҳар ёки туманларни алоҳида ўсиш нуқталари деб олиш мумкин. Жумладан, иқтисодиётнинг асосий стратегик йўналишлардан бири ҳисобланган ёқилғи саноатидаги йирик корхоналар қаторига Қашқадарё вилоятининг Муборак ва Шўртандаги Муборак нефть-газ конлари бошқармаси, Муборак газни қайта ишлаш заводи, “Шўртanneфтъ-газ” корхонаси, Шўртангазкимё мажмуаси, Бухоро вилоятининг Газли ва Қоровулбозор шаҳарлардаги нефтни қайта ишлаш заводи ва “Газлинефтгазқазибиқариш” корхонаси, Фарғона вилоатидаги Олтиариқ, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводлари, “Фарғонанефттеххиммонтаж” корхоналари киради. Асосий устувор тармоқларидан бири автомобилсозлик Андижон вилоатида ихтисослашган бўлиб, унинг йирик корхоналари Асака, Андижон ва Хонобод шаҳарларида жойлашган. Шу жумладан, Асака шаҳрида “Дженерал Моторс Ўзбекистон”, “Джи Эм Ўзбекистон” корхоналари, Андижон шаҳрида “УзТонгХонг”, “УзДонгЯнг” қўшма корхоналари, “Автокомпонент” корхонаси, Хонобод шаҳрида “Уз Коджи” қўшма корхонаси жойлашган.

Маълумки, Ўзбекистон иқтисодиёти учун муҳим аҳамият касб этувчи яна бир устувор тармоқлардан бири кимё ва нефт кимёси саноат тармоқлари Навоий, Тошкент ва Фарғона вилоятларида республика аҳамиятида ихтисослашган бўлиб, ушбу тармоқдаги йирик корхоналар қаторига “Навоизот” ОАЖ, “Максам-Чирчик” ОАЖ, “Аммофос” ОАЖ, “Резинатехника” ОАЖ, “Рубер” қўшма корхонаси, “BOW Co LTD”, “Фарғоназот” ОАЖ, Фарғона кимё тола заводи, Қўқон суперфосфат заводи каби корхоналари киради. Ишлаб чиқаришга янги асбоб ускуналарни жалб этиш ва инфратузулма обьектларни куришда муҳим аҳамият касб этувчи инвестицион тармоқлардан бири машинасозлик ва курилиш материаллари тармоғлардаги йирик корхоналар жумласига Тошкент трактор заводи, Агрегат заводи, Литейно-механика заводи, Тошкент мотор заводи, “Алгоритм” ОАЖ, Андижон механика заводи, “Охонгаронцемент”, “Охонгарон рангли цемент”, “Охонгарон-шифер” ОАЖ, “Бекободцемент” ОАЖ, “Қизилқумцемент” ОАЖ каби қатор корхоналарни киритиш мумкин. Шунингдек, бугунги кунда ривожланиб келаётган замонавий тармоқлардан бир электротехника, кимё-фармацевтика, полиграфия саноат тармоғлари фақаттина Тошкент шаҳрида ихтисослашганлиги боис йирик корхоналар айнан шу ерда жойлашган. Мисол учун, “Зенит электроникс” заводи, “Фотон” АОЖ, “Оникс” ОАЖ, “Узэлектроаппарат” ҚҚ, “Ўзбиофарм” ОАЖ, “Jurabek Laboratories” ҚҚ, “Samsun-Toshkent Farm” ҚҚ, “Novoparma Plus” ҚҚ, “Универсал”, “Фармгласс”, “Медгласс”, “Колорфлекс” ва бошқа бир қатор корхоналар.

Юқоридан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда устувор тармоқларни ривожлантириш ва рағбатлантиришда ҳар бир минтақанинг республика аҳамиятига молик ихтисослашган саноат тармоқлари доирасида ўзига хос ўсиш нуқталари белгилаб олинди. Бу ўринда ихтисослашган тармоқлардаги йирик корхоналарнинг шаҳар ёки туманларда жойлашганлигини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Ҳусусан, автомобилсозлик тармоғидаги йирик саноат корхоналари жойлашган Асака, Андижон, Хонобод шаҳарларини ўсиш нуқталари сифатида кўриш мумкин. Ёки ёқилғи тармоғида – Муборак, Шўртан (Ғузор т.), Газли (Ромитан т.), Қоровулбозор (Қоровулбозор т.), Олтиариқ ва Фарғона (Фарғона вилоати) шаҳар ва туманларини ўсиш нуқталари деб олиш мумкин.

Умуман олганда, мамлакат ҳудудларининг ижтимоий-иктисодий ривожланишида ўсиш нуқталарини шакллантиришдан кўзланган асосий мақсад – минтақалар ўртасидаги тавофтни қисқартиришдан иборат. Бунда уларга хос бўлган ихтисослашган тармоқларнинг ривожланишини рағбатлантириш ва ахоли эҳтиёжлари учун барча шартшароитларни яратиш, инфратузилмани тўлиқ шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Ихтисослашган тармоқларнинг ракобатбардошлилигини оширишда янги инновацион технологияларни жорий этиш, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш бугунги куннинг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Шунингдек, минтақаларнинг иқтисодий салоҳиятидан фойдаланишни

мувофиқлаштириш уларнинг иқтисодий ривожланишини тартибга солишда асосий йўналишлардан бири ҳисобланади. Айниқса, ишлаб чиқаришни тўғри ташкил этишда хом ашё ва меҳнат ресурсларининг сифати ва миқдори, аҳолининг талаби ва даромади, савдо-сотиқ кўрсаткичлари, экспортга чиқариладиган маҳсулот ҳажми ва туридан келиб чиқкан ҳолда ресурслардан самарали фойдаланиш зарур.

Демак, Ўзбекистон минтақаларининг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидаги тафовутларни қисқартириш ва улардаги ўзига хос ресурслар салоҳиятидан фойдаланишини мувофиқлаштириш, ўз навбатида, иқтисодиётнинг худудий мувозанатлилигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда ҳар бир минтақанинг шартшароити ва имкониятларидан келиб чиқкан ҳолда ихтисослашув доирасида ўсиш нукталарини шакллантириш лозим. Энг аввало, қулай инвестиция муҳити ва унинг жозибадорлиги юқори бўлган ўсиш нукталарида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, инфратузилмани ривожлантириш, ўз навбатида, минтақада инновацион ишлаб чиқаришни ташкил этилиши ва худудий экспорт салоҳиятини ошишига туртки беради.

Адабиётлар:

1. Гранберг А.Г. Основы региональной экономики. - М., 2001.
2. Салиев А.С., Янчук С.Л. Размещение производительных сил и поляризованное развитие экономики Республики Узбекистан. Учебное пособие. - Т., 2005.
3. Салиев А.С. Ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш. Маъruzalар матни. - Т., 2000.

Равшанов А.Х.*

НАВОЙ ВИЛОЯТИДА ВУЖУДГА КЕЛГАН НОЗОГЕОГРАФИК ВАЗИЯТ

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистонда йирик саноат марказларидан бири бўлган Навоий вилояти аҳолиси ўртасида тарқалган касалликлар таҳлил этилган.

Таянч сўзлар: нозогеография, антропоген (техноген) таъсир, санитар-гигиеник шароит, ландшафт, эндокрин ва онкологик касалликлар.

Формирование нозогеографической ситуации в Навоинском вилояте

Аннотация: в статье рассматривается нозогеографическая ситуация в Навоийской области - одного из крупных промышленных регионов Узбекистана.

Ключевые слова: нозогеография, антропогенное (техногенное) влияние, санитарно-гигиенические условия, ландшафт, эндокринные и онкологические заболевания.

The nozogeographic situation of Navoiy region

Abstract: The article is devoted nozo geographical situation of Navoi region is one of the major industrial centers of Uzbekistan.

Key words: nozogeografy, anthropogenic (technogenic) influence, sanitary and gigienic condition, landscape, endocrine and oncologic diseases.

Ҳозирги вақтда аҳоли сонининг муттасил кўпайиб бориши, фан-техника тараққиёти ва антропоген омилнинг табиий муҳитга таъсирини кучайиб бориш ҳодисалари геоэкологик мувозанатнинг сезиларли даражада бузилишига олиб келмоқда. Шунинг учун ҳар бир худуднинг, шу жумладан, Навоий вилоятида вужудга келган геоэкологик муаммолар, уларнинг аҳоли саломатлигига таъсирини, бу муаммоларни бартараф қилиш йўлларини илмий жиҳатдан асослаб бериш ҳозирги замон география фанлари тизимининг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Биз ўрганаётган Навоий вилояти ҳам республикамизнинг тоғ-кон, кимё, электроэнергетика саноати ва чоравачилик энг яхши тараққий этган вилоятлардан бири ҳисобланади. Саноат корхоналари ва автотранспортнинг кўпайиши, экин далаларидан

* Равшанов Алиқул – Самарқанд давлат университети Табиий фанлар факултети катта ўқитувчиси.

интенсив фойдаланиш қишлоқ хўжалигини кимёлаштириш ва ҳ.к.лар вилоят табиатини янада кўпроқ ифлосланишга олиб келмоқда.

Маълумки, Навоий вилоятининг 90% майдони Қизилқум чўлидан иборат бўлиб, ундан асосан яйлов сифатида фойдаланилмоқда. Яйлов ва воҳалар атрофида тоғолди зоналарида ҳам чорва моллари сонини ортиши яйловларга антропоген юкни ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Бу ўз навбатида яйловларни қашшоқланишига, айрим ҳолларда чўлланишга сабаб бўлмоқда.


Вилоятдаги мавжуд саноат корхоналари, автотранспорт воситалари, қишлоқ хўжалиги ерларига ортиқча солинаётган турли кимёвий бирикмалар ҳаво, сув, тупроқни ифлослантирмоқда. Сўнгги йилларда вилоятда табиий муҳитнинг ифлосланиши ва шу каби салбий оқибатлар туфайли аҳоли ўртасида хилма-хил касалликларнинг ортиб бориш ҳоллари кузатилмоқда.

Навоий вилояти ҳудудида турли хил касалликларнинг келиб чиқишини ва географик тарқалишини, уларнинг қайси турлари ҳозирги ландшафт комплекслари доирасида етакчи роль ўйнашини ҳамда касаллик турларининг тадрижий ривожланиб боришини, шаҳар ва туманлар бўйича таҳлил қилишни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик.

Сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг аксарият минтақаларида, жумладан Навоий вилоятида антропоген ва техноген омиллар таъсирида бизни ўраб турган табиий муҳитнинг ифлосланиши, селитеб ландшафтларнинг атмосфера ҳавосини турли хил чиқинди ис газлари билан заҳарланиши, бунинг оқибатида кескин геоэкологик вазиятларнинг вужудга келиши, аҳолининг яшаш шароити билан боғлиқ бўлган ижтимоий, санитар-гигиеник муаммоларнинг келиб чиқиши ва бошқа салбий ҳолатлар туфайли турли хил касалликларнинг ортиб бориши кўз ўнгимизда содир бўлмоқда. Келиб чиқиши ва географик тарқалиши ландшафт (тиббий геоэкологик) ва ижтимоий экологик вазиятлар билан боғлиқ бўлган касалликлар ичida камқонлик (анемия), нафас олиш йўллари, қон ва қон ишлаб чиқариш аъзолари, ошқозон-ичак, буйрак (тош ҳосил бўлиш), болалар ўлими, асад, вирусли гепатит (сарик), эндокрин ва ўсма касалликлари етакчи ўрин эгаллади.

Навоий вилояти бўйича мавжуд касаллик турларини статистик маълумотлар асосида таҳлил қилганимизда қон айланиш тизими билан боғлиқ бўлган касалликларнинг сони ҳар 100 минг кишига нисбатан Навоий шаҳрида 2005 йилда 1872,7 нафарни, 2006 йилда 1457,8 нафарни, 2009 йилда 695,5 нафарни ва 2010 йилда 1088,8 нафарни ташкил этган бўлса, Хатирчи туманида 2005 йилда 2595,9 нафарни, 2006 йилда 3304,5 нафарни, 2007 йилда 4241,1 нафарни, 2010 йилда 1554,1 нафарни ташкил этган. Ушбу касалликка чалингланлар Нурота ва Конимех туманларида энг кам кузатилган. Чунончи, Нурота туманида 2005 йилда 789,3 нафарни, 2006 йилда 663,4 нафарни, 2010 йилда 399,4 нафарни ва Конимех туманида 2005 йилда 547,8нафарни, 2006 йилда 538,0 нафарни, 2010 йилда 461,2 нафарни ташкил этган (1-расм).


Навоий вилояти Республикаизнинг тоғ-кон, рангли металлургия, кимё, электроэнергетика, қурилиш материаллари санотининг ривожланиши бўйича Тошкент вилоятидан кейинги ўринни эгаллади. Бундай саноат корхоналаридан чиқаётган заҳарли чиқинди ва турли хил газлар Навоий шаҳри ва шаҳарга туташ бўлган туманлар аҳолисини саломатлигига салбий таъсир этиб келмоқда. Айниқса Навоий шаҳрида жойлашган “Навоийазот”, “Навоий ТМК”, Навоий ГРЭСи, “Қизилқумцемент” корхоналари ва транспорт воситаларидан чиқаётган заҳарли газлар таъсирида аҳоли ўртасида нафас олиш аъзолари касаллигига чалингланлар сонини ортиб боришига олиб келмоқда. Нафас олиш аъзолари касалликлари билан хасталангандар сони Навоий шаҳрида 2005 йилда 23363,5 кишига, 2010 йилда 26938,8 кишига, Кармана туманида 2005 йилда 27597,8 кишига, 2010 йилда 16352,7 кишига, Томди туманида эса 2005 йилда 13443,4 кишига, 2010 йилда 17731,2 кишига teng бўлган.



Расм 1. Навоий вилоятида қон айланиш тизими касалликларнинг ўзгариши (ҳар 100 минг кишига нисбатан)

Навоий вилояти Соғлиқни сақлаши бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.


Атмосфера ҳавосини ифлослантирадиган йирик саноат корхоналаридан олисда жойлашган Томди туманида мазкур касалликка чалингандарнинг кўплиги чўл иқлим шароити билан боғлиқдир. Қилинган таҳлилларга кўра бу турдаги касаллик Навбаҳор, Қизилтепа, Конимех туманларида ҳам кўпроқ учрайди (2-расм).



Расм 2. Навоий вилоятида нафас олиш аъзолари касалликларининг ўзгариш динамикаси (ҳар 100 минг кишига нисбатан)

Навоий вилояти Соғлиқни сақлаши бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Сўнгги йилларда вилоят аҳолиси ўртасида эндокрин касалликлар ареали кенгайиб, бу касалликка чалингандар сони динамик равишда ўзгариб бормоқда. Мазкур гуруҳдаги касалликлар сони ҳар 100 минг аҳолига Қизилтепа туманида 2005 йилда 2475,2 киши, 2010 йилда 2114,1 киши, Нурутга туманида 2005 йилда 2298,1 киши, 2010 йилда 2175,5 киши га тўғри келиб, вилоятда энг юқори ўринда туради. Эндокрин касаллиги энг кўп учрайдиган шаҳар ва туманларга Кармана, Навбахор, Хатирчи туманлари ва Зарафшон шаҳри киради (3-расм).




Расм 3. Навоий вилоятида эндокрин касалликларининг ўзгариш динамикаси (хар 100 минг кишига нисбатан)

Навоий вилояти соглиқни сақлаши бошқармаси маълумотлари асосида тузилган

Вилоядада кейинги йиллар мобайнида аҳоли орасида энг кўп учрайдиган касалликлар қаторидан кенг ўрин олган турларидан яна бири хавфли ўсма касалликларидир. Бу касаллик турига чалинганлар сони вилоят бўйича 2005 йилда ҳар 100 минг кишига нисбатан 684,9 нафарни, 2006 йилда 661,4 нафарни, 2007 йилда 672,0 нафарни, 2008 йилда 609,7 нафарни, 2009 йилда 558,3 нафарни ва 2010 йилда 591,2 нафарни ташкил этган. Ушбу касалликка чалинганлар сони бўйича Навоий шаҳри, Навбаҳор, Нурота туманлари олдинги ўринларда туради.

Мутахассис онкологларнинг эътироф этишича ўсма касалликларнинг келиб чиқиши, хусусан, ўпка саратонининг ривожланиши бевосита атмосфера ҳавосининг канцероген моддалар билан ифлосланишига боғлиқлиги аниқланган. Бундан ташқари ўпка ўスマларининг кенг ривожланишида корхоналардан чиқадиган тутунлар, автотранспорт воситаларидан чиқадиган заҳарли ис газлари ва тамаки чекиши ҳам муҳим роль ўйнайди. Шунинг учун ҳам ўсма касалликлари агроландшафтлар ҳудудида яшайдиган аҳолига нисбатан саноатлашган шаҳар селитеб ландшафтлари доирасида яшайдиган аҳоли ўртасида кўпроқ учрайди (4-график).



Расм 4. Навоий вилоятида хавфли ўсма касалликларининг ўзгариш динамикаси (хар 100 минг кишига нисбатан)

Навоий вилояти соглиқни сақлаши бошқармаси маълумотлари асосида тузилган.

Ўсма касалликлари ташқи (экзоген) канцероген моддалардан ташқари инсон организмидаги ҳосил бўладиган ички (эндоген) канцероген моддалар таъсирида ҳам пайдо бўлиши ва ривожланиши мумкинлиги мутахассислар томонидан аниқланган. Бунга кўпинча организмда моддалар алмашинувининг бузилиши, йиллар мобайнида воҳа ландшафтларининг етакчи таркибий қисми бўлган агроландшафт комплекслари доирасида вужудга келган кескин геоэкологик шароитда етиштирилаётган озиқ-овқат маҳсулотларидан инсон организмидаги канцероген моддаларнинг ҳосил бўлиши ҳам сабаб бўлмоқда. Ҳатто экзоген ва эндоген канцероген моддалар плацента орқали ҳомилага таъсир этиши мумкинлиги ҳам исбот қилинган. Шунинг учун ҳам тиббиёт мутахассислари ҳозирги кунда ўスマларни келиб чиқиш сабабларини кўп омилли, яъни полеэтиологик жараёнлар деб қарайдилар.

Адабиётлар:

1. Абдулкосимов А., Равшанов А.Х. Ўрта Зарафшон ландшафтларида шаклланган антропоген касаллик ўчоқлари ва уларнинг географик оқибатлари // Табиатдан фойдаланиш ва муҳофаза қилишнинг географик асослари. – Наманган, 2010. – Б. 50-53.
2. Комилова Н.Қ., Солиев А.С. Тиббиёт географияси. – Тошкент: Истиқлол, 2005. – 160 б.
3. Малхазова С.М. Тенденции развития медицинской географии // Вестник МГУ. Серия 5. География, №2. – М., 2005. – С.28-35.
4. Равшанов А.Х. Ландшафтлар доирасида тиббий геоэкологик вазиятларни вужудга келтирувчи манбалар // Ўзбекистонда атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг долзарб масалалари.Илмий-амалий конференция материаллари. - Самарқанд - 2013. - 33-35 б.

Эгамбердиева М.М.*

ПОЙТАХТ ШАҲАРЛАР ИҚТИСОДИЙ ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ СИФАТИДА

Аннотация: ушбу мақолада пойтахт шаҳарлар иқтисодий географик тадқиқот объекти сифатида кўриб чиқилган. Унда пойтахтларнинг район ҳосил қилувчи роли ва фаолиятига тўхталиб ўтилади.

Таянч сўз ва иборалар: шаҳар, пойтахт шаҳар, маъмурий-сиёсий марказ, иқтисодий географик ўрин, иерархия.

Столицы как объект экономико-географического исследования

Аннотация: В этой статье рассматриваются столичные города как объект экономико-географического исследования, анализируется значение их столичных районаобразующих функций.

Ключевые слова: город, столичный город, административно-политический центр, экономико-географическое положение, иерархия.

Capital cities as an object of an economic and geographical study

Resume: This article discusses the capital city as the object of economic and geographical research, analyzed the value of their metropolitan area forming functions.

Key words: city, metropolitan city, administrative-political centre, economic-geographical situation, hierarchy.

Бугунги глобаллашув жараёнлари жадал тус олган даврда замонавий пойтахтлар молия, банк, кредит, суғурта, инновация ҳамда технологиялар маркази сифатида комплекс фаолият юритмоқда. Бинобарин, геоурбанистикада пойтахтларга нисбатан энг ҳаракатчан, дунё сиёсий картасида яққол кўзга ташланадиган, янгиликлар “диффузия” тарзидаги кенг тарқаладиган, иқтисодиёти кўп тармоқли бош марказ сифатида каралади.

Пойтахтлар мамлакатнинг асосий шаҳри, маъмурий-сиёсий маркази саналиб, одатда,

* Эгамбердиева М.М. – Ўзбекистон Миллий университети География кафедраси доцент в.б.

умуммиллий ҳукумат, парламент ва олий суд муассасалари (парламент) қароргоҳи ҳисобланади. Кўп ҳолларда пойтахтлар алоҳида бошқарув тартиби бўлган мустақил бирликка ажратилса, бошқаларида федерациянинг бирон-бир субъекти таркибига кирмайдиган маҳсус округда жойлашади. Аксарият мамлакатларда пойтахт қаерда бўлиши конституцияда кўрсатиб ўтилади. Чунончи, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 6-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг пойтахти - Тошкент шаҳри» эканлиги қайд этилган. Демак, бундай шаҳарларнинг бошқарув, яъни миллий пойтахт вазифаси унинг жаҳон ҳамжамияти ва геосиёсий тузилмасидаги ўрнини ифодалаб беради.

Пойтахтлар шаҳарлар иерархиясининг энг юқори поғонасида туради. Н.Н.Баранский таърифлаганидек, қўмондонлик ҳайъатида “қўмондон” функциясини бажарувчи шаҳарларнинг урбанистик ареал ёки район ҳосил қилиш (районга хизмат қилиш) салоҳияти юксак бўлади. Пойтахтлар атрофига йўлдош шаҳарларни тўплаб “агломерация ядроси” доирасида ўз муаммоларини ҳал этади. Улар ёпиқ тизим бўлмай, динамик ҳодиса сифатида, қўшни худудлар, шу жумладан йўлдош шаҳарлар билан доимий алоқада бўлади. Мазкур ҳолатда шаҳарлар таркибининг янги-оралиқ шаҳар ва шу каби манзиллар ҳисобига доимий кўпайиб бориши кузатилади. Бундай имконият пойтахтларда кучлироқ намоён бўлади.

Ушбу тоифа шаҳарларида аҳолининг ўзига хос яшаш типи вужудга келади. Бу ерда мамлакатнинг катта илмий-техник, геосиёсий ва иқтисодий - маданий қурдати, юксак интелектуал салоҳият, аҳоли, юқори малакали меҳнат ресурслари, миграция оқими ва ҳатто электорал маданият ҳам мужассамлашади.

Пойтахт шаҳарлар мамлакат шаҳарлар тўри ва тизимида асосий шаҳар ҳисобланади, аммо у фақат аҳоли сони ёки саноатнинг ривожланганлик даражаси каби мезонлар билан белгиланмайди. Чунки, бундай шаҳарларнинг асосий вазифаси сиёсий марказ, яъни маҳсус пойтахт функциясини бажариш, мамлакатни бошқариш, унинг сиёсий, илмий-техникавий, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ташкил этишдан иборатdir [4]. Дарҳақиқат, АҚШда соф пойтахт функциясини сақлаб қолиш мақсадида аҳоли сони кўп бўлмаган Вашингтон шаҳри танланган. Айни ҳолат пойтахтликка даъвогар Филадельфия ва Нью-Йорк шаҳарлари ўртасидаги рақобатга ҳам нукта қўйган.

Маълумки, дунё мамлакатлари орасида дастлабки даврдан муттасил равища пойтахти битта шаҳар бўлиб келганлари кам учрайди. Хусусан, XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошларига қадар жаҳоннинг 16 та давлати турли мақсадларда бош марказини алмаштирган. Бунга сабаб- геосиёсий ва иқтисодий функцияларнинг мужассамлашуви, суст ривожланаётган шаҳарларнинг тараққиётини кўтариш, сиёсий-харбий, миллий хавфсизликни кучайтириш, ноқулай табиий жараёнлардан муҳофаза қилиш ва бошқалар. Хусусан, ўтган асрда мамлакатнинг тарихий “ядро”си жойлашган эски пойтахтига қайтишга Германия, Яман, Черногория, Гвинея-Бисау сингари давлатлар қарор қилишган.

Шу билан бирга пойтахт мақомини олиш учун шаҳарларро рақобат ҳамон давом этмоқда. Бунинг оқибатида айрим давлатларда турли ихтисослашувга эга бир неча пойтахтлар шаклланади. Масалан “икки” дорул-салтанатли мамлакатларга Нидерландиядаги Амстердам-Гаага, Истроилда Тель-Авив-Иерусалим ёки Бенинда Порт-Ново-Катонни қайд этиш мумкин.

Пойтахт сўзи биргина маъмурий бошқарув марказини англатмайди; улар мамлакатнинг энг йирик шаҳри (бош черков маркази), шунингдек, ихтисослашуви, функционал типологияси нуқтаи назаридан ҳар хил мазмунга эга. Жумладан, Сочи Россиянинг ёзги-пойтахти, Великий Устюг-янги йил, Ульяновск-авиация, Пермь-маданий, Тольятти-автомобилсозлик ва.х.к.

Шаҳарлар иқтисодий ва ижтимоий географиянинг анъанавий тадқиқот обьекти ҳисобланади. Бироқ, Ўзбекистон ва МДҲ давлатларининг илмий изланишларида пойтахт шаҳарлар (ёки пойтахтлар гурухи) муаммоларига бағишлиланган йирик масштабли ишлар у қадар кўп эмас. Бош шаҳарларнинг ҳудудий тузилиши ва ички географиясини

ўрганишнинг амалий моҳияти, биринчидан, анъанавий иқтисодий географик тадқиқотларни социал географик изланишларга яқинлаштируса [4], иккинчидан, минтақалар шаҳарсозлигини лойиҳалаштириш ва уларни режалаштиришда этalon вазифасини ўташи билан аҳамиятлидир.

Мамлакат ёки районлар хўжалигининг ривожланганлик даражасини ўрганишни пойтахтлардан ҳам бошлаш мумкин. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, шаҳарларни иқтисодий географик жиҳатдан ўрганиш албатта ҳудуд билан, атроф жойлар билан боғлиқ ҳолда олиб борилиши керак. Г.М. Лаппонинг (1997) фикрича, шаҳарнинг атрофи билан ўзаро таъсирини ўрганиш ҳудудий ёндашувни тақозо қиласи, чунки бундай ёндашув шаҳарни ҳудуднинг хўжалик дифференциацияси натижаси ва омили сифатида таҳлил қилиш имконини беради. Ҳудудий ёндашувсиз шаҳарнинг моҳиятини, унинг нима сабабдан айнан шу ерда пайдо бўлгани, бажарадиган функцияларини, ривожланиш йўналишлари ва истиқболларини англаш қийин. Шу боис, шаҳарни унинг атроф ҳудудидан ажратган ҳолда ўрганиш ҳам, лойиҳалаштириш ҳам мумкин эмас. Бошқача қилиб айтганда, бу ерда тизим-таркиб тамойилига асосланади [4]. Тизимли ва комплекс ёндашув хусусан, маъмурий вазифаларни бажарувчи мамлакат ва вилоятлар учун муҳимдир.

Шаҳарларни иқтисодий географик тадқиқ этиш методологиясида пойтахт шаҳарларнинг ўзига хос муҳим хусусиятлари эътиборга олинади. Улар қўйидагилар: 1) шаҳарнинг ИГЎ категорияси ва унинг таъсир радиуси 2) пойтахт шаҳарнинг функционал типологияси ва маъмурий бошқарув вазифаси 3) шаҳарнинг замонавий ҳудудий ташкилий (район хосил қилувчи) жиҳатлари ва пойтахт функциясининг ўзаро алоқадорлиги 4) шаҳарларнинг ривожланиш муаммолари ва уларни бошқариш масалалари ва.б.

МДХ давлатлари шу жумладан, мамлакатимиз пойтахти- кўп функцияли марказ вазифасини бажаради. Мазкур шаҳарларнинг ўзига хос хусусияти маъмурий, социал, транспорт ва иқтисодий функцияларнинг уйғунлигига ўз аксини топади.

Дарҳақиқат, пойтахт шаҳарларни ўрганиш алоҳида илмий ёндашувни талаб этади. Н.Н.Баранский (1980) шаҳарларни иқтисодий ландшафтда муҳим ўзгаришлар бошланишининг “ўсиш нуқтаси” деб ёзади. Кўп функцияли, катта район ва ҳудудий ишлаб чиқариш мажмуаларини вужудга келтирувчи салоҳиятта эга бўлган бундай шаҳарларни иқтисодий географик жиҳатдан ўрганишда унинг генетик хусусиятлари, ўзига хос иқтисодий, социал, инвестиция муҳити сифатида шаклланишига, демографик ва экологик вазиятига ҳам эътибор бериш талаб этилади.

Шунингдек, кўпгина давлатларнинг минтақа ва муниципалитетларида пойтахт шаҳар ва унинг қиёфаси (архитектураси) тегишли дастур доирасида ҳал этилиб борилади. Хусусан, Россияда “Нижний Новгород-Поволжье пойтахти”, Екатеринбургда “Пойтахт” сингари бир неча босқичли лойиҳалар ишлаб чиқилган. Даструрдан мақсад шаҳарнинг ушбу мақомга мос, аҳоли ва меҳмонлар учун хавфсиз, қулай, гўзал масканга айлантиришдан иборат.

Пойтахт шаҳарларнинг кенгайиши ва умуман урбанизация жараёнлари ижтимоий-иктисодий ҳаётнинг бошқа жабҳалари қатори интенсив ва экстенсив тарзда амалга ошади. XIX асрдаёқ дунё пойтахтларида (Лондон) шаҳар ичida шаҳар - “сити”лар вужудга келганки, улар ҳозирда анъанавий (деловой центр) молиявий марказ, миллий банк, суғурта компаниялари, фонд ва товар биржалари, ултуржи бозор ҳамда трансмиллий компанияларнинг бош офислари саналади.

Экстенсив тарзда пойтахтлар майдони қўшни ҳудуд ҳисобидан кенгайиб боради. Ушбу йўналиш дастлабки шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва унинг ривожланиши учун хос бўлсада, кейинги йилларда мамлакатимиз пойтахти ва вилоят марказларида айни шундай ҳолат кузатилмоқда.

Шундай қилиб, пойтахт шаҳарларнинг ҳудуд иқтисодиётидаги аҳамияти улкан, сабаби, улар бутун мамлакат хўжалик тузилишини шакллантирувчи функцияни бажаради. Шу ўринда Н.Н.Баранскийнинг шаҳар-ўзига яқин районни тортувчи, шу билан бирга

район учун савдо, ишлаб чиқариш, қолаверса, маъмурий ва маданий вазифаларни бажарувчи марказ эканлигига доир сўзларини эътиборга олиш лозим. Бироқ, хозирги иқтисодий шароитда аксарият пойтахтлар асосий макроиктисодий кўрсаткичлар бўйича мамлакатдаги кейинги босқич шаҳарлардан анча илгарила бетган. Бундан ташқари, пойтахтларнинг ўз функцияларни қанчалик тўлиқ бажараётганлиги масаласи ҳам жуда муҳим.

Адабиётлар:

1. Город в контексте глобальных процессов // Под.ред. И.И.Абылгазиева, И.В.Ильина, Н.А.Слуки. - М., 2011. - 448 с.
2. Лучников А.С.Экономическая и социальная география России и мира. Политическая карта мира: учебное пособие. - Пермь, 2015. - 164 с.
3. Модернизационно-инновационные процессы в социально-экономическом развитии регионов и городов. - Екатеринбург: Изд-во Урал. гос. экон. ун-та, 2013. - 474 с.
4. Солиев.А.С., Қаршибоева Л.Қ. Ижтимоий ва иқтисодий географиянинг долзарб масалалари. – Гулистон: Гулистон Давлат Университети. 1999. - 112 б.

Ражабов Ф.Т.*

КИЧИК ҲУДУДЛАРДА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИНГ ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ (ШАХРИСАБЗ ТУМАНИ МИСОЛИДА)

Аннотация: мақола Шахрисабз тумани фермер хўжаликлари ривожланиши ва ихтисослашувига бағишланган. Фермер хўжаликлари ер майдонлари ва уларнинг ихтисослашуви ўртасидаги боғлиқлик таҳлил этилган.

Калим сўзлар: туман, фермер хўжаликлари, ер майдони, гуруҳлаштириш, ихтисослашув, пахтачилик, фаллачилик, боғдорчилик.

Особенности формирование фермерских хозяйств малых территорий (на примере Шахрисабзского тумана)

Резюме: статья посвящено развитию и специализации фермерских хозяйств Шахрисабзского района. Анализируется корреляционная связь между размерами земельной площадь и специализации фермерских хозяйств.

Ключевые слова: район, фермерские хозяйства, площадь земель, группировка, специализация, хлопководство, зерноводство, садоводство.

Features of the formation of farms in small areas (in example of Shahrисабз district)

Summary: The article is devoted to the development and specialization of farms Shahrисабз district. We analyze the correlation between the size of the land area and the specialization of farms.

Key words: area, farms, land area, group, specialty, cotton, grain, horticulture.

Қишлоқ туманлари иқтисодиётида аграр тармоқ, хусусан, фермерчиликнинг ривожланиши муҳим аҳамият касб этади. Ушбу мулкчилик шакли, энг аввало, туманларнинг табиий ва ижтимоий-иктисодий хусусиятлари асосида шаклланади. Қашқадарё вилоятида 2015 йилда жами 9463 та фермер хўжаликлари фаолият олиб борган бўлса, унинг 10,8 фоизи ёки мингдан ортифи тоғ ва тоғ олди худудларида жойлашган Шахрисабз туманида рўйхатга олинган. Шунингдек, вилоятда фермер хўжаликларига бириктирилган жами ер майдонининг 4,0 фоизи ҳам мазкур туман ҳиссасига тўғри келади.

Мамлакатимизда дастлабки ташкил этилган фермер хўжаликлари асосан захира ерларда, меҳнат ресурслари етишмайдиган ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг кам унумли худудларида шакллантирилганлиги боис, Шахрисабз туманида бундай хўжаликлар фаолиятини йўлга кўйиш борасидаги амалий ҳаракатлар нисбатан кеч бошланди. Масалан, бу ерда 1995 йилда атиги 74 та фермер хўжаликлари мавжуд бўлгани ҳолда, ушбу кўрсаткич орадан беш йил ўтиб 100 тага етган, холос. Туманда колхоз ва

*Ражабов Фурқат Тўракулович – ЎзМУ География кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси.

совхозлар негизида фермер хўжаликларини кенг миқёсда таркиб топтириш асосан 2000 йилдан кейин содир бўлди. Чунончи, 2005 йилда уларнинг сони 845 тага ортган ва бу жараён давом этиб, 2007-2008 йилларда мингдан ортиб кетган.

Таъкидлаш жоизки, Республика Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги Ф-3077-сонли “Фермер хўжаликлари фаолиятини юритишида ер участкалари миқдорини мақбуллаштириш (оптималлаштириш) чораларини кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиши бўйича маҳсус комиссия ташкил этиш тўғрисида”ги фармойишининг амалга оширилиши натижасида мамлакатнинг бошқа худудлари сингари Шахрисабз туманида ҳам фермер хўжаликларининг ўртача ҳажми кенгайтирилди ва шу сабабли уларнинг сони 2010 йилда икки баробарга қисқарди (485 та). Бироқ, сўнгги йилларда йирик хўжаликларда қарздорликнинг ортиши ва бу соҳада аҳоли бандлигининг пасайиши фермерлар ер майдонларини қайта тузиш зарурлигини кўрсатди. Шу боис, республикада, шунинг баробарида, туманда ҳам мазкур мулкчилик шаклининг миқдори 10 йил олдинги даражага етди, яъни 2016 йил 1 январь холатига кўра 1019 тага тенг бўлди.

Статистик маълумотлар таҳлили Шахрисабз тумани фермерлари ихтиёридаги жами ер майдони ўтган давр мобайнида муттасил кўпайишда давом этганлигини кўрсатади. Бундай ерлар 1995 йил 1,4 минг га, 2000 йил 2,5 минг га, 2005 йил 13,3 ва 2010 йил 25,5 минг гектарни ташкил этгани ҳолда, у 2015 йил 29,2 минг гектарга етди. Ушбу жараён асосан жамоа ва ширкат хўжаликларини тугатилиши оқибатида рўй берган. Шу билан бирга, туманда бир фермер хўжалигига бириктирилган ўртача ер майдони ҳам турли йилларда аграр ислоҳотлар туфайли ҳар хил кўрсаткич касб этган. Масалан, у 2000 йилда 25,0 гектардан 2010 йилда 52,0 гектаргacha ўзгарган. Энг юқори кўрсаткичлар 2012-2013 йилларда кузатилган – 98,4 га. Бироқ, охирги икки йилда хўжаликларнинг ўртача ҳажми кескин қисқарган, яъни 2015 йилда бир фермер ўртача 28,7 га ерга фаолият олиб борган.

Туманда фермер хўжаликларига бириктирилган жами ер ресурсларининг 64,2 фоизи, яъни 18,7 минг гетари экин майдонлари, 16,0 фоизи яйловлар ва 13,6 фоизи кўп йиллик дараҳтзорлар сирасига киради. Қолган қисмини сув ва йўл ости ерлари, қишлоқ хўжалигига фойдаланимайдиган ерлар ҳамда қурилишлар ўрни (шийпон, молхона ва бошк.) банд этади. Жами экин майдонларининг $\frac{3}{4}$ қисмидан ортифи суғориладиган, 22,7 фоизи эса лалмикор ерлар ҳисобланади.



Расм 1. Шахрисабз тумани фермер хўжаликларига бириктирилган ер ресурслари динамикаси

Расм Шахрисабз тумани статистика бўлими маълумотлари асосида тузилди.

Экин ерлари қишлоқ хўжалиги тармоқларига турлича бириктирилган бўлиб, бу борада пахта-ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари етакчи ўрин тутади (76,6 %). Чорвачилик ва сабзавот-полизчиликнинг ҳам улуши юқори (мос равиша, 11,0 ва 9,4 %). Шунингдек, бошқа тармоқлар орасида боғдорчиликнинг салмоғи сезиларли даражада. Баҳорикор ер ресурсларининг фойдаланишда ғаллачилик хўжаликлари алоҳида аҳамиятга

эга, улар ихтиёрига бундай ерларнинг $\frac{3}{4}$ қисми бириктирилган.

Жадвал

Шахрисабз тумани фермер хўжаликларининг ер майдони бўйича гурухланиши

Гурух	Ер майдони, га	Фермер хўжаликлари сони, бирлик	Жамига нисбатан улуши, %	Ихтисослашган тармоғи
I	0,1-5,0	169	16,6	Балиқчилик, паррандачилик, интенсив боғдорчилик, тутчилик, сабзавотчилик
II	5,1-10,0	252	24,7	Боғдорчилик, узумчилик, сабзавотчилик, кўччатчилик, чорвачилик
III	10,1-20,0	242	23,8	Полизчилик, сабзавотчилик, боғдорчилик, узумчилик, фаллачилик, асаларичилик
IV	20,1-40,0	143	14,0	Фаллачилик, узумчилик, чорвачилик-боғдорчилик, пахта-фаллачилик
V	40,1-60,0	84	8,2	Пахта-фалла-чорвачилик, пахта-фаллачилик, чорвачилик
VI	60,1-80,0	67	6,6	Пахта-фаллачилик, чорвачилик
VII	80,1-100,0	25	2,5	Фаллачилик, пахта-фаллачилик
VIII	100,0 гектардан ортиқ	37	3,6	Фаллачилик (баҳорикор), пахта-фаллачилик, чорвачилик


Жадвал Шахрисабз тумани статистика бўлими маълумотлари асосида тузилди.

Айтиш жоизки, 2015 йилда туман фермер хўжаликлирида банд бўлган жами 16,5 минг ишчиларнинг асосий қисми (63,0 %) пахта-фаллачиликка, чорвачиликка (19,4 %) ва фаллачиликка (7,4 %) ихтисослашган хўжаликларда фаолият олиб боришган. Бир хўжаликка банд аҳоли тармоқлар даражасида таҳлил қилинганда ҳам пахта-фаллачилик йўналишидаги фермерлар ажралиб туради (50 киши).

Қолаверса, бу борада чорвачилик ва паррандачиликнинг ҳам аҳамияти юқори (мос ҳолда, 38 ва 21 киши). Бироқ, сабзавот-полизчилик, асаларичилик ва балиқчиликда меҳнат ресурсларидан фойдаланиш даражаси пастроқ (3-5 киши). Этиборлиси шундаки, келажақда туман фермер хўжаликларини ёппасига ихтисослаштириш назарда тутилаётган боғдорчилик ва узумчилик тармоқларининг аҳоли бандлигини оширишдаги салмоғи жуда паст (1-2 киши).

Туман фермер хўжаликлари ер майдонига кўра гурухлаштирилганда уларнинг асосий қисми кичик (майда) хўжаликлар эканлиги кўзга ташланди. Хусусан, беш гектаргача ерга эгалик қилаётган фермерлар жами хўжаликларнинг 16,6 фоизини, ихтиёрида 5,1-10 ва 10,1-20 гектар ер ресурслари мавжуд бўлганлари эса деярли ярмини ташкил этмоқда. Ер миқдори 20,1-40 гектаргача бўлган фермерларнинг ҳам улуши сезиларли даражада – 14,0 %. Такидлаш жоизки, 40,1-60 ва 60,1-80 гектарли фермерлар нисбатан кам сонли бўлса-да (мос равишда, 84 ва 67 та), ўртacha ер ҳажмининг катталиги боис, уларнинг умумий ер салмоғидаги улуши юқоридаги гурух фермер хўжаликларидан кам эмас.

Туманда 100 гектардан ортиқ ер майдони бириктирилган 37 та хўжалик мавжуд, эътиборлиси уларнинг иккитаси 500 гектардан кўпроқ ерга эгалик қиласи. Улар тоғ этакларида (Амир Темур ҚФЙ да) жойлашган Пардаев Ферузбек Рахимович (563,7 га) ва Мухиддин ўғли Аслиддин (661,5 га) номли фермер хўжаликларидир. Ушбу тоифадаги хўжаликлар ер майдонининг 90 фоизига яқини яйловлар, қолган қисми эса лалмикор ерлардан иборат ва, табиийки, бу хўжаликлар яйлов чорвачилиги ва баҳорикор фаллачиликка ихтисослашган.



Расм 2. Шахрисабз тумани фермер хўжаликлари ихтисослашуви, жамига нисбатан фоизда

Энг муҳими, ер майдонларининг ҳажми хўжаликларнинг ихтисослашувини яққол намоён этади. Масалан, кичик хўжаликлар балиқчилик, паррандачилик, интенсив боғдорчилик ва сабзавотчиликка ихтисолашган бўлса, иккинчи гурух хўжаликлари асосан боғдорчилик, узумчилик, чорвачилик ва кўчатчиликка йўналтирилганлиги билан ажралиб туради. Учинчи гурух таркибига кирувчи фермерлар эса полиз, сабзавот, мева, узум билан бирга кисман ғалла маҳсулотлари ҳам етиширадилар. Тўртинчи ва бешинчи гурухда пахта, ғалла ва чорвачиликка ихтисослашган хўжаликлар устунликка эга, олтинчи ва ундан кейинги гурух хўжаликлари пахта-ғаллачилик ва баҳорикор ғаллачиликка йўналтирилганлиги билан эътиборлидир. Шу ўринда айтиш мумкинки, ғалла асосан 20 гектардан зиёд ер майдонига эга бўлган деярли барча хўжаликларда етиширилса, пахта кўпроқ 40-80 гектарли хўжаликларда экиласди (жадвалга қаранг).

Умуман олганда, Қашқадарё вилояти фермер хўжаликларининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихтисослашуvinинг энг катта улуши, яъни $\frac{3}{4}$ қисми пахтачилик ва ғаллачиликка тўғри келади. Дехқончиликнинг ушбу стратегик тармоқлари давлат буюртмаси асосида маҳсулот яратади ва бу жараён уларнинг ихтисослашувида ҳам сезилади. Боғдорчилик ва узумчиликка 15,9, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришга фермер хўжаликлари 5,8 фоизи ихтисослаштирилган.

Бироқ, Шахрисабз тумани тоғ ва тоғ олди худудларида жойлашганлиги сабабли фермер хўжаликлари ихтисослашуви вилоятдан бироз фарқли равишда, биринчи ўринни боғдорчилик ва узумчилик хўжаликлари эгаллади. Уларнинг ҳиссаси бу борада 25,2 %. Кейинги ўрин пахта-ғаллачилик мос келади – 20,5 %. Таҳлиллардан кўриниб турибдики, қишлоқ хўжалигининг ушбу тармоқларига туман жами фермер хўжаликларининг деярли ярми ихтисослашган. Шу билан бирга, туманда вилоятга нисбатан сабзавот-полизчиликка, чорвачиликка ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларининг саломғи кўпроқ (мос ҳолда, 17,0; 8,2 ва 8,1 %). Сабзавотчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари Шахрисабз шахри атрофида кўпроқ жойлашган, боғдорчилик ва, айниқса, узумчиликка йўналтирилган хўжаликлар эса асосан тоғ олди худудларида ташкил этилган.

**Халмирзаев А.А, Эгамбердиева У.Т.*
ЎЗБЕКИСТОНДА КИЧИК БИЗНЕС ВА ХУСУСИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ
РИВОЖЛANIШИНИ ХУДУДИЙ ЖИҲАТЛАРИ**

Аннотация: Мақолада Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишини худудий жиҳатлари таҳлил этилади.

Калим сўзлар: кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, бандлик, иш ўринлари, ички бозор, ташқи бозор, бозор конъюнктураси, ташқи иқтисодий фаолият, экспорт, импорт

**Территориальные аспекты развития малого бизнеса и частного
предпринимательства в Республике Узбекистан**

Аннотация: В статье рассматриваются территориальные аспекты развития малого бизнеса и частного предпринимательства в Республике Узбекистан

Ключевые слова: малый бизнес, частное предпринимательство, занятость, рабочие места, внутренний рынок, внешний рынок, рыночная конъюнктура, внешнеэкономическая деятельность, экспорт, импорт

**Territorial aspects of development of small business and private entrepreneurship in
Republic of Uzbekistan**

Resume: This article examines territorial aspects of development of small business and private entrepreneurship in Republic of Uzbekistan.

Key words: small business, private entrepreneurship, employment, working places, internal market, external market, market trends, foreign economic activities, export, import.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик(КБХТ)нинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги роли катта, яъни КБХТ субъектлари аҳолининг барча қатламлари ва ишлаб чиқариш эҳтиёжларини ўз вақтида қондиради; мамлакат ички бозорини товар ва хизматлар билан тўлдиради; янги иш жойларини ташкил этиб, аҳолини иш билан бандлик даражасини кўтаради, барқарор ва мутаносиб иқтисодий ўсишни таъминлайди, товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш сифати ва даражасини оширади, бозор конъюнктураси талабларига тез мослашади, ташқи бозорга чиқиш имкониятлари юқори бўлади ва бошқалар.

Ўзбекистонда КБХТ субъектлари ривожланишида ижобий тенденциялар кузатилмоқда. Соҳа фаолиятини яхшилаш бўйича тизимли тадбирлар ишлаб чиқилди. Кулай ишбилармонлик муҳитини яратиш имконини берувчи хукуқий хужжатлар такомиллаштирилди. Кичик бизнесни жадал ривожланиши учун қулай ташкилий-иқтисодий имкониятлар яратилди. Мулкни, ер участкаларини ажратиш ва расмийлаштиришни тезлаштириш, курилиш учун рухсатномалар олиш, электр тармоқларига уланишда енгиллик берувчи “бир дарча” тамоилии ривожланди. Кичик бизнес субъектларини ташқи иқтисодий фаолияти ва ташқи иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш мақсадида махсус фонд ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикасида КБХТни жадал ривожлантириш имкониятлари катта. Бунинг учун хукуқий, иқтисодий, молиявий, инвестициявий ва бошқа шарт-шароитлар яратилган. Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чоратадбирлари тўғрисида”ти ПФ-4725-сонли Фармони бу борада янги имкониятларни очиб берди.

Ҳар қандай мамлакатда кичик бизнесни ривожланганликдаражасини кўрсатадиган мухим тўрт кўрсаткич мавжуд: кичик бизнеснинг мамлакат ЯИМидаги, аҳоли бандлигидагиулуши, рақобат шароитида яшаб кетиши даражаси ва мамлакат ташқи

*Халмирзаев Аҳмаджан Ахунович - ЎзМУ “Минтақавий иқтисодиёт ва менежмент” кафедраси мудири, г.ф.н., доцент. E-mail: ahmadjon59@mail.ru;

Эгамбердиева Умриниса Турсунқуловна - ЎзМУ “География” кафедраси катта ўқитувчиси.

иқтисодий айланмасидаги салмоғи ҳисобланади.

КБХТнинг иқтисодиётнинг асосий тармоқларидағи улуши ҳам ўзгариб бормоқда. КБХТни тармоқ хусусиятларини таҳлил этилиши, уни истиқболда ривожлантириш борасидаги илмий асосланган башоратларини ишлаб чиқиш, муаммоларини аниқлаш ва имкониятларидан самараали фойдаланиш учун асос бўлади.

2014 йил маълумотлари КБХТ субъектларининг салмоғи қишлоқ ҳўжалиги (98,3%), савдо (86,3%), йўловчи ташиш (85,2%) ва бандлик (77,6%)да юқорилиги билан тавсифланади. Аксинча, саноат (31,7%), экспорт (25,9%) ва инвестициялардаги салмоғи (35,4%) нинг нисбатан камлиги кўринади. Буларнинг барчаси саноат, инвестициялар, пуллик хизматлар, юқ ташиш, мамлакат экспортини оширишда КБХТнинг ролини жадал оширишнинг долзарб вазифалардан эканлигини кўрсатади.

Статистик маълумотлар КБХТнинг ЯИМдаги улуши йилдан йилга ортиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Агар 2000 йилда ушбу кўрсаткич 31 фоизни ташкил этган бўлса, 2015 йилга келиб, 56,7 фоизга етди. Худудлар бўйича бу кўрсаткичлар ўртасида жиддий фарқлар мавжуд. Тадқиқотларимиз, КБХТнинг ЯҲМдаги улуши энг юқори бўлган худудлар сирасига Жиззах (79,9%), Наманган (79,7%), Самарқанд (74,4%) ва Сурхандарё (74,5%) вилоятлари, нисбатан кам улушга эга бўлган худудлари сирасига Навоий (36,9%), Қашқадарё (51,5%) вилоятлари ва Тошкент ш. (55,9%) киришини кўрсатмоқда.

Фикримизча, мамлакатимизда КБХТни ривожлантириш учун қулай имкониятлар яратилган, поссоциалистик макондаги мамлакатлар хавас қилса ва ўрнак олса арзийдиган қонунчилик асослари мавжуд, солиқ ва кредит имтиёзлари берилган, уларни рўйхатта олиш ва тугатишнинг маъқул ва қулай механизми шакллантирилган. Аммо КБХТнинг ЯҲМдаги салмоғи ўртасида жиддий худудий фарқларнинг мавжудлиги кузатилади.

Бизнингча, бунга қуйидагилар сабаб бўлади: худудлар табиий иқлим шароити ва ресурслари таъминоти ўртасидаги фарқларнинг мавжудлиги, худуд ишлаб чиқариши ва ҳўжалиги ихтисослашувини ҳамда иқтисодиёт тармоқ таркибининг ўзига хослиги, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма тармоқлари билан таъминланганлик даражаси ва бошқалар.

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, КБХТнинг саноат тармоқларидағи салмоғи етарли даражада (31,7%) эмас. Аммо унинг худудий хусусиятларини таҳлил этганимизда соҳада имкониятларнинг катталигини кўрамиз. Масалан, Тошкент ш., Наманган, Самарқанд ва Жиззах вилоятларида КБХТнинг саноат ишлаб чиқаришидаги салмоғи мос равища 68; 55,6; 45,3 ва 42,5 фоиз, Навоий, Қашқадарё ва Андижон вилоятларида ушбу кўрсаткичларнинг 10,1; 16,6 ва 17,1 фоиз эканлиги кўринади. Демак, саноатда КБХТ салмоғи юқори бўлган худудларни хусусиятлари ва имкониятларини ўрганиш ва уни бошқа худудларни ривожлантириш амалиётига жалб этиш зарур.

КБХТ субъектларини қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқаришидаги салмоғи жуда юқори. Бу тармоқнинг ишлаб чиқариш жараёнлари хусусиятлари ва аҳолининг ҳўжалик фаолияти анъаналарига узвий боғлиқ бўлдаи.

Бугунги кунда аҳолини иш билан таъминлашда КБХТнинг роли жуда катта. Аҳоли бандлигинининг 77 фоизишу соҳа ҳисобига таъминланади. Агар унинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича таҳлил қиласиган бўлсак, қуйидаги ҳолатлар кузатилади: саноатда бандларнинг 32,4 фоизи КБХТда фаолият кўрсатади, худди шу кўрсаткич қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, транспорт ва алоқа, савдо, умумий овқатланиш, тайёрлов, уй-жой ҳўжалиги, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва ижтимоий таъминотда, таълим, маданият, санъат, фан, молия, кредит, сургута ва пенсия таъминотида мос равища 6,2; 16,5; 5,9; 26,4; 2,2; 2,5; 1,0 ва 0,2 фоизни ташкил этади.

Фикримизча, КБХТнинг бандликдаги салмоғи паст бўлган тармоқларда бандлик бўйича худудий ва тармоқ дастурларини ишлаб чиқишида ана шу хусусиятларни эътиборга олиш, мавжуд муаммони ҳал қилишнинг илмий асосланган йўлларини ишлаб чиқиш лозим бўлади.

КБХТни ривожланганлик даражасини кўрсатадиган муҳим кўрсаткичлардан бирор ўйхатдан ўтган корхоналарни рақобат шароитида “яшаб кетиш” даражасидир. Хорижий мамлакатларнинг тажрибаларига кўра, биринчи йил янги ташкил этилган корхоналарни 40 фоизи, иккинчи йил эса 85 фоизи рақобат шароитига мослаша олмасдан таназзулга учраб кетар экан. Ўзбекистонда ушбу кўрсаткичнинг ўзига хослиги кузатилади. Яъни, жами рўйхатдан ўтган корхоналарнинг 92,8 фоизи фаолият кўрсатмоқда. Демак, бу ҳолат мамлакатимизда бизнес учун катта имкониятларни яратилганлиги ва қулайликларни мавжудлигини кўрсатади.

КБХТ субъектларининг ташкил иқтисодий фаолияти жадаллашиб бормоқда. 2014 йилда кичик бизнес субъектлари томонидан 3661,9 млн. АҚШ долл. ҳамжидаги товар (хизматлар) экспорт қилинди, ушбу кўрсаткич мамлакат жами экспортнинг 26 фоизини ташкил этган бўлса, 2013 йилдагига нисбатан 7 фоизга кўп бўлди. Кичик корхоналарнинг экспортдаги улуши эса 2013 йилдаги 40,6 фоиз ўрнига 2014 йилда 45,3 фоизга ортди ва 6328,6 млн. АҚШ долл. ташкил этди.

2015 йилнинг октябрь ойида Жаҳон банки «Бизнес юритиш» рейтингини эълон қилди. Ана шу рейтингда Ўзбекистон факат бир йилнинг ўзида 16 погонага кўтарилиб, 87-ўринни эгаллади.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, «янги бизнесни қўллаб-қувватлаш» деб аталағидан мезон бўйича мамлакатимиз айни пайтда жаҳонда 42-ўринни, тузилган шартномалар ижросини таъминлаш бўйича 32-ўринни, иқтисодий ночор корхоналарга нисбатан қўлланадиган банкротлик тизимининг самарадорлиги бўйича 75-ўринни эгаллаб турибди. «Кичик бизнес субъектларига кредит бериш» деб номланадиган кўрсаткич бўйича Ўзбекистон сўнгги уч йилда 154-ўриндан 42-ўринга кўтарилиди ва ўтган йилнинг ўзида рейтингини 63 позицияга яхшилади.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда КБХТни жадал ривожлантириш имкониятлари катта. Бу эса ўз навбатида қўйидаги тадбирларни амалга оширишга узвий боғлиқ бўлади: КБХТни ЯИМдаги салмоғини саноати ривожланган мамлакатлар даражасига олиб чиқиш; КБХТсубъектларини ЯҲМдаги салмоғи ўртасидаги худудий фарқларни камайтириш; унинг саноат ишлаб чиқаришидаги, айниқса қайта ишлаш саноатидаги ва ташки садо айланмасидаги салмоғини янада ошириш ва хоказолар.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 15 майдаги “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4725-сонли Фармони.

2. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суратлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. – Т.: Ўзбекистон, 2014.

3. Каримов И.А. Асосий вазифамиз-жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. – Т.: Ўзбекистон, 2015.

4. Ўзбекистонда кичик тадбиркорлик. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика қўмитаси, 2014.

5. Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг мустақиллик йилларидаги (1991-2011 йиллар) асосий тенденциялар ва кўрсаткичлари ҳамда 2012-2015 йилларга мўлжалланган прогнозлари. – Т.: Ўзбекистон, 2013.

Рўзметов Д.Р.*

ЎЗБЕКИСТОН АХОЛИСИННИНГ ТАБИЙ ҲАРАКАТИ ВА ИЖТИМОИЙ РИВОЖЛANIШИННИНГ АЙРИМ ЖИҲАТЛАРИ

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон аҳолисининг мустақиллик йилларида табиий ҳаракати ва ижтимоий ривожланишининг умумий жиҳатлари тавғифланган

Калим сўзлар: аҳоли табиий ҳаракат, социал ривожланиш, ЯИМ, саноат, аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари, макроиқтисодий кўрсакичлар

Некоторые аспекты естественного движения и социального развития населения Узбекистана

Аннотация: В статье анализировано естественное движение населения и общие черты социального развития Узбекистана

Ключевые слова: естественное движения населения, социальная развития, ВВП, промышленность, сферы обслуживание населения, макроэкономические показатели

Some aspects of the natural movement of the population and social development of Uzbekistan

Annotation: The article analyzing the natural movement of the population and the general features of social development of Uzbekistan

Key words: the natural movement of the population, social development, GDP, industry, the sphere of services to the population, macroeconomic indicators

XX аср 90-йиллар бошида Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритиб Президент И.Каримов бошлигига бозор муносабатларига асосланган жамият қуриш йўли танланди ва ўзбек халқи менталитети ижтимоий ривожланиши хусусиятлари ва республика иқтисодиётнинг айни вақтдаги ҳолатидан келиб чиқиб босқичма-босқич ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилди. Бешта тамойил асос қилиб олинган ривожланиш стратегиясида аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш илгари сурилди. Аҳолини жаҳон стандартларига жавоб берадиган кенг халқ истеъмол моллари билан таъминлаш, яшаш шароитини яхшилаш, аҳоли саломатлиги ва у билан боғлиқ бўлган малакали тиббий хизмат кўрсатиш тизимини шакллантириш ва бошқалар ижтимоий ривожланиш тамойилини асосини ташкил этди.

XX асрнинг 80-йиллари охирида Ўзбекистонда сабиқ Иттифоқ доирасида марказни қатор саноат ва қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашга ихтисослашган иқтисодиёт шаклланган эди. Сабиқ Иттифоқ парчаланиши “Темир парда” ичидағи горизонтал иқтисодий алоқаларнинг узилишига ва иқтисодий инқирозни юзага келтирди. Постсовет мамлакатлари орасида Ўзбекистон биринчи бўлиб 1997 йилда иқтисодий барқарорликка эришди ва хўжалик ишлаб чиқариш ҳажми инқироздан олдинги даражага эришди. 2002 йилдан эса республикада барча соҳаларда юқори даражали ўсиш суръати кузатила бошлади ва ЯИМ нинг йиллик ўсиши 7-8 фоизни ташкил эта бошлади.

Бозор муносабатларига ўтиш республикада нафакат иқтисодий муносабатларда, балки аҳолининг социал ривожланишида ҳам ўзгаришлар ясади. «Темир парданинг» тушиши ва Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатнинг мустақил субъектига айланиши ҳамда қисқа муддатда жаҳоннинг аксар мамлакатлари билан эркин сиёсий, иқтисодий-ижтимоий ва маданий алоқаларнинг ўрнатилиши натижасида турли социал-иктисодий амалиётлар кириб келди. Хусусан, хусусий мулкчиликка кенг эшик очилди, сабиқ Шўро давридаги боқимандалик кайфиятига аста-секинлик билан барҳам берила бошланди.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида Ўзбекистон аҳолисининг демографик ривожланишида маълум ўзгаришлар рўй берди. Жумладан туғилиш, ўлим кўрсаткичлари XX асрнинг 80-йилларига нисбатан пасайди.


Ўтган аср 90-йиллари бошида туғилиш кўрсаткичи, хар минг киши хисобига, 33,5 промиллени ташкил этган бўлса, 2013 йилда ушбу кўрсаткич 21,0-22,0 га тушиб қолди.

* Рўзметов Д.Р. – Урганч давлат университети “География” кафедраси доценти, г.ф.н.

Бунга мос ҳолда табиий кўпайиш ҳам 27,0-28,0 промилледан 16,0-17,0 гача пасайди (расм) ёки 1990-2014 йиллар оралиғида туғилиш ва табиий кўпайиш деярли икки маротаба камайди. Айни вақтда, аҳоли сонининг ўсишига аввалги сиёсий тузимнинг барҳам топиши ва бошқа қатор омиллар таъсирида ташқи миграциянинг ортиб бориши ҳам салбий таъсир кўрсатди.

Республикада бозор иқтисодиёти шароитида доимий манфий миграция сальдоси кузатилмоқда. Масалан, 1994 йилда 141,0 минг, 2000 йилда 89,3 минг, 2012 йилда 40,9 минг киши манфий миграция қолдиги кузатилди.¹

Ўтган асрнинг сўнгги ўн йиллигига ташқи миграция сальдосининг манфий бўлиши асосан собиқ Иттифоқ даврида турли сабаблар билан республикага келиб қолган бошқа миллатларнинг кўчиб кетиши билан боғлиқдир. Масалан, қрим татарлари, месхети турклар, яхудийлар, руслар ва бошқа европа миллатлари вакилларининг кўчиб кетиши ҳоллари кўпайди. XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигига Марказий Осиё миқёсида туб аҳолининг (қозоқлар) миграцияси жиҳатлар кузатилса-да ижтимоий-иктисодий омиллар асосий ўрин тутади.



Расм. Ўзбекистон аҳолиси табиий ҳаракати динамикаси (промилле)

Расм статистик маълумотлар асосида муаллиф томонидан тузилган.

Аҳоли туғилишининг пасайиши ва эмиграция сабабли мустақиллик йилларида республикада аҳоли сонининг ўсиш суръати анча пасайиб кетди. Аҳоли сони 2014 йилда (30,5 млн.) 1989 йилга (19,78 млн.) нисбатан (себидан Иттифоқда сўнгги аҳоли рўйхати ўтказилган йилга нисбатан) 154,2 фоизга ўсади. Юқоридаги 25 йил ичидаги аҳоли сонининг ўртacha ўсиши 2,17 фоизни ташкил этиб, унинг умумий миқдори 30,5 млн. кишига етди. Таққослаш учун келтириш керакки, ушбу кўрсаткич 1980-1990 йиллар оралиғида 2,8 фоизни ҳосил этган.

Аҳоли табиий ҳаракатининг сустлашуви оиласарнинг ўртacha катталигига ҳам таъсир ўтказди. Ўтган асрнинг ўрталарида оиласарнинг катталиги 9-10, 70-80 йилларда 6-7 ни ташкил этган бўлса ҳозирда у 4-5 кишини ташкил этмоқда. Мустақиллик йилларида туғилиб такрор барпо бўлиш жараённида қатнашишга киришган авлодда у 3-4 бўлиши кутилмоқда. Аҳоли табиий ҳаракатининг ушбу кўрсаткичлари яқин келажакда Ўзбекистоннинг демографик ўтиш босқичида турганлигидан далолат беради.

Аҳоли табиий ҳаракатидаги ушбу ўзгаришлар республикада иқтисодий муҳитнинг ўзгарганлиги билан боғлиқдир. Ўтган асрнинг 90-йилларида иқтисодий инқироз ҳамда аста-секинлик билан илгариги бокиманда тизим ва кайфиятнинг йўқола бориши, оммавий маданиятнинг таъсири ҳам маълум даражада оиласавий қадриятлар ҳақидаги шарқона қарашларнинг ўзгаришига олиб келди.

¹ Солиев А.С. Ўзбекистон географияси. - Т.: Ўзбекистон, 2014. - Б. 29.

Иқтисодий механизмларнинг аҳоли табиий ҳаракатига кучли таъсирини Ўзбекистоннинг 2000 йиллар бошидан баракарор ривожлана бошлаган давридаги таҳлиллардан кўрса бўлади. Ушбу даврда аҳоли табиий кўпайиши барқарорлашди, йиллик ўртача табиий ўсиши 1,6-1,7 фоизни ташкил этди. Айни вақтда, баракарор иқтисодий ва ижтимоий сиёсат аҳоли ўртасида ўлимнинг пасайиши ҳамда аҳоли ўртача ёшининг ўсишига олиб келди. Хусусан, иқтисодий фаровонлик даражасининг ошишиши, тиббий хизмат соҳасида ўтказилган ислоҳотлар мамлакатда аҳоли саломатлигини янада яхшиланиши, ўлим кўрсаткичларининг пасайиши ҳамда аҳолининг ўртача ёшининг кўтарилишига олиб келди. Республикада ўтган асрнинг 90 йиллари бошида эркакларнинг ўртача ёши 69, аёлларники 71 ни ташкил этган бўлса 2014 йилга келиб у мос равишда 71 ва 73 ёшга кўтарилди.

Ўзбекистонда марказ периферия ўртасидаги фарқларни камайтириш, ҳудудлар иқтисодий салоҳиятини оширишга қаратилган дастурлар амалга ошириш баробарида аҳоли ва унинг турли қатламлари ижтимоий-иктисодий шароитни янада яхшилаш қаратилган йиллик дастурлар ҳам амалга оширилмоқда. Масалан, 2016 йил республика раҳбарияти томонидан “Соғлом она, соғлом бола” йили деб эълон қилинди.

Республикада иқтисодиётни модернизациялаш ва саноат ишлаб чиқаришни ривожлантириш борасида жадал ишлаб олиб борилмоқда. Шу боис республикада ЯИМ ҳар йили 7-8, саноат ишлаб чиқариши 7-8, қишлоқ хўжалиги 6-7, асосий капиталга сармоя киритиш 9-10, курилиш ишлари 15-20 фоизга ўсмокда (жадвал).

Жадвал

2014 йилда Ўзбекистон макроиктисодий ривожланишининг айрим кўрсаткичлари

	2013 йилга нисбатан фоизда
Ялпи ички маҳсулот	108,1
Саноат маҳсулоти	108,3
Қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	106,9
Асосий капиталга киритилган инвестициялар	109,6
Курилиш ишлари	118,3
Юқ ташиш, млн. тонна	105,0
Юқ айланмаси, млн.тн.км	103,3
Йўловчи ташиш, млн. киши	104,8
Йўловчи айланмаси, млн.йўловчи-км	105,8
Чакана товар айланмаси	114,3

Манба: ЎзР статистика қўймитаси маълумотлари

Мустақилликнинг сўнгги 15 йилида республикада ЯИМ нинг деярли икки марта ошиши ва 2002 йиллардан ЯИМ нинг ўсиши аҳоли табиий ўсишига қараганда деярли 4 марта ортиқ бўлаётганилиги мамлакатнинг юқори суръатлар билан ўсиш палласига кирганидан далолат беради. Масалан 2014 йилда республика аҳолиси табиий ўсиши 2,14 фоизни, ЯИМ ўсиши эса 8,1 фоизни ўртадаги фарқ эса 3,8 марта ташкил этмоқда. Ҳар йили асосий капиталга киритилган инвестициялар ЯИМ нинг 23-25 фоизини ташкил этмоқда. Хориждан киритилаётган инвестиция ҳамда республика тикланиш ва тараққиёт жамғармаси устав фонди йилдан йилга мамлакат тараққиёти баробарида ортиб бормоқда.

Республикада ҳар 1 млн. га яқин янги иш ўринлари яратилмоқда. Кичик ва ўрта бизнес соҳасида юзлаб янги корхоналар ишга туширилмоқда. Айни вақтда, нефть-кимё соҳасида дунёдаги энг йирик лойиҳалардан бири бўлган умумий қиймати 3,9 млрд. АҚШ долларини ташкил қиласи Сурғил кони негизида бунёд этилаётган Устюрт газ-кимё мажмуаси каби йирик корхоналар ҳам барпо этилмоқда-ки, улар яқин келакажда республика иқтисодиётининг таянчи бўлиши шубҳасизdir.

Сўнги ўн йил ичида республика макроиктисодий кўрсаткичлари деярли икки маротаба ўсади. Айниқса аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари, кенг ҳалқ истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш соҳаларида жуда катта ижобий ўзгаришлар рўй берди. Тур

жиҳатдан деярли барча асосий маҳсулотлар локализация қилинди ва уларнинг кувватларини ички истеъмолни қондириш даражасига кўтариш устида ишлар олиб борилмоқда. Табиий равишда бу аҳоли моддий фаровонлигига ҳамда, таъкидланганидек аҳоли табиий харакатида ҳам ўз аксини топди.

Адабиётлар:

1. Солиев А.С. Ўзбекистон географияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. - 403 б.
2. Ўзбекистон Республикаси статистика қўмитаси маълумотлари.

Усмонов М.Р., Абдуназаров X., Сатторов А.*

СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИДА ТУРИЗМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Аннотация: Ушбу мақолада мафтункор табиат гушаси, бой тарихий обидалари ва этнографик маданиятига эга бўлган Сурхондарё вилоятида мустақиллик йилларида туризм соҳасини ривожлантириш масалалари кўриб чиқилган.

Калим сўзлар: Археологик туризм, рекреация, экологик ва этнотуризм, табиат ва археологик ёдгорликлар.

Перспективы развития туризма в Сурхандарьинской области

Аннотация: В данной статье рассмотрены вопросы развития отрасли туризма в годы независимости в Сурхандарьинской области, которая обладает очаровательный уголком природы, также историческими памятниками и этнографической культурой.

Ключевые слова: Археологический туризм, рекреация, экологический и этнотуризм, памятники природы и археологические памятники.

Developing the future of tourism in Surhandarya region

Summary: The article deals with the development problems of tourism sphere in the years of independence in Surhandarya region with charming nature, rich historical monuments and ethnographic culture.

Key words: археологический туризм, рекреация, экологический и этнотуризм, памятники природы и археологические памятники.

Мамлакатимизнинг энг жанубида жойлашган Сурхондарё вилояти 6 март 1941 йилда ташкил топган. Унинг майдони 20,1 минг кв. км бўлиб, жами Ўзбекистон Республикаси худудининг 4,5 фоизига teng. Вилоятда, 2015 йил маълумотлари бўйича, 2410,8 минг киши ёки мамлакат аҳолисининг 7,6 фоизи истиқомат қиласди. Бундан кўринадики, минтақанинг демографик салоҳияти унинг майдонига нисбатан 1,6 марта юқори. Минтақа қатор ўзининг бетакрор хусусиятларига эга. Жумладан, у республикамизнинг энг жанубида, энг тоғли, энг иссиқ ҳудудида жойлашган; вилоят урбанизация ва саноатлашув даражаси энг паст, демографик ривожланиш, яъни аҳоли табиий кўпайиши энг юқори ҳудудлардан биридир. Маъмурий жиҳатдан Сурхондарё вилояти 13 та қишлоқ тумани, 8 та шаҳар ва 114 та шаҳарчалардан иборат. Сурхондарё Ўзбекистоннинг энг жанубида, Амударёнинг ўнг кирғозида, Ҳисор тоғининг жанубий этакларида жойлашган. Афғонистон давлатлари билан чегарадошлиги ҳам Термиз шаҳрига келган ҳар бир туристда ўзгача қизиқиши уйғотади.

Вилоят ер устининг тузилиши, орографик вазият минтақа иклимининг шаклланишига катта таъсир кўрсатади. Иқлими қуруқ, иссиқ, ёғин-сочин миқдори ўртacha 130-180 мм, тоғ ён бағирларида 600 мм гача етади. Ҳарорат республика бўйича энг юқори, вегетация даври узоқ. Агроиклиний шароитлар суғорма дәҳқончиликни тақозо этади. Бу ерда, мамлакатимизни бошқа ҳудудларидан фарқ қилиб, субтропик хўжалик яхши

* Усмонов М.Р. – Самарқанд давлат университети доценти;
Абдуназаров X. – Термиз давлат университети доценти;
Сатторов А. - Термиз давлат университети доценти.

ривожланган.

Вилоят иқтисодиётининг ички таркиби қуйидагича (жами ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажмига нисбатан, 2013 й.): саноат – 7,6 %, курилиш – 8,0 %, қишлоқ хўёжалиги – 38,3 %, транспорт ва алоқа – 13,1 %, савдо ва умумий овқатланиш – 10,1 %, солиқлар – 3,2 %, бошқа тармоқлар – 19,7 %. Статистик маълумотлардан кўриниб турибдики, вилоятда туризм соҳасининг улуши бугунги кунда ниҳоятда паст эканлиги намоён бўймоқда. Ваҳоланки, демографик кўрсаткичлари юқори бўлган вилоятда келгусида янги иш ўринлари яратиш зарурдир. Бунинг учун эса айнан вилоятда туризм соҳасига катта эътибор бериш мухимdir, деб ҳисоблаймиз. Бугунги кунда вилоятда рекреация ва туризм соҳаси аста секинлик билан ривожланиб бормоқда. Омонхона, Хўжаикон каби сиҳатгоҳлар республикамизда катта аҳамиятга эга. Ат-Термизий ватани, қадимги археологик ёдгорликлар асосий туризм обьектлари саналади. Таъкидлаш жоизки, бу обеъктлар хусусан хорижий сайёҳлар учун (айниқса японлар учун) катта қизиқиш туғдиради. Бирок бу борада туристик инфратузилмани янада ривожлантириш талаб этилади (А.Солиев, 2014).

Юртбошимиз И.Каримовнинг 2002 йил 3 апрелида Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига бағишлиланган тантанали маросимида катта ифтихор ва чукур эҳтиром била айтган ушбу сўзларида бу қадимий диёрда яшаб ўтган беназир алломалар Ҳаким Термизий, Имом Термизий, Собир Термизий, Самардан Термизий каби ўнлаб мўтабар номларни тилга олган эди. Бугунги кунда олимлар Мунжик Термизий ва бошқа Термизий номлари билан ижод қилган алломалар илмий меъросини ҳам ўрганиб, бу юртдан яна кўплаб олимлар етишиб чиққанлигини исботламоқда (Р.Абдуллаев, 2015).

Сурхондарё вилояти мамлакатимизнинг миллий туризмнинг маҳсус турлари сақланиб қолинган этнотуризм «пойтахти» деб аташга лойиқдир. Таъбир жоиз бўлса, марҳум географ олим А.Рўзиев Сурхондарё туризми бу «очилмаган кўрик»дир, деб атаган эди. Шунингдек Қ.Алланов эса Сурхон воҳасида бир қанча йўналишларда, жумладан, Археологик, Танишув, Рекреацион ва Экологик туризм истиқболли порлоқдир, деб таъкидлайди. Аввало Сурхондарё вилоятида инсон томонидан яратилган маданий обидалар кенг тарқалган ҳудуд ҳисобланади. Термиз шаҳридан унча узоқ бўлмаган масофада Султон Саодат, Қирқиз қальяси ва бошқа обидалар, воҳада жойлашган маданий туристик обидаларга қадимги яшаган манзилгоҳлар, жумладан Фаёзтепа, Қоратепа каби бир қанча қадимги шаҳар қолдиқлари археологик туризмни ривожлантиришга асос бўлса, Ҳаким Ат Термизий, Имом Термизий каби мутасаввиф, мутафаккир, мұҳаддис олимлар диний туризмни ташкил этишга замин яратади.

Сурхондарё вилоятига ташриф буюрувчи туристлар маданий туристик обьектлар сифатида бу ерда кенг тарқалган археологик ёдгорликлардан қадимги одамлар яшаган аҳоли манзилгоҳларини кўрсатиш мумкин. Бундай манзилгоҳларга Жанубий Хисор тоғ тизмаси туташтирувчи Бойсунтоғ ва Кўхитанг тоғларидағи мавжуд ғорлар, ибтидоий одамлар учун макон бўлиб хизмат қилган. Жумладан, вилоят ҳудудидаги энг қадимги макон неондартал одамларнинг манзилгоҳи Бойсунтоғдаги Тешиктош ғори бўлиб, археологлар маълумотига кўра ушбу ғорда милоддан аввалги 100-40 минг йилликларда яшаган қадимги одамларнинг 3000 донага яқин тошдан ясалган тош қуроллари, яъни, кескич, тарошлиғиҷ, чопқилар топилган. Ушбу ғордан ибтидоий одамлар ташқи кўринишини тиклашда мухим ашёвий манба ҳисобланади. Бундан ташқари Бойсун тоғидаги Амур Темур ғори ҳам қадимги одамлар манзилгоҳларидан бири ҳисобланади. Сурхондарё вилоятидаги қадимги маданий ёдгорликлардан яна бири Сополлитепа маданияти ҳисобланади. Сополлитепа маданиятига мансуб археологик топилмалар Жарқўтон, Маллали каби аҳоли манзилгоҳларида ҳам топилган. Бу тарихий обидалардан топилган дон қолдиқлари, тошдан ясалган меҳнат қуроллари, ипакдан тўқилган матолар, бронза даврига ҳос қолдиқлар ҳисобланади. Бу эса минтақада палеонтологик ва археологик туризмини ташкил этиш имкониятини яратади.

Вилоят ҳудудидаги Кўхитанг тоғ ёнбағирларидан ўз сувини олувчи Зараутсойда

қояли тошларга чизилган ранг тасвиirlари ҳам ушбу ҳудудда қадимги одамлар яшаганлиги исботланган. Ушбу ранг тасвиirlари Марказий Осиёдаги тасвирий саънатнинг илк намуналарига мисол бўла олади. Ушбу топилмалар вилоятда бронза даврида шахарсозлик, ҳунармандчиликнинг кенг равож топғанлигидан далолат беради. Ушбу археологик топилмалар орасида жездан қўйма усуlda ясалган кўзгулар, ўсмадон ва кўзачалар, жездан ясалган бигизлар, илон ёки кўз шиша шаклдаги муҳрлар, безатилган хумдонлар ва кўзалар, лойдан ясаган будда ҳайкаллари Шарқий, Жанубий ва Жанубий Шарқий Осиёдан келган туристларни ўзига жалб қилиши шубҳасиз.

Сурхон воҳасида темир даври маданиятига ҳос топилмалар Жондавлаттепа, Кучуктепа, Қизилтепа ва Хотработ археологик ёдгорликларида яхши сақланиб қолган ва ўрганилган. Археологик олимларнинг таъкидлашича ушбу даврда Сурхон воҳасида яшаган аҳоли шу маданиятда шахарсозлик, меъморчилик билан бир қаторда ҳунармадчилик яхши ривожланган. Буни ушбу тарихий обидалардан топилган темир ва тошдан ясалган ярим ой шаклидаги ўроқлар, қилич ва қиличсоплар, дон ва сув сақлайдиган улкан хумдонлар ҳамда мўжазгина ишланган сопол идишлар исботлайди.

Термиз милоддан аввалги 3-2 асрларда келиб Бақтриянинг энг ривожланган сиёсий-иктисодий ва маданий марказларидан бирига айланди. Ашёвий далилларга кўра, бу ерда шаҳарлар, меъморчилик, ҳунармандчиликнинг бир қанча соҳалари яъни кулолчилик, металсозлик яхши ривожланган. Кушонлар даврида шаҳар янада кенгайди, унда маданият янада ривожланди.

Ўзбекистоннинг жанубий дарвозаси, географик жиҳатдан дунё океанига чиқиш учун энг яқин порт ҳисобланган ҳудуд Мустақиллик йилларида Термиз шаҳри ўзининг бутунлай янги қиёфасига эга бўлди. Шаҳарнинг 2500 йиллик юбилейини нишонлаш муносабати билан, 2002 йилда шаҳарда қатор янги иншоотлар қад кўтарди. Буларга Термиз вокзали, амфитеатр, археология музей, санъат коллежи, марказий стадион, Алпомиш мажмуаси ва бошқалар мисол бўла олади. Сурхондарёга ташриф буюрган туристларда археология музейининг экспонатларини кўриш катта таасурот қолдиради. Ушбу археология музейи Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов ташаббуси билан бунёд этилган бўлиб, Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Музейда 9 та асосий кўргазма залларида милоддан аввалги 100 минг йилликдан то XX аср бошларига қадар Сурхондарё вилояти ҳудудида қадимги маданий ёдгорликларни ўрганиш жараёнида топилган оддий тош куролларидан тортиб юксак дид билан ишланган санъат намуналаригача намойиш этилади.

Сурхон воҳасига ташриф буюрган туристларни археологик туристик объектлар билан бир қаторда шу ҳалқининг қадимий уйлари, анъаналари, тўй маросимларини томоша қилиш ҳам катта таасурот қолдиради. Вилоятда ҳар йили “Бойсун баҳори” ҳалқаро фольклор этнографик фестивали ўтказилиб келинади. Ушбу фестивалда вилоят туманларидаги аҳоли ўзига ҳос ўйин, курашиш услублари ва бошқа санъат намуналарини кўрсатишга мувофиқ бўлмоқда. Жаҳонга машҳур олимлардан бири Ҳаким Ат-Термизий зиёратгоҳи, 9-15 асрларга мансуб бўлган масжид, мақбара, ҳонақоҳ, кироатхоналар ўша даврда фан ва маданият, архитектура, шахарсозлик маданиятининг нақадар юксак тараққий этганлигини билиш имкониятини беради.

Мустақиллик йилларида мақбара қайта таъкидланди. Демак, юкоридагилардан кўриниб турибдики, Сурхон воҳаси инсон қўли билан ясаган маданият ёдгорликларига бой. Ушбу ёдгорликларни асраб авайлаш, нафақат ҳалқаро туризмда, қолаверса, юртимизда ўсиб келаётган ёш авлодни ватанга меҳр-муҳаббат руҳида тарбиялашда, мактаб ўлкашунослиги, мактаб туризми ва маҳаллий туризмда фойдаланиш долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

Хулоса ва таклиф ўрнида шу фикрларни таъкидлаб ўтиш жоиз деб ҳисоблаймиз.

1. Сурхондарё вилоятида туризмни ривожлантириш муаммолари ва истиқболлари мавзуида Термиз давлат университети олимлари томонидан илмий тадқиқот, ишларини кенгайтириш ҳамда илмий тадқиқот ишларини турли соҳа вакиллари ҳамкорлигига

интеграция асосида олиб бориш зарур.

2. Мавжуд имкониятлар асосида бир неча йўналишда туристик маршрутлар ишлаб чиқиши ва бунда географ олимлар бевосита иштирок этиши керак.

3. Маданий обидалар ва диний қадамжолар ҳақида рисола ва китоблар ҳамда картографик тадқиқот ишларини турли тилларда чоп эттирилиши мақсадга мувофиқдир.

4. Ўзбекистоннинг туристик шаҳарларига ташриф буюрадиган туристлар қизиқишини воҳага янада қаратиш учун реклама хизматларини кенгайтириш.

5. Таълим туризмини ривожлантириш мақсадида вилоятнинг таълим муассасаларида ўқувчи ва талабалар ўртасида тарихий обидалар ҳамда табиат ёдгорликларига экспурсия ва саёҳатларни ташкил этишни йўлга қўйиш ва бошқалар.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак мъянавият енгилмас куч. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 171 б.
2. Абдуллаев Р. Ҳаким Ат-Термизий. – Т., 2015.
3. Солиев А.С. Ўзбекистон географияси: ОЎЮ учун дарслик. – Т.: Университет, 2014. - 351 б.
3. Термизий. Мунжик. Девон // Нашрга тайёрловчи сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Абдуллаев Р. – Т., 2016.

Гопиров М.О.*

СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ И СДВИГИ В ГЕОГРАФИИ МИРОВОЙ АВТОМОБИЛЬНОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ

Аннотация: В статье рассматривается современное состояние и сдвиги в географии мировой автомобильной промышленности.

Ключевые слова: автомобиль, сдвиг, рейтинг, производство, география, промышленность, динамика.

Дунё автомобиль саноатининг ҳозирги ҳолати ва географиясидаги силжишлар

Аннотация: Маколада дунё автомобиль саноатининг ҳозирги ҳолати ва географиясидаги ўзгаришлар хақида сўз юритилади.

Калим сўзлар: Автомобиль, силжиш, рейтинг, география, саноат, динамика.

Current state and shifts in geography of world automotive industry

Resume: This article is devoted to the current state and shifts in geography of world automobile industry.

Key words: Car, shift, rating, production, geography, industry, dynamics.

Автомобилестроение, зародившееся в конце XIX века, принято относить к новым отраслям промышленности. Но среди этой группы отраслей оно продолжает играть совершенно особую роль [3]. Центр мирового автомобилестроения, возникший в Европе в начале прошлого столетия, переместился с Европейского континента в США, а в Азию, в частности в Японию – после энергетического кризиса в 70-х. Кроме того, в последние десятилетия наблюдаются невероятные изменения в динамике производства и территориальные сдвиги в географии автомобильной промышленности мира. Этот сектор мировой экономики несколько раз переживал, «черные времена» в связи с энергетическими кризисами 70-х. г. прошлого века, экономическими кризисами 2008-2010 годов, всегда сумел выйти из кризиса и начать экономический рост, и ещё глобальная экономическая конъюнктура буквально на наших глазах меняет расстановку сил в мировом автомобилестроении. В наши дни мировая автомобильная промышленность характеризуется стремительным ростом производства автомобилей и растёт с каждым годом.

* Гопиров М.О. - преподаватель средней общеобразовательной школы №3 Джалақудукского района Андижанской области

Автомобилестроение стало своеобразным двигателем экономики индустриальных стран и, в известной мере, вершителем хозяйственной конъюнктуры, ее чутким барометром. Автомобиль является технологическим и социальным символом современной цивилизации. Масштабы отрасли характеризуются тем, что совокупная стоимость конечной продукции мирового автостроения составляет примерно \$ 1,5 триллиона. О социально-экономической значимости автомобилестроения говорит то, что в нем непосредственно работает от 5 до 10% занятых в экономике стран с развитой индустрией. Число же людей, косвенно связанных с этой отраслью (и зависящих от нее), во много раз превышает указанное количество. Затраты на приобретение и эксплуатацию автомобилей - важная статья потребительских расходов населения развитых стран. В разных странах на эти цели тратится от 10 до 15% потребительского бюджета, то есть примерно столько же, сколько на питание [1]. Вот почему многие страны хотят иметь такую промышленность, и в последние десятилетия география мирового хозяйства автомобилестроения претерпевает революционные изменения.

Более 30 лет тому назад, в 1976 г. согласно данным ООН, насчитывалось только 25 стран-производителей автомобильного транспорта: тринадцать из них имели развитую экономику, семь – занимали промежуточную позицию, и пять стран были развивающимися – это Аргентина, Бразилия, Индия, Мексика и Югославия (Lall, 1980). Корея не была включена в число этих стран в 1976 г., но в 1995 г. она заняла 5-е место по производству автомобилей с 2,5 миллионами единиц, и продолжает удерживать эту позицию[6]. Узбекистан в 1996 году запустил свой автомобилестроительный завод. К этому времени в мире насчитывалось 27 государств, производящих автомобили, но их уже к 2015 году стало более 40. По данным OICA наша страна в 2015 г. на 30 месте, между Швецией и Австралией. Лидируют в производстве легковых автомобилей Китай (21079427 шт.), США (4163679 шт.), Япония (7830722 шт.). В пятерке лидеров рейтинга также Германия и Южная Корея (см. табл. 1).

Наиболее существенным сдвигом в географии мировой автомобильной промышленности в последние десятилетия явилась «периферизация» отрасли, её «вынос» из промышленно развитых стран, образующих ядро мирового хозяйства, на «периферию» - в развивающиеся страны [5]. Еще в 1950 г. в этой отрасли почти безраздельно господствовали США (83 % мирового производства), а 14 % приходилось на Западную Европу, но затем начался переход от такойmonoцентрической территориальной модели ко всей более полицентрической. В 1970 г. доля Западной Европы в мировом производстве легковых автомобилей увеличилась до 46 %, а в Северной Америке уменьшилась до 32 %, началось также формирование третьего мирового центра автомобилестроения в Японии (13 %)[3]. Если еще на рубеже 1980-х-1990-х гг. доля развивающихся стран составляла около 10%, то в 2005 г. она превысила 30% «Точка роста» мировой автомобильной промышленности окончательно переместилась в развивающиеся страны, на долю которых приходится 54 % в 2002 г., 64 % в 2004 г. и 88 % в 2005 г. всего прироста производства автомобилей в мире [5]. В первой половине минувшего десятилетия объем мирового производства автомобилей всех видов превысил 88 млн. ед. в год.

Таблица 1

**Показатели производства автотранспортных средств в различных странах мира
(2015 г.)**

№	Страна	Легковые автомобили	Грузовые автомобили	Всего	Изменение в сравнении с 2014 г., %
1	Китай	21079427	3423899	24503326	3,30%
2	США	4163679	7936416	12100095	3,80%
3	Япония	7830722	1447516	9278238	-5,10%
4	Германия	5707938	325226	6033164	2,10%
5	Южная Корея	4135108	420849	4555957	0,70%
6	Индия	3378063	747681	4125744	7,30%
7	Мексика	1968054	1597415	3565469	5,90%

8	Испания	2218980	514221	2733201	13,70%
9	Бразилия	2018954	410509	2429463	-22,80%
10	Канада	888565	1394909	2283474	-4,60%
11	Франция	1553800	416200	1970000	8,20%
12	Тайланд	772250	1143170	1915420	1,90%
13	Великобритания	1587677	94479	1682156	5,20%
14	Россия	1214849	169550	1384399	-26,60%
15	Турция	791027	567769	1358796	16,1%
16	Чехия	1298236	5367	1303603	4,20%
17	Индонезия	824445	274335	1098780	-15,40%
18	Италия	663139	351084	1014223	45,30%
19	Словакия	1000001	0	1000001	3,00%
20	Иран	884866	97471	982337	-9,90%
21	Польша	534700	125903	660603	11,30%
22	Южная Африка	341025	274633	615658	8,80%
23	Малайзия	558324	56347	614671	3,30%
24	Аргентина	308756	224927	533683	-13,50%
25	Венгрия	491720	3650	495370	13,20%
26	Бельгия	369172	40168	409340	-20,80%
27	Румыния	387171	6	387177	-1,10%
28	Тайвань	298418	52667	351085	-7,40%
29	Швеция	188987	Не Доступно	188987	22,60%
30	Узбекистан	185400	0	185400	-24,50%
31	Австралия	159872	13137	173009	-4,00%
32	Португалия	115468	41158	156626	-3,00%
33	Австрия	131380	15350	146730	-3,50%
34	Словения	133092	0	133092	12,20%
35	Сербия	82400	1230	83630	-18,90%
36	Финляндия	69000	0	69000	53,20%
37	Нидерланды	41870	4504	46374	0,00%
38	Египет	12000	24000	36000	-15,30%
39	Украина	5654	2590	8244	-71,30%
...	Другие страны	693817	138866	832683	19,10%
	Всего	68561896	22121176	90683072	1,0%

Источник: OICA 2015 statistics

Показатели мирового автопарка в конце XX и в начале XXI веков во многих развитых странах достигли и устоялись на уровне примерно один автомобиль на два человека. В мире процесс автомобилизации проходит весьма интенсивно – темпы роста выпуска автомобилей превысили прирост населения. В развитых странах стало ощущаться насыщение рынка автомобилями, вследствие которого обострилась проблема сбыта.

Многие страны, производящие автомобили, вынуждены были открывать свои филиалы или совместные предприятия в развивающихся странах. Этому есть своя причина: во-первых, высокая конкуренция и низкие темпы продаж на традиционных рынках. Во-вторых, увеличивается спрос на автомобили. В-третьих, огромные природные ресурсы с низкой стоимостью. В-четвертых, дешевые трудовые ресурсы. В-пятых, невысокие экологические требования к производству и автомобилям.

Сегодня из двадцати стран мира, приведенных во 2 таблице, девятнадцать производят более одного миллиона автомобилей в год: это составляет одиннадцать промышленно развитые страны США, Япония, Германия, Франция, Великобритания, Испания, Канада, Чехия, Южная Корея, Италия, Словакия, и восемь развивающиеся страны, включая Российской Федерации.

Таблица 2

Страны-лидеры по производству легковых автомобилей (тыс.ед.)

Место	Страна	2015	2014	2013	2010	2000	1990	Максимум	Год максимума
1	Китай	24 503	23 723	22 117	18 265	2 069	509	24 503	2015
2	США	12 100	11 661	11 066	7 761	12 800	9 783	13 025	1999
3	Япония	9 278	9 775	9 630	9 626	10 141	13 487	13 487	1990
4	Германия	6 033	5 908	5 718	5 906	5 527	4 977	6 213	2007
5	Южн. Корея	4 555	4 525	4 521	4 272	3 115	1 322	4 657	2011
6	Индия	4 125	3 840	3 898	3 537	801	364	4 174	2012
7	Мексика	3 564	3 365	3 055	2 345	1 936	821	3 365	2015
8	Бразилия	2 429	3 146	3 712	3 648	1 682	914	3 712	2013
9	Испания	2 738	2 403	2 163	2 388	3 033	2 053	3 033	2000
10	Канада	2 283	2 394	2 380	2 071	2 962	1 947	3 059	1999
11	Россия	1 384	1 887	2 184	1 403	1 206	-	2 233	2012
12	Таиланд	1 915	1 880	2 457	1 645	412	-	2 457	2013
13	Франция	1 970	1 817	1 740	2 228	3 348	3 769	3 920	1989
14	Великобритания	1 682	1 599	1 598	1 393	1 814	1 566	2 332	1963
15	Индонезия	1 098	1 299	1 206	703	293	-	1 299	2014
16	Чехия	1 303	1 251	1 133	1 076	455	-	1 303	2015
17	Турция	1 358	1 170	1 126	1 095	431	-	1 358	2015
18	Иран	982	1 091	744	1 599	278	44	1 649	2011
19	Словакия	1 000	993	975	557	182	-	1 000	2015
20	Италия	1 014	698	658	838	1 738	2 121	2 221	1989
30	Узбекистан	185	246	247	222	52	-	247	2013
Всего в мире		90 683	89 734	87 595	77 583	58 374		90 683	2015

Таблица составлена автором по данным OICA 2015 statistics.

Анализируя вышеупомянутую таблицу, можно сделать вывод, что для Китая, Мексики, Чехии, Турции, Словакии 2015 год был самым удачным годом в производстве автомобилей. В мире из стран приведенные в таблице 2015 году ни одному государству большой восьмерки включая РФ, не удалось повторить те показатели, которые они достигли раньше. Мировой финансово-экономический кризис, разразившийся в 2008-2009 гг., нанес огромный удар автопроизводителям мира, даже когда все страны сокращали производство автомобилей, Узбекистан наращивал производство, а в других странах это получилось через 2-3 года. Но уже в 2010 году был заметный рост, но теперь начиная с прошлого года, в некоторых странах Европы, Южной Америки в частности СНГ, динамика снова негативная.

На основании проведенного анализа можно сделать вывод, что современное состояние автомобильной промышленности мира стабильное. Несмотря на то что такие страны, как Аргентина, Бельгия, Бразилия, Египет, Индонезия, Иран, Сербия, Россия, Украина и Узбекистан в 2015 году показали отрицательные результаты, в мире темпы прироста производства автомобилей составили 1%. Сдвиги в географии мировой автомобильной промышленности произошли из развитых стран в развивающиеся, потому что многие развивающиеся страны жестко контролируют ввоз автомобилей в целях развития своего собственного автопрома и устанавливают протекционизм. Нас радует, что в рейтинге мы занимаем 30 место, опережая Португалию и Австралию, а в СНГ на втором месте после России. Учитывая темпы развития производства в среднесрочной перспективе в Узбекистане, можно ожидать, что рейтинг нашей страны в автомобилестроении поднимется.

Литература:

- Дорохин С.А. Современные тенденции развития зарубежной автомобильной индустрии. Автореф. дисс. ... к. э. н. – М., 2006.
- Кондратьев В.Б. Автомобильная промышленность в развивающихся странах. [Электронный ресурс]. – Фонд исторической перспективы, 03.06.2015. – Режим доступа: http://www.perspektivy.info/rus/ekob/avtomobilnaja_promyshlennost_v_razvivajushhihsa_stran

[ah_2013-08-23.htm.](#)

3. Максаковский В.П. Географическая картина мира. В 2-х кн. Кн. I: Общая характеристика мира. Москва: Дрофа, 2008, 4-е изд. - 495 с.

4. Пасько А. В. Современное стратегия развития транснациональных корпораций на мировом рынке легковых автомобилей (на примере шведской компании Volvo) // Автореф. дисс. ... к. э. н. - М., 2011.

5. Трофимов, Д. А. Территориальная организация автомобильной промышленности развивающихся стран. Автореф. дисс. ... к. г. н. - М., 2006.

6. Янг-сук Хун, Хангку Ли. Развитие автомобильной промышленности и смежных отраслей автомобилестроения в Республике Казахстан. - Сеул, 2009.

Темиров З.А., Қодиров Р.Б., Пайзуллаев М.А.*

**ФАРГОНА ВОДИЙСИ АҲОЛИСИ ДИНАМИКАСИ ВА УНГА ХОС
ХУСУСИЯТЛАР**

Аннотация: Мазкур мақолада мамлакат иқтисодий-ижтимоий ҳаётида ўзига хос ўринга эга бўлган Фарғона водийси аҳолиси динамикаси, аҳолининг ўсиш суръатлари, унга таъсир этувчи омиллар, аҳоли зичлиги таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: аҳоли, аҳоли динамикаси, аҳоли рўйхати, аҳоли динамикасига таъсир этувчи омиллар, миграция, урбанизация, аҳоли зичлиги, аҳоли табиий ўсиши.

Динамика населения Ферганской долины и его особенности

Аннотация: В данной статье осуществлён анализ динамики роста населения Ферганской долины, играющей важную роль в социально-экономической жизни Республики, а также факторы, влияющие на динамику населения, на его естественный рост и плотность.

Ключевые слова: населения, динамика населения, список населения, факторы, влияющие на динамику населения, миграция, урбанизация, плотность населения, естественный рост населения.

Dynamics of population of Fergana valley and its features

Resume: This article deals with the dynamics of population where the role is main in economical-social life of Fergana valley, growth of population and influence factors, density of population.

Key words: population, dynamics of population, list of population, influence factors of population dynamics, migration, urbanization, density of population, natural growth of people.

Фарғона водийси бетакрор табиати билан бирга, аҳолиси қўплиги ва меҳнат ресурсларига бойлиги жиҳатидан ҳам алоҳида ажралиб туради. Фарғона водийси ўзининг бой ўтмиш тарихи, илм-фан ва маданиятининг ривожланиши жиҳатидан қадимги Миср, Бобил, Ҳиндистон, Хитой, Греция ва Римдан асло қолишмайди.

Эрши, Қуббо, Эйлатон, Далварзинтепа, Поп, Чуст ва бошқа ҳудудларда аниқланган тарихий топилмалар водийда цивилизация жуда қадимдан шаклланганлигини кўрсатади. Антик даврда илк шаҳарлар вужудга келган. Хитой ёзма манбаларига кўра, ушбу даврда Қадимги Давон мамлакатида 70 дан ортиқ катта-кичик шаҳарлар тилга олинади. Мамлакат пойтахти Эрши шаҳри бўлган. Эрши ҳозирги Марҳамат шаҳри ҳудудидаги Мингтепа археологик ёдгорлигига жойлашган.

Водий аҳолиси асосан сой ва дарё водийларида, тоғ олди ҳудудларида жойлашган. Унумдор ерлар ўзлаштирилиб, суформа дехқончилик мақсадларида фойдаланилган.

* Темиров Зокирjon Абдулвоҳидович – Андижон давлат университети География кафедраси катта ўқитувчиси;

Қодиров Раҳимжон Болтабоевич – Андижон давлат университети География кафедраси доценти;

Пайзуллаев Маруфжон Абдуҳоликович– Андижон давлат университети География кафедраси катта ўқитувчиси.

Хунармандчилик, чорвачилик ҳам юксак даражада тараққий этган.

Фарғона водийси аҳолиси динамикасига урушлар, сиёсий ва ижтимоий-иктисодий омиллар кучли таъсир кўрсатган. XX аср ўрталаригача аҳоли сони секин кўпайиб келган. Ундан кейинги даврда аҳоли сони ўсиши тезлашди. Бу жараён XX аср сўнгги ўн йиллигигача давом этиб келди. Ҳозирги кунда эса бу жараён сезиларли даражада пасайди ва барқарорлашиб бормоқда (жадвалга қаранг).


1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва Фарғона водийси вилоятларида аҳоли сонининг ўсиши (минг киши хисобида)

	1926	1939	1959	1970	1979	1990	2000	2012	2013	2014	2015
Ўзбекистон Республикаси	4621,0	6551,0	8395,0	11799,0	15787,0	20322,0	24966,8	29555,4	29993,5	30492,8	31022,5
Фарғона водийси	1500,1	1953,0	2301,0	3238,0	4143,0	5579,0	7016,4	8415,6	8544,8	8696,1	8856,4
Андижон	502,5	652,6	768,0	1059,0	1349,0	1795,0	2333,0	2714,2	2756,4	2805,5	2857,3
Наманган	397,8	521,4	594,0	847,0	1100,0	1558,0	1969,6	2420,6	2458,7	2504,1	2554,2
Фарғона	599,8	779,0	939,0	1332,0	1694,0	2226,0	2712,9	3280,8	3329,7	3386,5	3444,9

Маълумотларга кўра, Фарғона водийси вилоятларида 1926 йил 1500,1 минг аҳоли јашаган. Шундан 502,5 минг киши ёки 33,5 % аҳоли Андижон вилоятига, 397,8 минг киши ёки 26,5 % аҳоли Наманган вилоятига ва 599,8 минг киши ёки 40,0 % аҳоли Фарғона вилоятига тўғри келган (ҳозирда ушбу нисбат мос равишда 32,3 %, 28,8 % ва 38,9 % га тенг).

Дастлабки аҳоли рўйхатлари ўтказилган давр ичидаги(1926-1936 йиллар) водий аҳолиси умумий сони 452,9 минг кишига ортди. Аҳолининг йиллик ўртача ўсиш суръати 2,4 % га тенг бўлди.



1-расм. Фарғона водийси аҳолиси сони динамикаси

1939-1959 йилларда аҳоли сони олдинги даврга нисбатан озрок, яъни 227,9 минг кишига кўпайди. Аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръати 1,2 % га тушиб қолди. Бунга иккинчи жаҳон уруши ва ундан кейинги иқтисодий қийинчиликлар жуда катта таъсир кўрсатган.

1959-70 йилларда аҳоли сони тезлик билан ўса бошлади. Натижада 1970 йил аҳоли сони 3238,0 минг кишига етди. Бу 1959 йилга нисбатан 40,7 % га кўп, демакдир. Шу сабабли, кузатилаётган даврлар ичидаги 1939-59 йиллар алоҳида ажралиб туради. 1979 йили худуд аҳолиси 4143,0 минг кишига етди. Аҳолининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари 4,0 % дан юқори бўлди. Бунга собиқ иттифоқ миқёсида туғилишни рағбатлантиришга қаратилган демографик сиёсат ижобий таъсир кўрсатди.

Аҳоли сонининг тез ўсиш суръатлари 1979-89 йилларда ҳам сақланиб қолди. Лекин, вилоятлар ўртасида тавофутлар юзага кела бошлади. Энг юқори ўсиш суръати Наманган вилоятида 3,78 % га тенг бўлса, бу кўрсаткич Фарғона вилоятида энг паст бўлиб, 2,85 % ни ташкил этди. Аҳоли ўсиш суръатларидаги тафовутлар 1990-2000 йилларда янада

яққолпроқ кўзга ташлана бошлади. Наманган вилояти аҳолиси 4,25 % га кўпайгани ҳолда, Фарғона вилояти аҳолиси атиги 2,0 % га ўсди, холос. Аҳоли динамикасидаги бундай фарқлар биринчи навбатда аҳолининг миллий таркиби, ташқи миграция ва урбанизация билан чамбарчас боғлиқ. Негаки, Фарғона вилоятида рус ва русийзабон аҳоли қўшни вилоятларга нисбатан кўпроқ истиқомат қиласи, урбанизация даражаси ҳам юқори. Улар орасида ташқи миграциянинг ўрни жуда сезиларли даражада бўлди. Вилоятга XX аср ўрталарида кўчириб олиб келинган қрим татарлари, месхети турклари ва бошқа халқлар сибиқ иттифоқ парчалангач ўз юртларига кўчиб кетишиди. Натижада вилоят аҳолиси сони Наманган ва Андижон вилоятларига нисбатан камроқ кўпайди.

2000-2014 йиллар мобайнида водий аҳолиси 7016,4 минг кишидан 8856,4 минг кишига етди ёки 1840,0 минг кишига кўпайди. Аҳоли сони миқдор жиҳатдан кўпайган бўлса-да, ўсиш суръати 2,6 % га teng бўлди. Бундан кўринадики, демографик жараёнлар фаоллашиб, табиий ўсиш суръатлари юқорилашиб бормоқда. Яқин келажакда ҳам бундай жараён сақланиб қолади.

Фарғона водийсида аҳоли кўп ва зич жойлашган. Бугунги кунда водийда 8856,4 минг аҳоли ёки республика аҳолисининг 28,5 % и истиқомат қиласи (01.01.2015 й.). Бундан кўринадики, водий аҳоли сонига кўра мамлакат минтақалари орасида етакчи ўринларда туради. Масалан, Фарғона вилояти (аҳолиси - 3 444,9 минг киши) Самарқанд вилоятидан (аҳолиси - 3 514,8 минг киши) кейинги иккинчи ўринни, Андижон вилояти (аҳолиси - 2 857,3 минг киши) тўртинчи ўринни эгаллайди. Водийда аҳоли сони тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Унинг асосини табиий ўсиш ташкил этади.

Водий ер майдонининг нисбатан кичикилиги, ва айни пайтда, табиий шароитининг қулайлиги аҳолиси сони ва унинг зичлиги ортишига жиддий таъсир кўрсатган. Водийда аҳоли зичлиги 1 km^2 га 478 кишидан ортиб кетди.

Водий аҳолиси динамикасида республикада бўлгани каби умумий хусусиятлар мавжуд. Шу билан бирга водий аҳолиси сонининг ўзгаришига фақат ўзигагина хос бўлган омиллар ва шарт-шароитлар ҳам таъсир кўрсатган.

Водийда аҳоли сони XX аср 90-йилларигача тез суръатлар билан ўсди. Бунда туғилиш ва табиий ўсиш суръатининг юқорилигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Бозор иқтисодиёти аҳоли сони, унинг динамикаси, жойлашуви ҳамда таркибига катта таъсир кўрсатди. Аҳолининг табиий ўсиш суръатлари пасайиб, аҳоли сони динамикаси бир мунча барқарорлашди.

Фарғона водийси вилоятлари аҳолиси динамикасидаги тафовутлар унинг мамлакат миқёсидаги салмоғини ўзгаришига сабаб бўлди. Мазкур кўрсаткич 1959 йилларда 32,6 % га teng бўлган бўлса, 1959 йили 28,6 % бўлса, 2012 йилга келиб 28,1 %, сўнгги 2014-2015 йилларда эса 28,5 % га teng бўлди. Аҳоли динамикаси таҳлили шуни кўрсатадики, республика ва Фарғона водийси аҳолиси ўртасида умумий хусусиятлар билан бирга бир қатор тафовутлар ҳам мавжудлигини кўрсатади.

Аҳоли динамикасида аҳолининг табиий ўсиши ҳам муҳим ўрин тутади. Аҳоли табиий ўсиши жиҳатидан Фарғона водийси аҳолиси республика вилоятлари бўйича ўртача ўринларни эгаллайди. Шу ўринда қайд этиш лозимки, аҳоли табиий ўсиши 1960-70 йилларда ўзининг энг юқори кўрсаткичларига эришган (28,8-32,8 промилле). 1980-90 йилларда ҳам юқори даражада сақланиб қолди. Кейинги даврларда эса бу жараён анча пасайди ва у йилига 14-17 промиллени ташкил этмоқда.

Вилоятлар миқёсида аҳолининг табиий ўсиши Наманган вилоятида бир оз юқорироқ. Фарғона вилоятида эса аксинча. Бунинг асосий сабаби қўшни вилоятларга нисбатан Наманган вилоятида индустрисал тармоқларнинг яхши тараққий этмаганлиги ва шахарлар аҳолиси миллий таркибида маҳаллий халқларнинг катта улушга эга эканлигидир.

Аҳоли динамикасида миграция ҳам катта роль ўйнайди. Водийга XIX аср иккинчи ярмидан рус ва татарлар, XX аср 20-30-йилларида корейслар, 40-йилларида қрим-татарлари, месхети турклари ва бошқа халқлар кўчиб келди. Ўз навбатида XX аср иккинчи ярмида Россиянинг Марказий Қоратупроқ, Фарбий Сибирь, Байкал-Амур магистрали,

Приморье ўлкаларига, шунингдек, Мирзачўл ва Қарши чўлларини ўзлаштириш учун аҳоли миграциялари ташкил этилди.

ХХ аср сўнгги ўн йиллиги бошларида қрим-татарлари, месхети турклари, бир қатор рус ва русийзабон аҳоли ўз юртларига қайтиши кучайди. 1995 йиллардан бошлаб водий аҳолиси сонига миграциянинг таъсири камая бошлади.

Фарғона водийси аҳолиси динамикаси таҳлили шуни кўрсатадики:

-аҳоли сони динамикасига урушлар, аҳоли миллий таркиби, урбанизация ва медицинанинг ривожланиш даражаси ҳамда бошқа ижтимоий-иктисодий омиллар катта тасир кўрсатган;

-аҳоли сони 1926 йилда 1,5 млн. кишини ташкил этган бўлса, ҳозирда салкам 9,0 млн. кишига яқинлашиб қолди ёки кузатилаётган 90 йил оралиғида 6 марта га ўсишга эриша олди, аҳоли зичлик даражаси 1 кв.км. га 478 кишидан ортиб кетди;

-аҳоли динамикасига аҳоли табиий ўсиши таъсири сезиларли даражада бўлиб келмоқда, унинг энг юқори кўрсаткичлари 1960-90 йилларга тўғри келади, кейинги давларда камайиши ва барқарорлашиши кузатилмоқда;

-шахар аҳолисининг умумий аҳоли динамикасига таъсири катта бўлиб келмоқда, негаки водийда урбанизация даражаси нисбатан паст ва миллий таркибда туб миллат вакилларининг кўплиги учун шахарларда туғилиш даражаси юқори бўлиб, қишлоқларга нисбатан кескин фарқ қилмайди;

-туғилиш ва табиий ўсиш кўрсаткичлари Наманган вилоятида энг юқори, Фарғона вилоятида эса аксинча, паст бўлиб келган, Андижон вилояти ўтacha ўринларни банд этиб келган, бунга иктисодий-ижтимоий ривожланиш катта таъсир этган;

-яқин келажакда табиий ўсиш суръатларига боғлиқ ҳолда аҳоли сони ўсиб борса-да, лекин унинг динамикасида жиддий ўзгаришлар содир бўлмайди, яъни у мўътадил тадрижий равишда ўсиб боради.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев О. Фарғона водийси: ижтимоий-иктисодий ривожланиш жараёнлари.
– Наманган, 2000. - 290 б.
2. Муллажонов И. Ўзбекистон аҳолиси. – Т.: Ўзбекистон, 1974. –141 б.
3. Ўзбекистон Республикаси. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2006. – 464 б.
4. Ўзбекистон демографик йиллик тўплами. – Тошкент, 2015.

ТОПОНИМИКА ВА ГЕОГРАФИЯ ЎҚИТИШ МЕТОДИКАСИ

Мирақмалов М.Т., Аvezov M.M.*

БУХОРО ВИЛОЯТИДАГИ ХОРОЛОГИК ВА ХРОНОЛОГИК ОЙКОНИМЛАР

Аннотация: Мақолада хорологик ойконимлар, яъни ойконимларнинг бошқа географик объектларга нисбатан тутган ўрнини билдирувчи жой номлари, шунингдек, хронологик ойконимлар – хар бир жойга қўйилган номларнинг янги, эски (кўхна) эканлигини билдирувчи жой номлари Бухоро вилояти мисолида кўриб чиқилган.

Калим сўзлар: географик жой номлари, вилоят ойконимлари, хорологик ойконимлар, хронологик ойконимлар, микротопонимлар, топонимик луғат, топонимик тадқиқот.

Хорологические и хронологические ойконимы Бухарского вилоята

Аннотация: В статье рассматриваются хорологические и хронологические ойконимы на примере Бухарского вилоята.

Ключевые слова: географические названия, ойконимы вилоята, хорологические ойконимы, хронологические ойконимы, микротопонимы, топонимический словарь, топонимическое исследование.

Chorological and chronological oikonyms Bukhara region

The article: The article discusses chorological and chronological oikonyms, by the example of Bukhara region.

Key words: geographical names, oikonyms region, oikonyms, microtoponyms, toponymic dictionary, toponymic research.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 16 октябрдаги № 295 сонли қарорида «Географик объектларнинг номлари тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ географик объектларни номлаш ва қайта номлаш масалалари бўйича республика ҳамда худудий комиссиялар тузилиши, шунингдек, географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича таклифлар, тавсиялар, хulosалар бериш ҳақидаги масалалар кўтарилиган. Ушбу қарорга мувофиқ тузилган комиссиялар муайян ҳудудларда иш олиб бормоқда.

Асосий қисм. Маълумки, географик жой номларининг аксарият қисмини ойконимлар ташкил қилади. Ойконимлар топонимларнинг асосий турларидан бўлиб, юнонча «*oikos*» - уй, турар жой, макон деган маънони билдиради, яъни шаҳарлар, қишлоқлар, огуллар каби аҳоли пунктларининг номлариdir.

Ойконимлар топонимиш олимлар - Э.М.Мурзаев, С.Қораев, З.Дўсимов, Қ.Ҳакимов ва бошқалар илмий изланишларининг дикқат марказида бўлган, чунки ойконимларни ўрганиш шу ҳудуддаги аҳоли пунктлари, уларнинг келиб чиқиш тарихи, ушбу ҳудудда яшаган ва яшаб келаётган аҳоли, шу жойнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида қимматли маълумотлар беради. Ойконимларни ўрганишда уларни алоҳида гурухларга бўлган ҳолда тадқиқ этиш яхши натижалар беради. Бундай гурухлаштириш Э.М.Мурзаев ва С.Қораев томонидан амалга оширилган. Ойконимлар атоқли топонимиш олим Э.М.Мурзаев томонидан қўйидагича таснифланган:

1. Табиий географик объектларни билдирувчи ойконимлар;
2. Аҳоли пунктларининг асл (азал) номларини билдирувчи ойконимлар;
3. Хорологик ойконимлар;
4. Хронологик ойконимлар;
5. Аҳоли пунктларини катталашиб бориши билан боғлиқ ойконимлар;
6. Аҳоли пунктларининг функцияларига боғлиқ ойконимлар;

* **Мирақмалов М.Т.** - Мирзо Улугбек номидаги ЎзМУ Геология ва география факультети География кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси, география фанлари номзоди, доцент;

Аvezov M.M. - Мирзо Улугбек номидаги ЎзМУ Геология ва география факультети 4-босқич талабаси.

7. Диний номлар билан боғлиқ ойконимлар;
8. Кўчма ойконимлар.

Булар орасида *хорологик* ва *хронологик ойконимлар* алоҳида аҳамиятга эга. *Хорологик ойконимлар* – ойконимларнинг бошқа географик объектларга нисбатан тутган ўрнини билдиради. Масалан, Баландқишлоқ, Юқори Мачай, Баландчақир, Ўртасарой каби қишлоқ номлари бунга яққол мисолдир.

Хронологик ойконимлар – ҳар бир жойга қўйилган номларнинг янги, эски (кўҳна) эканлигини билдиради. Эски номларнинг кўпчилиги ҳозирда ўзгарган бўлиши мумкин. Тарихий номлардан ташқари айrim номлар муайян вақт тақозоси билан қўйилади. Хронологик ойконимларга қуидагиларни мисол қилиш мумкин: Янгиобод, Янгиҳаёт, Янгиқишлоқ, Янгиёп ва ҳоказо.

Бухоро вилояти топонимлари орасида ҳам хорологик ва хронологик ойконимлар кўпчиликни ташкил қиласи. Уларнинг сони сўнгги йилларда айниқса ортди. Биз мазкур мақолада вилоятдаги баъзи хорологик ва хронологик ойконимлар ҳамда уларнинг этимологияси ҳақида фикр юритамиз.¹

Косари (Kosari) – Бухоро вилоятидаги шаҳарча (2013) нинг номи. Халқ этимологиясига кўра, шаҳарча худудида қудук мавжуд бўлиб, йўловчиларга сув коса идишда берилган. Шунинг учун шаҳарча *Kosari* деб номланган дейишади. Фикримизча, топоним аслида *Комисари* бўлган, кейинчалик диалектал талаффузда ўзгаришга учраб, ҳозирги ҳолатига келиб қолган. Демак, географик жой номи *ком* ва *сари* сўзларининг –и боғловчиси ёрдамида бирикишидан ҳосил бўлган. Топонимнинг биринчи компоненти – *ком* сўзи тожикча сўз бўлиб, асли «огиз» деган маънони билдиради. Аммо, бу сўзнинг «катта ариқ» маъноси Бухоро топонимияси учун айниқса аҳамиятлидир. Чунки, вилоятдаги аксарият жой номлари таркибида бу сўз айни шу маънода, яъни «катта ариқ» маъносида келади. Академик В.В.Бартольд мазкур термин тўғрисида фикр юрита туриб, «ком сўзи умумфорсий жўй сўзига нисбатан каттароқ каналларни билдиради», деб ёзади [1]. Топонимнинг иккинчи компоненти – *сари* сўзи эса «юқори томон», «бош томон», «ён томон» деган маъноларни англатади. Демак, *Косари* – «катта ариқнинг ён томони (даги аҳоли пункти)» маъносидадир. Ҳақиқатан ҳам шаҳарча жойлашган ҳудуд яқинидан канал оқиб ўтади. Демак, топонимнинг вужудга келишида унинг географик ўрни асос бўлган.

Вилоятдаги қишлоқлардан бири *Миёна Арабхона (Miyona Arabxona)* –деб аталади. Қишлоқ номи 2006 йилга қадар *Арабхона* деб аталган. 2006 йил 29-июлда *Миёна Арабхона* номига ўзгартирилган. Қишлоқ номига *араб* халқи номи асос бўлган. Шу сабабдан ҳам бу географик жой номи этнотопоним ҳисобланади. Топонимнинг биринчи компоненти – *миёна* сўзи «ўрта», «ўрталиқ», «бел» деган маъноларни билдиради. Топоним таркибидаги *Арабхона* сўзи эса «араблар яшайдиган жой» маъносидадир. Демак, *Миёна Арабхона* – «ўртадаги араблар яшайдиган жой» маъносини англатади.

Вилоятнинг Фиждувон туманида *Навобоши (Navoboshi)* деб аталувчи қишлоқ мавжуд. Географик жой номи таркиби иккита сўз – *наво* ва *бош* (*боши*) сўзларидан иборат. Топонимнинг биринчи компоненти – *наво* сўзи «сув оқадиган ясама ўзан», «нов», «тарнов» маъносидаги *нова* терминининг маҳаллий аҳоли тилида ўзгарган шаклидир. Топонимнинг иккинчи компоненти – *бош* сўзи эса «бирор нарсанинг тена қисми» деган маънони англатади. Демак, *Навобоши* – «тарновнинг бошланиши қисмидаги қишлоқ» деган маънони англатади.

Поноб (Ponob) – вилоятдаги қишлоқ номи. Қишлоқ 2006 йилга қадар *Работипоён* деб аталган. 2006 йил 27-декабрда *Поноб* номига ўзгартирилган. Топоним аслида *Поёнооб* бўлса керак. Географик жой номи таркиби иккита сўз – *поён* ва *об* сўзларидан иборат. Топонимнинг биринчи компоненти – *поён* сўзи «жой, масофа ва йўлнинг охири, этаги» деган маънони билдиради [3]. Бу фикрни профессор С.Қораев ҳам тасдиқлайди [5]. Шарқ топонимиясининг билимдони Э.М.Мурзаевнинг маълумотларига қараганда, географик

¹ Қавс ичидаги жой номларининг лотин алифбосида ёзилиши кўрсатилган.

жой номининг иккинчи компоненти – *об* сўзи эса форсча-тожикча бўлиб, «сув», «дарё», «кичик дарё» каби маъноларни англатади [4]. Бу фикрни бир қанча ўзбек топонимист олимлари ҳам маъқуллайдилар. Демак, Поноб (аслида *Поёноб*) – «дарёning қуий қисми», «сувнинг этаги» деган маънони англатади.

Вилоятдаги яна бир қишлоқ *Сарипанжса* (*Saripanja*) деб номланган. Топоним таркиби иккита сўз – *сари* ва *панжса* сўзларидан иборат. Географик жой номининг биринчи компоненти – *сари* сўзи «юқори томон», «боши томон», «ён томон» деган маъноларни англатади. Топонимнинг иккинчи компоненти – *панжса* сўзи эса «бармоқ» маъносини англатади [5]. Халқ этимологиясига кўра, қишлоқ жойлашган ҳудудда катта ариқ бешта кичик қисмларга бўлинган. Шу сабабдан ҳам «ариқнинг бошланиши қисми» маъносида шундай аталган. Маҳаллий аҳолининг бу изохи ҳақиқатга жуда яқин. Топонимнинг этимони *Сарипанжоб* бўлса керак. Сарипанжоб кейинчалик ўзгариб, ҳозирги ҳолатга келиб қолган.

Чорбогинав (*Chorbog'inav*) ҳам Бухоро вилоятида жойлашган қишлоқлардан бири. Топоним таркиби иккита сўз – *чорбог* ва *нав* сўзларидан иборат. Географик жой номининг биринчи компоненти – *чорбог* сўзи форсча-тожикча бўлиб, «тўрт томони боз бўлган уй ёки қўргон», «тўрт томони девор билан ўралган боз», «дала ҳовли» каби маъноларни англатади [5]. XIV-XV асрларда Амир Темурнинг Самарқандда 14 боғи – чорбоги бўлган. Боғларнинг гир атрофи саройлар билан ўралган эди. XV-XVI асрларда *чорбоғлар* бой-феодалларнинг мулки ҳисобланган. Баъзан шаҳарнинг икки томонига тераклар экилган бош хиёбони *чорбог* дейилган. Ҳозир кўп жойларда гир атрофи девор билан ўралган ҳар қандай боғ, шунингдек шаҳар чеккасидаги боғлар *чорбог* (*чорвок*) дейилади. Фарғона водийсида *чорвок* деган уруғ бўлган. Топонимнинг иккинчи компоненти – *нав* сўзи ҳам тожикча бўлиб, «янги» деган маънони билдиради. Демак, Чорбогинав – «тўрт томони боз бўлган янги уй ёки қўргон», «тўрт томони девор билан ўралган янги боз» маъносидадир. Маҳаллий аҳоли қишлоқ номини унинг ҳудудида янги боғлар ташкил қилинганлиги сабабли шундай аталган, деб ҳисоблайди.

Вилоятдаги аҳоли манзилгоҳларидан яна бири *Юқори Чўрикалон* (*Yuqori Cho'rikalon*) қишлоғидир. Қишлоқ номи 2006 йилга қадар *Чўрикалон* деб аталган. 2006 йил 29-июлда *Юқори Чўрикалон* номига ўзгартирилган. Маҳаллий аҳоли қишлоқ аҳолисининг тўртдан бир қисми меҳнаткаш халқ бўлганлиги учун дастлаб Чорикорон деб аталган, кейинчалик ўзгаришга учраган деб ҳисоблайди. Топонимнинг аниқ этимологияси номаълум. Бизнингча, қишлоқ дастлаб *Чўликалон* деб аталган. Топоним бошидаги *юқори* сўзи қишлоқнинг географик ўрнидан келиб чиқсан ҳолда кейинчалик қўшилган. Чўликалон сўзи форсча-тожикчада «улкан биёбон», «ўсимлиги сийрак ёки умуман ўсимлик ўсмайдиган катта дала-дашт» деган маънони билдиради.

Юқори Янгикент (*Yuqori Yangikent*) – Бухоро вилоятидаги қишлоқнинг номи. Қишлоқ 2006 йилга қадар *Янгикент* деб аталган. 2006 йил 29-июлда *Юқори Янгикент* номига ўзгартирилган. Географик жой номи таркиби учта сўз – *юқори*, *янги* ва *кент* сўзларидан иборат. Топонимнинг биринчи компоненти – *юқори* сўзи қишлоқ жойлашган ҳудуднинг географик ўрнини билдиради. Топонимнинг иккинчи компоненти – *янги* сўзи «илгари мавжуд бўлмаган», «яқиндагина пайдо бўлган» деган маънони англатади. Топонимнинг учинчи компоненти – *кент* сўзи эса сўғдча бўлиб, «катта қишлоқ», «шаҳар» деган маъноларни билдиради [5]. Захириддин Мухаммад Бобур ҳам қишлоқни *кент* деган [2]. Демак, *Юқори Янгикент* – «юқорироқда яқин даврда вужудга келган қишлоқ» маъносидадир.

Вилоятнинг Фиждувон туманида *Янгиер* (*Yangiyer*) деган қишлоқ мавжуд. Географик жой номи таркиби иккита сўз – *янги* ва *ер* сўзларидан иборат. Топонимнинг биринчи компоненти – *янги* сўзи «илгари мавжуд бўлмаган», «яқиндагина пайдо бўлган» деган маънони англатади. Топонимнинг иккинчи компоненти – *ер* сўзи эса «тупроқ қатлами», «экин экиладиган майдон» деган маънони англатади. Атрофдаги бошқа ҳудудларга нисбатан кейинроқ ўзлаштирилган ер – *Янгиер*. Қишлоқ нисбатан яқин даврда

ўзлаштирилган ерда вужудга келганилиги сабабли ҳам шундай номланган.

Вилоятдаги қишлоқлардан яна бири *Янгикент* (*Yangikent*). Маълумотларга кўра бу қишлоқ 1972 йилда ташкил қилинган. Географик жой номи таркиби иккита сўз – янги ва кент сўzlаридан иборат. Топонимнинг биринчи компоненти – янги сўзи «илгари мавжуд бўлмаган», «яқиндагина пайдо бўлган» деган маънони англатади. Топонимнинг иккинчи компоненти – кент сўзи эса сўғдча бўлиб, «катта қишлоқ», «шаҳар» деган маъноларни билдиради [5]. Захириддин Мухаммад Бобур ҳам қишлоқни кент деган [2]. Демак, Янгикент – «яқин даврда вужудга келган қишлоқ», «атрофдаги бошқа аҳоли пунктларига нисбатан кейинроқ вужудга келган қишлоқ» маъносидадир.

Янгиқишлоқ (*Yangiqishloq*) – Бухоро вилоятидаги қишлоқнинг номи. Қишлоқ 1964 йилда ташкил топган. Топоним таркиби иккита сўз – янги қишлоқ сўzlаридан иборат. Географик жой номининг биринчи компоненти – янги сўзи «илгари мавжуд бўлмаган», «яқиндагина пайдо бўлган» деган маънони англатади. Топонимнинг иккинчи компоненти – қишлоқ сўзи аҳоли манзилгоҳини билдиргани ҳолда худуд аҳолиси асосан қишлоқ хўжалиги билан шуғулланишини англатади. Демак, Янгиқишлоқ – «илгари мавжуд бўлмаган, яқин даврда ташкил этилган қишлоқ» маъносидадир.

Бухоро вилоятида *Янгимасчит* (*Yangimaschit*) деб аталувчи қишлоқ ҳам мавжуд. Топонимнинг биринчи компоненти – янги сўзи «илгари мавжуд бўлмаган», «яқиндагина пайдо бўлган» деган маънони билдиради. Топонимнинг иккинчи компоненти – масчит сўзи масжид (арабча *ma+sajada* «сажда килинадиган жой») сўзининг жонли тилда ўзгарган шакли. Бу сўзниң бир нечта маънолари бор. Булар: 1) бир-биридан узокроқ жойлашган бир неча тарқоқ хонадонларни бирлаштириб турган муассаса; бунда мачит хонадонлар қайси манбадан сув исча, ўша сув номи билан аталган; чунончи Хоразмда ана шундай бўлган; 2) катта қишлоқларнинг бир қисми, баъзан шаҳарларнинг маҳалла ёки гузари ҳам мачит номи билан аталган; мачит маъмурий бирлик бўлиб ҳам хизмат қилган; 4) қишлоқ билан мачит бир маънода ишлатилган, яъни иккаласи бир ном билан юритилган. Демак, Янгимасчит – «яқинда барпо этилган қишлоқ», «янги қишлоқ» деган маънони билдиради.

Хулоса. Юқоридагилардан қўриниб турибдики, Бухоро вилояти ойконимлари орасида хорологик ва хронологик ойконимлар кўпчиликни ташкил қиласди. Кичик худудларда олиб бориладиган топонимик тадқиқотлар бу каби ойконимларнинг халқона талқини билан бир қаторда уларни ҳозирги номининг маъносини, номларнинг шаклланишидаги географик хусусиятларни аниqlашга ёрдам беради.

Адабиётлар:

1. Бартольд В.В. Сочинения. Том III. –М.: 1965.
2. Захириддин Мухаммад Бобур. Бобурнома. –Т.: «Юлдузча», 1960.
3. Миракмалов М.Т. Халқ табиий географик терминлари. –Т.: «Fan va texnologiya» нашриёти, 2009.
4. Мурзаев Э.М. Словарь народных географических терминов. –М.: Изд-во «Мысль», 1984.
5. Қораев С. Ўзбекистон топонимларини ҳосил қиладиган асосий терминлар ва бошқа сўзлар луғати. –Т.: «Ўзгеодезкадастр», 2001.

Низомов А.*

БЕРУНИЙ ТАХАЛЛУСИННИГ ТОПОНОМИК ТАҲЛИЛИ

Аннотация: Қомусий билимлар соҳиби бўлган буюк олим Абу Райхон Берунийнинг тахаллуси хусусида мақола муаллифи давримизга қадар мавжуд фикрларни бирмунча рад этган ҳолда бу борада янги ғояни олға суради. Ушбу фаразга кўра Беруний Кот

* Низомов А. – Тошкент давлат педагогика университети “География ўқитиш методикаси” кафедраси доценти, г.ф.н.

шахрининг ташқарисида эмас, балки қалъанинг Берун дея аталувчи ўрта, яъни ички қисмида таваллуд қолгандир.

Калит сўзлар: тахаллус, работ, Берун, кўшк

Топонимический анализ псевдонима Беруни

Аннотация: В статье автор критически анализирует имеющиеся в литературе мнения о происхождении псевдонима Абу Райхана Беруни и выдвигает свою точку зрения на этот вопрос. Согласно выдвигаемой гипотезе, имя Беруни указывает на факт рождения учёного не на окраине города Кат, а в его внутренней крепостной части, именуемой Берун.

Ключевые слова: псевдоним, крепость, Берун, цитадель.

Toponymic analysis alias Beruni

Resume: Data on nickname of great scientist Abu Rayhan Beruni before our days, inherently in this article has a negative opinion. On idea of the author great thinker will be born not in outskirts of Kata city, but on the contrary inwardly of citadel having name Berun.

Key words: nickname, fortress, Bierun, citadel.

Кот харобалари Беруний шаҳридан 2,5 км шимолда жойлашган бўлиб, бу қадимги қўрғондан нишона тарзида Шайх Аббос Вали мақбараси, пишиқ фиштдан терилган улкан минора, шаҳар мудофаа деворининг қолдиқлари, қалъа харобаси сақланиб қолгандир. Беруний яшаган давр, XI асрда ушбу шаҳар жуда гавжум, йирик маданият ва фан маркази бўлган. Зоро у Хоразм давлатининг пойтахти эди. Кот топономик атама тарзида турли даврларда турлича аталганлиги маълум. Касс, Кат, Фир, ал-Фир, Фил, Пил, Шоббаз, Шайхабbos шулар жумласидандир. Кот топонимининг мазмуни хусусида бир қанча маълумотлар мавжуд. Академик В.Бартольд (I том. 199-бет) фикрларига таянган ҳолда Кот-қадимги Хоразмликлар тилида «чўлдаги девор», ёки «тўрткўл» мазмунини беради, дея оламиз. Олим ушбу фикрини, ўрта асрлар сайёхи, географ Ёкут Хамавий (XIII аср) нинг «Муъжам ал-булдон» (Мамлакатлар лугати) асари маълумотлари билан далиллайди. Ўзбекистон қомусида эса Кот-қадимги Хоразмий тилида «қишлоқ» деган маънени англатади, деган маълумот мавжуд (Қомус 5-китоб 68 бет). Чунки, Кот ёки ката сўзи қадимги эрон терминологиясида уруғ ёки унинг бирон бўлаги яшаган, девор билан ажратиб олинган катта ҳовлини билдиради эди. Ўрта Осиёда кенг тарқалган қишлоқни англатувчи «кот» термини шубҳасиз ибтидоий «кад», «кат», ёки «ката» терминидан келиб чиққандир. Шу боисдан Бинкат, Банокат каби қадимги топонимлар шаклланган. Жумладан, «Кат худо» - кат хокими – термини бизнинг замонамизгача сақланиб қолган ва маълум бир жамоа доирасида бошчилик қилувчи ва ҳатто оила бошлиғи деган мазмун англатади (Я.Ғуломов – 1957, 47-б.).

Кот шаҳри республикамиз худудидаги энг қадимги маданият марказларидан бири бўлган десак балки янгишмаймиз. Унинг тарихи, қурилган даври хусусида айрим чалкаш фикрлар юради. Жумладан, йирик шарқшунос олим И.Абдуллаев Берунийнинг «Қадимги ҳалқлардан қолган ёдгорликлар» асарини таржима қилар экан, унга ёзган изоҳларида «Ал-Фир-Хоразм шаҳри, Қиёт яқинидаги қалъа, IV аср бошларида қурилган», дея тушунча беради (И.Абдуллаев – 1967, 436 б). Бу ерда устоз ал-Фир қалъасини дастлабки қурилган йилини эмас, балки афригийлар сулоласининг асосчиси Африғнинг (ўлими 305 йили) ал-Фир-Кот қалъасининг марказида қаср қурдирганлиги маълум қилмоқда. Бу ҳақда Абу Райхон Беруний шундай ёзди. Офригдан кейин ал-Фир устига ўз қасрини қурдирди (Беруний – 1967, 71-б). Демак, ал-Фир қалъаси афригийлардан олдин ҳам мавжуд бўлган. Агар шундай бўлмаганида эди юононларнинг отахон географи, Гекатий Милетский эрамиздан олдинги III-IV асрларда яшаб ўтган асарларида «Кот» атама тарзида қайд этилмаган бўлар эди. Демак, шаҳар биздан 2300 йил муқаддам яшаб ўтган Гекатий Милетскийдан илгари ҳам мавжуд бўлган, гуллаб яшнаган. Шу боисдан унинг довруги Юнонистонга қадар етиб бориб, олимнинг эътиборини торта олган ва асарларида қайд этилган. Кот ҳатто ўрта асрларда ҳам жуда гавжум эди. Шу боисдан туркий ҳалқларнинг

савдо марказига айланган. У йилдан йилга ободонлашиб, меъморий жиҳатидан эса такомиллаша борган. Ўрта асрларда яшаб ўтган географ олим Абу Саъд Абдулкарим ибн Мухаммад ас-Самъоний, Кот шахрининг ўрта асрларда “Работи Берун” деб аталгани хусусида ҳабар беради. Айнан ўша работи Берун ёки Кот шахрида 362 йили 3 зулхижжа, ёки 973 йилнинг 4 сентябрида ўзбек ҳалқининг буюк ўғлони, қомусий билимлар соҳиби, забардаст олим Абу-р-Райхон Мұхаммад ибн Аҳмад ал-Беруний таваллуд топди. Уни аташ учун бирмунча қулайлаштириб Абу Райхон Беруний дея ифтиҳор қиласиз.

Беруний эса унинг тахаллусидир. Маълумки тахаллус шахснинг келиб чиқиши, насленасабини қисман ёритиб туради. Берун тушунчалик ташқари маъносини англатади. Шу боисдан Берунийшунос тадқиқотчилар олимни айнан Кот шахрида эмас, балки унинг атрофида туғилиб ўсганлиги боис, шу тахаллусни танлаганлар, деган фикрга борадилар. Абу Райхон эса унинг куняси, яъни лақаби бўлиб, араб тилида «Райхон отаси» ёки «райхонли киши» деган маъноларни ҳам англатади. Унинг ёшлиқ ҷоғлариданоқ ўсимликларга қизиққанлиги маълум, шу туфайли Абу Райхон лақабини олган бўлса керак. Бундан ташқари, райхон сўзи арабчада «раҳмат» ва «ризқ» маъноларига эга. Шу нуқтаи назардан қарасак, Абу Райхон «марҳаматли», «раҳмдил» деган мазмунни ҳам билдиради (И.Абдуллаев – 1968, 6-б).

Беруний тахаллусининг келиб чиқиш сабабини ўрта асрлар олими Абдулкарим ас-Самъоний ўзининг «Китоб-ал-ансаб» (Насаблар китоби) асарида аниқ ёритгандир. Абдулкарим ас-Самъоний асли Марвлик бўлиб, у Берунийдан 139 ёш кичик, 1112 йили яъни Беруний вафоти (1048) дан кейин 64 йил ўтгач таваллуд топгандир. Самъоний ҳам Беруний тахаллуси хусусида фараз билдирап экан, Беруний деган нисба Хоразм (Кот шахри қўзда тутилмоқда А.Н.) нинг ташқари қисмига оидdir. Кимки шаҳардан ташқарида туғилган бўлса, фалончи «беруний» дейдилар. Мунажжим Абу Райхон ана шундай нисба билан машҳурдир», - дейди (И.Абдуллаев - 1968). Самъонийнинг ушбу хабари туфайли фан оламида Беруний Кот шахрининг чеккасидаги қишлоқлардан бирида туғилган, деган фикр ривожланиб кетгандир. Машхур шарқшунос олимлар ҳам ҳеч иккиланмасдан Самъоний хабарларига хайриҳо бўлиб қолаверадилар. Жумладан Хоразм диёрининг машхур тадқиқотчиси академик С.П.Толстов, шарқшунос олим, академик И.Ш.Крачковский Самъоний фикрларига таянган ҳолда айнан шу фаразни қўллаб қувватлайди. Натижада ушбу ғоя барча Берунийшунослар доирасида кенг ёйилиб кетади. Хусусан Берунийнинг «Ўтмиш ҳалқлардан қолган ёдгорликлар» асарининг таржимони И.Абдуллаев ҳам ҳеч иккиланмасдан ушбу фикр тарафдори бўлиб, нимагадир Самъонийнинг Ал-Фир қалъасини работи «Берун» дея атайдилар, деган ёрқин хабарига эса беътибор қоладилар. Дарҳақиқат Абдулкарим ас-Самъоний Китоб ал-ансаб (Насаблар китоби) номли асарида Ал-Фир, яъни Кот шахрини «работи Берун» дея атайди. (Ўзбекистон миллий қомуси -5 китоб, «Кот» мақоласи).

Нима учун Абу Саъд Абдулкарим ибн Мұхаммад ас-Самъоний Кот шахрини работи «Берун» деб атамоқда? Айтидан бу топонимик атама ҳам жойнинг географик ўрнига боғлиқ ҳолда шаклланганлиги туфайли шу мазмунни олган кўринади. Чунки, биз юқорид Ёқут Ҳамавийнинг «Кот» атамаси «Чўлдаги девор» мазмунини беради, деган тушунчасига ишора қилган эдик. Чўл демак бу мамлакатнинг бир чеккаси, ташқариси (Қоракум чўли) га яқин жой, дала мазмунида ишлатилган бўлиши эҳтимол. Иккинчидан эса, Кот шахрининг архитектура тузилишидан келиб чиқкан ҳолда ушбу топонимнинг шаклланганлигини ҳам англаш мумкин. Чунки Ал-Фир Хоразм шахри (мамлакати демак А.Н) нинг чеккасидаги лой ва хом ғиштдан қурилган қалъа бўлиб, бир-бирининг ичига жойлашган ва баландликда бир-биридан қолишмайдиган уч қават қўргон эди. Бу барча қўргонлар тепасида Ямандаги Ғумдон сингари подшоҳларнинг қасрлар бор эди. Ғумдон – таббаларнинг турар жойлари бўлиб, Санъа (Яманнинг пойтахтидаги А.Н.) каби шахри жомеъ масжиди рўпарасидаги тошдан қурилган қалъадир. Ал-Фир ўн мил (20 км атрофида А.Н.) ва ундан ҳам кўпроқ масофадан кўринар эди (Беруний Абу Райхон- 1968, 71-б.). Демак, Ал-Фир яъни Фир қалъаси Беруний даврида хоразмликлар томонидан работи

«Берун» номи билан аталган. Ундан ташқари қалъанинг уч қават халқа тарзидаги қўрғондан иборат эканлиги ҳам дикқатимизни жалб қиласди. Чунки хоразмликлар томонидан замонамида ҳам қалъанинг марказини «кўшк», ўрта халқа «дарун» яъни ички, (хоразмча иchan А.Н) ташқи ҳалқа «берун» (хоразмча дишан А.Н.) дея аталиши хусусиятлидир. Демак, Беруний Ал-Фир қалъасидан чеккада эмас, балки айнан Абу Саъд ас Самъоний эслаган работи «Берун», яъни Фир қалъасининг ўзида таваллуд топган бўлиши эҳтимолга яқиндир. Шу боисдан йирик маданий марказ бўлган Кот шахри бу ердаги гавжум адабий-илмий муҳит, ёш Муҳаммаднинг ижодий фаолиятига ижобий таъсир этмасдан қолмас эди. Котдаги абсерваторияда Беруний мустакил тарзда кузатишлар олиб боради ва натижада ўзининг дастлабки кичик ҳажмдаги асарларини айнан шу кузатишлари таъсирида яратади. Натижада эришган ютуқлари, ёш олимни илм ўйлида дадилроқ ҳаракат қилишга ундали. Берунийда ўзининг илмий салоҳиятига бўлган ишончи янада қатъийлашади. Она юрти Хоразм тарихи тўғрисидаги фикрларини ҳам айнан шу Кот шахрида истиқомат қилган йиллари қоғозга тушира бошлаган эди. Кейинчалик ушбу маълумотлардан Журжон (Қобус ибн Вашмигир саройи) да «Ўтмиш ҳалқлардан қолган ёдгорликлар» асарини битишда кенг фойдаланади.

Бу даврда Кот шахри бирмунча қаровсиз холатга тушиб қолган эди. Шу муносабат билан Амударёнинг бебошвоқ тўлқинларини жиловлаб турувчи қирғоқ бўйлаб қурилган тўғонлар ҳам таъмирланмасдан кучини йўқота борган шекиллик. Чунки Жайхун (ўша даврларда Амударёни араблар шу ном билан атай бошлаган эдилар – А.Н) дегиши ёки даггиш (қирғоқни емирувчи жараённи – дегиши дейди А.Н) шаҳарни табора емира боради. Бу ҳақда Беруний шундай ёзади. Жайхун ҳар йили уни (Ал Фир қалъасини А.Н.) бузиб, йиқитиб ва парчалаб олиб кета берди, ниҳоят Искандар тарихининг минг уч юз бешинчи йилида (яъни 993 йили – А.Н) қалъадан асар ҳам қолмади (Беруний – 1967, 71 б).

994-995 йиллари Хоразм ва умуман Ўрта Осиёда муҳим ўзгаришлар содир бўлади. Қорахонийлар бошлиқ кўчманчи қабилалар Самонийлар давлатига қарши хужум бошлайдилар. Бунинг натижасида Хоразмда ҳам давлат тўнтариши юз бериб, Кот Урганч амири Маъмун-I (995-997 йилларда хукумронлик қилган) томонидан босиб олинади. Шу билан шаҳарда хукумронлик қилаётган африғийлар сулоласи тутатилади. Тахтдан туширилган амир хизматида бўлган Беруний ҳаёти ҳам ҳавф остида қолади ва 22 ёшида Ватанини ташлаб чиқиб кетишга мажбур бўлади (И.Абдуллаев – 1967, 7 б).

Аммо тарихий маълумотларга кўра Кот шахри Беруний яшаган даврдан кейин ҳам мавжуд бўлган. Демак, бу шаҳар Беруний айтгани каби ё бутунлай «Оқиб» кетмаган ёки дарёдан нарироқда яна қад ростлаган Чунки 1333 йили Хоразмда бўлган араб сайёхи Ибн Батута Гурганчждан Бухорога сафар қиласар экан, Котда тўхтаб ўтади. “Биз, - дейди Ибн Батута, - Гурганчдан Котга қадар тўрт кун йўл босдик. Ушбу оралиқда Бирон қишлоқ йўқ эди. Кот унча йирик бўлмаган, аммо чиройли шаҳар экан” (Ибн Батута – 1988, 79 б). Яна бир хабарга кўра, Амир Темурнинг Хоразмга биринчи юриши (1372 й) даврида Кот яхши мустахкамланган қалъа шаҳар бўлган (Я.Ғуломов – 1957, 179 б). Хабарларга кўра, Фир қалъасининг ички бир бўлагида подшоҳликнинг жанговар филлари боқилган ва шу боисдан у қалъа Фил-яъни Фир номи билан машҳур бўлган.

Аслида Абу Райхон Беруний Кот шаҳрининг ўзида туғилдими, ёки қалъа ташқарисидаги аллақандай қишлоқда таваллуд топдими, бунинг ҳеч қандай аҳамияти йўқдек туюлади. Аммо устоз Абу Райхон Беруний ҳалқимизнинг шунчалар буюк фарзандики, биз унинг нафақат туғилган, улғайиб ўсган жойини аникроқ билишимиз, балки босган ҳар бир қадамини ўрганишдан катта ифтиҳор туймогимиз лозим. Буюк донишманди сифатида танилган ватандошимизнинг биз учун қолдирган улкан илмий мероси, бу меросни эъзозлаш, алломанинг ҳаёти, ижодий фаолиятини ўрганиш ва бундан фаҳрланиш туйғуси ана шуларни тақозо қиласди.

Ҳакимов Қ.М., Қурбонов К., Камолов Э.*

АНТРОПОНИМЛАР ВА УЛАРНИНГ ҲУДУДИЙ ТАФОВУТЛАРИ ҲАҚИДА

Аннотация: Мазкур мақолада антропонимларнинг ҳудудий тарқалиши, уларнинг фарқловчи хусусиятлари ва лисоний-коммуникатив вазифаси аниқ мисоллар ёрдамида таҳлил қилинган.

Таянч сўзлар: антропоним, этиология, ҳудудий тарқалиши, минтақавий хусусиятлари.

Антропонимы и их территориальные особенности

Аннотация: В данной статье на конкретных примерах изучено некоторые региональные особенности и территориальные различие антропонимов.

Ключевые слова: антропоним, этиология, географическое распространение, территориальная различия.

Antroponyms and about their separating terretory

Annotation: In this article were antroponyms territory, their different peculiarities and analizing communicative tasks of exact examples.

Key words: antroponim, etimology, separate of terretory, district peculiarities.

Кириш. Маълумки, фанда кишиларни исми, таҳаллуси, лақаби, нисбаси антропоним (юнонча, anthropos - «одам», онима - «ном») дейилади. Мавжуд антропонимик тизимлар, шахсни турлича аташ усуллари, таҳаллус, лақаб, нисба ҳамда антропонимларни ҳудудий тарқалиши, келиб чиқиши, жамиятда амалда қўлланишини ўрганувчи соҳа эса антропонимика деб аталади. Барча жой номлари каби антропонимларга ҳам, тарихийлик ва ҳудудийлик хос, шу сабабдан, ҳар бир минтақа антропонимларининг ўзига хос фарқловчи хусусиятлари мавжуд. Чунки, уларда маълум ҳудудда яшовчи ҳалқларнинг фалсафий, руҳий тушунчалари, миллий урф-одатлари, кишилик жамиятидаги ижтимоий-сиёсий, хўжалик, маданий ва маънавий қадриятлари ҳамда эзгу ниятлари, орзу-армонлари ўз аксини топган.

Шуни ҳам эътибордан соқит қиласлиқ керакки, ҳозирги глобаллашув даврида астасекин унитилаётган, тарихга айланиб бораётган номларни, жумладан, антропонимларни имкон қадар тезроқ тўплаш, таснифлаш, келиб чиқиши сабабларини изоҳлаш, уларни луғатини тузиш соҳа мутахассислари олдида турган муҳим вазифалардан саналади. Бу ҳолат тадқиқот обьектини долзарблигини белгилайди. Антропонимларни лисоний жиҳатдан тадқиқ қилишда Э.Бегматов, О.Фафуров, Ф.Сатторов, И.Рахимов, А.Омонтурдиев, Н.Охунов каби олимлар катта ҳисса қўшганлар. Хусусан, салкам ярим асрдан буён, ўзбек антропонимларини фундаментал равишда тадқиқ қилиб келаётган профессор Э.А.Бегматовни хизматлари таҳсинга сазовор.

Шу билан бирга, таъкидлаш жоизки, ҳозирга қадар географлар томонидан ҳудудлар кесимида антропонимларни географик тарқалиши, минтақаларга хос хусусиятлари, ҳудудий тафовутлари илмий жиҳатдан кам ўрганилган. Шу сабабдан, келажакда минтақалар (вилоятлар) миқёсида антропонимларни йиғиш, тадқиқ ва таҳлил қилиш ҳамда уларнинг ўзига хос ҳудудий тафовутларини аниқлаб ўрганиш катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Асосий қисм: Антропонимлар ҳам бошқа топонимлар сингари муайян тарихий давр маҳсули, аждодлардан қолган қимматбаҳо маънавий ёдгорлик, ҳалқ ижодининг бебаҳо маҳсули ҳисобланади. Таниқли номшунос олим Э.Бегматов таъкидлаганидек, “ҳар қандай антропоним замирида ота-оналарнинг бирор мақсад, орзу-умидлари, фарзандининг соғлиғи, келажаги, истиқболини қўзлаган эзгу ниятлар ётади. Мана шу ниятлар болага исм танлаш ва бериш учун асос (мотив) вазифасини ўтайди”. Чунки, антропонимларни пайдо бўлишида эстетик ва этик тамойиллар билан бирга, кишиларни орзу-истаклари, тасаввур ва дунёқарашлари, миллий хусусиятлари муҳим рол ўйнайди.

* **Ҳакимов Қ.М.** - Жиззах давлат педагогика институти кафедра мудири, г.ф.н., доцент;
Қурбонов К. – География ўқитиши методикаси кафедраси доценти, г.ф.н.;
Камолов Э. – География ўқитиши методикаси йўналиш иқтидорли талабаси.

Бошқача айтганда, антропонимларда халқнинг босиб ўтган йўли, фалсафий, диний, ахлоқий, тарбиявий, эстетик қаравашлари, эътиқодлари, расм-русумлари ўз ифодасини топган. Шунинг учун, ҳар бир ном муайян сабаблар билан пайдо бўлиб, ўзининг тарихи, худудий тарқалиши, бирор асос ва маъно-мазмунига эга. Қадимда маҳаллий халқ болага исм қўйишида нафақат уни исми, боласини бошқалардан фарқлаши учун хизмат қиласи, балки, уни тақдири ва истиқболига ҳам таъсир қиласи деб ишонишган.

Исм бешикдан то қабргача эгасига хизмат қилишини инобатга оладиган бўлсак, бу вазифа қанчалик муҳим ва масъулиятли эканлигини тушиниш қийин эмас. Бинобарин, турли тарихий даврларда ҳар бир минтақада ўзига хос миллий хусусиятлар, яъни турли халқона удумлар, этник расм-русумлар пайдо бўлган. Маълумки, Ўрта Осиё халқлари қадимда зардуштийлик динига эътиқод қилиб, оташпараст бўлишган. Зардуштийликнинг ахлоқий таълимоти асослари бўлган “эзгу фикр”, “эзгу сўз” ва “эзгу амал”, ўша давр кишилари исмларида ҳам ўз аксини топган. Ана шу муқаддас учлик (ахлоқий триада) ўша давр одамларига исм танлашда асос бўлиб хизмат қилган. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда маҳаллий халқ орасида болаларга исломгача бўлган қадимий номларни бериш анъанаси яна урф бўлмоқда. Жамшид, Рустам, Сўҳроб, Сиёвуш, Манучехр, Бахром, Исфандиёр каби жасурлик, ботирлик рамзи бўлган исмларни кўпайиши ана шундан дарак беради.

Мовароуннаҳрда ислом динини кенг тарқалиши маҳаллий халқнинг болага исм бериш одатларига кучли таъсир қилган бўлса ҳам, аммо қадимги исмлар батамом истеъмолдан чиқиб кетмади ва уларнинг муайян қисми ҳозиргача сақланиб келмоқда. Марказий Осиёда жумладан, ҳозирги Ўзбекистон худудида ислом динининг тарқалиши, маҳаллий халқлар орасида бу дин тушунчалари билан боғлиқ бўлган антропонимлар сонини қўпайишига олиб келган. Маҳаллий халқ болани номлашда исломни бу йўлдаги кўрсатмаларига қатъий амал қилишган.

Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) фарзандга маъносиз ва нафратли ҳамда ортиқча мақтовни эслатадиган исм қўйиши макруҳ амал деб билганлар. Масалан, жаноб Расулуллоҳ (с.а.в.) дан: “Эй Расулуллоҳ, фарзанднинг ҳаққи нимадан иборат?”, деб сўрашганда у зот: “Унга чиройли исм қўйиб, гўзал одоб беришдир”, деганлар. Шу сабабдан, Қуръони каримда тилга олинган Аллоҳнинг гўзал исмларини ўз фарзандларига қўйиш маҳаллий халқлар орасида кенг расм бўлган. Яна бир эътиборли томони шуки, ислом динида шахснинг номи кишининг ҳаёти ва тақдирида муҳим роль ўйнайди, яхши исм омад, аксинча, ёмон ва ноқулай исм баҳсизлик келтиради деб хисоблашади.

Юқорида қайд қилингандек, антропонимларга худудийлик хос ва унинг айрим минтақавий хусусиятларини Фориш тумани Андагин қишлоғи антропонимлари мисолида таҳлил қилиш мумкин. Географик нуқтаи-назардан Андагин қишлоғи Нурота тоғларининг шимолий этагида жойлашган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Нурато тоғларининг шимолий қисмида яшайдиган аҳоли этник жиҳатдан анча мураккаб ва этнограф олимлар томонидан кам ўрганилган худудлардан бири хисобланади. Ўтган асрда М.С.Андреев, Б.Х.Кармишева, А.Мухторов, М.Нурназаров каби олимлар турли экспедициялар таркибида бу жойларга келиб, маҳаллий аҳоли катламларини этнографик жиҳатдан қисман ўрганишган.

Мазкур қишлоқ антропонимлари билан танишганда, улардаги баъзи бир ўзига хос этнографик жиҳатлари киши дикқатини ўзига жалб қиласи. Масалан, қишлоқ ахли аждодлари жуда қадимдан амал қилиб келган қоидага кўра бир авлодга мансуб қариндошларнинг ҳаёт бўлган болаларига бир хил исм қўйишмайди. Бу ҳолатни иккита сабаб билан изоҳлаш мумкин. Биринчидан, бир авлод фарзандлари орасида бир хил исмлар бўлса, уларни фарқлаш қўйинлашади. Иккинчидан, ҳаёт бўлган қариндош исмини бошқа бир яқин қариндошга қўйиш мумкин эмас, деган удумга қатъий амал қилишади. Шу сабабдан, маҳаллий халқ орасида факат оламдан ўтган, мархум ота-бобоси ва она-бувиси, ёки яқин қариндошлари исмини боласига қўйиш урф бўлган.

1960 йили собиқ СССР Фанлар академиясининг этнография институти томонидан Ўрта Осиёга ташкил этилган экспедиция таркибида келган, Б.Х.Кармишева маҳаллий аҳолини

этнографик жиҳатдан қисман ўрганган. Этнограф олиманинг ёзишича, мазкур удум замирида, биринчидан, ўтмиш аждодларини эслаш, унитиб юбормаслик, унга нисбатан хурматини англатса, иккинчидан, боласига исми берилган марҳум аждоднинг руҳи, арвоҳи чақалоқни бало-қазолардан асрайди, деган ишонч ётади. Эътиборли томони шундаки, агар болага оламдан ўтган яқин қариндошларни исми қўйилса, унда исмга ва уни эгасига нисбатан ўзига хос этнографик удумларга амал қилиш шарт бўлган. Масалан, бундай болани асл исмини айтиб койиш ва уриш ман қилинади. Агар бу удумга амал қилинмаса, марҳум аждодини руҳи ранжиди ва бу ҳолат болага салбий таъсир кўрсатади деб ишонишган.

Қишлоқдаги маҳаллий халқнинг бაъзи бир оиласарида ҳозиргача, шахсий исмларнинг ўрнига оиласаги қавм-қариндошлиқ муносабатларини билдирадиган сўзлар қўлланиб келинади. Бу тарихий-этнографик ҳодиса илмий тилда эвфемизм (юононча, euphemia - “юмшоқ ифодалаш”), дейилади. Эвфемизмни илмий жиҳатдан чуқур тадқиқ қилган А.Омонтурдиев, “ота-боболар номини кейинги авлодларга қўйиш удуми аждодларни унутмаслик, номини ёд этиш, сулола шажарасини сақлаш, шу орқали уларни шод этиш, руҳларига эҳтиром билдириш бўлади, деган ғоя асосида юзага келган”, деб ёзган. Бу ҳолатни диққатга сазовор жойи шуки, кундалик муомалада фойдаланидиган қон-қариндошлиқни белгилайдиган сўзлар ҳар доим ҳам хақиқий маъно касб этмайди.

Масалан, қишлоқда яшаган Бобо-маҳсум (арабча, маҳсум - «шариат аҳкомларига тўла риоя қиласиган шахс») деган кишининг асл исми Абдураҳим бўлган. Бобо ёки Бобожон деб аталишининг сабаби шундаки, унинг отаси Абдулҳай, ўғли туғилганда унга ўзининг марҳум отаси Абдураҳимни исми қўйган. Натижада, асли исми Абдураҳим бўлса ҳам, отаси уни эркалатиб сизлаб “дадажон” деб мурожаат қиласиган, оиласи бошқа аъзолари, жумладан онаси ва бошқа фарзандлари уни “бобожон” деб сизлаб чақиришган. Худди шундай қўни-қўшнилар, қариндош-уруглар учун ҳам, унга Бобо ёки Бобожон деб мурожаат қилишган. Кейинчалик қон-қариндошлиқ муносабатларини билдирадиган сўз, асл исмини муомаладан сиқиб чиқарган ва расмий хужжатларда ҳам, исми Бобо деб ёзилган. Эътиборли томони шуки, факат энг яқин қариндошлари, унинг асл исми Абдураҳим эканлигини билишган.

Маҳаллий халқнинг оламдан ўтган яқин қон-қариндошларини номини янги туғилган чақалоққа бериш одати борлигини билмаган одам учун, бу ҳол анча ғалати туюлади. Таъкидлаш жоизки, бобо деб чақираётган одамларга у умуман қариндош бўлмаслиги ҳам мумкин. Аждодлардан мерос бўлган удумга содиқ қолган оила бошлиғи фарзандларига Хадича, Робия, Абдулҳай деб, ўтган яқинлари исмини қўйган. Масалан, оиласи катта фарзанд бўлган Хадичани отаси ва барча оила аъзолари «онажон ёки бибижон» деб чақиришади, сабаби қизи туғилганда отаси унга онамни исмлари ўчмасин деб, марҳум онасини исмини берган.

Туғилиш гувоҳномасида Робия деб қайд этилган, яна бир оила аъзосини барча “моможон” деб чақиришади, чунки у бу номни туғилишидан анча олдин вафот этган, она тамонидаги момосидан мерос қилиб олган. Унинг ҳақиқий исми Робия бўлса ҳам ҳеч ким, уни бу ном билан чақирмайди. Мана шундай қавм-қариндошлиқ терминлари болани асл исми ўрнида кўп бор тилга олинганлиги туфайли, кейинчалик шахснинг исми атоқли от даражасига кўтарилган. Кишининг шахсий исмига айланган Дадажон, Бобожон, Ақажон, Моможон каби исмлар шу йўсинда пайдо бўлган. Мазкур оиласи эр-хотин ўзаро келишиб, оламдан ўтган ота-оналари исмларини фарзандларига беришдан мақсад, уларни хурматини жойига қўйиш ва унитиб юбормаслик бўлган.

Ўрганилаётган оиласи Абулҳай исмли ўғил бола ҳам бор. У туғилганлик тўғрисидаги хужжатда Абулҳай бўлгани билан, оиласидан ташқари ҳамма уни “бобожон” деб чақиришади. Абулҳай ўз исмини ота тамонидаги бобосидан мерос қилиб олганлиги учун, у отасига “дадажон”, яъни ота, қолган барча оила аъзоларига “бобожон” дир. Қизиги шундаки, маҳаллий халқнинг бундай урф-одати борлигини билмаган киши учун, бир оиласи ҳам отаси ҳам ўғлини бобожон деб аталиши ғайри табиийдек туюлади.

Аслида, бундай ҳақиқий номларни «яширишда» ҳеч қандай сир йўқ. Кундалик ҳаётда ўтганларни номини олган болага ножӯя ҳаракати учун, танбех бериш, койиш, сўкиш, ҳатто

баъзида ҳақоратлаш ҳолатлари содир бўлиши мумкин. Ана шундай ҳолатлар юз берганда болага қўйилган номни, яъни асли мархум аждоднинг исмини тилга олишни ман этиш мақсадида, уни бошқа сўз билан алмаштириш эҳтиёжи пайдо бўлган. Натижада болани ҳақиқий исмини яшириш одати вужудга келган.

Ўтмишда аждодларимиз вафот этган яқин қавм-қариндошларининг исмларини фарзандларига бериб нафақат уларда ота-боболарини сиймосини кўрган, балки шулардек яхши инсонлар бўлишини ҳам орзу қилишган. Оламдан ўтган яқин қариндошларини исмини кейинги авлод вакилларига бериш нафақат уларни эслаш, хурматини жойига қўйиш, ўтганларни руҳини шод қилиш, балки руҳни абадий эканлигига ҳам ишорадир. Таниқли номшунос олим Э.Бегматовнинг ёзишича, “ушбу эътиқод ва ишонч замирида исм қандайдир мўъжизавий кучга, сехрга эга деган тушунча ётади”.

Таъкидлаш жоизки, қатъий амал қилинган бу удум, маҳаллий халқнинг маънавий қадриятлардан бири сифатида авлодан-авлодга ўтиб келган. Илгари яқин қавм-қариндошлик терминлари киши исмига айланиб, расмий ҳужжатларда қайд қилинган бўлса, сўнгги йилларда янги туғилган чақалоққа оламдан ўтган яқин қариндоши номи берилган тақдирда ҳам, расмий ҳужжатларда мерос қилиб олган номни ўзи ёзилмоқда. Ҳозирги вақтда маҳаллий халқ орасида, оламдан ўтган энг яқин қавм-қариндошларнинг номини бериш удуми анча камайган ва фақат оила ичидаги бундай номлар кўлланилмоқда, қолган жойларда кўпчилик улари асл исмини олиб чақиришади. Демак, маълум маънода бу анъана аста-секин юқолиб бораяпти.

Хулоса қилиб айтганда, дастлабки кузатувлар шуни кўрсатадики, географлар томонидан антропонимларни минтақавий хусусиятларини илмий жиҳатдан ўрганиш маҳаллий халқнинг шаклланиш тарихи, этнографияси, тарқалиш ареали, миграцияси каби масалаларни худудий жиҳатларини ойдинлаштириш имконини беради.

Адабиётлар:

1. Бегматов Э. Исмларнинг сирли олами. - Т., 2014.
2. Кармышева Б.Х. Материалы этнографического обследования таджиков Нуратинского хребта. // Сов. этнография. - Москва, 1964, № 4. - С.15.
3. Нурназаров М.Н. Точикони Фориш. - Гулистан, 2000.
4. Омонтурдиев А. Профессионал нутқ эвфемикаси. -Т., 2006.
5. Ҳакимов Қ.М., Каримов И.Э. Нурота тизмаси шимолий қисмida яшовчи баъзи халқларнинг этногеографик хусусиятлари. // Ўз.ГЖА, 30-жилд. - Т., 2008. - Б.93-95.
6. Ҳакимов Қ.М. Жиззах вилояти топонимлари. – Жиззах, 2014. - 204 б.
7. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. З-жилд. - Т., 2002. - Б.683.

Уринбаева Ф.Б., Баллиева Р.*

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТОПОНИМЛАРИНИНГ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТДАН ТАДҚИҚ ҚИЛИНИШИ

Аннотация: Қорақалпоғистонда жой номларининг пайдо бўлиши, шаклланиши ва географик жойлашишида халқнинг уруғ-қавмлари, табиий шароит, табиий географик жарёнларнинг роли очиб берилган. Шу билан бирга бу масалаларни ўргангандан тадқиқотчилар ишлари ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Калим сўзлар: топонимик тадқиқотлар, этнотопонимлар, антропотопонимлар, гидронимлар, топонимларнинг ўзгариши, топонимик харита-схемалар

Географические исследования топонимов Республики Каракалпакстан

Аннотация: Раскрыты рол народов, этносов, природных условий и физико-географических процессов в возникновении, формировании и географического положения

*Уринбаева Ф.Б. - Қорақалпоқ давлат университети география кафедраси ўқитувчиси.

E-mail: fari.84@mail.ru;

Баллиева Р. - Қорақалпоқ давлат университети география кафедраси профессори, г.ф.н., т.ф.д, E-mail: ruza_etno@mail.ru

топонимов в Каракалпакии. А также даны сведения о работах учёных изучавших эти вопросы.

Ключевые слова: топонимические исследования, этнотопонимы, антропотопонимы, гидронимы, изменения топонимов, топонимические карто-схемы.

Geographical research toponyms the Republic of Karakalpakstan

Resume: Disclosed role of peoples, ethnic groups, natural conditions and the physical and geographical of processes in appearance, formation and geographical location of toponyms in Karakalpakstan. And also given information about the works of scientists who studied these issues.

Key words: toponymic research, ethnonyms, antropotoponyms, hydronyms, changes of toponyms, toponymical schematic maps.

Кириш. Ҳар бир даврнинг ўзига хос жой номлари бўлади, улар табиий, ижтимоий ва сиёсий омиллар таъсирида вужудга келади ва ўзгариб боради. Географик номлар фақат топонимик тадқиқотлар манбаи бўлиб қолмасдан, шу билан бир қаторда ахолининг этно-ижтимоий ҳолатини, хўжалик-маданий типларини ва ўлкани этнографик жиҳатларини ўрганишда муҳим манба вазифасини бажаради. Айниқса, ўлкани комплекс ўрганишда этнотопонимларнинг аҳамияти жуда катта.

Тараққиётнинг қадим даврлариданоқ этник номлар географик номлар вазифасини бажарган, яъни қавмларнинг ерга эгалик қилиши натижасида маълум этносга тегишли ҳудуд ҳам этнос номи билан аталган. Африка, Франция, Англия, Бангладеш каби топонимлар ҳам бунга ёрқин мисолдир.

Асосий қисм: Этнотопонимлар асосан, шу ерда яшовчи ва яшаган этносларнинг уруғ-қавмлари номларининг сақланиб қолишидан шаклланади. Нима учун баязи ҳалқларда уруғлар яхши сақланиб қолади-ю, байзиларида эса унутилиб кетади? Бу ҳолат географик ўриннинг экстремал табиий шароити ва шу табиий шароитда табиатдан қандай фойдаланилганига ҳам боғлиқдир.

Мисол тариқасида тарихда Амударёнинг ўзанидан тошиб, сув босиш ходисасининг тез-тез рўй бериб, дарё ўз йўналишини ўзгартириб, баъзи жойларда қурғоқчилик бўлганилиги, бошқа жойларда сув тошқинлари кузатилганлигини кўрсатишимиш мумкин. Амударё ўзанининг ўзгарувчанлиги суғорма дехқончилик билан шуғулланувчи ахоли учун катта қийинчиликлар туғдирган. Қорақалпоқларнинг баъзи уруғлари дехқончилик учун яроқли ерларни талашишган, ерларни сугориш учун Амударёдан каналлар, ёплар, ариқлар олиш учун тортишувлар, ҳаттоқи уруғлар орасида жанжаллар ҳам бўлиб турган.

Шунингдек, Амударё йилига кўп микдорда ётқизикларни келтириб, дарё ўзани ва сугориш тизимларини лойқа босган. Ҳар баҳорда бу ётқизикларни тозалаш учун жамланган ишчи кучлари керак бўлган. Табиатдан фойдаланишнинг мураккаблиги ва Амударёдан кутиладиган ҳавф доимий равишда маҳаллий ахолининг бирлашишини ва тинимсиз курашни талаб қилган. Бундай мураккаб вазият ўлкада яшовчи этнослар уруғларининг сақланиб қолишига ҳам замин яратди.

Амударёнинг қуий оқимидағи мураккаб гидрологик шароитда бу ердаги ахоли каналлар тармоғини яратган, турли хил сув иншоотлари, тўғонлар қуришган. Қорақалпоқларнинг XIX аср бошлари ва XX асрдаги жойлашуви уларнинг уруғ-қавм тизими структурасига мос келган [1].¹ Бунинг исботини эса, Т.А.Жданко томонидан тузилган Кегайли ирригация тармоқлари схемаси ва топографик хариталарда аниқ кўришимиз мумкин. Шуниси эътиборли-ки, ушбу харитадаги каналлар тармоқлари - ёплар ва ариқларнинг аксарияти номлари (гидронимлар) айнан шу ҳудудда яшовчи уруғлар номлари билан аталган. Схемада келтирилган Кегайли каналига тегишли 61та ёп ва ариқлар номларининг 32таси (50% дан ортифи) этнонимларга боғлиқ, қолган 29таси эса

¹ Баллиева Р. Каракалпакский этнос и традиционное природопользование. Автореферат докторской диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. М., 2003.

антропотопонимлар ва жойнинг табиий географик хусусиятига боғлиқ топонимлардир. Хусусан, қорақалпоқларнинг ўн тўрт уруғ ариси (туркуми) нинг¹ қитай, қипчоқ, кенегес, манғит каби катта уруғлари тармоқларининг географик жойлашувини ушбу схемадаги этнотопонимлар мисолида кўришимиз мумкин:


1. Қитай – Қазаяқли (2 марта), Бағлиқитай, Аралбай (2 марта), Қириқжап (2 марта), Бексийик (2 марта), Шериуши (2 марта), Бессари (2 марта), Манжули, Айтеке;

2. Қипчоқ – Сангмурун, Майлибалта, Тарақли, Қангли;

3. Кенегес – Ақтогин, Омир (2 марта), Қулманжап;

4. Манғит – Манғит, Қарасийрақ (2 марта), Аршанжап, Шуйит (2 марта), Арсари.

Бинобарин, гидрообъектларни бундай номлаш ушбу сув объектларининг республика аҳолиси ҳаётида ва топонимларнинг шаклланишида қадим замонлардан буён муҳим аҳамиятга эга бўлганлигидан далолатдир.



Расм. Т.А.Жданко томонидан тузилган Кегайли ирригация тармоқлари схемаси

Расмдаги шартли белгилар изоҳи:

1.КТ – Қитай уруғларига тегишли канал ёки ариқ номи

2.КП-Қипчоқ уруғларига тегишли канал ёки ариқ номи

3.КН-Кенегес уруғларига тегишли канал ёки ариқ номи

4.МН- Манғит уруғларига тегишли канал ёки ариқ номи

Қорақалпоғистон тарихига қизиққан бир қатор олимлар асарларида республика топонимларига доир кизиқарли маълумотлар ҳам келтирилган: масалан Я.Ғуломов², С.П.Толстов³, Т.А.Жданко¹, В.Н.Ягодин², Х.Есбергенов, М.Мамбетуллаев, Ф.Хожаниязов, О.Юсупов ва бошқаларнинг асарлари шулар жумласидандир.

¹ Қорақалпоқ халқи «арис» деб аталувчи 2та катта уруғлар гурухига бўлинади: қўнғирот ариси ва ўн тўрт уруғ ариси

² Гулямов Я. История орошения Хорезма. -Т.,1957

³ Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации. -М.-Л.,1948

Фидоий олим Т.А.Жданко 80 дан ортиқ асар ёзган, уларнинг аксарияти қорақалпоқ халқи этнографияси ва этнотопонимларига бағишиланган. Жумладан, олимнинг "Каракалпаки Хорезмского оазиса" ("Хоразм воҳаси қорақалпоқлари") асарида 1945-1948 йиллар оралиғида йиғилган кўпгина тарихий-этнографик маълумотлар келтирилган бўлиб, асосан Кўнғирот, Хўжайли ва Мўйинқ туманлари этнонимлари ва этнотопонимлари ҳақида сўз юритилади.

Т.А.Жданконинг кўп сонли ва кўп миллатли экспедиция гурухларидағи ишларининг натижаси ва кўп қиррали фаолиятининг маҳсули сифатида нашр этилган "Очерки исторической этнографии каракалпаков" (М.;Л.,1950), "Каракалпаки Хорезмского оазиса" (Тр. Хорезмской археологической экспедиции. Т. 1. М., 1952), "Народное орнаментальное искусство каракалпаков" (Тр. Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Т. 111. М., 1958), "Каракалпаки" (Народы Средней Азии и Казахстана. Т. 1. М., 1962) каби асарлари қорақалпоқ халқи тарихи ва этнографиясига бағишиланган.³ Шунингдек, юқорида гувоҳи бўлганимиздек, олимнинг аксарият асарларида ўлка этнотопонимлари, уларнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши қонуниятлари, этимологияси, номланиш сабаблари кенг очиб берилган. Агар, этнотопонимларни Қорақалпоғистон ҳудуди учун хос ва мос бўлган типик жой номлари турларидан бири сифатида қарайдиган бўлсак, Т.А.Жданконинг тадқиқотлари ва уларнинг маҳсули бўлмиш кўплаб асарлари республикамиз топонимларини ўрганишдаги муҳим манбадир, десак адашмаймиз.

Хулоса килиб айтадиган бўлсак, Қорақалпоғистон республикасининг географик номларини комплекс ўрганишда географик, тарихий ва лингвистик аспектлари ишлаб чиқилиши зарур. Бунинг учун баъзи жойларни номлашда ёки қайта номлашда топонимик қонуниятларни ҳисобга олиш билан бир қаторда маҳаллий ахолининг географик, тарихий, миллий, этник, тил ва ҳ.к. хусусиятлари эътиборга олиниши ҳам мақсадга мувофиқдир.

Адабиётлар:

1. Баллиева Р. Каракалпакский этнос и традиционное природопользование. Автореферат диссертации на соискание ученой степени доктора исторических наук. - М., 2003.
2. Гулямов Я. История орошения Хорезма. - Т.,1957
3. Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков. - М.-Л.,1950.
4. Нурмухамедов М.К., Жданко Т.А., Камалов С.К. Каракалпаки (Краткий очерк истории с древнейших времен до наших дней). - Т., 1971.
5. Толстов С.П. По следам древнехорезмийской цивилизации. -М.-Л.,1948.
6. Ягодин В.Н. Сокровища древнего мира. - Нукус, 1970.
7. Этнография каракалпаков. XIX-начало XX века (материалы и исследования). Под.ред. Т.А.Жданко, С.К.Камалова. - Т., 1980.
8. In memoriam. Татьяна Александровна Жданко (1.08.1909-16.04.2007), Этнографическое обозрение, № 2, 2008.

Мосин В.П.*

НЕКОТОРЫЕ МЕТОДИЧЕСКИЕ ВОПРОСЫ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ТЕХНОЛОГИИ ПРОБЛЕМНОГО ОБУЧЕНИЯ В ПРЕПОДАВАНИИ ГЕОГРАФИИ В СРЕДНЕЙ ШКОЛЕ

Аннотация: В данной статье рассматриваются некоторые методические вопросы использования технологии проблемного обучения в преподавании географии в средней школе.

¹ Жданко Т.А. Очерки исторической этнографии каракалпаков.-М.-Л.,1950

² Ягодин В.Н. Сокровища древнего мира. Нукус, 1970

³ In memoriam. ТАТЬЯНА АЛЕКСАНДРОВНА ЖДАНКО (1.08.1909-16.04.2007), Этнографическое обозрение, № 2, 2008

* **Мосин Виктор Петрович** – учитель географии и экономики СОШ № 43, Сырдарьинского района Сырдарьинской области. Е – mail: viktor.mosin.89@mail.ru

Ключевые слова: география, метод обучения, образование, обучение, подход, проблемная ситуация, проблемное задание, учебный процесс.

**Ўрта мактабда географияни ўқитишида муаммоли ўқитиши технологиясини
қўллашнинг айрим методик масалалари**

Аннотация: Ушбу мақолада ўрта мактабда географияни ўқитишида муаммоли ўқитиши технологиясини қўллашнинг айрим методик масалалари.

Калим сўзлар: география, ўқитиши услуги, таълим, ўқитиши, ёндашув, муаммоли вазият, муаммоли топширик, ўқув жараён.

**Some methodological issues of using the technology of problem-based learning in the
teaching of geography in secondary school**

Abstract: This article discusses some methodological issues of using the technology of problem-based learning in the teaching of geography in secondary school.

Key words: geography, teaching method, education, training, approach, problem, problematic task, the learning process.

Введение. Перемены, происходящие в современном обществе, требуют ускоренного совершенствования образовательного пространства, определения целей образования, учитывающих государственные, социальные и личностные потребности и интересы. В связи с этим приоритетным направлением становится обеспечение развивающего потенциала новых образовательных стандартов. Системно-деятельностный подход, лежащий в основе разработки стандартов нового поколения, позволяет выделить основные результаты обучения и воспитания и создать навигацию проектирования универсальных учебных действий, которыми должны владеть учащиеся.

Цель и задачи работы. Цель данной работы - рассмотреть использование технологии проблемного обучения в преподавании географии в средней школе. В соответствии с поставленной целью в работе рассмотрены и решены следующие основные задачи: 1) теоретически обосновать актуальность применения технологии проблемного обучения на уроках географии в средней школе; 2) рассмотреть способы применения технологии проблемного обучения на уроках географии в средней школе.

Основная часть. Развитие личности в системе образования обеспечивается за счёт использования в учебно-образовательном процессе современных педагогических технологий. На мой взгляд, технология проблемного обучения способствует реализации системно-деятельностного подхода, овладению обучающимися универсальными учебными действиями, создаёт возможность самостоятельного успешного усвоения новых знаний, умений и компетентностей, включая организацию усвоения, т. е. умения учиться.

Проблемное обучение - это такая организация учебных занятий, которая предполагает создание под руководством преподавателя проблемных ситуаций и активную самостоятельную деятельность учащихся по их разрешению, в результате чего и происходит творческое овладение профессиональными знаниями, навыками и умениями и развитие мыслительных способностей.

Основными элементами проблемного обучения являются: проблемная ситуация как ситуация интеллектуального затруднения, сама проблема, источник проблемы, т.е. противоречие между прежними знаниями и новыми фактами, явлениями, вызвавшими рассматриваемую проблему, проблемный вопрос или задание.

Условиями создания проблемной ситуации в обучении географии могут быть:

- презентация учащимся географических фактов и явлений, вызывающих удивление своей необычностью;
- анализ фактов и явлений, необъяснимых с позиции имеющихся у учащихся географических знаний;
- определение и объяснение противоречий и разрыва в цепочке известных учащимся причинно-следственных связях проявляющихся природных явлений и процессов;
- постановка учебных проблемных заданий, выполнение которых осуществляется в

результате управляемой познавательной деятельности учащихся с источниками географической информации;

- изучение содержания темы урока в процессе поиска учащимися ответов на поставленные учителем проблемные вопросы с привлечением субъектного опыта учащихся в формате рассматриваемого проблемного вопроса или задания;

- новые знания и умения, которые необходимо приобрести для разрешения проблемной ситуации, и которые дополняют характеристику изучаемого явления.

Применение технологии проблемного обучения на уроках географии необходимо рассматривать как с позиции «традиционного» проблемного обучения, так и «реального».

«Традиционное» проблемное обучение предполагает осуществление следующих этапов технологической цепочки: формулировка проблемы, выдвижение гипотезы, её доказательство и установление новых причинно-следственных связей обогащающих учащихся знаниями об объекте проблемы. «Традиционное» проблемное обучение требует достаточно много времени и может быть реализовано на уроке географии при объяснении уникальных явлений природы.

Так, при изучении темы «Климат и внутренние воды Южной Америки» в 6 классе, учитель может сформулировать ученикам такой вопрос: «Почему на Тихоокеанском побережье Южной Америки располагается самое сухое место на Земле - пустыня Атакама?». Ученики владеют знаниями о причинно-следственных явлениях, определяющих степень увлажнения территории. В данном случае местность расположена в непосредственной близости от Тихого океана в пределах тропического климатического пояса, а на востоке простирается высокогорная цепь Анд. Значит, указанные причины должны определить если невысокую, то, по крайней мере, значительную увлажнённость данной территории. Но этого не происходит. Почему? Какой неизвестный ученикам факт определил разрыв в цепочке известных им причинно-следственных связей? Учитель, организует поиск учеников по выяснению причины данного факта. В результате поиска ответа ученики выдвигают одну или несколько гипотез, объясняющих, по их мнению, данное явление, осуществляют поиск факторов их подтверждающих. В результате поиска ответа на проблемный вопрос ученики приходят к выводу, что фактором, определяющим наличие пустыни, является холодное Перуанское течение, омывающее юго-восточное побережье материка.

«Реальное» проблемное обучение осуществляется на этапе изучения нового материала, когда ученики находят ответы на проблемные вопросы учителя, работая с соответствующими средствами обучения особенно с учебным пособием и географической картой. Основным методом обучения при этом является эвристическая беседа.

При подготовке к такому уроку учитель должен:

- сформулировать цели урока и определить задачи по их достижению;
- спланировать деятельность по выявлению субъектного опыта учеников по изучаемой теме (что уже ученики знают по теме урока);
 - определить, какие единицы знаний в содержании темы ученики должны усвоить;
 - определить единицы знаний в содержании темы, которые ученики могут усвоить самостоятельно, определить источники географических знаний необходимые для самостоятельного поиска ответов на проблемные вопросы;
 - сформулировать проблемные вопросы и задания, на которые ученики могут ответить в результате управляемого самостоятельного поиска, используя для этого необходимую географическую информацию, особенно текст и нетекстовые компоненты учебника, и географическую карту.

Применение проблемного обучения на уроке определяется рядом условий:

- содержание изучаемого материала должно содержать причинно-следственные связи и закономерности;
- проблемный вопрос должен вызывать у учеников ситуацию интеллектуального затруднения, содержать область неизвестного в виде новых знаний, для овладения

которыми необходима соответствующая умственная деятельность;

- ученики должны быть готовы к работе в условиях организации как «традиционного», так и «реального» проблемного обучения;

- учитель должен профессионально владеть технологией проблемного обучения и соответствующими методами обучения.

В результате применения технологии проблемного обучения на уроках географии активизируются процессы самообразования, саморазвития школьников, осуществляется формирование качеств креативной, творческой личности ученика:

- развитие познавательной самостоятельности и творческих способностей учащихся;
- формирование навыков логического мышления: анализа, синтеза, сравнения, обобщения, и др.;
- овладение методами научного исследования в процессе разрешения проблемных ситуаций.

Выводы. Регулярное использование на уроках географии и во внеурочной работе системы разнообразных способов и приёмов, направленных на развитие познавательных возможностей и способностей, расширяет географический кругозор школьников, повышает качество географической подготовки, позволяет учащимся более уверенно ориентироваться в закономерностях окружающей их действительности и активнее использовать географические знания на практике в повседневной жизни.

Никадамбаева Х.Б., Саипов У.*

ЭФФЕКТИВНОЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ БАЗЫ ДАННЫХ СУБД ACCESS В ПРЕПОДАВАНИИ ГЕОГРАФИИ

Аннотация: В статье рассматриваются эффективное использование базы данных СУБД ACCESS в преподавании географии. В статье также, дано обоснование повышения эффективности обучения в учебном процессе при использовании этой программы, разработана методика его использования и внедрения в учебный процесс.

Ключевые слова: Microsoft Office 2010, автоматизация, заповедные зоны, СУБД ACCESS, инфологическая модель, гиперсвязь.

Географияни ўқитишида СУБД ACCESS маълумотлар базасидан самарали фойдаланиш

Аннотация: Ушбу мақолада география фанини ўқитишида, СУБД ACCESS базаси маълумотларидан самарали фойдаланиш масалалари кўрилмоқда. Ушбу мақолада шунингдек, ушбу дастур татбиқ этилган ҳолда ўқув жараёнининг таълим самарадорлигини ошириш йўллари асослаб берилди, ундан фойдаланиш ва ўқув жараёнига татбиқ этиш методикаси ишлаб чиқилди.

Таянч сўз ва иборалар: Microsoft Office 2010, автоматизация, заповедные зоны, кўриқхона зоналари, ACCESS базалар маълумоти, инфологик модель, гипералоқа.

EFFICIENT USE OF DATABASE ACCESS DATA IN THE TEACHING OF GEOGRAPHY

Resume: This article discusses efficient using database ACCESS in access data in the teaching of geography. In article is also, given rationale increase the effectiveness of teaching in the learning process when used as is for this program, worked out application methods have been inculcated into the teaching process.

Key words: Microsoft Office 2010, automation, protected areas, database ACCESS, infological model, hyperlink.

* Никадамбаева Хилола Батировна - Ўзбекистон Миллий университети, География кафедраси доцент в.б. Е-mail: hilola.nika @.ru;

Саипов Улугбек - Ўзбекистон Миллий университети, география йўналиши З-босқич талабаси.

Наиболее популярной среди разработчиков базы данных является реляционная СУБД ACCESS, входящая в состав пакета Microsoft Office 2010. Это - эффективные средства создания таблиц, форм, запросов, настройка, интеграция с другими приложениями пакета, средства организации работы с базами данных и защита информации. В основные функции СУБД входят – это описание структуры базы данных, обработка данных и управление данными. Хочется отметить, что сфера применения баз данных очень широка. Например, метод баз данных наряду с другими отраслями, можно использовать и в географии. Для географов базы данных могут быть использованы как внедрение процесса автоматизации учёта теоретических и практических данных, возможность создания визуальных лабораторных исследований, мониторинга, прогнозирования, а также рациональное использование ресурсов.

Теория баз данных — сравнительно молодая область в науке, ее возраст составляет около 50 лет. Сегодня, практически все системы общественной жизни в той или иной степени связаны с функциями долговременного хранения и обработки информации. Из вышесказанного следует, что информация становится фактором, определяющим рентабельность любой сферы деятельности человека в обществе. В процессе развития географии наблюдается резкое увеличение информационных потоков, образования научных школ, новых концепций, парадигм, переплетения наук - все это в свою очередь обязует повысить требование в скорости обработки электронных данных. Сегодня, большинство операций не может быть выполнено вручную, в связи с этим требуются применения современных компьютерных технологий. До настоящего времени географами использовалось несколько десятков факторов, методов, в области физико-географического, экономико-географического, изучения местностей или создания карт, которые вычислялись, анализировались, синтезировались вручную. Таким образом за счет глобализации, процессов интеграции, НТП - таких факторов, стало сотни и ситуация меняется не в течение года, а мгновенно, и чтобы обоснованность решения, требуется большая оперативность, потому что и ответная реакция на логически неправильные решения, конструкции, очень серьезная, чем было раньше. Из вышеизложенного текста видно, как необходимо использовать информационные модели, базы данных и внедрение новых разработок программных обеспечений.

Квинтэссенция данной работы заключается в использовании конвергенции информатики и географии посредством внедрения метода базы данных в научные исследования на примере СУБД по теме «Заповедные зоны Узбекистана». Модель данных «Заповедные зоны Узбекистана» включает три аспекта, а именно структурный аспект – методы описания типов заповедный зон, их первичная классификация, типология, а также логические структуры теоретических сведений в базе данных, второй аспект – это методы манипулирования данными, и третий аспект – методы описания и поддержки целостности базы данных.

Каждая БД и СУБД основана на явной или неявной модели данных. Все СУБД, построенные на одной и той же модели данных, относятся к одному типу. Например, основой реляционных СУБД является реляционная модель данных, сетевых СУБД — сетевая модель данных, иерархических СУБД — иерархическая модель данных. Главная задача в построении баз данных – это систематизация данных. Данные необходимо сохранять в таблицах, где каждая таблица должна содержать специфичную информацию одного типа, например, сведения о флоре или фауне. Разработка таблиц один из сложных этапов в процессе проектирования базы данных. Каждая таблица содержит собственную информацию закрепленной специализацией, а каждое поле в таблице содержит отдельные сведения по тематике. Например, в таблице с данными о заповедных зонах могут содержаться поля с назвлением их зоны, год образования, место расположения, площадь и ведомственная принадлежность. Разработка инфологической модели является первым и самым главным этапом в процессе проектирования и создания базы данных. Посредством разработки инфологического моделирования можно добиться обеспечения наиболее

существенных для человека способов сбора и представления той или иной информации, которую необходимо хранить в базе данных.

В таблицах данные распределяются по столбцам и строкам. Все данные, содержащиеся в поле таблицы, должны иметь один и тот же тип. Каждое поле таблицы характеризуется наименованием, типом и шириной поля. При задании типа данных поля можно также указать размер, формат и другие параметры, влияющие на отображение значения поля и точность числовых данных. **Основные типы данных:** **текстовый**, текст или числа, не требующие проведения расчётов; **МЕМО**, поле этого типа предназначено для хранения небольших текстовых данных (до 64000 символов), поле этого типа не может быть ключевым или проиндексированным; **числовой**, этот тип данных содержит множество подтипов, от выбора подтипа (размера) зависит точность вычислений; **счётчик**, уникальные, последовательно возрастающие числа, автоматически вводящиеся при добавлении новой записи в таблицу; **логический**, логические значения, а так же поля, которые могут содержать одно из двух возможных значений; **денежный**, денежные значения и числовые данные, используемые в математических вычислениях; **дата/время**, дата и время хранятся в специальном фиксированном формате; **поле объекта OLE**, включает звукозапись, рисунок и прочие типы данных. Поле этого типа не может быть ключевым или проиндексированным; **гиперсвязь**, содержит адреса Web-страниц. Для создания базы данных нужно сначала запустить программу Microsoft Office Access 2010, для этого нужно проделать следующие действия: Пуск → Программы → Microsoft Office → Microsoft Office Access 2010. После этого откроется окно программы. Для создания новой базы данных нужно выполнить: команду Файл → Создать; в открывшемся окне диалога «Создание» выбираем «Новая база данных». На экране появится окно с запросом директории для новой базы данных, вводим имя базы Заповедные зоны Узбекистана, затем «OK». После этого появится окно базы данных (Рис. 1).




Рис. 1 Окно базы данных.




Рис. 2 Редактирование в режиме таблицы

При создании новой базы данных также создается первая таблица по умолчанию. Для создания следующей таблицы нужно выбрать вкладку "Создать" и выбрать пункт "Таблицы" (Рис. 2.). Для того чтобы создать новую таблицу в конструкторе, нужно выбрать пункт "Создание таблицы в режиме конструктора" (Рис. 3).



Рис. 3. Создание таб. в режиме конст.




Рис. 4. Выбор пункта "Создание форм"

Формы служат для ввода и просмотра данных в удобном для пользователя виде, который соответствует привычному для него документу. При выводе данных с помощью форм можно применять специальные средства оформления. Для создания формы нужно открыть вкладку «Формы» окна базы данных и выбрать один из пунктов раздела "Формы". Например, можно выбрать пункт "Создание формы с помощью мастера" (Рис. 4.)

Далее при помощи кнопок (перенести все записи) или (перенести выбранную запись) нужно выбрать поля, которые будут отражены в форме. Нажимаем кнопку «Далее». Затем нужно выбрать внешний вид формы, стиль задать имя формы и форма готова. (Рис. 5)




Рис. 5. Мастер создания форм Рис. 6. Конструктор форм

Если автоматическое расположение полей формы нас не устраивает, то необходимо его изменить. Перейдем в режим конструктора (кнопка на панели инструментов). Здесь можно менять расположение и размер полей формы по своему усмотрению: достаточно мышкой выделить интересующий объект (Рис. 6). Запросы позволяют выбирать данные из одной или нескольких связанных таблиц. Результатом выполнения запроса является результирующая таблица, которая наряду с другими таблицами может быть использована при обработке данных. С помощью запросов можно также обновлять, удалять или добавлять данные в таблицы. Основным назначением запросов является отбор данных по критериям поиска (Рис. 7).

Разработка запроса выполняется в несколько этапов: добавление полей в запрос; установка критериев отбора записей; сортировка записей. Для удобства использования запросов, для них создаются формы (Рис. 8).





Рис. 7 Создание запроса для поиска Рис. 8. Диалоговое окно



Дарёлар түлинсув даври оқимининг шаклланиш хусусиятларини ўрганишга қаратилган изланишлар дастлаб Б.Д.Зайков, М.И.Львович, Л.К.Давидов каби олимлар томонидан амалга оширилган. Ўрта Осиё дарёлари мисолида эса мазкур масала В.Л.Шульц, О.П.Шеглова, Ю.Д.Денисов ва бошқаларнинг тадқиқотларида ёритилган [1-5].

Мазкур ишнинг асосий мақсадидан келиб чиқкан ҳолда, унда қуидаги **вазифалар** белгиланди ва ўз ечимини топди: Зарафшон дарёсининг Дупули гидрологик постида ўлчанган сув сарфлари ҳақидаги маълумотларни тўплаш; тўпланган гидрологик маълумотларни таҳлил қилиб, Зарафшон дарёсида кузатилган экстремал сувли йилларни аниқлаш; шу йилларда дарёда түлинсув даврига мос келадиган оқим күрсаткичларини миқдорий баҳолаш ҳамда бу борада олинган натижаларни ўзаро солиштириш.

Асосий натижалар ва уларнинг таҳлили. Тадқиқотни Зарафшон дарёсининг Дупули гидрологик постида базавий ҳисоб даври, яъни 1961-1990 йиллар давомида кузатилган ўртacha йиллик сув сарфлари ҳақидаги маълумотлар тўплаш, уларни бирламчи қайта ишлаш ва таҳлил қилишдан бошладик. Ушбу ишлар натижасида Зарафшон дарёсида юқорида кўрсатиб ўтилган ҳисоб давридаги экстремал, яъни энг кўп, энг кам ва ўртacha сувли йиллар аниқланди. Дарёда ўртacha йиллик сув сарфларининг энг катта қиймати, яъни $201 \text{ м}^3/\text{с}$ 1973 йилга, энг кичик қиймати, яъни $116 \text{ м}^3/\text{с}$ 1982 йилга тўғри келади. Ҳисоб даври учун аниқланган ўртacha кўп йиллик сув сарфи эса $153,6 \text{ м}^3/\text{с}$ га тенг бўлди. Ҳисоб даврига тегишли йиллар орасида ўртacha йиллик сув сарфининг ушбу миқдорига энг яқин

* Зияев Р.Р. - ЎзМУ, Геология ва география факультети, “Куруқлик гидрологияси” кафедраси ўқитувчиси;
Ҳайдарова О.А. - ЎзМУ, Геология ва география факультети, “Куруқлик гидрологияси” кафедраси, КИХИ;
Довулов Н.Л. - ЎзМУ, Геология ва география факультети, “Куруқлик гидрологияси” кафедраси ўқитувчиси.

бўлган қиймат $152 \text{ м}^3/\text{с}$ бўлиб, бу миқдор 1981 йилда қайд этилган. Шу туфайли, ҳисоблашларда, мазкур йил шартли равишда ўртacha сувли йил сифатида қабул қилинди.

Экстремал сувли йиллар учун Зарафшон дарёси тўлинсув даври оқимининг асосий миқдорий кўрсаткичлари ҳисобланди. Зарафшон дарёсида 1973 йилнинг барча ойларида, май ойини ҳисобга олмагандан, ойлик оқим миқдорлари ўртacha сувли 1981 йилга нисбатан катта бўлган. Ҳар икки йилнинг тўлинсув даврида кузатилган оқим миқдорларининг энг катта қийматлари июль ойига тўғри келса, энг кичик қийматлари эса апрель ойига тўғри келади (1-жадвал).

1-жадвал

Зарафшон дарёсида экстремал сувли йиллардаги тўлинсув даври (IV-IX) оқимининг миқдорий кўрсаткичлари

Йиллар	Оқим кўрсат- кичлари	Ойлик ва тўлинсув даври оқими миқдорлари						
		IV	V	VI	VII	VIII	IX	IV- IX
Кўп сувли 1973 й.	Q	65,9	207	544	621	447	248	356
	W	171	555	1409	1664	1198	642	5639
	M	6,5	20,3	53,3	60,9	43,8	24,3	34,9
	h	16,8	54,4	138,1	163,1	117,5	62,9	552,8
Ўртacha сувли 1981 й.	Q	56,0	218	278	524	295	162	256
	W	145	584	720	1404	791	420	4064
	M	5,5	21,4	27,3	51,4	28,9	15,9	25,1
	h	14,2	57,3	70,6	137,6	77,5	41,2	398,4
Кам сувли 1982 й.	Q	52,0	148	223	256	294	125	183
	W	135	397	578	686	788	324	2908
	M	5,1	14,5	21,9	25,1	28,8	12,3	17,9
	h	13,2	38,9	56,6	67,3	77,3	31,8	285,1

Изоҳ: Q – сув сарфи, $\text{m}^3/\text{с}$; W – оқим ҳажми, 10^6 м^3 ; M – оқим модули, $\text{л/с} \cdot \text{км}^2$; h – оқим қатлами, мм.

Зарафшон дарёсида 1982 йил кам сувли бўлган. Шу йили, кўп ва ўртacha сувли йиллардан фарқли равишда, ойлик оқим миқдорларининг энг катта қийматлари июль ойида эмас, балки бир ойга кечикиб, август ойида кузатилган. Бунинг сабаби ҳавзадаги музликларнинг август ойи оқимига қўшган ҳиссаси бошқа йилларга нисбатан анча катта бўлган.

Зарафшон дарёсида кўп сувли, яъни дарёдаги оқим миқдори меъёрга нисбатан кўп бўлган йилларда, унинг оқими ҳажми $4,5 \div 5,6 \text{ км}^3$ оралиқда ўзгаради [4, 5]. Бу ҳажмдаги сув миқдори деярли барча истеъмолчиларнинг сувга бўлган талабларини тўла қаноатлантиради. Лекин, халқ ҳўжалиги турли тармоқларининг сув таъминотидаги жиддий муаммолар 1982 йил каби кам сувли йилларда яққол намоён бўлади. Чунки, шу каби кам сувли йилларда Зарафшон дарёси оқими ҳажми ўртacha сувли йилга нисбатан 1,40 марта, кўп сувли йилга нисбатан эса 1,94 марта камаяди (1-жадвал). Дарёда сув миқдорининг бундай камайиши суғориладиган ерлар сув таъминотида ўта тифиз вазиятларни юзага келтиради. Шунинг учун келажакда Зарафшон дарёси тўлинсув даври оқимининг ҳосил бўлиш хусусиятларини алоҳида тадқиқот обьекти сифатида ўрганиш лозим. Ушбу фикрларнинг янада муҳим бўлган иккинчи томони ҳам бор. У ҳам бўлса, Зарафшон дарёси йиллик оқимининг $80 \div 90$ фоиз қисмининг тўлинсув даврида оқиб ўтишидир. Дарёда экстремал сувли йилларда тўлинсув даври оқимининг йиллик оқимга қўшган ҳиссаларини аниқлаш бўйича бажарилган ҳисоблашларнинг натижалари фикримизнинг ёрқин далилидир (2-жадвал).

Жадвалда келтирилганидек, тўлинсув даври оқими миқдорининг йиллик оқимга қўшган ҳиссаси турли йилларда турлича бўлган. Бу ҳисса, йилнинг сувлилигига боғлиқ ҳолда, қуйидагича ўзгаради: тўлинсув даврининг йиллик оқимга қўшган ҳиссасининг энг

катта улуши (88,3 %) кўп сувли 1973 йилга, энг кам улуши (78,9 %) эса кам сувли 1982 йилга тўғри келди. Ўртacha миқдордаги улуш (84,0 %) ўртacha сувли 1981 йилда қайд этилди.


2-жадвал

Зарафшон дарёсида экстремал сувли йилларда тўлинсув даври оқимининг йиллик оқимга нисбатан улуши

Йиллар	Сув сарфлари, m^3/s		Оқим ҳажмлари, $10^6 m^3$		Тўлинсув даври оқими, йилликка нисбатан, %
	Q_T	$Q_{\bar{y}}$	W_T	$W_{\bar{y}}$	
1973, кўп сувли	356	201	5639	6388	88,3
1981, ўрт. сувли	256	152	4064	4838	84,0
1982, кам сувли	183	116	2908	3682	78,9

Изоҳ: Q_m , $Q_{\bar{y}}$ – тўлинсув даври ва йиллик ўртacha сув сарфлари; W_m , $W_{\bar{y}}$ - тўлинсув даври ва йиллик оқим ҳажмлари.

Зарафшон дарёсида экстремал сувли йилларда тўлинсув даврларидағи оқим миқдорларининг ойлар бўйича ўзгаришлари таҳлил қилинди. Дарёда кўп сувли 1973 йилнинг тўлинсув давридаги август ойида оқим ҳажми 1198 млн. m^3 га тенг бўлиб, бу қиймат ўртacha сувли йилнинг шу ойидаги оқим миқдорига нисбатан 1,51 баравар катта бўлган (1-расм).



1-расм. Зарафшон дарёсида тўлинсув даври оқими миқдорининг ойлар бўйича ўзгариши

Кам сувли 1982 йилнинг август ойида эса оқим ҳажми 788 млн. m^3 га тенг бўлган. Бу миқдор ўртacha сувли йилга нисбатан атиги 0,38 % га кам бўлса, кўп сувли йилга нисбатан эса 34,2 фоизга камдир (1-расм).

Юқорида баён этилганларга **хулоса** қилиб айтганда, Зарафшон дарёсида ўртacha (1981) ва кўп сувли (1973) йилларда ойлик оқим миқдорининг энг катта қийматлари июль ойига тўғри келса, кам сувли 1982 йилда эса августда қайд этилган. Тўлинсув даврининг йиллик оқимга қўшган ҳиссасининг энг катта улуши (88,3 %) кўп сувли 1973 йилга, энг кам улуши (78,9 %) эса кам сувли 1982 йилга тўғри келди. Келажакда ушбу йўналишдаги тадқиқотларни янги гидрологик маълумотлар асосида давом эттириш Зарафшон ҳавзаси сув ресурсларидан самарали фойдаланиш имкониятларини янада орттиради.

Адабиётлар:

1. Закономерности гидрологических процессов. Под редакцией Н.И. Алексеевского. -М.: ГЕОС, 2012. -736 с.
2. Расулов А.Р., Ҳикматов Ф.Х., Айтбоев Д.П. Гидрология асослари. -Тошкент: Университет, 2003. -327 б.
3. Чуб В.Е. Изменение климата и его влияние на гидрометеорологические процессы, агроклиматические и водные ресурсы Республики Узбекистан. – Ташкент: VORIS - NASHRIYOT, 2007. - 132 с.
4. Шульц В.Л. Реки Средней Азии. - Л.: Гидрометеоиздат, 1965.- 692 с.
5. Щеглова О.П. Питание рек Средней Азии. – Ташкент: Изд-во САГУ, 1960. - 243 с.

ГЕОДЕЗИЯ ВА КАРТОГРАФИЯ**Сафаров Э.Ю., Эгамбердиев А.*****ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВА ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ЎРТАСИДА
ТАЪЛИМ СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК ҲАҚИДА**

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида таълим соҳасида ўрнатилган ҳамкорлик, эришилган (натижалар) ютуқлар, шунингдек БМТ доирасида (ҳомийлигида) бажарилаётган тадқиқотларда Ўзбекистонлик мутахассисларни иштироки кўрсатилган.

Калим сўзлар: таълим, ҳамкорлик, Европа иттифоқининг ТЕМПУС дастури, геоинформатика, магистратура.

О сотрудничестве Республики Узбекистан и Европейского Союза в области образования

Аннотация: В статье рассматриваются вопросы сотрудничество Узбекистана и Евросоюза в области образования, достигнутые успехи, а также участие узбекских специалистов в выполняемых исследованиях в рамках ООН.

Ключевые слова: образования, сотрудничество, программа ТЕМПУС Евросоюза, геоинформатика, магистратура.

About cooperation of republic Uzbekistan and the European Union in area education

The summary: In article it is considered questions cooperation Uzbekistan and the European Community in area the education, the achieved successes, and also participation of the Uzbek experts in carried out researches within the framework of the United Nations.

Key words: education, cooperation, program TEMPUS of European Union, geoinformatics, a magistracy.

Ўзбекистоннинг мустақилликка эришуви иқтисодиётнинг бошқа соҳаларидағи каби таълим соҳаси тараққиётига ҳам катта ижобий таъсири кўрсатди. Миллий педагогик тафаккур таъсирида таълимни тубдан соғломлаштириш жараёни бошланди. Таълим соҳасида эришилган, эришилаётган ютуқларни, олиб борилган ва борилаётган тадқиқотларни бошқаларники билан қиёслаш, улардаги ижобий жиҳатларни ўзлаштириш, улар билан ҳамкорликда илмий изланишлар олиб бориш, алоҳида соҳа фанлари бўйича ҳалқаро лойиҳалар, илмий-амалий конференциялар ташкил этиш ва уларда бевосита иштирок этиш, ривожланган дунё мамлакатлари тажрибалари билан мунтазам тажриба алмасиб туриш имкони пайдо бўлди. Бунга ёрқин мисол бўлиб Европа Иттифоқининг TEMPUS GE-UZ project 530808-TEMPUS-1-2012-1-HU-TEMPUS-JPCR Tempus IV дастури ва Erasmus Mundus дастури (545696-EM-1-2013-1-At-ERA MUNDUS-EMA21) gSmart лойиҳаси доирасида Европа Иттифоқи мамлакатлари ва ривожланаётган давлатлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси ўртасидан таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришни кўрсатиш мумкин.

TEMPUS - бу Европа Иттифоқининг Ғарбий Болқон, Шарқий Европа ва Марказий Осиё, Шимолий Африка ва Яқин Шарқ ҳамкорлик давлатларида олий таълим тизимини модернизациялашга кўмаклашиш бўйича ҳалқаро дастур ҳисобланади. У ривожланаётган давлатларга умумевропа олий таълим худудини яратиш бўйича Болония жараёни ва иш жойларини кўпайтиришни таъминлаш бўйича Лиссабон стратегиясидан келиб чиқадиган Европа Иттифоқининг олий таълим соҳасидаги ташаббусига ўз ихтиёри билан яқинлашишга имкон беради. Болония жараёни Европа давлатларида ягона таълим худудини вужудга келтиришга қаратилган бўлиб, унга 1999 йили Италиянинг Болония шахрида Болония декларациясига имзо қўйилиши асос бўлган. Болония жараёнига 47 та

* **Сафаров Эшқобул Юлдашович** – ЎзМУ Геодезия, картография ва кадастр кафедраси мудири, т.ф.д., профессор;

Эгамбердиев Асомберди - ЎзМУ Геодезия, картография ва кадастр кафедраси доценти, г.ф.н.

давлат аъзо. Ўзбекистонда TEMPUS дастури 1994 йилдан бошлаб фаолият кўрсатиб келмоқда. Мазкур дастур доирасида лойиҳалар “Ўзбекистонда TEMPUS Миллий офиси” ташкилоти томонидан амалга оширилади. Ушбу ташкилот раҳбарлигига TEMPUS I ва II (1994-1999 йй.), TEMPUS III (2000-2006 йй.) лойиҳалари амалга оширилди. 2008 йилдан бошлаб эса TEMPUS IV дастури бўйича бир қатор лойиҳалар амалга оширилиб келинмоқда. Улар қаторида TEMPUS GE-UZ project 530808-TEMPUS-1-2012-1-HU-TEMPUS-JPCR Tempus IV GE-UZ – “Геоинформатика: Ўзбекистонда барқарор ривожланишга эришишни таъминлаш” лойиҳаси 2012-2015 йилларда фаолият кўрсатди. Мазкур лойиҳага Ўзбекистондан Ўзбекистон Миллий университети, Қорақалпоқ давлат университети, Тошкент архитектура ва қурилиш институти, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, Геодезия ва картография миллий маркази, Геоинформкастр давлат унитар корхонаси, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Европа Иттифоқидан эса Венгрияning Farbii Венгрия университети, Австриядан Зальцбург ва CARINTINA университетлари, Швеция қироллик университети, Англиядан Лондон Гринвич университети, ҳамкорлик қилдилар. Лойиҳа Европа Иттифоқининг TEMPUS дастури томонидан молиялаштирилди.

Лойиҳанинг мақсади: Ўзбекистондаги ҳамкор университетларни “Болония жараёнинга” жалб қилиш, ҳалқаро ўқув стандартларига ҳамда меҳнат бозори талабларига мос келадиган ва Ўзбекистонда мазкур соҳани изчил ривожланишига ҳисса қўшадиган янги геоинформатика мутахассислиги бўйича магистратура дастурини тузиш ва ҳамда мазкур соҳада мутахассисларни тайёрлашдан иборат. Бинобарин, лойиҳадан кўзда тутилган бош мақсад - Европа Иттифоқи ва ривожланаётган давлатлар ўртасида таълим бўйича ҳамкорликни таъминлашдир.

Ушбу мақсадга эришиш учун лойиҳа олдига қўйидаги вазифалар қўйилди ва ечилиди:

1. Геоинформатика мутахассислиги бўлган талабни таҳлил қилиш ва асослаш.
 2. Геодезия, картография ва кадастр бакалавриатура таълим босқичи дастурини янгилаш.
 3. Геоинформатика бўйича магистратура дастурини ишлаб чиқиш.
 4. Магистратура модулларини (10 та модуль ва ёзги амалиёт курси) ташкил этиш.
 5. Ўқув-услубий материалларни яратиш ва таҳхир қилиш.
 6. Тренинг курслари орқали профессор-ўқитувчилар малакасини ошириш.
 7. Ўқув-иммий марказларни ташкил қилиш.
 8. Бизнес режа ва ўзароҳамкорлик шартномаларини яратиш.
- ва бошқалар.

Белгиланган вазифалар бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, барчаси умумий натижага ташкил этишга қаратилган. Лойиҳада иштирок этаётган ҳамкор олийгоҳлар ва соҳа ташкилотлари юқорида белгиланган вазифаларни бажариш бўйича тадқиқотлар олиб бордилар. Ўтказилган тадбирлар ва изланишлар натижаси бўйича ҳисоботлар мунтазам тайёрланди ва юқори ташкилотлар олдида ҳимоя қилинди.

Лойиҳа доирасида юқорида номлари қайд этилган ОЎЮ, шунингдек, соҳа корхоналари ва ташкилотларининг етакчи мутахассислари ҳамкорлигига геоинформатика таълим йўналиши учун 8 та маҳсус фанларни ўқув дастурлари ва дарсликлари яратилди:

- геоахборот тизимлари ва илм-фан;
- масофавий зондлаш;
- маълумотларни олиш ва интеграциялаш;
- Ер маълумотлари базаси ва архитектураси;
- картография ва геовизуализация;
- фазовий таҳлиллар;
- лойиҳани ташкил этиш ва бошқариш.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур йирик лойиҳани амалга оширишда ЎзМУ геодезия, картография ва кадастр кафедраси профессор-ўқитувчилари фаол иштирок

этишди. Кафедра аъзоларидан 11 киши Венгрияниң Farbий Венгрия (2013-2014 й.), Австрияниң Зальцбург (2013) ва Англияниң Гринвич университетларида (2015) ташкил этилган тренинг курсларида иштирок этиб, ўз малакаларини ошириш билан бирга 2 та ўқув фанидан дарслик яратдилар.

Мазкур лойиҳа доирасида “Ўқув-илмий марказларни ташкил қилиш” вазифасини бажариш борасида кафедра қошида 2014 йили маҳсус “Геоинформатика” ўқув лабораторияси ташкил этилди ва у замонавий русумдаги энг янги геодезик асбоблар, компьютерлар ва геоахборот дастурлари таъминотлари билан жиҳозланди. Дастур доирасида ЎзМУ Геодезия, картография ва кадастр кафедрасининг Европа Иттифоқи давлатлари олийгоҳлари билан ҳамкорлик алоқалари янада мустаҳкамланди, келажакда бу соҳада янги лойиҳалар бўйича тадқиқотлар олиб бориш режалаштирилмоқда.

2013 йилнинг январь ойидан бошлаб кафедра аъзолари Erasmus Mundus дастури (545696-EM-1-2013-1-At-ERA MUNDUS-EMA21) gSmart лойиҳасида ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Бу лойиҳанинг асосий мақсади – Марказий Осиё давлатлари: Қозогистон, Ўзбекистон, Кирғизистон, Түркманистон, Тожикистон, геодезия, Республикаларида картография ва геоинформатика, маълумотлар базаси, фотограмметрия, масофадан зондлаш ва бошқа фанлардан малакали соҳа мутахассисларини нуфузли хориж мамлакатларида тайёрлаб, Марказий Осиёда геоинформатика ва бошқа унга турдош фанлардан замонавий технологияларни қўллаган ҳолда таълим бериш хисобланади.

Лойиҳа доирасида 2015 йил 13 майда ЎзМУда Европалик координаторлар томонидан режалаштирилган 3-учрашув ўтказилди. Учрашувда геоинформатика фанини ривожлантириш республикамиз учун ниҳоятда муҳимлиги таъкидланди. Геоинформатика фани республикамиз катта илмий ходим-изланувчилари томонидан докторлик диссертацияси малакавий имтиҳони бўлган математик моделлаштириш фанини талаб даражасида ўзлаштиришга ҳам асос бўлиши айтилди. Кафедра аъзоларининг бундай лойиҳада иштироки республикамизда замонавий компютер ГИС технологиялари асосида мақсадли фундаментал тадқиқотлар олиб боришига имкониятлар яратади.

Геодезия, картография ва кадастр кафедраси бундай ишларни бажаришда, албатта, лойиҳа



доирасида ҳозирги пайтда бакалавриатура талабаларидан 3 киши, PhD бўйича 3 киши, PostDoc бўйича 2 киши Европа Иттифоқининг ҳамкор олий ўқув юртларида тахсил олиб, ўз малакаларини ошириб қайтаётган ёшларга таянади.

Ҳозирги пайтда БМТ таркибида космик фазодан тинчлик мақсадларида фойдаланиш бўлими ташкил этилган бўлиб (бошқарув идораси Австриянинг Вена шахрида жойлашган), у глобал навигацион йўлдош системасидан учта соҳа йўналишида, чунончи: таълим, илмий тадқиқот ва амалиёт соҳаларида фойдаланиш бўйича кенг қамровли тадқиқотлар олиб бормоқда. Ушбу тадқиқотларда Ўзбекистонлик мутахассислар ҳам фаол иштирок этишмоқда. Масалан, таълим соҳасида ЎзМУ, ТИМИ, ТАҚИ, Қорақалпоқ ДУ профессор-ўқитувчилари; илмий тадқиқот соҳасида ЎзР ФАНИНГ Астрономия ва Сейсмология институтлари; амалиёт соҳасида “Ергеодезкадастр” тасарруфидаги корхоналарни фаолияти алоҳида эътиборга лойик. Ушбу ташкилот томонидан Молдова Республикаси (2004), БАР (2011), Латвия (2012), Хорватия (2013), Германия (2014) ва Россия Федерациясида (2015) бўлиб ўтган илмий-амалий конференцияларда ЎзМУдан Мирмахмудов Э.Р., Сафаров Э.Ю., Пренов Ш.М., Астрономия институтидан Фозилова Д.Ш., Геодезия ва картография миллий марказидан Магдиев Х. ва бошқалар ўз мақолалари билан муентазам катнашиб келдилар.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон ОЎЮ ва Европа Иттифоқи университетлари орасидаги ҳамкорлик алоқалари, ўзаро профессор-ўқитувчилар, талабалар ва магистрантлар алмашиши, биргаликда ИТИ олиб бориш, халқаро конференциялар ташкил этиш ва ўқув-илмий адабиётларни тайёрлаш ва чоп этиш ишлари бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади. Бу ўз навбатида республикамизда тайёрланаётган мутахассислар мавқенини нафақат Европа Иттифоқи, қолаверса бутун Жаҳон миқёсида, teng ҳуқуқли таълим хизмати бозориди мустаҳкамланишига замин яратади.

Рўзиев А.С.*

ЙИРИК МАСШТАБЛИ ТОПОГРАФИК СЪЁМКАЛАРНИНГ ПЛАНЛИ АНИҚЛИГИ ТЎҒРИСИДА

Аннотация: Курилган ва қурилмаган худудлар съёмкаларида планда контур нуқталарнинг ўрнидаги ўрта квадратик хатоликни аниқлаш бўйича бажарилган тадқиқот натижалари келтирилган. Топографик съёмкалар аниқлигини ошириш имконини берувчи замонавий электрон-ракамли технологиялар ва дастурий таъминотлар имкониятлари кўриб чиқилган.

Калим сўзлар: топографик съёмка, планли аниқлик, ўрта квадратик хато, топографик план.

О плановой точности крупномасштабных топографических съёмок

Аннотация: Приведены результаты исследований, выполненных по определению средней квадратической ошибки положения контурной точки на плане при съёмке застроенных и незастроенных территорий. Рассмотрены возможности использования современных электронно-цифровых технологий и программных обеспечений дающие возможность повышения точности топографических съёмок.

Ключевые слова: топографическая съёмка, плановое точность, средняя квадратическая ошибка, топографический план.

About the horizontal accuracy large-scale topographic surveying

Summary: The results of studies performed to determine the position of the mean square error of contour points on the plane when shooting built and unbuilt areas. Considered the possibility of using modern digital electronic technology and software making it possible to improve the accuracy of topographical surveying.

¹ Рўзиев Азизжон Савриддинович – Ўзбекистон Миллий университети Геодезия, картография ва кадастр кафедраси катта илмий ходим-изланувчиси.

Key words: topographic survey, horizontal accuracy, mean square error, topographical plan

Йўриқнома талабларига мувофиқ топографик съёмкаларнинг планли аниқлиги яқин жойлашган съёмка асос нуқталарига нисбатан жой предмети ва контурларининг пландаги ўрта хатоси ёки яқин жойлашган контур нуқталарининг пландаги ўзаро ўрнининг хатолиги билан аниқланади, яъни планнинг аниқлиги яқин жойлашган контурларни ўзаро жойлашишидаги хатолиги ва пунктлар координаталарини топиш аниқлиги билан тавсифланади.

Контурлар одатда икки тоифага [2] бўлинади: аниқ ва ноаниқ. Аниқ контурларга ташқи кўриниши аниқ ифодаланган бино элементлари ва жой предметлари таалуқлидир. Уларга биноларнинг бурчаклари, чегаралар ва бошқа шу кабилар киради. Контурларни ажратишда асосий мезон бўлиб уларнинг мухимлиги, жойда сакланиши ва келажакда фойдаланиш имкониятларини инобатга олиш ҳисобланади.

Маълумки барча лойиҳалаш ишлари оригинал (асл) план ва карталарда эмас, балки уларнинг нусхаларида олиб борилади, шу боис лойиҳалаш мақсадларида нусхаларни тайёрлаш учун план ва карталарнинг аниқлигига аҳамият берилади. Курилмаган худудларда саноат корхоналари ва ахоли яшаш жойларини лойиҳалаш талабаларини қаноатлантириш учун план нусхасида аниқ контурлар съёмка асоси пунктларига нисбатан 0,8-1,0 мм дан кўп бўлмаган хатолик билан чизилиши керак.

Курилган худудлар съёмкасида эса контурларнинг ўзаро жойлашишидаги ўрта квадратик хатоси 0,4 мм дан ошмаслиги талаб қилинади. Контур чизиқларини тўғрилаш 0,2 мм аниқлик билан амалга оширилиши, аниқ контурларни чизиш хатоси 0,8 мм дан, аниқ бўлмаган контурларни чизиш хатоси эса 1,0-1,5 мм дан ошмаслиги керак.

Кўп сонли тадқиқотлар шуни кўрсатди, контур нуқтаси ўрнининг аниқлигига дала ва камерал тавсифга эга хатоликлар таъсир қиласи. Контурларни далада аниқлаш хатоси планли геодезик асос пунктларини аниқлаш хатоси ($0,1\text{мм}\cdot M$, – съёмка масштаби маҳражи), масштаб ва съёмка усулига боғлиқ съёмка асоси пунктлари хатосидан келиб чиқади. Пунктлар ўрнининг аниқлигига таъсир қилувчи камерал ишлар хатоси асл планни тузиш хатоси ва топографик асос аниқлигига боғлиқ. Асл планни тузиш хатосига куйидаги хатоликлар таъсир қиласи: координаталар тўрини қуриш, асос пунктлари ва аниқ контур нуқталарини координаталар бўйича тушириш, контурларини ўлчангандан қийматлар бўйича бевосита тушириш, планни чизиш ва қоғоз деформацияси. Демак, топографик план аниқлигини тузиш хатоси асосан график чизиш хатосига боғлиқ бўлиб (координата ўқи бўйича кесимларни тушириш хатоси 0,08 мм га тенг), у 0,2 мм ни ташкил қиласи. Топографик асос аниқлигига эса нусхалаш, чизишдаги хатоликлар ҳамда нусхани деформацияси таъсир қиласи.

Планда контур нуқталари ўрнининг ўрта квадратик хатолигини аниқлаш бўйича В.В. Шлопак томонидан бажарилган тадқиқот натижалари қуйидаги жадвалда келтирилади [1].

Жадвал

Топографик планларда контур нуқталари ўрнининг ўрта квадратик хатоликлари

Съёмка масштаби	Планда контур нуқталари ўрнининг ўрта квадратик хатоликлари, мм									
	Курилган худудларда						Курилмаган худудларда			
	m_1	m_2	m_3	m_4	m_5		m_1	m_2	m_3	m_4
асл (оригинал)					асл	нусха				
1:5000	-	-	-	-			0,05	0,11	0,27	0,35
1:2000	0,06	0,12	0,25	0,35	0,22	0,31	0,08	0,13	0,28	0,36
1:1000	0,08	0,16	0,26	0,36	0,27	0,41	0,12	0,16	0,30	0,38
1:500	0,10	0,14	0,26	0,37	0,36	0,56	0,20	0,20	0,32	0,39

Жадвалдаги элементлар: m_1 – съёмка тармоғи пунктларига нисбатан контур нүқталари ўрнининг ўрта квадратик хатолиги; m_2 – дала ўлчаш хатолари ҳисобга олинган контур нүқталари ўрнининг ўрта квадратик хатолиги; m_3 – асл планда контур нүқталари ўрнининг ўрта квадратик хатолиги (дала ўлчашлари ва асл планни тузиш хатоси ҳисобга олинган); m_4 – топографик асосда контур нүқталари ўрнининг ўрта квадратик хатолиги; m_5 - далада аниқланган ва планда топилган нүқталар координаталарини таққослаш йўли билан олинган контур нүқталари ўрнининг ўрта квадратик хатолигини ифодалайди.

1:5000-1:500 масштабларда шахарлар топографик планларини тузишда график чизишлар аниқлиги планда ўлчангандан ва дала ўлчаш натижалари бўйича ҳисобланган нүқталар координаталарини таққослаш йўли билан аниқланиши мумкин. Анъанавий асбоблар ёрдамида бажариладиган съёмкалар учун бундай тадқиқотлар етарлича амалга оширилган.

Л.Я.Кельман тадқиқотларига кўра геодезик асос пунктларига нисбатан пландаги контур нүқталари ўрнининг хатолиги 1:500 масштаб учун 0,2 м дан (планда 0,4 мм) ошмаслиги, ўзаро яқин жойлашган нүқталар ўрнининг хатолиги эса 0,16 м (планда 0,32 мм) дан ошмаслиги зарур [1]. Бироқ, амалиёт натижалари бошланғич пунктларга нисбатан ҳам ўзаро яқин жойлашган контур нүқталари ўрнининг хатолиги йўриқномада кўрсатилган меъёрларга қараганда бир мунча катта эканлигини кўрсатди. Масалан, контур нүқталари ўрнининг хатолиги 0,46 м ёки планда 0,9 мм ва 0,54 м ёки нусхада 1 мм дан ошмаган, съёмка асоси пунктлари ўрнининг ўрта квадратик хатолиги эса 0,33 м (планда 0,66 мм) дан кўп бўлмаган. Бу таянч пунктлари сонининг етарли эмаслигидан далолат беради. [1]га кўра съёмка асос пунктлари ўрнининг хатолиги фақат дала ўлчаш натижалари бўйича 0,25 м (0,5 мм) га teng деб олинган. Бу қиймат амалга оширилган съёмка аниқлиги, шунингдек, лойихалаш жараёнида бажарилган ушбу топографик асос аниқлиги билан тавсифланади. Ўзаро яқин жойлашган контур нүқталари ўрнининг хатолиги 0,15 мм ни ташкил қиласди.

Планларни тузишда, айниқса 1:1000 ва 1:500 масштабларда, планга нүқталар ва контурларни туширишнинг график аниқлик имкониятидан тўлалигича фойдаланилмайди ва бу эса планлар аниқлигининг пасайишига олиб келади. Турли усууллар билан контурларни тушириш аниқлигининг пасайиши контурларни тўғрилаш (тузатиш) натижасида содир бўлади, шу сабабли аниқликни ошириш учун график ишларни такомиллаштириш зарурати туғилади.

Маълумки йирик масштабли съёмкаларда нүқталар планли ўрнининг аниқлигини нүқталарнинг ҳақиқий ўрнидан планда уни силжиши, яъни дала ўлчашлари (ҳақиқий қиймат деб қабул қилинган) натижасида ҳамда пландан олинган координаталар орасидаги фарқ Δx ва Δy билан тавсифлаш мумкин. Δx ва Δy фарқлар топографик планни тузишда график тузиш хатоларига, пландаги ўлчаш хатоларига, қофоз деформациясига, план масштаби ва бошқа омилларга боғлиқ. Пункт ўрнининг ўрта квадратик хатосини куйидаги формула билан аниқлаш мумкин

$$M^2 = m_x^2 + m_y^2,$$

бу ерда, M^2 – дисперсия, яъни оғишиш (четга чиқиши) квадратининг математик кутилиши $M(\Delta^2) = 2m^2$ ёки $M = m\sqrt{2}$, пунктнинг ўлчангандан ўрнининг ҳақиқийсига нисбатан ёйилиш даражаси билан тавсифланувчи: m_x ва m_y – x ва y координаталарнинг ўрта квадратик хатоси.

Бугунги кунда йирик масштабли съёмкаларни бажаришда замонавий геодезик асбоб ва технологияларнинг қўлланилиши контур нүқталари ўрнидаги аниқликка таъсир

қилувчи камерал тавсифдаги, яъни координаталар тўрини қуриш, асос пунктларини ва аниқ контурларини координатага бўйича тушириш, контурларини ўлчангандан қийматлар бўйича бевосита тушириш, планни чизиш ва қофоз деформацияси хатоликлар таъсирини бартараф этишга имкон берди.

Съёмка электрон тахеометрларда бажарилганда, бунда барча контур ва рельеф нуқталарининг ўрнини ифодаловчи координаталар ва баландликлар съёмка асоси нуқталарига нисбатан асбобда ўрнатилган дастур таъминоти ёрдамида аниқлаб топилади ва асбоб хотирасига сақланиб боради. Олинган ўчаш натижалари электрон тахеометрдан персонал компьютерга кўчирилади ва маҳсус дастурий таъминотлар (CREDO, Auto CAD) ёрдамида ишлаб чиқилади. Съёмка асоси нуқталари тенглаштирилади, барча тафсилотли нуқталар ўрни тенглаштирилган съёмка асоси нуқталари ўрнига нисбатан автоматик тарзда қайта хисобланади. Тафсилотли нуқталар аниқланган координатага қийматлари бўйича ўз ўрнини топади.

График ишларнинг маҳсус дастурий таъминотларда бажарилиши топографик съёмкаларнинг планли аниқлигини ошириш имкониятларини беради. Шундай бўлишига қарамай, замонавий асбоблар ёрдамида амалга ошириладиган съёмкалар планли аниқлигини баҳолаш учун дала ўлчаш ишлари бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш ва съёмкалар аниқлигини илмий асослаш бугунги кунда долзарб масалалардан бири хисобланади.

Адабиётлар:

1. Баканова В.В. Крупномасштабные топографические съёмки. - М., Недра, 1983. - 182 с.
2. Фокин Е.И. К вопросу о точности изображения предметов и контуров местности на планах. – Геодезия и картография, 1974. - №6, с.48.

Юбилярни қутлаймиз!

**География фанлари номзоди, доцент
Камолжон Қурбонов - 80 ёшда**

1936 йили Жиззах тумани Оққўрғонлик маҳалласида таваллуд топган. 1955 йилда Жиззах тумани 8-ўрта мактабни тугатган. 1958 йилда Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институти (ҳозирги ТДПУ) Табиёт-география факультетига ўқишига кириб, уни 1963 йили география мутахассислиги бўйича битирган. Илмга қизиққан К.Қурбонов 1965 йили Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг аспирантурасига ўқишига киради. Аспирантуруни тугатиб, Ўзбекистон Фанлар Академияси хузуридаги География бўлимида кичик илмий ходим лавозимида иш фаолиятини бошлайди.

География фанлари доктори, профессор О.К.Замков илмий раҳбарлигига 1980 йили Боку шаҳрида Озарбайжон Фанлар Академияси География институти хузуридаги Ихтисослашган Кенгашда “Қишлоқ хўжалигини худудий жойлаштириш муаммолари (Мирзачўл ва Жиззах чўллари мисолида)” мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилиб, география фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган. 1980 йилдан 1995 йилгacha Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси қошидаги География бўлимида катта илмий ходим лавозимида ишлади.

1996 йилдан буён, доц. К.Қурбоновнинг илмий-педагогик фаолияти Жиззах давлат педагогика институти билан боғлиқ. 2002-2009 йиллар давомида у Минтақавий география ва уни ўқитиши услубияти кафедрасини бошқарди. Олимнинг 250 ортиқ илмий-услубий мақолалари ва “Қишлоқ хўжалигини худудий жойлаштириш муаммолари (Мирзачўл ва Жиззах чўллари мисолида)” ҳамда “Ўзбекистонда чўлланиш ҳодисаси ва унга қарши кураш” номли монографиялари (ҳаммуаллифликда) чоп этилган.

География фанлари номзоди, доцент К.Қурбонов моҳир педагог сифатида ёшларга салкам 60 йилдан буён таълим-тарбия бериб келмоқда. Бундан ташкири, у 2005-2011 йиллари давомида Зомин миллий табиат боғининг илмий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимида ҳам фаолият кўрсатган. Доцент К.Қурбонов кўп йиллик самарали меҳнатлари учун, 2002 йили Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси унвонига сазовор бўлган. 2003 йили Меҳнат фахрийси медали билан тақдирланди.

Ўзбекистон География жамияти раёсати

Юбилярни қутлаймиз!**БАХРИТДИНОВ БАХОДИР АРИПОВИЧ – 75 ЁШДА**

География фанлари доктори, профессор Баходир Бахритдинов Арипович 1941 йил 1 июнда Тошкент шаҳрида зиёлилар оиласида таваллуд топди. У 1958 йили Шайхонтоҳур туманидаги 75-сонли ўрта мактабни аъло баҳолар билан тугатди. 1959 йили ҳозирги Ўзбекистон Миллий Университетининг “География” факультетига ўқишига кирди. 1964 йили университетни имтиёзли диплом билан битириб, География факультети қошидаги “География” илмий-тадқиқот бўлимига ишга қабул қилинди. 1969 йили Москва шаҳридаги Собиқ Иттифоқ Фанлар Академиясининг География институтига “Табиий география” мутахассислиги бўйича мақсадли аспирантурага ўқишига кирди. 1972 йили География институти қошидаги Ихтисослашган кенгашда профессорлар С.В.Зонн ва И.Н.Степанов раҳбарлигига “Чотқол тизмаси ландшафтларининг гидротермик ва биологик режими” мавзусида номзодлик диссертасиясини ҳимоя қилди.

1973 йилдан ҳозирги давргача Б.А.Бахритдиновнинг илмий фаолияти Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Сейсмология Институти қошидаги География бўлими билан чамбарчас боғлиқ. Б.А.Бахритдинов ўзининг илмий фаолиятида табиий географиянинг муҳим йўналишларидан бири бўлган “Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишнинг табиий географик асослари” бўйича шуғулланиб келди ва келмоқда. 1986 йили география фанлари доктори А.К.Ўразбоев билан ҳамкорликда профессор И.Н.Степанов раҳбарлигига “Амударё дельтасининг йирик масштабли рельеф пластикаси картасининг мелиорациядаги роли” илмий тадқиқотлари билан Москва шаҳрида Халқ ҳўжалигининг ютуқлари кўргазмасида қатнашиб, бронза медалини олишга сазовор бўлди.

Б.А.Бахритдинов табиий географиядаги “Табиатнинг нодир ёдгорликларини текширишнинг ва улардан оқилона фойдаланишнинг табиий географик асослари” йўналишига асос солди ва мана шу илмий изланишларининг натижаси 1995 йили Ашҳобод шаҳрида ҳимоя қилинган “Ўзбекистоннинг ноёб табиат ёдгорликлари” мавзусидаги докторлик диссертасиясида ўз аксини топди. Б.А.Бахритдинов узоқ йиллар давомида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетидаги профессор лавозимида фаолият кўрсатди. Муаллиф томонидан 2 та монография, профессор Э.И.Чембарисов билан ҳаммуаллифликда 4 та дарслик ва ўкув қўлланма, 6 та илмий-оммабоп рисола, 100 ортиқ илмий мақолалар чоп этилган. Б.А.Бахритдинов раҳбарлигига 1 та география фанлари доктори ва 2 та иқтисод фанлари номзоди ҳимоя қилинди. Ҳозирги вақтда Б.А.Бахритдинов “ЎЗГИДРОМЕТ”нинг Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти (ГМИТИ) қошидаги Ихтисослашган кенгаш аъзоси.

Ўзбекистон география жамияти Баҳодир Бахритдиновни 75 йиллик таваллуди ва 55 йиллик илмий-педагогик фаолияти билан муборакбод этар экан, унга сиҳат-саломатлик, узоқ, сермазмун ва жўшқин ҳаёт фаолиятини тилаб қолади.

Ўзбекистон География жамияти раёсати

Хотира**Ибодулла Ихлосовни хотирлаб**

Геодезия, картография ва кадастр соҳасида таниқли ва тажрибали мутахассис ва амалиётчи олим Ибодулла Ихлосов 2015 йил 20 декабрда бевақт вафот этди.

Ихлосов Ибодулла 3 май 1951 йилда Самарқанд вилояти Пойариқ туманинг Охунбобоев қишлоғида туғилган. 1968 йили Муқимий номидаги 46-сонли ўрта мактабни олтин медалга тугатган. 1968 - 1973 йилларда Тошкент қурилиш техникумидаги “Саноат ва граждан қурилиши” мутахассислиги бўйича таҳсил олиб, йўлланма асосида “Узгипротяжпром” лойиҳалаш институтида муҳандис-конструктор лавозимида ишлаган. 1972-1978 йилларда Абу Райхон Беруний номидаги Тошкент давлат политехника институтини “Саноат ва граждан қурилиши” мутахассислиги бўйича тугатди. У 1979 - 2000 йилларда Тошкент қурилиш техникумидаги ўқитувчи, катта ўқитувчи ва ўқув ишлари бўйича директор йуринbosари лавозимларида фаолият юритди.



Алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда кадастр соҳасининг ривожланишида устознинг хизматлари жуда катта. Бинобарин, 2000-2005 йилларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси ҳузуридаги “Ергеодезкадастр” давлат кўмитаси тасарруфидаги Республика кўчмас мулк давлат кадастри хизмати бош муҳандиси, 2005 - 2008 йилларда ушбу кўмитанинг давлат кадастр бошқармаси тасарруфидаги “Бино ва иншоотлар давлат кадастри” бўлимида дастлаб бош мутахассис, сўнгра бўлим бошлиғи лавозимларида ишлади. У бу лавозимларда ишлаган вақтида кўчмас мулк кадастрига оид барча зарур норматив-хуқукий хужжатларни ишлаб чиқишида ва амалиётга жорий этишида фаол иштирок этди. Хизмат сафари билан 10 дан ортиқ мамлакатда, жумладан АҚШ, Англия, Германия, Польша, Ҳиндистонда бўлган.

И. Ихлосов 2008-2011 йилларда Геодезия ва картография Миллий маркази қошидаги “Ергеодезкадастр” давлат кўмитаси тармоқ ўқув-методика маркази” мудири лавозимида ишлади ва кадрлар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишларига алоҳида эътибор қаратди. 2011 йилда у Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг Геодезия, картография ва кадастр кафедрасига катта ўқитувчи лавозимига ишга келиб, умрининг охиригача шу ерда фаолият олиб борди. Бунда устоз Геодезия, картография ва кадастр йўналиши ўқув режасида кўрсатилган “Давлат кадастрлари асоси”, “Кўчмас мулк кадастри”, ва “Кўчмас мулкни баҳолаш” фанларининг намунавий дастурлари ва ўқув - услугбий мажмуналарни замонавий талаблар даражасида ишлаб чиқди. 5311500-Геодезия, картография ва кадастр бакалавриатура таълим йўналиши талабалари учун кадастр мавзуси бўйича битирув малакавий ишлари учун услугбий кўрсатмалар ҳамда ушбу йўналишнинг 4-курс талабалари учун ишлаб чиқариш ва битирув малакавий иши олди амалиётлари дастурини қайта ишлаб чиқди. Педагогик фаолияти даврида у ўз соҳасида чуқур назарий билим ва амалий тажрибага эга педагог сифатида ёш ўқитувчиларга намуна бўлди. Айниқса, домланинг маъруза ўқищдаги ва амалий, лаборатория машғулотларини олиб боришдаги маҳоратлари, талабаларга ўта талабчанликлари ва кези келганда меҳрибонликлари, жонкуярликлари, талабалар билимини холисона баҳолашлари биз, унинг ҳамкаслари ва кўп сонли шогирдлари хотирасида сўнмас из қолдирди. Устоз, ниҳоятда ўйлаб иш қиладиган, оиласларига, ёру биродарларига, ёшларга ғамхўр, педагоглик бурчи, маданияти ва масъулиятини юксак даражада хис этувчи инсон эди. Домланинг Ўзбекистонда илк бор ўзбек тилида ёзилган “Давлат кадастрлари асоси” ўқув қўлланмалари яқинда босмадан чиқади ва бу улардан қимматли ёдгорлик хисобланади.

И. Ихлосов намунали оила бошлиғи, у турмуш ўртоғи билан 3 нафар фарзандни тарбиялаб уларни олий маълумотли қилди.

Камтарин инсон, фикран теран педагог, кадастр соҳасининг улкан билимдони Ибодулла Ихлосовнинг порлоқ хотираси доимо қалбимизда сақланиб қолади.

Устознинг охиратлари обод бўлсин!

Ўзбекистон География жамияти раёсати

МУНДАРИЖА:

Назаров М.И. Таниқли олим ва табаррук устоз Абдусами Солиев ҳақида хотира.....	4
Хорижий ҳамкасларнинг профессор Абдусами Солиевнинг вафотига билдирган таъзияномалари.....	7
Федорко В.Н. Профессор Абдусами Салиевич Салиев в истории науки и в нашей памяти.....	13
Солиев А., Курбанов Ш. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иктисодий ривожланишининг баъзи бир масалалари.....	19
Назаров И.К., Обидов У., Ҳалимова Г.С. География фанининг методологик асослари.....	26
Абдулқосимов А.А., Аббосов С.Б., Давронов К.Қ. Қизилқумнинг паст тоғ арид ландшафтлари ва уларнинг барқарор ривожланиши.....	30
Ҳолиқулов Ш.Т. Маданий ландшафтларнинг техноген ифлосланиши (Самарқанд кимё комбинати мисолида).....	34
Уразбаев А.К. Табиий географиядаги табиат зоналари ҳақида таълимот ва унинг фанда тутгун ўрни.....	37
Рахматуллаев А. Самарқанд шаҳрининг турли баландликларида шамол тезлигидаги фарқлар.....	41
Абдуназоров У.К., Крахмаль К.А., Эгамбердиев А.Э. Этапы развития природы в четвертичном периоде на территории Узбекистана.....	45
Шарипов Ш.М., Шамуратова Н.Т., Абдуллаев И.Х. Тошкент вилоятининг ландшафт тузилмаси.....	48
Ибрагимова Р.А. Регионал табиий географик тадқиқотларни амалга ошириш масалалари.....	53
Баратов П., Хидиров М.Ш., Аллаёрөв Р.Х. Қашқадарё вилояти қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланиши ва самарадорлигини оширишининг айрим масалалари.....	56
Ходжиматов А.Н., Холмуродов Ш.А., Шахзадова Г.А. Ихтиологияни география билан боғлай олган буюк олим.....	59
Холиков Р., Абдурахмонов Д., Хасанова М. Тупроқни ҳосил бўлиши ва ҳудудий тарқалишига таъсир этувчи омиллар (Жанубий Фарғона мисолида).....	62
Тошибоеv З.М., Зикиров Б.Я., Қаюмова Ш.Н. Зарафшон тогоралиги ботиги табиатининг географик ўрганиши тарихи.....	65
Джўрабоеva X. Моддий этноэкологик маданиятнинг ҳудудий жиҳатлари ва уни географик ўрганиши.....	69
Федорко В.Н., Курбанов Ш.Б. Типология низовых административных районов Узбекистана по формам сельского расселения	72
Азимов Ш.А. Ҳудудий барқарор ривожланиши стратегияларини ишлаб чиқишнинг методологик жиҳатлари.....	80
Комилова Н.Қ. Ҳулқ-атвор географиясининг айрим масалалари.....	83
Янчук С.Л. Некоторые вопросы географического исследования стихийных бедствий.....	86
Жумаханов Ш. З. Фарғона водийси чегара ҳудуди муаммолари.....	89
Тожиева З.Н., Позилова У.К. Тошкент шаҳри аҳолисининг тақрор барто бўлиши...	93
Мирзаахмедов Х.С. “Ангрен” маҳсус индустриал зонасини ташкил этиши омиллари ва имкониятлари тўғрисида.....	96
Абдалова З.Т., Рафиев А.А. Миллий иқтисодиётнинг ҳудудий мувозанатлилигини таъминлашда ўсиш нуқталарини шаклантиришининг назарий ва амалий масалалари.....	98
Равшанов А.Х. Навоий вилоятида вужудга келган нозогеографик вазият.....	103
Эгамбердиева М.М. Пойтахт шаҳарлар иқтисодий географик тадқиқот объекти	

<i>сифатида.....</i>	107
Ражабов Ф.Т. Кичик ҳудудларда фермер хўжаликларининг шаклланиши хусусиятлари (<i>Шахрисабз тумани мисолида</i>).....	110
Халмирзаев А.А, Эгамбердиева У.Т. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожланишини ҳудудий жиҳатлари.....	114
Рўзметов Д.Р. Ўзбекистон аҳолисининг табиий ҳаракати ва ижтиомий ривожланишининг айрим жиҳатлари.....	117
Усмонов М.Р., Абдуназоров X., Сатторов А. Сурхондарё вилоятида туризмни ривожлантириши истиқболлари.....	120
Гопиров М.О. Современное состояние и сдвиги в географии мировой автомобильной промышленности.....	123
Темиров З.А., Қодиров Р.Б., Пайзуллаев М.А. Фарғона водийси аҳолиси динамикаси ва унга хос хусусиятлар.....	127
Мирақмалов М.Т., Авезов М.М. Бухоро вилоятидаги хорологик ва хронологик ойконимлар.....	131
Низомов А. Беруний таҳаллусининг топономик таҳлили.....	134
Ҳакимов Қ.М., Қурбонов К., Камолов Э. Антропонимлар ва уларнинг ҳудудий тафовутлари ҳақида.....	138
Уринбаева Ф.Б., Баллиева Р. Қорақалпогистон Республикаси топонимларининг географик жиҳатдан тадқиқ қилиниши.....	141
Мосин В.П. Некоторые методические вопросы использования технологии проблемного обучения в преподавании географии в средней школе.....	144
Никадамбаева Х.Б., Саипов У. Эффективное использование базы данных субд access в преподавании географии.....	147
Ибрагимова Р.А., Ибраимова А.А. “Дунё сиёсий ҳаритаси” мавзуси билан боғлиқ амалий машгулотларни ташкил этиши.....	152
Ҳикматов Ф., Ҳайдаров С.А., Эрлапасов Н.Б. Зарафшон ҳавзаси дарёлари сув ресурсларини сув хўжалиги мақсадларида баҳолаши.....	156
Трофимов Г.Н., Исакова А.Я. Расчет эмпирической обеспеченности максимальных расходов селевых паводков на малых реках Узбекистана.....	160
Сагдеев Н.З., Артыкова Ф.Я., Хамзаева Ж.Т. К вопросу оценки морфометрических характеристик каналов Бозсу и Салар.....	166
Камолов Б.А., Солиев И.Р. Жанубий Фарғона ер ости сувларининг глобал иқлим исишига реакцияси.....	169
Абдуллаев А. Қ., Сулаймонова Н.Н. Қизилқум чўлидаги асосий яйлов ўсимликларининг турли фенологик фазаларга кириши муддатларини агрометеорологик баҳоратлаши.....	173
Холматжанов Б.М. Изменение режима атмосферных осадков и влажности воздуха Ташкентского вилоята под влиянием региональной циркуляции атмосферы.....	178
Зияев Р.Р., Ҳайдарова О.А., Довулов Н.Л. Зарафшон дарёсининг тўлинсув даври оқими кўрсаткичлари ҳақида.....	184
Сафаров Э.Ю., Эгамбердиев А. Ўзбекистон Республикаси ва Европа иттилоғи ўртасида таълим соҳасидаги ҳамкорлик ҳақида.....	187
Рўзиев А.С. Йирик масштабли топографик съёмкаларнинг планли аниқлиги тўғрисида.....	190
География фанлари номзоди, доцент Камолжон Қурбонов - 80 ёшда.....	194
Бахритдинов Баходир Арипович – 75 ёшда.....	195
Ибодулла Ихлосовни хотирлаб.....	196